

**Мирмаҳмуд МИРСАЙДУЛЛАЕВ**

**БОБУРНИНГ КАСАЛЛИК  
ТАРИХИ**

**ИСТОРИЯ БОЛЬЕЗНИ БАБУРА**

**THE HISTORI OF ILLNESS  
OF BABUR**

**Тошкент  
“MUMTOZ SO‘Z”  
2013**

**УДК 894.375 (Бобур)  
КБК 63.3(5Ў)**

*Олий тоифали кардиолог, тиббиёт фанлари доктори Мирмаҳмуд Мирсайдуллаевнинг ушбу рисоласида Захиддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ муҳим воқеалар, унинг табиати, наботот оламига бўлган муносабати, кишиларни соглом турмуши тарзида яшаши чорлаши каби масалалар ҳақида мушоҳада юритилган. Шунингдек, китобда, асосан, тарихий манбалар ва замонавий тиббиёт нуқтаи назаридан илк бор Бобурнинг касаллик тарихи ҳақида маълумот берилган.*

*Рисола тарихчилар, филологлар, тиббиёт ходимлари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.*

**Масъул муҳаррир – Неъматулла Отажонов**  
филология фанлари доктори, профессор

**Такризчилар – Неъматжон Мамасолиев,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Носиржон Улуков,**  
филология фанлари доктори, профессор

**63.3(5Ў)**

**M-53**

**Мирсайдуллаев, Мирмаҳмуд.**

Бобурнинг касаллик тарихи / Мирмаҳмуд Мирсайдуллаев; масъул муҳаррир Неъматулла Отажонов. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2013. – 176 б.

**УДК 894.375 (Бобур)  
КБК 63.3(5Ў)**

ISBN 978-9943-398-825

© Мирмаҳмуд Мирсайдуллаев, 2013  
© “MUMTOZ SO'Z”, 2013

## МУАЛЛИФДАН

Ўзбекистоннинг истиқлолга эришиши мамлакатимизда миллий қадриятларни холис ва илмий ўрганиш, уларни тадқиқ этиб, чанқоқ ўқувчиларга етказиш баҳтига мұяссар бўлишимизга сабаб бўлди. Шундай буюк алломаларнинг бири, тарихчи, адиб, шоир, адабиёт-шунос ва “Бобурнома”да 30 дан ортиқ фанларга оид юксак даражадаги илмий маълумот берган муаллиф, айни пайтда, подшоҳ, саркарда, давлат ва жамоат арбоби Захириддин Мухаммад Бобурдир.

Бобур ижодини ўрганиш мустақилликка эришгандан кейин юксак поғонага кўтарилиди. Бунга Президент Ислом Каримовнинг алоҳида аҳамиятга молик қўйидаги фикрлари диққатга молик: “**Захириддин Мухаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансан арзиди. Ўзбек халқининг довруғини дунёга таратган улуғ аждодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади...** Бобур Мирзо номи билан аталмий Миллий боғнинг, шоир рамзий мақбараси ҳамда “**Бобур ва жаҳон маданияти**” музейининг барпо этилиши – халқимиз тарихида янги, озодлик замонига қадам қўйилганидан яхши бир муждадир. Захириддин Мухаммад Бобур каби мумтоз инсонларни дунёга берган халқ ҳеч қачон хор бўлмайди, муқаррар тарзда саодатга эришади. Қадимий Андижон аҳлининг бу каби савобли ишлари кўпайсин ва бошқа ватандошларимизга ибрат бўлсин. **Бобур Мирзо бобомизнинг сиймосини абдийлаштиришга кўл урган инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман**”<sup>1</sup>.

Биз бу мўъжазгина китобимизда имкон қадар қисқа тарзда буюк шахснинг табиат ва наботот оламига бўлган муносабати, исломий ақидаларни мукаммал билиши, инсонларни соғлом турмуш тарзида яшашга чорлаши каби хайрли ишлари ва касаллик тарихи ҳақида маълумот беришга интилдик. Ҳозир ватанимизда Бобур ва

<sup>1</sup> Бобур ва Бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида туттган ўрни / Халқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент: Фан, 2005. Б. 5-6.

унинг жаҳон бўйлаб шуҳратини билтмайдиган киши топилмаса керак. Шу билан бирга ҳозирги кунгача улуғ адиб таржимаи ҳоли, ҳаёти ҳақида талайгина ҳанузгача ўрганилмаган жиҳатлар борки, эндиликда уларни тадқиқ этиб, талабчан муҳлисларга етказиш вакти келди.

Шундай илмий ҳаракатлардан бири Заҳириддин Бобурнинг ҳаёти давомида бошидан ўтказган касалликлари, заҳарланиши ва ўлимига сабаб бўлган ҳолатлар, унинг сабабларини бугунги кун ўқувчиси аниқ тасаввур қилиши учун замонавий тиббий ташхисини белгилаш ва тақдим этишни лозим деб билдик. Бу мавзуу фақатгина Бобур шахсияти муҳлислари учун эмас, биз учун ҳам Ғарб мутахассислари учун ҳам жумбок бўлиб келаётгани. адиб беморлигининг тарихи изчил ўрганилмаганлиги сабабли дастлабки марта бу ишга қўл урдик.

Ушбу ишни якунига етказишга бизга бевосита ҳамкорлик қилган, қимматли маслаҳатларини дариг тутмаган устозларимиз филология фанлари доктори, профессорлар Ҳасан Қудратуллаев, Махмуд Ҳасаний, Неъматулла Отажонов, тиббиёт фанлари доктори, профессор Неъматжон Мамасолиев, филология фанлари номзоди, доцент Дилдора Ҳошимова, олий тоифали фтизиатор – пульмонолог Собир Пўлатов, олий тоифали ЛОР шифокор Тожиддин Жалолиддинов, тиббиёт фанлари номзоди Зокиржон Абидов, тиббиёт фанлари номзоди Алишер Қаҳхоров, олий тоифали травматолог Неъматжон Юсупов, олий тоифали невролог Баҳодир Султанов, токсиколог Улутбек Фофуржанов ва бошқа мутахассисларга самимий миннатдорчилик билдирамиз.

Ушбу китобни падари бузургворим Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тиббиёт ходими, соғлиқни саклаш аълочиси ва курортология соҳаси аълочиси, бир неча орден ва медаллар соҳиби, меҳнат фаолиятини Наманган вилояти туман ва шаҳар шифохоналарида бош шифокор, шаҳар соғлиқни саклаш бошқармаси бошлиғи, “Чорток” сиҳатгоҳи бош шифокори бўлиб хизмат қилган, **Мирсайдуллаев Миршоҳид ҳожига бағишилайман.**

## Сўзбоши ўрнида

Мана беш асрдан ортиқ вақтки, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди жаҳон афкор оммаси: тарихчилар, адабиётшунослар, этнограф ва географлар, хуллас, ўттиздан ортиқ фан соҳаси олимларининг дикқатини ўзига ром этиб келмоқда. Бу қизиқишилар натижасида жуда кўп илмий ишлар яратилди, бу ишларнинг айрим баҳсли томонлари ҳозир ҳам Ғарб ва Шарқ олимларининг торгишувига сабаб бўлмоқда ва буларнинг ҳаммаси асослидир. Бобур 47 йил умр кўрган бўлса ҳам ўзининг мураккаб, айни пайтда шу мураккаблик билан бобурийлар салтанатини яратган, ўзининг дилбар ғазаллари билан туркий адабиётнинг хазинасини бебаҳо гавҳарлар билан тўлдирган, “Бобурнома”дек наср тарихида жаҳон аҳлини лол қолдирган шоҳ асарни биз авлодларга тақдим этган, исломшунос олим сифатида “Мубаййин”ни яратиб, ислом дини асосларини баён этувчи, ўзбек тилининг шираси ва бойлигини тўлалигича акс этирувчи, диний ва бадиий адабиётнинг ёркин намунаси, “Аruz рисоласи” билан шеършунослик тарихига ҳайкал қўйган ва бошқа бундан кам бўлмаган ёзишмалари ҳам бу нодир шахснинг буюклигини исботлайди, кишини лол қолдиради.

Бобур ҳаётининг энг мураккаб томони – унинг қисқа умр кўргани ва шу қисқаликда, “Бобурнома”да ўзи таъкидлаганидек, бошидан ўтказган касалликни, охир-оқибат бу беморлик уни бу бевафо дунёдан нариги дунёга риҳлат этишига сабаб бўлганидир. Ҳозиргача дунё бобуршунослари унинг ҳаётига оид жуда кўп тадқиқот ишлари олиб борган бўлсалар ҳам, bemorliginining ambulator daramasidagi tadkiqini – kasalligi tariхи билан ҳамда ўша даврда шоҳ Бобурнинг шахсий табиби ташхиси ва буни Шарқ табобати ташхислари билан қиёси Ғарб олимлари ва Шарқ мутафаккир, бобуршунослари томонидан етарлигича тадқиқ этилмаган.

Ушбу масалага том маънода ойдинлик киритиш, дастлабки изланиш бўлганлиги боис бу мавзуни ўрганишга киришиш учун Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали, терапевтик блок раҳбари, олий тоифали кардиолог, тиббиёт фанлари доктори, Мирмаҳмуд Мирсайдуллаевнинг олиб борған бу тадқиқотини жасорат даражасида табриклиш мумкин. М.Мирсайдуллаев Бобур ижодининг чинакам мухлиси сифатида

анча йиллардан бери бу буюк шахс ҳёти ва ижоди билан жиддий шугулланиб келади. Бобурнинг ҳар бир ихлосмандида пайдо бўлганидек, Мирмаҳмудда ҳам бу алломанинг бунча кам умр кўргани, “Бобурнома”даги муаллифнинг икрори бўйича сурункали турли касалликлар билан бетоб бўлгани, аммо бу касалликнинг қайсиси доминантлик вазифасини адо этиб, Бобур умрига зомин бўлганлигини англаш ва аниқлаш, тинчлик бермай келган. Унинг тинмай изланишларидан кейин мазкур рисоланинг дунёга келиши, бизнинг назаримизда, ҳозиргача ўрганилмаган, сир бўлиб келаётган, турли тахминларга чорловчи, жавоби аниқ бўлмаган саволларга жавоб топганки, улар асосан қўйидагилардир:

- Бобурнинг “Бобурнома” асарининг 22 ўрнида қайд этилган касаллигига алоҳида ўша давр табибларининг ташхиси ва ҳозирги тиббиёт ташхиси билан қиёсан тадқиқ этилган; касалликнинг кечиши, давоси баён этилган, муаллифнинг шахсий хulosалари бугунги замонавий медицина ютуқлари заминида қўйидагича ўз ифодасини топган;
- Захириддин Бобур касаллигининг тўла ташхиси берилган ва ўлим сабаблари аниқланган;
- Ҳиндистонда Бобурга берилган заҳар таркиби, номланиши аниқланган ва таърифи берилган;
- Бобурнинг тўнғич ўғли Ҳумоюннинг жиддий бемор бўлиб қолганида унинг бехушлик сабаблари изоҳланган

Булардан ташқари Мирмаҳмуд ҳозиргача биз билмаган Бобур Мирзонинг қиличини, портретини, тангаси ва муҳрини дунё музейларидан топиб, аслият кўринишида чиздириб ясаттирди.

Мирмаҳмуд Мирсайдуллаевнинг “Бобурнинг касаллик тарихи” монографияси Бобур ҳаётини ўрганишда, bemorligi тарихини тадқиқ этишда дастлабки қадамдир. Шунга қарамасдан, бу монографияни яратган муаллифни табриклиш жоиз, чунки асар мутолаасидан биз факатгина Бобур bemorligi ҳакида эмас, ўша даврда аждодларимизнинг табобат усули, тарихи, ташхис қўйиш тарзи, таъбир жоиз бўлса, ўша даврда ҳам тез тиббий ёрдам кўрсатиш юксак йўлга қўйилганлигига оид мисоллардан хабар топганимиз муҳимдир. Бу манбалар мамлакатимиз тиббиёти тарихини ўрганишда ҳам аскотади.

*Ҳасан Кудратуллаев,  
филология фанлари доктори, профессор*

## **I боб. БИЗ БИЛГАН БОБУР МИРЗО**

Ўзбек адабиётининг ёркин сиймоларидан бири, Алишер Навоийдан сўнг мумтоз адабиётимизни наср, назм, адабиётшуносликнинг нодир намуналари билан бойитган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзидан буюк мерос қолдирди. Бобур томонидан қолдирган бебаҳо адабий, тарихий ва адабиётшунослик, ислом қоидаларига оид асарлар, айниқса, унинг “Бобурнома”си ҳозиргача ҳам кенг олимлар дикқатини ўзига тортиб келмоқда.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур давлат арбоби бўлиши билан бирга маданият, адабиёт ва тил соҳаларида ҳам замонасининг етук шахси сифатида дунё тарихидаги алломаларнинг энг пешқадамлари сафидан муносиб жой олди. Бобур асарлари тарихимиздан тортиб то тилимизгача бўлган сатрларни камраб олган туркий тилни мумтоз ҳолга келтирган улуг сиймолардан биридир. Унинг асарлари биргина Чигатой адабиётидагина эмас, балки бутун туркий хонлар адабиёти ва тилининг шоҳ асарларидандир.

Адабиётшунослигимизда ҳали “Бобурнома” муаллифининг реал ҳаётни тасвирлашдаги юксак адабий-эстетик қарашлари ҳам бадиий тасвир маҳорати деярли тадқиқ қилинмаган. Ўрта асрлар тарихий воқелигининг “Бобурнома”да нақадар аник акс этгани ва Бобурнинг адабий-эстетик қарашларига мос талқинини замондошли асарлари билан кенг миқёсда таққослаш орқали унинг юксак бадиий салоҳиятини ёритиш ҳам мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” қомусий асари мумтоз адабиётимизнинг энг нодир насрый намунаси сифатида ҳаётни ҳаққоний акс эттиргани, ўзига хос услуби билан алоҳида кадрлидир.

### **1.1. Бобур таржимаи ҳолига бир назар**

Тарих зарварагини кўздан кечирар эканмиз, бир асрда кўпи билан инсоният тарихида юксак из қолдирган, кейинги авлодларга ўзининг жамиятдаги мавқеи, қолдирган илмий, бадиий мероси билан ибрат бўла оладиган 5-6 нафар шахс дунёга келади. XV-XVI

аср ўзбек халқи, адабиёти, маңнавияти тарихида Алишер Навоий ва Захириддин Бобурни бемалол ана шундай шахслар силсиласига киритиш мүмкін.

Биз мазкур рисоламизда Захириддин Бобурнинг касаллиги тарихи ҳақида фикр юритар эканмиз, муҳтарам китобхонларга бу алломанинг ҳаёти ва ижодига ҳам мухтасар тўхталишни лозим билдиқ. Чунки Бобурнинг қисқа умридаги яшаш тарзи, одамларга бўлган муносабати, кишилардан камчилик излаш эмас, шу камчиликлари орқали бошқаларни тарбиялапни асос билган турмуши, аниқроғи, ҳаёт фалсафаси мана беш асрдирки замондошларимизга ибрат сабоғи бўлиб келмоқда. Биз бугун умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида таҳсил олаётган шогирдларимизга ҳам бу шахс ҳаётини ўрганишни, унинг фикрларидан маъни қидиришни ва амал қилишни, асарларини мутолаа этиб, ватанга муҳаббат, она замин қадрига етиш, мардлик, жасурлик ва аёл зотига эҳтиром дарсини англаб оламиз, ҳаётда ростгўй бўлиб, мушкулликларга тикка қараб яшашга одатланиш сабоғини ўзимизга сингдирашимиз. Бобур қисқа 47 йиллик умри давомида ана шундай инсоний хислатларга эришди, бир қатор ёшлиқ пайтидан бошлаб, умрининг охиригача касалликлар ва азиятларни жисмида кўтариб юрди, бобурийлар салтанатига асос солди, ўзидан буюк ном қолдирди, қатор асарлар яратиб, мумтоз адабиётимиз ганжинасини бебаҳо бойликлар билан тўлдирди.

У Шайбонийхон ва Фарғона бекларидан бири Аҳмад Танбал билан муҳораба ва урушлар олиб борди, аммо бу стратегик жиҳатдан муҳим, темурийлар салтанатининг фахри бўлган шаҳарни қўлда ушлаб тура олмади. Бобур ўзининг 250-300 нафар лашкари билан Ҳисор тоғлари орқали бугунги Афғонистон ҳудудига ўтиб, бу ердаги энг йирик шаҳарлар: Кобул ва Газнини эгаллади ҳамда марказлашган давлат курди.

Бобур йигирма беш ёшида Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш мамлакатларининг аксарият қисмини эгаллаган улкан салтанатга асос солди. Унинг мамлакатдорлик сиёсати, ҳарб илми асрлар давомида жаҳон ҳукмдорлари учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилди. Шу сабабли унинг бу борадаги ноёб тажрибалари Атила, Юлий Цезарь, Бонапарт Напалеон, Амир Темур сингари мумтоз давлат арбобларининг номлари билан бир қаторга кўйиб

ўрганилади<sup>2</sup>. Бобурнинг Афғонистонда яратилган “Боғи вафо”, “Боғи шаҳроро”, “Боғи жаҳоноро”, “Ўрта боғ” каби масканлар, назири йўқ бу шахснинг борган еридаги ўлкаларга ихлос қўйгани, ўзининг эстетик диidi ва қараашларини амалга татбиқ этганлигининг гувоҳидир. Унинг Кобулда марказлашган давлат барпо этганлиги бу ерлардаги майда феодаллик ва ўзаро низоларни бартараф этишга кўп жиҳатдан ёрдам берди, йўлларда хавфсизлик чоралари кўрилиб, савдо-сотик, худудлараро алоқалар рисоладагиdek тикланди.

Бобурда Ҳиндистонни ўз тасарруфига киритиш фикри бирданнига пайдо бўлмаган. Унинг улкан режаси ҳамиша ҳам яқин беклари ва аъёнлари томонидан қўллаб-қувватланмаган. Аммо давлатчилик ишларида каттадан-катта режаларни амалга оширишга кўзи етган, шунга яраша шиҷоати ҳам юксак бўлган Бобур ўз исмига яраша шиддатли курапшларга шай, бақувват лашкарбошиларга ўзини тенгтўш билиб ҳаракатга кирган. Унинг табиатида жасурлик ҳамма вакт қўрқоқлик, ҳадиксираш каби киши ҳарактерида мавжуд руҳий ҳолатлар устидан ғолиб келган, у эса шиддат жангларга мардонавор кириб ғалаба қозонган.

Бобур Мирзонинг иштиёки уни Ҳиндистонга ҳужум қилиш сари бошлади. У довюрак, жасур ва моҳир лашкарбоши эди. Рақиблари бир неча бор мағлуб қилган бўлса ҳам, у ўзини батамом мағлуб билмас эди. Бобур Мирзо шунинг учун ҳам кўзлаган мақсадига этишга ҳамиша ишонарди. У турклар, мўғуллар, шайбонийлар, форслар ва афғонлар билан бўлган жангларда жуда кўп тажриба тўплаган ва чиниқсан эди. Уларнинг ҳар биридан жанг қилиш услибини ўргана, шу билан ўзининг уруш олиб бориш тактикаси ва куролларини такомиллаштириб борарди.

Бобур Мирзо шайбонийлардан урушнинг *тўлғама* усулини, мўғуллардан эса *пистирма* кўйишни ўрганди. Афғонлардан *порохли милтиқ* ишлатишни ўрганган бўлса, эронийлардан *артиллерияни* ишлатишни, турклардан эса *кўчма суворийлар* қўшини (кавалерия)-ни унумли ишлатишни ўрганди. Бобур Мирзо турк зобиглари бўлмиш Устод Али ва Мустафолар ёрдамида кучли артиллерия қўшинини тузди ва шу туфайли Ҳиндистондаги ашаддий душманлари бўлмиш Иброҳим Лўдий ва Рона Сангалар устидан ғолиб келди.

<sup>2</sup> Хайриддин Султон. Бобурийнома. Тошкент: Шарқ НМАК, 1997. Б. 4.

1519 йилдан то 1526 йилгача, яъни Панипат жангигача Бобур Мирзо бир неча маротаба Ҳиндистон заминида ўз душманларини жангда синаб, жангчиларини ушбу жантга мослаб, иқлимга ўргатиб, жанг тактикасини обдан ўрганиб олади ва натижада ғолиб чиқади.

Инглизлар Ҳиндистонни босиб олиш учун қилган биринчи юришлари муваффақиятсизликка учраганларидан сўнг тарихга назар солиб, Бобур Мирзонинг тактикасини қўллайдилар ва ғалаба қозонадилар. Инглизлар бундай ғалаба келтирувчи жангни тарихда “Бобурнинг жанг услуби” деб атаганлар<sup>3</sup>.

Бобур Мовароуннахр, Ҳиндистон ва Афғонистонда фақатгина курилиш ва ободончилик ишлари билан шугулланибгина қолмасдан, туб ислоҳчилик ишларини ҳам олиб борган. У Ҳиндистонни ўз тасарруфига киритар экан, биринчи навбатда, Хурсон ва Афғонистон ҳамда Мовароуннахр билан алоқани тиклаш, маълумот ва хабарларни имкон қадар тезлик билан етказишни мақсад этади. Ҳақиқатдан ҳам “Бобурнома”да Бобур ўғли Ҳумоюн билан биринки йил давомида кўришмаганини, унинг чопарлари ҳатто икки йилда ҳам Аграгача етиб келмаганини, Кобул, Ғазни, Андижон ва Ҳисордан маълумотлар жуда кеч етиб келишини ўқиймиз. Бобурнинг Ҳиндистондаги давлатчилиги, каламравидаги ўлкалар ва ундан ташқаридаги алоқани имкон қадар талаб даражасида йўлга қўйиш, алоқани яқинлаштириш унинг фаолиятининг энг муҳим жиҳатларидан ҳисобланган. Шу боис унинг бевосита раҳбарлиги ва ташаббуси билан бутунги истилоҳ билан айтганда, Шарқда биринчи марта том маънодаги *почта хизмати* йўлга қўйилди (тарихда “Бобур почта хизмати” бўлиб қолди)<sup>4</sup>. Бобур бунда фақатгина ихтирочи эмас, балки мазкур алоқа хизматини ҳам муҳандис, ҳам ҳисобчи, ҳам техник ходим, ҳам озиқ-овқат муаммоларининг ечимини топадиган мутахассис ва албатта, юрт подшохи сифатида режа тузган, ҳисобини олиб харажатларигача баён этган.

“Бобурнома”да ўқиймиз: “*Панжшанба куни рабиул охир ойининг тўртида мундоқ муқаррар бўлдики, Аградин Кобулгача Чакмоқбек Шоҳий тамгочининг нависандалиги била таноб ургай.*

<sup>3</sup> Ходжаева Л.У., Отажанов Н. История узбекско-русских литературных связей (на материале переводов «Бабурнаме» на русский язык). Ташкент, 1988. С.10-11.

<sup>4</sup> Кудратуллаев Ҳ. Бобурнинг давлатчилик сиёсати ва дипломатияси. Тошкент: Шарқ НМАК, 2011. Б.77.

*Ҳар тўқкуз куруўҳ манор қўпоргайларким, манорнинг баландлиги ўн икки қари бўлгай. Устида бир чордара қўпоргайлар. Ҳар ўн секкиз куруўҳда олти ём оти боғлагайлар. Ёмчи ва сайисга улуфа ва отларга алиқ таъйин бўлгай. Андоқ фармон бўлдиким, бу ём оти боғлатур ер агар бир холисага ёвук бўлса, бу мазкур бўлгонларни андин саранжом қилсунлар, ийӯқ эрса, ҳар бекнинг парганасига воқиъ бўлса, анинг уҳдасида қилсунлар. Ушбу кун Чакмоқ била Шохий Аградин чиқтилар. Бу куруұларни мил била мувофиқ таъйин қилилди”<sup>5</sup>.*

Мазкур матнга эътибор берсак, Бобурнинг бу кашфиёти Шарқда ягоналигидан ташқари, бу соҳада хизмат қилувчиларнинг маошидан тортиб, уларнинг хавфсизлиги, манзилга зудлик билан етиб боришлири, ҳар бир тўхташ жойларидағи барча муаммоларни ҳал этиш чоралари белгиланиши Бобурнинг давлат бошқарувидаги ноёб маҳоратидан дарак беради.

Назаримизда, Бобур даврида бир манзилдан иккинчи манзилга маълум хабарни етказиш, айниқса, муҳим бўлган маълумотдан мумкин қадар тезрок иккинчи томонни огоҳ этиш стратегик аҳамиятга эга масала ҳисобланган. Бобурнинг Ҳиндистонда салта нат юргизаётгани, Мовароуннаҳр ва Хурсондан маълумотларнинг келиши давлат аҳамиятига моликлиги боис унинг бехатарлиги ва зудлигини таъминлашнинг аҳамияти ҳакида айтмаса ҳам бўлади.

Шарқшунос олимларнинг дикқатини Бобур шахсининг кўп қирралилиги жалб этади. Бобур шахсида ҳарбий раҳнамолик, адолатпарварлик, ҳақгўйлик, илм-фан ва санъатга муҳаббат сифатлари жам бўлган. У факатгина ўзининг ҳарбий ютуқлари билангина эмас, балки чуқур билимдон олим, етук жамоат арбоби, дипломат сифатида ҳам шуҳрат қозонди.

Бобур ташки сиёсатга ҳам катта аҳамият берган. Жумладан, Ҳиндистон ва Россия билан савдо-сотик ва дипломатик алоқаларни ўрнатишга ҳаракат қилди. Бобур Мирзо Москва князи Василий III саройига элчи қилиб Муҳаммад Ҳожа Ҳусайнни юборди. Бобур элчисининг номаси архивларда сакланиб қолмаган. Муҳаммад Ҳожа Ҳусайн савдо марказларида кўп вақт қолиб кетганлигидан, Москвага Бобур Мирзо ўлимидан 2 йил кейин етиб келади, ху-

<sup>5</sup> Бобур. Бобурнома. Тошкент: Шарқ НМАК, 2002. Б.244-245 (Бундан кейинг ушбу китобдан олинган иқтибосларнинг қавс ичида келадиган саҳифалари келтирилади).

сусан, айрим манбаларга қараганда уни Хоразмда тунашгани, барча нарсалару пулларини олиб қўйишгани, ўзи рус князига ёзилган номани сақлаб, қочиб қолгани ёзилади. Муҳаммад Ҳожа Ҳусайн Москвага етиб келгандан сўнг ҳам Улуғ княз олдига анчагача кира олмайди. Кийимларининг хароблиги, тилни яхши билмаслиги бунга сабаб бўлади. Ҳуллас, у рус подшоҳи олдига киришга муяссар бўлади ва Бобурдан келтирган дипломатик номани топширади. Бунда шундай ёзилади: “Улуғ княз Василий билан дўстлик ва осоийшталиқда яшами, ҳалқларимиз бир бирларига савдо алоқаларида бўлиши...” Улуғ княз Василий Иванович Бобур ўз давлатида подшоҳми ёки оддий ҳокимми билмаганидан келган элчига унча эътибор қилмайди. Бу ҳинд савдогарларини Москвага жуда кам борганикларидан, Ҳиндистон ҳақида маълумотлар камлигидан дарак беради. Акс ҳолда, у Бобур Мирзо кимлигини яхши билган бўлар эди. Аммо ўзини Ҳиндистон савдогари деб танитган номада “Бобур подшоҳ” деб қайд этилгани бунинг яққол далилидир<sup>6</sup>.

Бобурнинг саъй-ҳаракати вакълар ўтиб ўз ечимини топади. Россия билан Ҳиндистон ўртасида алоқалар ўрнатилади. Натижада Волга бўйида ҳиндистонлик савдогарлар жойлашиб оладилар. Астраханда ҳинд карvonсаюи барпо этилади, ҳинд усталари, шу жумладан, тўқувчилар Москвага таклиф ҳам қилинадилар. Бобурнинг дўстлик тўғрисидаги ғояси Ҳиндистонни Россия, Ўрта Осиё ва Шарқнинг бошқа давлатлари билан боғлайдиган омиллардан бирига айланади<sup>7</sup>.

Захириддин Муҳаммад Бобур Россия билан дипломатик алоқаларни ўрнатишга харакат қиларкан, юз йиллар давомида унинг “Бобурнома”си Россияда энг кўплаб ўқиладиган ва ноёб адабий асар бўлиб қолишини ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган. Бобур Мирзо билан Россия ўртасидаги алоқаларни афсонасига И.С.Тургеневнинг “Пунин ва Бабурин” қиссаси мисол бўлади. Н.А.Островский билан суҳбатда Тургенев, асар қаҳрамонини тирик тимсоли бўлганини айтган. И.С.Тургенев Бобуринни “шарқ типидаги киши, қорасоч, қорачадан келган, юзи кенг, қошлиари қалин, кўзлари маъюс ва осойишта бокувчи киши” деб таърифлайди. Кўзларининг кулранг

<sup>6</sup> Отажонов Н., Ҳошимова Д. Бобурнома – шарқ элчиси. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2010. Б.4.

<sup>7</sup> Мирзасв И. Бобур маърифати. Тошкент, 1996. Б.54.

бўлгани унинг шарқона юзига унча тўғри келмаган деб ўйлади. Қиссада Бабуриннинг келиб чиқишини қуидагича изоҳлади: “Парамон Семенович Бабуриннинг келиб чиқиши хинд шохи Бобурга бориб тақалади”<sup>8</sup>.

Бобур ўз даврининг тарихчиси, этнографи, ўлкашуноси, биолог, географ, диншунос олим сифатида, шариат асосларини мукаммал билган, давлатчиликда вақт меъёрларини қайта ишлаб чиқкан, почта тизимини ихтиро этиб, давлат ва дипломатик ишларни қулай амалга ошириш йўлларини қидирган ва уни назарий жиҳатдан исботлаган, ҳаётлик пайтидаёқ амалга тадбиқ этишга киришган ва яна қанчадан-қанча ислоҳотларни амалга оширган, борган ерида ободончилик, боғ-роғ барпо этган, Мовароуннахр тараққиётини Шарқда, айниқса, Афғонистон ва Ҳиндистонда тарқатган буюк шахсdir.

### **1.2. “Бобурнома” – буюк асар**

“Бобурнома” XV асрнинг охири XVI асрнинг биринчи ярмига оид насрий асарларга хос бўлган, ёзилиши содда, равон, барча даврларнинг ўкувчисига тушунарли тилда яратилган. Бу асар мумтоз адабиётимизда қомусий асар сифатида жуда кўп фанлар учун тадқиқот манбай эканлиги маълум.

“Бобурнома”да баён қилинган воқеалар содир бўлиш ўрни ва вақтига кўра учга: Мовароуннахр (1494-1504), Афғонистон (1504-1524) ва Ҳиндистон (1525-1530)да Бобур ҳукмронлик қилинадиган даврларга бўлинади<sup>9</sup>. Биринчи қисмда 12 ёшли Бобурнинг Фарғона таҳтига ўтирици (1494)дан бошлиб, унинг отаси ва авлодлари, темурийлар ўртасида авж олган ўзаро урушлар (XV асрнинг 90 йиллари), Самарканд таҳти учун Шайбонийхонга қарши олиб борган жанг жадаллари (1497-1501) ва барча саъй-ҳаракатларнинг бехуда кетиб, Кобулга юз тутишигача (1504) бўлган воқеалар кенг ёритилади. Иккинчи қисмда Кобулни забт этиб, бу ерда марказлашган давлат тузиш учун кураши, ички тартиб-интизом ўрнатиши, мамлакат тараққиёти ва ободончилиги учун олиб борган саъй-ҳаракат-

<sup>8</sup> Каранг: Ходжаева Л.У., Отажанов Н. История узбекско-русских литературных связей. Ташкент, 1988. С.10-11.

<sup>9</sup> Ходжаева Л.У, Отажанов Н. История узбекско-русских литературных связей. Ташкент, 1988. С.10-11.

лари, Исмоил Сафавий билан иттифоқ тузиб, Самарқанд таҳтини эгаллаши (1511), лекин шайбонийлардан ентилиб (1512), яна Кобулга қайтиши ва Ҳиндистон юришига тайёргарлик кўриши билан боғлиқ воқеалар ҳикоя қилинади. Учинчи қисми Бобурнинг Панипат жангига Дехли султони Иброҳим Лўдийни енгиб, Ҳиндистонни эгаллагани, Рана Сангани мағлубиятга учратиб, Шимолий Ҳиндистонни ҳам ўзига бўйсундиргани (1527) ва Бобурийлар давлатини барпо этгани ҳақидаги маълумотлардан иборат<sup>10</sup>.

“Бобурнома”да тарихий воқеалар Бобур томонидан Шарқ тарихчилари каби қуруқ ва баландпарвоз, жимжимадор эмас, балки содда ва мазмундор услубда, жонли ва ҳаётий ёритилган. Натижада бу ажойиб асарда замоннинг ижтимоий-сиёсий ҳодисалари, илмий ютуклари ва муаллифнинг эсадаликлари сўз санъати билан узвий равишда чатишиб, ғоят мароқли, содда ва маънодор қиссани ташкил қиласди. Бобур асосли далилларга суюнган ҳолда баъзан ҳаётни бадиий ўзлаштиришга интилади. У айрим ҳолларда тарихий воқеаларни қуруқ баён қилмасдан, киши характеристини, образини яратиш, хилма-хил ҳаёт ва табиат манзараларини чизиш орқали акс эттиришга муваффақ бўлади. “Бобурнома” оддий тарихий асардан бадиий мемуар даражасига кўтарилади. Асар бадиий хусусиятларининг ранг-баранглигини биз кишилар кўриниши ва таърифини беришда қўлланган содда ва равон, жозибали бадиий услубда, бадиий-тасвирий воситаларнинг ишлатилишида яққол кўрамиз.

“Бобурнома” дунёга келган даврда Ўрта Осиё ва Хуросонда аксар тарихий ва бадиий асарларни форс тилида ёзиш ҳамон кенг тарқалган эди. Гарчи Лутфий, Саккокий, Атойи ва буюк Навоий каби сўз санъатининг йирик намояндлари ўз асарларини ўзбек тилида ёзиб, ўзбек адабий тилининг афзалликларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан исбот қилган бўлсалар, форс тилида асар яратишга интилиш кучли эди. Лекин шеъриятда Алишер Навоий йўналишини давом эттирган Бобур ўз насрый асарларини ҳам Навоий тилида ёзади. У умрининг катта қисмини ҳарбий юришларда, ўз она юртидан узокларда ўтказган бўлса ҳам она тилини унутмайди.

Бобур Мирзо “Бобурнома” асарини ўзбек тилида ёзиб, бу тилининг соддалигини, ифодаларга бойлигини, аниқлигини амалда ис-

<sup>10</sup> Очилов Э. Бобур. Тошкент, 2011. Б.21.

ботлайди. Муаллиф наср тилини ҳеч бир кўрилмаган даражада юқори босқичга кўтаради. Бобур ҳамма вақт бадиий ифоданинг содда бўлиши, ўқилиши равонлиги учун курашади, ўз услуби билан кишини ҳайратда қолдиради.

Асарда маънонинг аниқлигига халақит берадиган ортиқча тасвирлар, мужмал жумлалар қўллашни қоралабгина қолмай, атрофдагиларни ҳам шунга чақиради. Ўз ўғли Ҳумоюнга ёзган хатларидан бирида унга насиҳат қилиб шундай ёзади: “...бу хатларингни битибсен ва ўқумайсен, не учунким, агар ўқур хаёл қилсанг эди, ўқуйолмас эдинг. Ўқуйолмагандин сўнг албатта тагиyr берур эдинг. Хатингни худ ташвиши била ўқуса бўладур, vale асру муглақтур. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас. Агарчи хейли рост эмас, штифотни “то” била битибсен. Қулунжисни “ё” била битибсен. Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқуса бўладур, vale бу муглақ алфозингдин мақсад таомом мағҳум бўлмайдур. Голибо хат битирда қоҳиллигинг ҳам ушибу жиҳаттиндур. Такаллуф қиласай дайсен, ул жиҳаттин муглақ бўладур. Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити; ҳам санга ташвиши озроқ бўлур ва ҳам ўқугучига” (Б.243-244).

Бобур XV асрда Хурсон ва унинг пойтахти Ҳиротдаги адабий-маданий ҳаётнинг ривожида катта ўрин тутган Абдураҳмон Жомийга юксак баҳо беради: “Ҳар кишинингким бир ишга машгуллуги бор эди, ҳиммати ва гарази ул эдиким, ул ишини камолга тегургай. Бу жумладин бир Мавлоно Абдураҳмон Жомий эдиким, зоҳир ва ботин улумида ул замонда ул миқдор киши ийқ эди. Шеъри худ маълумдур. Муллонинг жаноби андин олийроқдурким, таърифқа эҳтиёжи бўлгай. Гояташ хотирга кечтиким, бу муҳаққар ажзорда таяммун ва табаррук жиҳатидин аларнинг отлари мазкур ва шаммае сифатларидин мастур бўлгай” (Б.137). Муаллиф бу ўринда Абдураҳмон Жомийнинг асарларини санаб кўрсатмайди, унинг бадиий жиҳатдан ёки ғоявий томондан қай даражада эканлигини кўрсатади. Аммо бу шахснинг шоирликда қобилияти ҳар қандай мақтovдан ҳам юкори: “Муллонинг жаноби андин олийроқдурким, таърифқа эҳтиёжи бўлгай” (Б.137) туради дейиш билан Жомий ижодининг характерини очади, унинг қобилиятига қойил қолганлигини билдиради. Албатта, Жомий бу даврда яшаган ва ижод этган шоирларнинг “саромади ва сардафтари” эди, деб таърифлаши бе-

жиз эмасдир. Бу ҳам унинг ижодий қобилиятига, адабий-маданий тараққиётда ўйнаган роли, тутган мавқеига нисбатан берилган симмий, юксак баҳодир.

Бобур, айниқса, ўзбек мумтоз адабиётининг отахони, ўз ижоди ва илмий-адабий фаолияти билан жаҳон адабиёти хазинасига ўлмас дурдоналар қўшган буюк Алишер Навоий ҳақида завқ ва шавқ билан гапиради. Унинг Навоий ҳазратларига берган таърифи бетакрордир: “*Яна Алишербек Навоий эди, беги эмас эди, балки мусоҳиби эди, кичиклигига ҳаммактаб* (Хусайн бойқаро билан – М.М.) *экан-дурлар. Ҳусусият бисёр экандур...* *Алишербекнинг мизожси нозулук билла машҳурдур.* Эл назокатини давлатининг ғуруридин тасаввур қилур эдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибиллий экандур. Самарқандта эканда ҳам ушундоқ нозук мижоз экандур. Алишербек назари йўқ киши эди. Туркий тил билла то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас” (Б.132).

Алишер Навоийнинг асосий асарларини санаб ўтиб, Бобур давом этади: “*Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмамиши бўлгай. Устоз Кулмуҳаммад ва Шайхий Ноий ва Ҳусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти билла мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музaffer тасвирда бекнинг саъӣ ва эҳтимоми билла мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайрким ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиши бўлгай*” (Б.132-133).

Бундан кўринадики, Бобур Мирзо шоирлар ҳақида гапирганда, уларга таъриф берганда, ушбу шахснинг адабиёт ва санъатнинг ривожланишига қўшган ҳиссасини, бу соҳадаги қобилиятини, маданий тараққиёт йўлидаги хизматларини ёритишга ҳаракат қиласиди ва шу жиҳатдан баҳо беради. Муаллиф ўзи характерлаётган шоирларни тасвирлаганда, улар ижоди учун муҳим томонларини очишга интилади.

Бобур вақти ҳам, имконияти ҳам бўлмаганига қарамай, ободончилик ишлари билан фаол шугулланади, Ҳиндистонда рассомчилик

миниатюра санъати мактабига асос солади ва ривожлантиради, назм ва насрда самарали ва салмоқли ижод қиласиди. Машҳур рассом Беҳзоднинг асарлари билан яхши таниш бўлган. У олим ва санъаткорларни қадрлар ва ҳомийлик қиласиди.

Бобур шу даврда яшаган машхур рассомлар ижодига таъриф берганда, уларнинг санъатидаги муҳим нуқталарни, асосий сифатларни очишга интилади. У ўз даврининг улуг рассоми, “Шарқнинг Рафаэли” Беҳзоднинг тасвирий санъатдаги маҳорати ҳакида ҳаяжон билан гапиради: “*Мусаввирлардин Беҳзод эди, мусаввирлиқ ишини бисёр нозук қилди. Вале сақолсиз элнинг чехрасини ёмон очадур. Габгабини кўп улуг тортадур. Сақоллик кишини яхши чехра кушойлиқ қиласадур*” (Б.139). Бу ўринда Бобур Мирзо Беҳзоднинг рассомлик санъатидаги нозик иқтидорини, соқоллик кишиларни тасвирлашдаги маҳоратини юксак баҳолаш билан бирга унинг жузъий нуқсонларини ҳам кўрсатиб ўтади. Бошқа бир буюк рассом Шоҳ Музаффар ҳакида гапириб, унинг санъатидаги энг муҳим бўлган икки хусусиятни алоҳида таъкидлаб кўрсатади: “*Яна Шоҳ Музаффар эди, тасвирни кўп нозук қилур эди. Ташибирни худ гузаро нозук қилур эди*” (Б.139).

Шоҳ Музаффарнинг тасвирий санъатдаги характерли томонларидан бири унинг нозиклиги бўлса, иккинчиси, расмда одамларнинг соchlарини жуда яхши акс эттиришидир. Бобур рассом истеъоди табиатидаги ана шу икки муҳим томонни кўрсатиш билан Шоҳ Музаффар ижодининг характерли хусусиятини белгилай олади. Ёзувчининг кишилар характерини тасвирлаганда у ёки бу санъаткор учун характерли бўлган томонларини тасвирлашга интилиши созандаларга берилган таърифда ҳам учрайди. Шуни айтиш жоизки, Бобур созандаларни ёки ашулачиларни таърифлаганда, уларнинг камчилик томонларини холисона ҳажв қиласади<sup>11</sup>.

У машҳур Ҳусайн Удийнинг қобилияти ва санъатидаги маҳоратини инкор қилмаган холда, бундай шахс учун муносиб бўлмаган хатти-ҳаракатни, беъмани одатни қоралайди: “*Яна Ҳусайн Удий эди. Удни мазалиқ чолиб, мазалиқ нималар айтур эди. Уднинг топларини якка қилиб бу чолибтур. Айби бу эдики, бисёр ноз била чолур эди, Шайбонийхон бир навбат соз буюур, такаллуф қилиб ҳам ёмон чолур, ҳам ўз созини келтурмай, ярамас соз келтуур. Шайбонийхон фахмлар, буюурким, суҳбатдаўқ ғалаба гарданига урарлар. Шайбонийхоннинг оламда бир яхии ишиким бор будур, филвоқиъ хўб бордур. Ушмуndoқ нозук мардакларга мундин кўпрак сазо керак*” (Б.140).

<sup>11</sup> Жамалов С., Отажанов Н. Бобур ижодини ўрганиш. Ўкув кўлланма. Тошкент, 1990. Б.80-92.

Демак, бу ўринда Бобур Мирзо Ҳусайн Удийнинг соз чалиш ва кўшиқ айтишдаги маҳоратини мақтайди, шу билан бирга унинг характеристидаги ноз қилиш, сертакаллуфлик каби ярамас хусусиятларни қоралайди, бундай хусусиятнинг ярамаслигини ҳажв қилади. Бундай ҳажв тасвиrlанаётган шахснинг энг муҳим характеристини очишга ёрдам беради.

Катта истеъодод соҳиби Бобур мусикага ҳам жуда қизиқкан, баъзи мусикий асбобларда яхши куйлар чалганлиги тўғрисида кўп маълумотлар бор. Бобур мусика санъати тўғрисида асар ёзганлиги маълум бўлиб, қанақа асар ёзганлиги якингача аниқ эмас эди. Сўнги йиллардаги изланишлар ва тадқиқотлар Бобурнинг “Асрори мусикий” (“Мусика сирлари”) номли асари бўлганлигидан далолат беради<sup>12</sup>.

Маълум бўлишича, Бобур истеъододли бастакорлар, шоирлар, созандалар, хонандалар, рассомларни қадрлаган, уларнинг санъатини улуғлаган. “Бобурнома”да Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаб ижод этган шоирлар, ёзувчилар, илм-фан, санъат аҳллари таърифланар экан, уларга берилган таъриф у ёки бу санъаткорнинг илмий ёки ижодий фаолиятига тааллукли бўлган шу шахснинг ўша давр маданий ҳаётида тутган ўрнини белгилайдиган томонларини ёритишга интилган ва бу соҳада муваффақиятга эришган.

### 1.3. Бобур – тилшунос ва адабиётшунос олим

XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг бошларидағи адабий муҳитнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ўша даврдаги адиблар ижодига танқидий ёндашишдир. Мумтоз адабиётшунослик бу даврда турли йўллар билан ривожланиб, ўзига хос хусусиятга эга бўлган. Айниқса, буни биз Алишер Навоийнинг “Мажолису-н-нафоис” тазкирасида, Заҳириддин Бобурнинг “Аruz risola”си ва “Бобурнома”да, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадойиъу-с-саноиъ”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Бадоеъу-л-афкор фи саноеъу-лашъор” асарларида кўпроқ кўрамиз. Шулар қаторида эпик достонларнинг кириши ва хотима қисмларида, насрий асарларнинг матнида, иншо, муншаотларнинг ёзилиш қоидалари ҳакидаги назарий ишларда ҳам адабий танқидга оид фикрларни учратиш мумкин. Ана шундай катта адабий жараёнда муносиб фикр билдириш, ҳеч

---

<sup>12</sup> Ҳошимов И. Ҳиндистонлик бобурийлар сулоласи салтанати. Тошкент, 1996. Б.98.

кимдан ҳадиксирамайдиган шоҳ Бобур учун, албаттa, юксак масъулият ва фавқулодда истеъдод талаб қиларди. Бемалол айтиш мумкинки, Бобур бу вазифани юксак даражада бажарди ва ўзидан шухрат тўла хотира қолдирди.

Бобур Мирзо ўз умри мобайнида шеърлар девони тузди, “Мубаййин”, “Рисолайи волидийя” номли шеърий асарлар яратди, жаҳонга машҳур қомусий асар “Бобурнома”ни ёзди, “Хатти Бобурий” деб аталган янги алифбо тузди, аruz, қофия, мусика ва ҳарб ишига оид рисолалари билан илмга катта хисса қўпди.

Олмон адабиётшуноси, тасаввuf ва руҳшунослик илмининг жаҳон тан олган олимларидан бири Аннамарие Шиммел Фахрий Хиравийнинг “Султон ва шаҳзодалар ашъори ҳақида”ги кичик бир рисоласида Бобур подшоҳнинг шеъриятга муносабати ҳақида гапириб, олима Истанбулдаги Холис Афанди кутубхонасида 3743-ракам остида сакланаётган Бобур шеърларининг қўлёзмаси ҳақида фикр юритиб, “у асл нусха бўлиб, Бобуршоҳ шеърларини тўла қамраб олади. Муаллиф ўзи тартиб берган табаррук нусхадан ҳеч бир воситасиз нақл этилган асл нусхадан ўгирилган” деган фикрларни беради. Қўлёзмада 118 ғазал, 8 маснавий, 104 рубоий, 52 муаммо, 18 қитъа, 15 туюқ, 75 муррадот, 29 шеърий мусанно (туркийда), “Рисолайи волидийя”нинг туркий таржимаси, 3 ғазал, 1 қитъа хамда форсча 18 рубоий мавжудлигини қайд этиб, охирги саҳифалари йўқолганлигини таъкидлайди<sup>13</sup>.

Якинда адабиётшунос олима Шафиқа Ёрқин Туркиядаги Истанбул университети кутубхонаси туркий қўлёзмалар бўлимида 3743 ракам остида сакланаётган Бобур девонидаги унинг ҳозиргача нашр этилган тўпламларига кирмаган ўзбек тилидаги 5 ғазали, 9 қитъаси, 5 рубоийси, 9 маснавий шеъри, 10 тўртлиги, 2 туюғи, 40 дан ортиқ фардлари, қатор маснуъ шеърлари, 1 маснуъ таржеъбанди, 2 номасини эълон килди<sup>14</sup>.

Бобурнинг бизгача етиб келган лирик мероси 4000 мисрага яқин бўлиб, улар ғазал, рубоий, туюқ, қитъа, фард ва маснавийлардан иборат.

Бобурнинг ўзбек ва форс тилларидаги шеърларидан таркиб топган қатор қўлёзмалар мавжуд бўлиб, улар ҳозирги кунда Франция, Хиндистон ва Эрон кутубхоналарида сакланмоқда.

<sup>13</sup> Саломов F., Отажонов Н. Жаҳонга шеърларини таркиб топган қатор қўлёзмалар мавжуд бўлиб, улар ҳозирги кунда Франция, Хиндистон ва Эрон кутубхоналарида сакланмоқда.

<sup>14</sup> Очилов Э. Бобур. Тошкент, 2011. Б.12-14.

Захириддин Мухаммад Бобур ўзбек адабиётида лирик жанрларнинг ривожига катта ҳисса кўшди. Бу жанрнинг ҳажми унча катта бўлмаса-да, мавзусининг кенглиги, гоявий моҳияти ва шаклий такомили билан ажралиб туради. Бобур лирикаси маълум даражада шоирнинг ўтмишидир. Унинг ўйноки ва таъсирчан, содда ва равон услубдаги шеърлари ҳаётий ҳодисалар ҳамда турмуш воқеалари заминида намоён бўладиган шоирнинг қалб туғёнларини ифода этади.

Ўзининг мураккаб ҳаёти давомида ўтказган ташвишлари, яқинларининг хоинликлари, яхшиликни кўп қилиб яхшилик кўрмаганини, тақдир тақазоси билан мусофирикда кўп юргани боис қалб туғёнларини көгозда ифода этган бўлса ажаб эмас<sup>15</sup>.

Бобур тушунчасидаги севги-садоқат, вафодорлик, олижанобликдир. Шоир ишқ-муҳаббатни молу дунё, мансаб ва дунёдаги барча ҳузур ҳаловатлардан юқори кўяди. Бобур ўзининг ажойиб ғазалларида таҳсинга лойиқ бадиий воситалар оркали маҳбуба қиёфасини маънавий гўзал, мазмунан бой, зоҳирлан мислсиз чиройга эга қилиб тасвирлайди:

*Жонима ўт солди ул руҳсорайи зебо яна,  
Кўнглума ул зулф бўлди мояйи савдо яна.*

*Кўрсатиб руҳсору зулфин ул пари пайкар манга,  
Жону кўнглумни қилибдур волаву шайдо яна.*

*Ёр кўйиндаги том сенсен манга пушти паноҳ,  
Сояйи лутфунгни сол, чун санга келдим то яна.*

*Шодликни фарогатни қўюб ошиқ бўлуб,  
Меҳнату ғамни қилибмен ўзума пайдо яна.*

*Ёрга қулмен дегач Бобурни расво айлади,  
Тенгри мендек бандасини қилмасун расво яна.*<sup>16</sup>

---

<sup>15</sup> Ҳасанов С. Бобур. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. Б.10.

<sup>16</sup> Бобур. Маҳрами асрор топмадим... Тошкент: Ёзувчи, 1993. Б.12

Бобурнинг аксарият шеърларида она диёрга мухаббат, юрт соғинчи, айрилиқдан ўқинч ҳислари ифода этилади.

*Гурбатта ул ой ҳажри мени пир қилибтур,  
Ҳижрон била гурбат менга таъсир қилибтур.*

*Мақдур борича қилурман саъи висолинг,  
То Тенгрини билманки, не тақдир қилибтур.*

*Тақдирдур ул ёну бу ён солгучи, ийұса  
Кимга ҳаваси Санбалу, татийр қилибтур.*

*Бу Ҳинд ери ҳосилидин күп күнгүл олдим,  
Не судки, бу ер мени дилгир қилибтур.*

*Сендин бу қадар қолди йирок ўлмади Бобур,  
Маъзур тут, эй ёрки, тақсир қилибтур.*

Адибнинг “Бобурнома” асари, энг аввало, ҳаётий тасвиirlар, кишини лол қолдирадиган табиат ҳодисалари ва ундағы ҳайвонот олами, набототдаги мўъжизаларни ўзида акс эттиргани билан турли мамлакат олимлари дикқатини ўзига жалб этиб келмоқда. Энг муҳими шундаки, бу манзараларнинг ҳар бири ўз жонлилиги, ўша давр нафасини бизгача етказиши билан киши дикқатни тортади.

Куйидаги сатрларда буюк Бобурнинг адабий-эстетик нигоҳи, ҳаётини шеъриятсиз тасаввур қила олмаслиги, май лаззати, ҳаёт ишрати ва ёз гўзаллиги қатори шеър баҳси ҳам шоир умрининг завқи, мазмуни ва қувончи эканлигининг тараннум этганлигини кўрамиз:

*Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг сұхбати,  
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.*

*Дўстларнинг сұхбатида не хуши ўлгай баҳси шеър,  
То билингай ҳар кишининг табъи бирла ҳолати.*

*Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг ул уч вақт ила,  
Мундин ортиқ бўлмагай, Бобур жаҳоннинг ишрати.*

Бобур бутун умри давомида нимани кўзлаган бўлса, асосан, унга эришди. Энг муҳими, бобоси Амир Темур салтанатини яна яхлитликка олиб келди, бошқарди. “Бобурнома”дан тортиб шеърий девонлари, илмий, диний, ахлоқий асарлари армонларининг изҳори, муродига етганлигининг шукронаси. Мана бу рубоий – фахрияда ўз ижодидан завқ олиш, умр мазмунида шеърдек мусаффолик жой олиб, муҳлислари дардига даъво бўлишининг изҳори – Бобурнинг ижод фахриясидир:

*Ашъорингким шеър оти то бўлгай,  
Таъб аҳли анга волау шайдо бўлгай,*

*Ҳар лафзи дурру баҳри маъони анда,  
Ким кўрди дуреки, анда дарё бўлгай.*

Бобур бир умр ана шу муроди – эзгулик, яратувчаник даргоҳининг, илоҳий қарам меҳмонхонасининг кайвониси бўлди. Албатта, унинг ушалмаган армонлари қолди. У ўз муродига етиш учун тинмай курашган, ўз оромини енгиб шиддат билан ишиланган, ижод этган, жангу жадалларда ғолиб келган:

*Кўнгил тилаган муродга етса киши,  
Ё барча муродларни тарк этса киши.*

*Бу икки иш мұяссар ўлмаса оламда,  
Бошини олиб бир сорига кетса киши.*

Захириддин Мұҳаммад Бобур ҳаётни васф этган ғазалларида инсонни, чин муҳаббатни куйлаган, ошиқона мисралари ёрга муҳаббат, унинг ички изтироблари билан тўлган ҳаяжонни ифодалагани боис, шеърлари севиб ўқилади, санъаткорлар буларга куй басталаб, асрлар оша куйлаб келмокдаларки, бу шоир буюклигининг тимсолидир.

Умуман, Бобур шерияти ўзининг жанр хусусиятлари, мавзу доираси, ҳаётий фалсафаси ва бадиий жилоси билан ўзбек адабиётининг нодир намуналари қаторидан фахрли ўрин эгаллайди. Уларда ҳаёт ва инсонни кадрлаш, гўзалликдан баҳраманд бўлишіга ин-

тилиш ҳақида ошиқ ва ориф инсоннинг, балки муаллифнинг шахсий қарашлари ҳам ўз аксини топган. Шу боис Бобур шеъриятини ўша мураккаб даврнинг ўзига хос бадиий кўзгуси дейиш мумкин.

#### **1.4. Бобурнинг қўлёзма мероси**

Ўзбек мумтоз адабиётининг улуг адиби, қомусий илм соҳиби Захириддин Муҳаммад Бобур бизга бой мерос қолдирган. Унинг шеърий девони, “Бобурнома”, “Аruz risolasi”, “Хатти Бобурий”, “Мубаййин”, “Рисолайи волидийя” ва бошқа илмий ва бадиий етук асарлари жаҳон адабиёти, маданияти ва санъати хазинасига бекиёс ҳисса бўлиб кўшилди.

Бобурнинг авлодларга қолдирган бой ва бебаҳо илмий-адабий мероси ичida унга шухрат келтирган асари, шубҳасиз, “Бобурнома” дир. Бу асарнинг ўзбек тилдаги бир неча қўлёзма нусхалари мавжуд. Форсий тилдаги таржималари янада кўпроқ. “Бобурнома”нинг қўлёзмалари Ҳиндистондаги Саларжанг музейи, Шотландия Миллий кутубхонаси, Британия музейида сакланмоқда. Улар кўп маротаба ўрганилган бўлишига қарамасдан, “Бобурнома”нинг муаллиф каламига мансуб энг ишончли матнини яратиш ишлари илгари ҳам олиб борилган, бундан кейин ҳам янги топилган нодир қўлёзмалар ҳисобига амалга оширилиб борилиши бобуршуносликда табиий бир ҳол деб қаралмоқда. Чунки бу ноёб асар матни қайта-қайта чоп этилганига қарамай, жаҳон фондлари ва кутубхоналарида сакланётган Бобур ҳаёти ва ижодига оид янги топилмалар уни янгидан нашр қилиш заруриятини туғдиради ва “Бобурнома”нинг янги ҳамда аслиятга янада яқинроқ бўлган матнини яратиш муаммолари кўндаланг бўлиб тураверади.

Маълумки, Бобур меросини ўрганиш узоқ тарихга эга. Айниқса, унинг қўлёзма меросини излаш борасида сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар алоҳида таҳсинга сазовор. Бобурнинг шу кунгача ўзбек ва форс тилларидаги шеърларидан таркиб топган Париж миллий кутубхонаси, Истанбул университети кутубхонаси, Тўпқони сарой Реванд кутубхонаси, Ҳиндистондаги Рампур Навоби кутубхонасида сакланётган девонларининг нусхалари асосида шоир шеърларининг мукаммал матни яратилмоқда. Маданий меросимизни излаш, тўплаш ва тадқиқ қилиш борасидаги тинимсиз изланишлар натижасида Бобур девонининг янги қўлёзма нусхалари топи-

либ, улар илмий истифодага киритилмоқда. Хусусан, Ҳайдарободдаги Саларжанг музейи хазинасидан шу кунга қадар умуман бирорта каталогда қайд этилмаган Бобур қўлёзма девонининг XVII-XVIII асрларга мансуб янги иккита қўлёзма нусхаси бунга мисол бўла олади.

Бобур рисоласининг Париж қўлёзмаси турли сабабларга кўра илм ахлига, айниқса, ўзбек адабиётшуносларига маълум эмас.

“Аruz рисоласи”нинг қўлёзмаси ҳақида аниқ маълумот Е.Блоше каталогида берилган.

Бобур ижодида “Мубаййин” асари ҳам алоҳида ўрин тутади. Уни ўрганиш ишлари истиқлолдан сўнг рўёбга чика бошлади. Бу асар Бобурниң ўғиллари Ҳумоюн ва Комрон учун фикҳий қўлланма сифатида ёзилган. У маснавий шаклида бўлиб, беш қисмдан иборат: “Эътиқодиййа” деб номланган биринчи қисмида иймон асослари, “Китобу-с-салот”да – намоз ўқиш қоидалари, “Китобу-с-савм” да рўза тутиш йўл-йўриқлари, “Китобу-з-закот”да закот беришга оид тавсиялар, “Китобу-л-ҳаж”да – ҳаж арконлари ҳақида шеърий усулда қисқа, тушунарли маълумотлар берилади. “Бобурнома”нинг 1525 йил воқеалари баёнига бағишлиланган бобида “бу фурсаттаким, “Мубаййин”ни назм қиласадур эдим” дейишидан маълум бўладики, асар 1525-1526 йилларда ёзилган. Бу асар Бобурниң Куръони карим, ҳадиси шариф, ислом асослари ва диний адабиётларни чукур билишини кўрсатади.

Ҳозиргача фанга маълум бўлган Бобур шеърларининг мукаммал нусхаларидан бири Туркия нусхасидир. Котиби ва кўчирилган йили номаълум бўлган бу нусха Холис афанди кутубхонасида сақланаётгани ҳақида турк олими Фуод Кўпрулузода “Миллий татаббуълар мажмуаси” тўпламида хабар қиласади. Бу нусхага “Рисолайи волидиййа” асарининг Бобур томонидан ўзбек тилига қилинган таржимаси, ўзбек форс тилида ёзилган шеърлари, ўзбек тилида наср ва назм билан битилган мактуби, форс тилида ёзилган мактубдан парча, “Aruz рисоласи” асаридан лавҳалар киритилган. Бобур томонидан таржима қилинган “Рисолайи волидиййа”нинг хотимасида айтилишича, у муаллиф таҳrir қиласадир мўътабар қўлёзма нусхадан кўчирилган. Демак, китоб бу таржима асарни кўчиришида Бобур девонининг Рампур нусхасидан фойдаланган<sup>17</sup>.

---

<sup>17</sup> Ҳасанов С. Захириддин Мухаммад Бобур. Тошкент: Ўзбекистон, 2011. Б. 34.

Бобур Мирзодан нафакат қўлёзма мерос, балки тошга битилган байтлари ҳозиргача сақланиб қолган. Унинг Олой тоғларидан ошиб, Масчо ва Оббурдан (Обибурдан) қишлоқларига келганида катта тошларга ўйма хат ёздиргани маълум. Бу ҳакда “Бобурнома”-да бундай дейилган: “...Оббурдан добони била Масчо кўҳистонига оштук. Масчонинг қўйиги кенти Оббурдантур. Бу Оббурдандин қўйироқ бир чаима тушубтур, бу чаима бошида мазоредур. Ушибу чаимадин юққори Масчо дохилидур. Кўйи Палгарга таалуқдур. Ушибу чаима бошида, чаима ёқасидаги тошида қазиб, бу уч байтини сабт эттим:

*Шинидамки, Жамишиди фарруҳсиришт,  
Ба сарчаимае бар асанге навишт:  
Бар ин чаима чун мо басе дам заданд.  
Барафтанд то чаим барҳам заданд.  
Гирифтем олам ба мардию зўр,  
Ва лекин набурдем бо худ ба гўр.*

Хирра Бобур, 917<sup>18</sup>

(Эшитдимки, кутлуг табиатли Жамшид бир булоқ бошида тош устига шундай деб ёзган экан: бу булоқ тепасида бизлар сингари кўп кишилар келиб ўлтурдилар, кетдилар ва йўқ бўлдилар. Оламни мардлик ва зўрлик билан олдик, лекин ўзимиз билан гўрга элтмадик).

*Ул кўҳистода бу расмдорким, тошқа қазиб абёт ва нималар битирлар*” (Б.88).

Бобур халиқаро жамғармаси аллома ҳаёти ва ижодини ўрганиш бўйича қатор хорижий давлатларга муваффақиятли экспедициялар уюштириди. Бобурнинг Машҳад музейида сақланаётган ва Бобур ихтиро килган хат билан ёзилган Қуръони каримнинг нусхасининг ватанимизга келтирилиши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди.

Хулоса килиб айтганда, маданий меросимизни излаш, тўплаш ва тадқиқ этиш борасида ҳали тинмай изланишимиз керак. Ҳозирча Бобур меросининг чет эллардаги мавжуд қўлёзмаларининг бир қисмигина қўлга киритилди. Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Хитой ва бош-

<sup>18</sup> 917-хижрий ҳисобда, милодий 1512 йилга тўғри келади. “Бобурнома”да эса бу ходиса “янглишиб”, 1501 йил воқеалари орасига киритилган.

қа хорижий мамлакатларнинг китоб хазиналарида сақланаётган кўлёзмаларнинг катта қисми билан танишмоқ, уларни суратга тушириб ватанимизга олиб келмоқ зарур.

### **1.5. Бобур – саховатпеша подшоҳ**

Захириддин Бобурнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятида кўпчиликнинг дикқатини тортган жиҳати – унинг саховатмандлиги ва ҳимматпешалигидир. Бобурнинг одам зотига мурувват ва шафқати шунчалик кенгки, унинг сарҳадини белгилаш амри маҳол. Айниқса, унинг ота сифатида ўз фарзандлари, фарзанд сифатида отонаси, саркарда сифатида ўз лашкари, беклари, оддий фуқароси, ҳатто шоҳ сифатида ўз душманларига кўрсатган муруввати бу бағри кенг инсоннинг юксак одамийлигидан далолат беради.

Бобурнинг Самарқандни 15 ёшида эгаллашга жазм қилас экан, ғалабадан кейин қўл остидагиларга инъомлар беради, вазифа рутбларини кўтаради, хуллас, ўзининг атрофида куч йигади, уларнинг ишончига киришга ҳаракат қиласди. Ана шулар орасида андижонлик бек Аҳмад Танбал ҳам бўлган. Бобур бу рақибининг нокаслигини билса-да, “ёмонга яхшилик билан бор” мақолига амал қилиб, Танбалга қилич ҳадя этади. Не ҳасратки, вақти келиб муҳорабаларнинг бирида айнан шу қилич билан Аҳмад Танбал Бобурнинг бошига зарба туширади. Ёш Захириддин Бобур кейинроқ бу хатосини афсус билан тилга олади, бундан кейин ҳаммага ҳам меҳр кўрсатиш, унинг ёнига киришни одат қилмасликка ҳаракат қиласди. Аммо унинг қонида бўлган инсонларга ёрдам кўлинни тутиш фазилати умрининг охиригача бардавом қолган. Бунга мисоллар бисёр. Бобурга бир эмас, ўн бир марта хиёнат қилган беги Боки Чагониёнийни кечиради. Катта энаси Шоҳбегим Бобурга қарши Кобулда исён кўтарганида унга зуғум қилмайди.

Саройидаги мунажжим Мухаммад Шариф злни ваҳимага солиб: “ҳозир Бобурнинг жангта киришини сайёralар жойлашуви маъқул кўрмаяпти”, деб даъво қиласди. Бобур аламини ичига ютиб урушга отланади, бу жангда ғолиб келса ҳам мунажжимга танбех бермайди, аксинча, етарлича бойлик бериб саройидан рухсат бергани ва бошқа яна кўплаб мисолларда унинг кишиларга нисбатан меҳр дунёсининг нақадар кенглиги, ҳиммати баландлигидан далолатдир.

Бобур Ҳиндистонни забт этиб, ўзининг душмани, рақиби Иброҳим Лўдий устидан зафар қучади. Унинг Ҳиндистондаги жанглардан кўлга киритган хазинасининг чеки бўлмаган. Буни у “Бобурнома”да жуда аниқ, кенг ёритган. Бобур мамлакат ҳукмдори бўлиб ўз яқинлари, тарафдорлари қатори ҳатто душманларига ҳам жуда катта миқдорда инъомлар улашадики, бу ҳам ҳимматнинг бир намунасиdir. Ана шундай катта миқдордаги инъомни Ҳиндистон султонини у томонидан мағлуб этилганда, унинг онасига лозим кўради. Бобур шу қатори ўзига қарши курашган ҳинд рожалари, сарой ахлини ҳам ҳангуманг қилиб инъомлар берар экан, “...аларнинг муддаосидек иноят ва шафқат қилиб, жамиъ жиҳотларини ўзларига-ўқ маоф туттук”, дейди. Бобурнинг сўзларига эътибор беринг! Ҳатто душманининг муддаоларини инобатга олиб, барча шароитни ўрганиб, мулкларини бошқаришни ўзларига қолдирган: “Иброҳимнинг отасига етти лаклик паргана нақд иноят бўлди. Бекларига ҳам ҳар қайсига парганалар берилди. Иброҳимнинг отасини байрилари билан чиқариб, Аградин бир курўҳ сув қуий юрт берилди”(Б.194-195).

Бобур Иброҳим Лўдий устидан ғалаба қиласар экан, унинг ўлиги жанг майдонида ётгани хабарини етказишганда ғалаба ифтихори қатори руҳан қийналади, рақибини барча эҳтиромлар билан дағн этишини буюради. Унинг онасига юқоридагидек катта тухфалар бергани қатори меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатади. Унга ўз саройидан катта жой ажратади, хисобсиз маблағ, хизматкорлар тайинлайди. Бироқ Бобурнинг бу мурувватига аёл тескари иш кўради. Фарзанди вафотини унутмаган она Бобурнинг таомига заҳар солишни буюради.

Ҳар қанча меҳр кўрсатмасин, Бобур мурувватини писанд қилмаган, унинг қўшинлари сафида туриб ҳам унга хиёнатларни раво кўрган Боки Чагониёнийдир. Бобур бу бегига кўп кўмаклар беради, ёмон йўлдан қайтишини, ахлоқи покликка интилишини таъкидлайди. Аммо Боки Чагониёнийдаги очкўзлик, шафқатсизлик, молмулкка ўчлик Бобурнинг барча интилишларини барбод қиласади: “...бовужудким мени подшоҳ кўтариб эди, нақорасини ўзининг эшигига чолдуур эди. Ҳеч ким била соғ эмас эди, ҳеч кимни кўра олмас эди. Кобулнинг ҳосиликим бор тамгадиндур, тамгани олиб ва Кобулнинг доругалиги ва Панҷхир ва Кадий Ҳазора ва Кўшқак ва эшик ихтиёри тамом анда эди...” (Б.125).

Ҳиндистонни тасарруфига киритган Бобур ҳинд рожаси Фозихонга кўп мурувват кўрсатади, уни юқори маош билан таъминлаб, катта ер, имкониятлар билан тақдирлайди. Бунинг эвазига Фозихон икки қўлига икки қилич олиб, тўшига яна икки қилич осиб, Бобурга қарши курашга киради. Бобур уни мағлуб этар экан, ўз ҳузурига чақиради ва сухбат қиласи. Ушбу сухбатда ҳам юқоридаги-дек, ўз қариндошларига қилган меҳр ва шафқатини намоён қиласи. Сухбат мазмунидан биз раҳмдил Бобурга ачинамиз, унинг инсонийлиги хусусияти ҳамиша ҳам кўнгилдагидек натижа бермагани, одам табиати гоҳида шафқатни қабул қиласлигини кўрамиз: “*Илгари ўлтургузуб, бир ҳиндустоний билур кишига буюрдумким, бу сўзларни бирор-бирор анга хотир нишон қила айткил, мундоқ дегилким, мен сени ота дедим, таъзим ва эҳтиромингни ул тариқким, сенинг хотиринг тилар эди, андин яхшироқ қилдим. Ўзунгни ва ўғлонларингни, балужларнинг дарбадарлиқларидин кутқордим. Хайлхоналарингизни ва ҳарамларингизни Иброҳимнинг бандиҳонасидин ҳалос қилдим. Уч карўр Татархоннинг вилоятини санга иноят қилдим. Сенинг ҳаққингда ёмон бордиммуким, тўшунг била белингга икки қилич боғлаб, черик тортшиб, бизнинг вилоятларнинг устига келиб, мундоқ шўр ва фитна солурсен*”(Б.188).

Бобурнинг фарзанди Ҳумоюн Мирзонинг тўсатдан қаттиқ касал бўлгани, Бобурнинг унинг атрофида парвона бўлиб, дардини ўзига олишни Оллоҳдан истагани ҳақида олимларимиз томонидан кўплаб фикрлар билдирилган. Бу “Бобурнома”да ҳам кенг берилган. Биз ота, шоҳ, юксак инсон Бобур томонидан кўрсатилган бу чексиз меҳр хусусида Гулбаданбекимнинг “Ҳумоюннома” асаридан бир парча келтирмоқчиман. Бунда нафақат Бобурнинг муруввати, балки меҳр-шафқатни ҳам кузатамиз. Ана шу матн замирида Бобур гарчи давр ҳукмдори, подшоҳ бўлса ҳам, хотинларининг ўзаро низолари, оилавий муаммолари замирида қолганлигини ҳам кўрамиз. У ҳатто ана шу масалада ҳам тўғри йўл топа олган, ўзининг тўнғич ўғли Ҳумоюнга тириклигигидаёқ салтанатни топшириб, Шарқ давлатчилигига мисли кўрилмаган, ўзига хос ибрат дарсини берган. Бобур барча фарзандлари орасида Ҳумоюнга кўпроқ эътибор қаратган, уни беҳисоб бойликлар билан сийлаган. Шунга қарамасдан, Ҳумоюннинг онаси ўз шаҳаншоҳига ўринсиз танбех берган. Бобур эса унга жуда усталик билан аниқ жавоб бериб, барчага маъкул

хукм чиқарган: “Ҳазрат (яъни Бобур) келиб касални (Ҳумоюнни) кўришлари биланоқ нуроний чехралари кулфат ва хафаликка кўмилди ва борган сари қаттиқ хафаланаар эдилар. Шу вактда онам ҳазратлари: “Сиз менинг фарзандимдан бепарвосиз, чунки подшоҳсиз, нима ғамингиз бор, сизнинг бошқа фарзандингиз ҳам бор, мен ғамдаманки, битта якка-ю ягона фарзандим бор,” дедилар. Подшоҳ унга жавобан гарчи менинг бошқа фарзандларим бор бўлса-да, лекин уларнинг ҳеч бирини сенинг Ҳумоюннингдек яхши кўрмайман, шунинг учун ҳам бутун бор давлатимни, салтанатимни жаҳонда ягона, нодири замон севимли, баҳтли ўғлим – Ҳумоюнга бағипла-мокчиман, бошкаларга эмас”, дедилар<sup>19</sup>.

Ҳақиқатан Бобур Ҳумоюнни бошқа фарзандларидан кўра кўпроқ яхши кўришида, унинг (Ҳумоюннинг) ўзига бўлган меҳрини ҳам сезар эди. Бу масалада Аҳмад Ёдгорнинг қуидаги ҳикояси фикри-мизга далил бўла олади. “Бир куни оқшомда подшоҳ ҳазратлари ўз хужраларида ўтириб, Мухаммад Ҳумоюнни ҳузурларига чорладилар. Бу навқирон подшоҳзода ичкарига кирганида, олий ҳазрат бошларини ёстиққа қўйганча, уйқуга кетган эдилар. Шаҳзода бўлса, турган жойида кимирламай, бир сўз демай қўлларини қовуштирганча туриб қолдилар. Тун ярмидан ўтиб, подшоҳ ҳазратлари уйғонгач, кўрдики ўғиллари қаршиларида тик турарди: “Сиз қачон келдингиз?”, деб сўрадилар у киши. “Сизнинг амрингизни эшитибок”, деб жавоб берди шаҳзода. Подшоҳ ҳазратлари шунда унга киши юборганини эслаб, ўғли билан фахрланиб кетиб, деди: “Агар сизга салтанатим ва тожимни берсан, иниларингизни ҳеч қачон ўлимга юборманг, аксинча, уларга қаттиқ ғамхўрлик қилинг”. Бу гапларни эшитиб, шаҳзода боп эгиб таъзим бажо келтирдилар ва онҳазратларининг ўгитларига амал қилишга сўз бердилар”.

Бобурнинг меҳр ва муруввати хусусида жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Бу инсоннинг меҳр-шафқати, одамийлиги фақатгина ҳар бир кишига берган инъом ва мурувватида кўринмайди. Бобур томонидан Мовароуннаҳр, Хурросон, айниқса, Ҳиндистонда қурилган беҳисоб боғ-роғлар, иморатлар ва иншоотлар, мадраса, масжид, ҳаммом, саройлар ҳамон элга хизмат қилмоқда. Бу ҳам меҳр ва муруватнинг ёрқин мисолидир. Зоро, шафқат, меҳр-муруват тушунчалари, энг аввало, инсонларнинг баҳт-саодати, одам қал-

<sup>19</sup> Гулбаданбегим. Ҳумоюннома. Тошкент, 1959. Б.39.

біда яхшилик билан ном қолдиришда белгиланади. Бу жихатда Бобур шахсияти катта ибрат мактабидир.

Бобурнинг давлатчилик ва юксак ҳарбий маҳорати Шарқ ва Ғарб олимлари, тарихчилари томонидан тан олинган. Бу борада тарихчи Паве де Куртейлнинг қараашлари фикримизга далилдир: “Ҳар қандай синовга бардош бера олувчи, ирода ва матонатни ўзида мужассамлаштирган бу зот ҳарбий ҳийла ва жасоратни уйғунлаштира олар, зарур бўлганда жазолашга ҳам ва афв этишга ҳам қодир эди: у истеъодли ҳарбий арбоб ва ишнинг кўзини биладиган, қўшинларни маҳорат билан бошқара оладиган, уларнинг ишончини қозона олган саркарда эди”.

Захириддин Бобур давлат бошқарувида аёл шахсиятига юксак эътибор билан қараган. У аёллар қадр-қимматини жойига қўйган, иззатини бажо келтирган, зарур бўлганда Кутглуғ Нигорхоним, Эсон Давлатбегим, Хонзодабегим ва бошка аёллар билан давлат бошқаруви муаммоларига оид масалаларни бамаслаҳат адо этган, уларнинг фикрини инобатга олган. Бобурнинг қизи Гулбаданбегим “Хумоюннома” асарида ёзишича, Бобур Аграда давлат ишлари билан банд бўлган пайтда Кобулдан хотини – Хумоюннинг онаси Моҳим бегимни келаётганини ва у аллақачон саройга яқинлашиб қолганлиги хабари Бобурга етказилади. Шунда Бобур барча юмушларини қолдириб, хотинини қарши олади. У аёли келаётган карвонни кўриб, отидан тушиб, хотини томон ошиқади, уни отидан тушибириб, ўз отига миндиради ва от жиловини олиб, ўзи яёв, саройгача етаклаб келади. Подшоҳнинг бу ҳаракати сарой аҳлиниң айримларига ёқмайди ва уларнинг эътиrozларига сабаб бўлади. Шудалилнинг ўзи ҳам Бобур ўз давридан анча илгарилаб кетганлиги, оиласвий муносабатда самимият устунлиги англатиладики, бу хозирги ёшларимизга ибратдир.

## **1.6. Бобур – Фиқҳшунос олим**

Захириддин Мұхаммад Бобур ислом динига зўр эътиқод кўйган буюк зотдир. У, энг аввало, Аллоҳга, сўнгра Расули Мұхаммад алайҳиссаломга, чаҳорёри босафоларга ва исломият оламининг пиритарикларига, валийларга чин дилдан ихлос қилар эди. Улардан астойдил мадад тилар, уларнинг маърифати ва марҳаматларига ноил бўлар эди. Бобур кўп дуоларни ёд билар ва мушкулларини

дуолар кучи билан осон қиласади. У мусулмонликни беш фарзини адо этган, рўза тутган, намоз ўқиган, закот берган, ҳалол яшаган, таҳорат билан юришга одатланган. Шоир асарларида унинг ислом динига бўлган эътиқоди кўзга яққол ташланади<sup>20</sup>. Куйидаги ру-боийда Бобур умр бўйи Худодан умидвор бўлиб яшаганлиги та-раннум этилган:

*Дунё бариси манга мусаххар бўлса,  
У бода даги худой ёвар бўлса,  
Бу дур тилагим икки жаҳонда ҳақдин,  
Ҳар не тиласанг, бари муяссар бўлса<sup>21</sup>.*

Юкорида айтиб ўтилганидек, Бобур ҳаётнинг энг оғир кунла-рида Худодан мадад тилар эди: “*Неким азалда Тенгри тақдир қилибтур, андин ўзга бўлмас. Агарчи аларни ҳам айб қилиб бўлмас, ҳақ алар жониби эди*” (Б.192).

Бобурнинг “Мубаййин” рисоласи ислом дини асосларини шеъ-рий услубда баён килишга бағишланган йирик асар бўлиб, бу асар хусусида кўпгина шарқшунос ва адабиётшунос олимлар турли йил-ларда ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишган.

“Мубаййин” 1522 йилда ёзилган, беш кисмдан иборат. Унда, асосан, ислом динининг беш фарзи баён қилинган. Асарнинг кириш кисми Тангри таология ҳамду сано билан, сўнгра саййиду-л-мур-салин, яъни жаноб Муҳаммад пайғамбар саллалоҳу алайҳи васал-ламнинг накллари билан бошланади. “Мубаййин”нинг биринчи Китоби “Эътиқодийя” деб аталиб, аввал унда беш фарз: иймон, СА-лот, закот, савм ва ҳаж ҳақида қисқача маълумот берилади. Сўнгра биринчи фарз, яъни иймон муфассал шарҳлар билан келтирилади. Бобда иймон шароити ва натижаси, хотимада “Эътиқодийя” қисми (биринчи қисм) тугалланганлитидан Аллоҳга ҳамду санолар ўқилади.

“Мубаййин”нинг иккинчи қисми “Китобу-с-салот”дир. Рисола-да бу бобдан кейин намознинг вожиботлари баён қилинади. Бобур уларни йигирма иккита деб қайд қиласади. Сўнгра муаллиф яна 15 вожиботни бирма-бир санаб ўтади.

<sup>20</sup> Мирзаев И. Бобур маърифати. Тошкент, 1996. Б. 42.

<sup>21</sup> Бобур шеъриятидан. Тошкент, 1982. Б.112.

“Мубаййин”нинг учинчиси “Китобу-з-закот” деб номланган. Ундан айрим парчалар 1958 йили нашр қилинган “Бобурнинг танланган шеърлари” китобидан ўрин олган.

Бобур бу китобда қимматли ва дикқатта сазовор мулоҳазалар юритади. “Китобу-з-закот”да закот шароитлари, закот молларининг баёни, чорвачилик ва тижорат молларидан тўланадиган тўловлар, дехқончиликдан олинадиган хирожлар, уларни сарф қилиш йўллари ҳақидаги қоидалар баён қилинади.

Бобур даврида солиқлар тўрт қисмга бўлинган: биринчиси нақд пулга эга бўлган кишиларнинг *нақдина* закотидир. Бу тур закотни тилла ва кумушга эга бўлган кишилар тўлаши вожиб бўлган.

Иккинчиси *савойим*, яъни уй ҳайвонлари ҳисобидан тўланадиган закотдир.

Учинчиси *тижорат* молларидан тўланадиган закот. Бу закот турида барча турдаги савдо-сотик моллари, олтин-кумуш буюмлари, кийим-кечак, ижара моллари ва ҳоказолар киради. Булардан пул ҳисобида олинган фойда нақд пулга чақилиб, нақдина закоти қоидаларига риоя қилган ҳолда тўланади.

Тўртингчиси *ушур хирож*, ер ҳосилотларидан тўланадиган закот. Бу тур солиқка ер ҳосилотлари – мева, полиз экинлари, асал, тоғ экинлари, гул ва ҳоказолар киради. Бу закот турида ҳосилот фойдасининг ўндан бири ҳисобидан закот тўланган. Шунингдек, сув ҳамда қуруқ ерни ижарага бериш орқали кўриладиган фойдадан хирож олинган. Хирожнинг қиймати ҳам тушган фойданинг ўндан бирини ташкил этган. Хирож, ўз навбатида, икки қисмга бўлинган. Бири *муқосама*, яъни ҳосилдан хирож тўлаш. Бу тур хирожда ер ҳосилдорлигига қараб ўндан икки бўлагидан тортиб ярмигача тўланган. Иккинчи тури *муваззаф* деб аталиб (хирожни ер ҳажмига нисбатан бериш), ер ҳажми жарип (бир жарип 60x60 газ) ҳисобида ўлчаниб закот тўланган. Сабабсиз экilmagan ерлардан ҳам закот тўланиши кўзда тутилган.

Бобур закотни саккиз тоифадаги кишиларга бериш вожиблиги ҳақида ҳам кўрсатиб ўтади, булар: фақирлар (озгина нарсалари бор бўлганлар), мискинлар (ҳеч нарсаси йўклар), садақа йигувчилар (Бобур уларни “омил”, яъни иш юритувчи деб атайди), кўнгилларни исломга ошна қилувчилар (Бобур уларни “муаллафаи кулуб” деб номлайди ва у яшаган даврда уларнинг мавжуд эмаслигини айтиб,

бу тоифага кимлар киришига шарх бермайди), буйинларини (кулларни) озод қилишга (бу тоифадагиларни Бобур “мукотаб” деб атайди ва улар маълум муддат хожаларига хизмат килганларидан кейин озод этилишини қайд этиб ўтади), карздорларга, Аллоҳ йўлида жиходга кетаётганлар ва ниҳоят, ғарибларга (Бобур бу тоифага ватанида бой бўлса ҳам мусофириликда қийинчилик билан кун кечирадиган кишиларни киритади).

Бобур закот китобида, закот берилиши лозим бўлмаган шартшароитларни баён қиласди. У бундай ҳолларни иккига, уларнинг биринчисини аслий, иккинчисини фаръий қисмларга бўлади. Аслий қисмида закот берувчи закотни ота-онаси ва ундан юкори аждодларига бериб бўлмаслигини қайд этади. Фаръий қисмида болалари, набиралари ва авлодларига закот бериш жоиз эмаслиги таъкидланади. Шунингдек, эр ўз хотинига закот бермайди. Закот берувчи ўз закотини кулига бериши ҳам дуруст эмас.

Бобур асарида закотни куфр элига бериш ножоиз эканлигига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган. У закотни тўғри ёки хатолигига гумон қилинган ўринларда закот берувчининг закоти ҳисобга ўтиш-ўтмаслиги ҳақида ҳам ўзига хос шаръий талқинларни келтиради. Бобурнинг таъкидлашича, закотни беришда уни олган кишининг бунга ҳақки борлиги шубҳа остига олиниб, сўнгра бу одамнинг бой ёки кофир, ёки закот олишга муносиб эмаслиги маълум бўлса, бу закот ҳисобга ўтмас экан ва уни қайтадан бериш вожиб экан. Бобурнинг айтишича, юкорида қайд этилган ва янглиш берилган закотни қайтариб олиш ҳам ўринли ҳисобланмас экан.

“Мубаййин”нинг тўртинчи китоби “Китобу-с-савм”дир. Ушбу китобда Бобур шоирона услубда ва юксак бадиий савияда савм, яъни рўза тутиш шароитлари ҳақида қисқа, лекин мазмундор фикрларни баён қиласди. Бобур рўза тутишнинг моҳиятини очиб беради. Олим биринчи бобда рўзанинг фарзу нафли ва ниятларини равшан очиб беради.

Рўза учга бўлинади: фарз (1), нафл (2) ва вожиб (3). Рамазон ойида бир ой рўза тутиш фарзга киради. Рўза акл-ҳуши жойида, ҳайз-нафоси ва ҳомиладорликдан қутулган, рўза тутишга қодир, соғ-саломат ва муҳими, истиқомат қилувчи кимсалар учун вожибдур. Иккинчи бобда рўзанинг ҳисобга ўтмайдиган жиҳатлари баён қилинади. Куйидаги узрлик сабабларга кўра оғиз очил-

ган кунлар учун бошқа вактда рўза тутиб берилади. Сафарда, беморлик, ҳомиладорлик туфайли, эмизикли бола бўлса, ҳайз ва нифос ҳолатида бўлганилик, бехуш ва сархуш бўлиб қолинган кунлари бадалига тутиб берилади. Бундай қазо рўзалари ҳайит кунлари, уч кун ташриқ кунлари тутилмайди. Ташриқ кунлари Зулҳижжа ойининг 11-, 12- ва 13- кунлариидир.

“Мубаййин” китобига кирган бешинчи ва энг охирги асар бу “Китобу-л-ҳаж”, ҳаж арконлари ҳақидаги китобдур. Бобур ҳаж Каъбани тавоб қилишдан иборатлигини таъкидлаб, бу руҳн вожиб, мустаҳаб, суннатлардан иборатлигини баён қиласди. Сўнгра ҳаж вожиблари шароитининг баёни, яъни биринчи бобнинг тафсилотига ўтади. Ҳажга боришнинг шарт-шароитларидан бири ҳажга борувчи киши сиҳат-саломат бўлмоғи керак. Иккинчиси, ўзи ва оила эҳтиёжларга бўладиган харажатлардан зиёд маблаққа эга бўлиши талаб қилинади. Бундан ташқари, ҳажга бориб келиш учун йўл озукаси ва миниладиган бирорта ҳайвон бўлиши, ҳажга борувчи инсон озод киши бўлиши, йўлнинг бехатарлиги ҳам муҳим, ҳаж ойининг мувофиқлиги ҳам ҳажнинг асосий шартларидандир. Ҳаж ойидан бошқа муддатда қилинган сафар умра, яъни кичик ҳаж дейилади. Кейинги боб ҳаж адоси шароитининг баъёнига бағишлиланади. Ҳаж адо қилувчилар вақтидан илгари эҳром (яъни ҳаж кийимлари) боғламасликлари керак.

Рисолада Бобур ихсор баёни ва турли ҳажлар ҳакида ҳам гапириб ўтади. Ҳаж китоби “Мубаййин” асарига хотима ясаш билан якунланади. Хотимада Бобур ислом дини асосларини баён қилишда ўзининг бор билими ҳамда шоирлик маҳоратини намойиш қилганилиги ва бунинг асосий боиси Ҳак таолога холислик эканлигини қайд этади<sup>22</sup>.

Юқоридагилардан шу нарса маълум бўладики, “Мубаййин” маснавий жанрида ёзилган ислом асосларига оид кўлланмадир. Албатта, бу мақсадда яратилган асарнинг мазмуни билан ўқувчиларни осон таништириш мақсадида Бобур ўзининг бор шоирлик маҳоратини намойиш қилиб, уни назмда яратди. Бу асар фикҳ илми мутахассислари учун муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

Албатта, ушбу китобдан руҳланган, ўзлигини англаған ва имонини таниганлар кейинчалик Бобур Мирзо ҳаққига доимий дуода

---

<sup>22</sup> Ҳасанов С. Захирiddин Муҳаммад Бобур. Тошкент: Ўзбекистон, 2011. Б. 78.

бўлиш мақсадида унга атаб масжид қурадилар. Бобур масжиди ёки “Бабри масжид” Ҳиндистоннинг сиёсий масалалари билан таниш мусулмонларга машҳурдир. Бабри масжид Уттар Прадеш штатининг Айодхъя шаҳрида жойлашган. Бу масжид XVI асрда Захириддин Мухаммад Бобур – Ўрта Осиёлик давлат арбоби, Ҳиндистонни забд этган буюк темурийлар авлоди шарафига қурилган.

Бобур масжиди тарихда айтилишича, подшоҳ Бобур Ҳиндистонга юриш килишидан аввал Кобулдан қамбағал кийимида ҳинд ерига келган. У ердаги бир неча оқсақол-мискинлар билан, шу жумладан, эндиликда Бобур масжиди жойлашган тепаликдаги хоким Жалолиддин билан учрашиб, унинг ғалабасига дуо қилиб туришларини сўраган. Ўз навбатида, улар Бобурдан, агар унинг орзулари амалга ошса, шу тепаликда масжид қуришни сўраганлар.

Географик нуқтаи назардан шаҳарнинг бошқа туманларидан анча баландлиги, атрофинини кенглиги туфайли масжид мусулмонларнинг ҳам намоз ўқиш, ҳам турли йигилишлар ўтказиш жойига айланган. Бобур масжиди жойлашган Файзобод тумани миршаб ёрдамчисининг фожиали ўлимидан сўнг 1538 йилдан 1949 йилгача 400 йил давомида ҳар куни беш вақт намоз бу масжидда канда бўлмаган.<sup>23</sup>

### 1.7. Бобурнинг икки буюк фармони

Бобур давлат бошқарувида кўпгина ҳалқона амру фармонлар эълон килган. Уларнинг энг намуналиси *икки азиму-шашъян* фармонлари бўлиб, бу икки фармондан бири Бобурнинг давлатчилик мароми, подшоҳ сифатида етукликка эришгани, энг муҳими, қаламравидаги фуқароларнинг ким, қайси миллат, дин нажот ва тери рангига мансуб бўлишидан қатъи назар тамға солиғидан озод этилгани бўлса, иккинчи фармони вафотидан икки йил олдин бутун салтанатида шароб ичишни қатъиян ман этилганига оидdir. Бобурнинг бу икки фармони ҳалқпарварлиги, инсон манфаати, унинг соғлиқ ва ахлоқий баркамоллик каби хусусиятларини шахс характерида мужассамлашишига қаратилганлиги бугунги кунда ҳам қимматини йўқотгани йўқ.

Биринчи фармонда ғолиб подшоҳ – Бобурнинг ғалаба нашидаси, фахрияси бор. Унда исломий таълимот – Оллоҳга шукур ки-

<sup>23</sup> Бобур сайтидан. Интернет маълумоти.

лиш масаласи юксак тарбиявий оҳангда ўз ифодасини топган. Бунда Бобурнинг астойдил шукр дейишга асоси бор эди. Ахир ўз юртида ўзига қондош темурийзодаларнинг юрга эгалик боис тожтахт талашишлари, сарсон-саргардонликдан сўнг тақдир унга Ҳиндистондек буюк давлатни ўз тасарруфига киритишни насиб этди, бу мамлакатнинг йирик шаҳарлари қарийб курашсиз унга бўйсунди. Шу боис Бобур фармонга “*ҳар неъматга бирор шукур лозим ва ҳар шукурга унинг кетидан бирор неъмат*” деган ҳикматнамо фикрни киритади. Бемалол айтиш мумкинки, Бобурнинг бу фикри бугунги мустақиллигимизнинг хар бир неъмати, ютуғига шукроналар қилишимиз лозимлигини уқтиради. Чунки бугунги шукримиз ортидан келгусида йирикрок “*бирор неъмат*”нинг келиши аниқлиги ҳам тайин. Бобур ўзининг бу фармонида шукр мавзуига янада чуқурроқ кириб боради. Қаламравида бўлган зобиту аскарлари, бегу шаҳзодалар, баъзан мулойим, тоҳида яккаш зодагон хонимларни инсофга чақириш, Ҳинд ўлкасининг диққинафас иқлимига чидам бериш, Оллоҳ насиб этган юксак зафарлар шукронаси боис Бобур салтанатга садоқат билан хизмат қилиш руҳиятини сингдиришга ҳаракат қиласи. Бобур бу лаҳзада аниқ тасаввур этганки, қўл остидагиларга зулм, ситам, жазо ва қистовлар ўтказиш билан уларни Ҳиндистонда олиб қолиш мумкин эмас. Шунинг учун Рона Санга устидан ғалаба қилиш учун фақат лашкар сафини жипслаштириш, хиёнат, сотқинлик ва айникса, кочкинликка йўл бермасликнинг ягона йўли маънавий таъсир орқали иш кўриш деб билади ва шукр тушунчасига яна урғу беради: “*Шукр шундай бир неъмат муқобилида бўлсаки, дунёда ҳеч бир бойлик ундан буюкроқ ва охиратда бирор яхшилик ундан гўзалроқ бўлмаса*” (Б.270).

Захириддин Бобурнинг ўткинчи дунёда яратувчилик билан яшаш қатори Оллоҳ берган неъматларнинг шукронасини адо этиш, сабр ва чидам билан мақсад сари интилиш, юрга садоқат билан хизматда бўлиш каби қарашларини ҳам кузатамиз.

Бобурнинг бу фармонида унинг давлатчилик сиёсати, ўша даврдаги тасарруфига кирган юртларга темурийлар салтанатининг қонун-қоидаларининг кириб бориши, унинг амалда ишлиши ёки берилган фармонларга хилоф иш тутиши, соликлар низомига риоя этиш ва этмаслик каби саволларга ҳам аниқ жавоб оламиз.

Бобурнинг “азиму-ш-шашъи”, яъни иккинчи фармони бевосита биринчи фармон билан чамбарчас боғлиқ. Аникрок қилиб айтсак,

бу фармон хронологик ва тарихий воқеаларни акс этиши жиҳатидан юқоридаги фармондан олдинроқ юзага келиши керак эди. Бироқ Бобур Рона Санга билан бўладиган йирик муҳорабага тайёрланар, бу умрининг мазмуни ва максадларининг гултожи бўлган жангга астойдил киришганлиги боис мазкур фармонни бериш маълум муддатда орқага сурилган эди.

Саодатман шоҳ, армончили шоир Захириддин Муҳаммад Бобур умри мобайнида кечган фурсат дамларида кўп яхши-ёмон кунларни бошидан ўткарди, чархнинг жабру жафосини ҳам, ҳаёт нашъаси ва кувончларини ҳам обдан тортиди. Ва ниҳоят, умр шундай бир манзилга етиб келдики...

Бу воқеа ҳижрий 933 (1527) йили содир бўлди. Бобур ўша йили Ҳиндистонни забт этиб, порлоқ оламшумул зафар қучди. Ҳудди шу йили у яна бир буюк ғалабага эришди. Бу улуг зафарнинг номи тавбадир<sup>24</sup>: “Душанба куни жумоду-л-аввал ойининг йигирма учидаги қила отландим. Сайр асносида хотиримга еттиким, ҳамиша тавба дагдагаси хотиримда бор эди, бу номашруъ амр иртиқобидин аладдавом кўнглумда губор эди, дедимким, эй нафс:

*Чанд боши зи маосий мазакаш,  
Тавба ҳам bemaza нест бичаш.*

*Неча исён била олудалигинг,  
Неча хирман аро осудалигинг,*

*Неча нафсингга бўлурсен тобеъ,  
Неча умрунгни қилурсен зоеъ.*

*Нияти гавз илаким юрубсен,  
Ўлмакингни ўзунга кўрубсен,*

*Кимки ўлмак ўзига жазм этар,  
Ушибу ҳолатта билурсенки нетар,*

*Дур этар жумла маноҳидин ўзин,  
Аритур барча гуноҳидин ўзин,*

<sup>24</sup> Хайриддин Султон. Бобурийнома. Тошкент: Шарқ, 1997. Б.108.

*Хуш қилиб ўзни бу кечмакликтин,  
Тавба қилдим чогир ичмакликтин.*

*Олтуну нуқра суроҳио аёқ,  
Мажслис олоти тамомин ул чоқ,*

*Ҳозир айлаб борини синдурдум,  
Тарқ этиб майни, кунгул тиндурдум.*

*Бу синдурулғон олтун-кумуши суроҳий ва олотни мустаҳикарға ва дарвешларга улашилди. Үл кишиким, тавбада мувофақат қилиб эди, асас эди. Соқол қирмоқта ва қўймоқта мувофақат қилиб эди, уч кечаси ва тонгласи беклардин ва ичкilarдин ва сипоҳийлардин ва гайри сипоҳийдин уч юзга яқин киши тавба қилдилар. Ҳозир чогирларни тўқтуруб, Бобо Дўст келтурган чогирларни буюрудукким, туз солиб, сирка қилгайлар. Чогирларни тўккан ерда бир “вайн” қоздурулди. Ният қилдимким, бу вайнни тош била қўпортиб, бу вайннинг ёнида буқъайи ҳайре қилгайлар...”* (Б.221)

Бобур Мирзо бу ғалабани ўз шахсий ҳаёти ва салтанат ҳаётидаги бекиёс аҳамиятини теран англар эди. Шу сабабдан мазкур улуғ зафар муносабати билан бобурийлар салтанати бўйлаб маҳсус фармони олий эълон қилинди. Агар Бобурнинг бу фармони бошида Оллоҳ томонидан берилган ризқ ва имкониятларга шукроналик баён этиш асос қилиб олинган бўлса, асосий қисмида инсон тарбиясининг яна бир жиҳати – Куръонда ва ҳадиси шарифда қайта-қайта зикр этилган нафси тийшишга бағишлианди. Мазкур фармоннинг бош ғояси ва шоҳ Бобурнинг мақсади ҳам бутун салтанати ҳудудида май, шароб ва инсонни сархуш этувчи ичимликлар ва воситаларни ман этиш, ҳеч қаерда, ҳар қандай шароитда уни истеъмол этмаслик фармони эди, бу: “...инсон табиати ўзининг яратилиши бўйича нафс лаззатларига мойилдир, завқ келтирувчи ёқимли нарсаларни тарқ этиш Худонинг тавфиқ бершишига ва осмоний кўмакка боғлиқ. Башар нафси ёмонликка майл этишдан узок эмас” (Б.269).

Захириддин Муҳаммад Бобур фармони куйидагича бошланади:  
*Сабаблар сурати инъикосининг тўпланиши жойи ва садоқат, тўғрилик инжулари нақшининг хазинаси бўлган ақл эгаларининг*

фикр ойнаси бу маъни чечаклари жавҳарининг нақшини ўзига олурки, инсон табиати ўзининг яратилиши бўйича нафс лаззатларига мойилдир, завқ келтирувчи ёқимли нарсаларни тарк этиш Худонинг тавфиқ беришига ва осмоний қўмакка боғлиқ. Башар нафси ёмонликка майл этишдан узоқ эмас". Нафсимни поклай олмадим, чунки нафс ёмонликка амр этгучидур". Ундан қайтиш багишловчи Маликнинг лутф-марҳаматидан бошқа мумкин эмас. Бу Оллоҳнинг эҳсонидир, кимга хоҳласа, баҳш этади, Оллоҳ катта эҳсон эгасидир (Б.269).

Бу сўзларни ифодалашдан ва бу гапларни баён қилишдан ғараз шуки, инсонлик тақозоси, подшоҳлар расм-русумуи, подшоҳлик лавозими, мансабдорлар одати бўйича шоҳдин тортиб сипоҳийгача гўзал ёшлиқ кунларида шариат манъ қилган баъзи нарсаларга ва айrim ўйин-кулгиларга ружу қилинарди. Бир қанча вақтдан кейин пуштаймонлик кунлари келиб, уларни битта-битта тарк қилинар ва чин тавба билан уларга қайтиш эшиги ёпилар эди. Аммо мақсад, матлабларнинг муҳими ва буюги бўлган ичкиликдан қайтиш тавбаси "ҳар иш вақтига боғлиқ" деган нарса остига бекиниб, юзини кўрсатмас эди, токи бу яхши саодатда зўр гайрат билан уруш эҳромини боғлаб, шавкатли ислом аскарлари ёрдамида коғирларга қарши жанга киришганимизда ғайб илҳомчиси ва ҳақиқат жарчисидан "имон келтирганларга вақт келмадимики, қалбларини Оллоҳнинг зикри билан юмшатсалар?" мазмуни эшитилиб гуноҳ ва саркашлиқ асбобини илдизидан қўпориб ташлаб, тавба эшикларини тўлиқ жиддият билан қоқдик, тавфиқ йўловчиси "Кимки астойдил эшик қоқса, киради" мазмунига мувоғиқ иқбол эшигини очди ва бу урушни нафста қаршилик кўрсатишдан иборат бўлган зўр уруш билан бошлашини буюрди<sup>25</sup>. Алқисса, "Эй раббим, нафсларимизга гул қилдик"ни ихлос тилига келтириб, "Сенинг олдингда тавба қилдим ва мен мусулмонларнинг биринчисиман" деган гапни дил лавҳасига нақш қилдик. Кўнгил хазинасида махфий қолган ичкиликдан қайтиш тавбаси истагини юзага чиқардик.

Зафар нишонли ходимлар муборак ҳукм юзасидан қўплик ва зийнатда юксак юлдузидек бўлган, гўзал мажлисни безаб турган Олтин ва кумушдан ясалган май идиш ва қадаҳлар ва бошқа асбоб-

<sup>25</sup> Кудратуллаев Ҳ. Бобурнинг давлатчилик сиёсати ва дипломатияси. Тошкент: Шарқ, 2011. Б. 294.

ларни ерга уриб, Худонинг буйруқ ва қайтаришларига бўйсуниб, чекинувчилар ҳолига қадар тўда-тўда бўлиб, соат сайин шу саодат билан баҳтиёр бўлмоқдалар. Умид шуки, “Яхшиликка ундовчи киши – яхшилик қилган кишиидай” деганлари каби бу ишларнинг савоби хушбаҳт подшоҳнинг ҳаётига оид бўлғай ва бу саодат баракатидан олға босиш ва ғалаба кундан-кунга орта боргай.

Бу орзу ва бу осойишталиқ тўла-тўқис охирига етгандан кейин, олам бўйсуниши лозим бўлган фармон ижро шарафига эришдики, тинчлик сақланган мамлакатда (Худо оғат ва хавфлардан омон қилин) мутлақо ҳеч бир киши ичкилик ичишга уринмасин, уни ҳосил қилишга тиришмасин, ичимлик ясамасин, сотмасин ва олмасин, ўзида сахламасин, элтмасин ва келтирмасин.

Бу ғалабанинг шукронаси ва бу чин тавбанинг қабул даражасига эришмоғининг садақаси учун, подшоҳликнинг баҳшиш дарёси жўш уриб, олам ободонлиги ва кишилик обрўйи бўлган карам тўлқинларини пайдо қилди: бутун мамлакат бўйлаб, ўтган султонлардан қолиб келган ва даромади ҳаддан ортиқ кўп бўлган *тамғани*, ўзи ҳам шариат қоидаларидан ташқари бўлгани учун мусулмонлар устидан олиб ташлаб, фармон содир бўлдики, ҳеч шаҳар, қишлоқ, йўл, кўча, гузар ва бандарларда тамға олмасинлар ва ундиришмасинлар, ҳам бу ҳукмнинг қоидаларига ўзгартиш киргизмасинлар: “*Кимики буни эшитгандан кейин ўзгартирса, гуноҳи ўзгартирувчиларга бўлади!*”

Подшоҳнинг меҳрибончилигига сифинган турқ, форс, араб, ажам, ҳинд фуқароси ва сипоҳ – бутун миллатлар, ҳамма инсон тоифалари бу мангу баҳшишга суюниб, умид тутиб, абадийликка бириккан, давлатимиз дуосига машғул бўлсинлар ва бу ҳукмлар ижросидан ташқари чиқмасинлар ва бурилмасинлар, фармонга мувофиқ иш олиб борсинлар. Бу ҳукм улуғ подшоҳ имзоси билан этишса, эътимод қилсинлар.

*Амри олий билан 932 (ҳижрий) иили жумоду-л-аввал ойининг 24-кунида ёзилди. Тавба ва унинг ҳосияти ана шундоқ якун топди.*

Бобур фармонидан келиб чиқадиган ҳолатни ҳам яхши тасаввур этган. “Ичкилиқдан қочинглар, шоядки нажот топсангиз” деган жумла Бобур фармонинг мазмуни, турмуш мушкулларининг ечим топишига ичкилиқни тарқ этиш катта ёрдам беришини англатадики, такрор айтамиз, бу ундов ва таълимот бизнинг давримизда

ҳам жуда мухим ва аҳамиятлидир: “*Бу орзу ва бу осойишталик тўла-тўккис охирига етгандан кейин олам бўйсуниши лозим бўлган фармон ижро шарафига эришдики, тинч сақланган мамлакатда (Худо оғат ва хавфлардан омон қилсин) мутлақо ҳеч бир киши ичкилиқ ичишга уринмасин, уни ҳосил қилишга тиришимасин, ичкилиқ ясамасин, сотмасин ва олмасин, ўзида сақламасин, элтмасин ва келтирмасин: “Ичкиликтан қочинглар, шоядки најсот топсангиз”<sup>26</sup>.*

<sup>26</sup> Қудратуллаев Ҳ. Бобурнинг давлатчилик сиёсати ва дипломатияси. Тошкент: Шарқ, 2011. Б.304.

## **II боб. МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ**

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг қисқа умри мобайнида бир неча хил касалликларга ҷалиниб, душманлари томонидан заҳарланиб, касалликларни тез-тез хуружини матонат, сабр-бардош ва ихлосу эътиқод билан енга олган инсон. Ўз руҳиятини табиатга боқиб кўтара олиши, ўсимликлар дунёси, мева ва сабзавотларни доривор гиёҳлар сифатида кенг ёритганини “Бобурнома”нинг бир неча ўринларида мутолаа қиласиз. Муаллиф табибларнинг буюрган муолажаларини ўз вақтида бажарган ва табобат билан табиатни бир-бири билан боғлиқ ҳолда кўриш лозимлигини уқтирган. Бобур “Бобурнома”да дардни бергувчи ва давосини ҳам айтувчи Яратганинг ўзи эканини ихлос билан айтар экан, улуғларнинг назаридан ўтиш ҳамда уларнинг дуосини олиш ҳам дардан ҳалос бўлишнинг бир йўли эканини исботлаб кўрсатади. Бу борада Бобур шайх Жалолиддин Румийнинг “Яратганга мени шундай касалим бор деб ҳасрат қилгандан кўра, касаликка қараб мени дардларга даво бергувчи яратганим бор”, деган сўзларини қалбига жо этган кўринади. Бобур Мирзонинг фикрича, Яратганга, шайхулислом ва улуғларга, Тангрининг неъмати ҳисобланган табиат инъомларининг барчасига эътиқод билан қаралса, шуларнинг ўзи ҳам дардга даво экан.

### **2.1.”Бобурнома”да шаҳарлар ва табиат тавсифи**

“Бобурнома”да уч минтақа – Мовароуннахр, Афғонистон ва Ҳиндистон ҳақида батафсил маълумот берилган. Бобур Фарғона водийсини тасвирлар экан, бу ўлканинг хоҳ унумдор ерлари, хоҳ Андижон, Аҳси, Косон, Марғилон, Ўш, Ўзган, Конибодом сингари шаҳарлари тўғрисида бўлсин, алоҳида меҳр билан фикр юритади.

**Андижон.** Бобур Мирзо ўз асарини қадрдон гўшаси Андижонни таъриф этишдан бошлайди. “*Етти қасабаси бор: беши Сайҳун сувининг жануб тарафида, иккитаси шимол томонида. Жанубий тарафидаги шаҳарлардан бири – Андижон, ўртада жойлашган, Фарғона вилоятининг пойтахтидир. Галласи мўл, меваси кўп, қовун ва узуми мўл бўлади. Қовун пишигида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас. Андижоннинг ношвотисидан яхшироқ ношвоти бўлмас*” (Б.35).

Қадимги Буюк ипак йўлиниң масканларидан бўлмиш Андижон 2500 йиллик тарихга эга бўлган қадимий шаҳардир. Бобур ўз асарида Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Шахрисабз кўргонидан кейин Андижон кўргонига тенг келадиган қўргон йўқлигини ёзади, яъни Фарғона водийсида бундан катта ва мустаҳкам қалъа йўқлигини таърифлайди: “*Уч дарвозаси бор. Арки жануб тарафида жойлашган. Шаҳарга тўққиз тарнов сув киради. Ажабки, бирор ердан ташқарига чиқмайди.*

*Қалъанинг теварак-атрофи – хандақ. Унинг ташқариси – тош тўқилган катта кўчадир. Қалъанинг атроф-айланаси тамоман маҳаллалар билан қуршалган*” (Б.35).

Кўй-далалари кенг бўлган Андижон шаҳар атрофларида ов учун қушлар кўп бўлган: “*Қирғовуллари беҳад семиз бўлади. Шундай ривоят қиласиларки, бир қирғовул гўштини тўрт киши еб тугатолмаган*”.

“Бобурнома”да муаллиф ўша даврдаги Андижоннинг кенглиги, гўзаллиги, қишлоқ хўжалигидаги ютуқлари билан бир қаторда Фарғона водийсининг илм-фан ва маданияти ривожланган пойтахтнинг салобати ҳакида фахрланиб ёzádi.

**Аҳси.** “Бобурнома”да муаллиф Аҳси ҳакида қуидаги тарихий маълумотни келтирган: “*Сайхун суйининг шимоли тарафидаги қасабалардан бири Аҳсидур. Китобларда Аҳсикат битирлар. Нечукким, Асириддин шоирни Асириддин Аҳсикатий дерлар. Фарғонада Андижондин сўнгра мундин улугроқ қасаба йўқтур.*

*Андижондин гарб сори тўққуз ишоҷ ӣўлдор. Умаршайх мирзо муни пойтахт қилиб эди. Сайхун дарёси қўргонининг остидин оқар. Қўргони баланд жар устидга воқиъ бўлубтур. Хандақининг ўрнига амиқ жарлардур. Умаршайх мирзоким, муни пойтахт қилди, биринки мартаба ташқарироқдин яна жарлар солди. Фарғонада мунча берк қўргон йўқтур. Маҳаллоти қўргондин бир шаръий иироқроқ тушибтур. “Деҳ кужсову дарахтон кужсо” масалини голибо Аҳси учун айтибтурлар*” (Б.36).

**Ёки:** Қовуни яхши бўлур. Бир навъ қовундурким “Миртемурӣ” дерлар, андоқ қовун маълум эмаским, оламда бўлгай. Бухоро қовуни машиҳурдур. Самарқандни олгон маҳалда Аҳсидин ва Бухородин қовун келтурууб бир мажслисда кестурдум, Аҳси қовунининг ҳеч нисбати йўқ эрди.

*“Ови қуши бисёр яхши бўлур. Сайхун дарёсининг Ахси тарафи дашттур. Оқ кийиги бисёр бўлур. Андижон тарафи жсангалдор. Бугу – марал, қирғовул, товушқони кўп топилур, асру семиз бўлур”* (Б.36).

Тарихга назар солсак, IX-X асрларга келиб Фарғона Сомонийлар давлати таркибиға киради. Бу давлатларда Ахсикат ва унинг атрофига (ҳозирги Наманган тумани)ги катта ҳудудда дехқончилик, суғориш тармоқлари жуда ривожланган бўлиб, бутдой, кунжут, узум, пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштирилган. Турли ҳунар ва касб-кор, бинокорлик санъатининг ривожланиш даври бўлган. Шаҳарларда савдо-сотик марказлари, работлар вужудга келган. Ахсикат шаҳрида бундай иншоотларнинг тевараги баланд деворлар билан ўраб олинган. Ал-Мақдасийнинг ёзишича, “Фарғонада жомеъ масжидига эга қиркта кент мавжуд бўлган, улар ўзининг катталиги билан ажралиб турган”. IX-X асрлардаги шаҳарлар водийнинг теккислик қисмида вужудга келган бўлиб, қадимий Шарқ савдо йўли айнан шу жойлардан ўтган. Ўша пайтларда Ахсикат, Косонга борадиган катта карvon йўлларининг бир қисми ҳозирги Наманган туманидан ўтган.

Умуман олганда, IX-XII асрлар Ахсикат ва унинг атрофидаги жойларнинг энг гуллаган, илму фан ҳамда санъат ва маданияти ривожланган давр бўлган. Мана шу даврларда Ахсикатдан Абу Рашод Ахсикатий, Абул Вафо Ахсикатий, Асириддин Ахсикатий ва Абул Қосим Муҳаммад ибн Муҳаммад Сўфий сингари олимлар, шоирлар, мударрислар ва бошқа қатор илму фан вакиллари етишиб чиққанлар. Бу даврларда Ахсикат воҳаси аҳолисининг фарзандлари билан бир қаторда бошқа ўлкалардан келган толиби илмлар ҳам Ахсикат мадрасаларида етук, билимдон мударрислардан сабоқ олганлар. Бобурнинг таърифи бўйича, Ахсикат атрофларида бепоён кўм-кўк экинзор далалар, ўт-ўланларга сероб, адоги кўринмас воҳалар, аҳолиси кўп ва жуда гавжум қишлоқлар мавжудлиги, бу гўзал воҳада етиштирилаётган меваларнинг ниҳоятда ширин ва лаззатли эканлиги тўғрисида ҳамда бу ерларнинг мевасига ўхшаш мазали мевалар бошқа жойларда бўлмаслиги ҳақида қизикарли маълумотларни беради<sup>27</sup>.

---

<sup>27</sup> Мирзаалиев Э. Ахсикент. Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2009. Б.23.

Қалъа ичида сув иншоотлари ўша вактларда мавжудлиги, қола-верса, канализация тизими ишлагани ўша даврларда Ахсикат шаҳри цивилизациянинг юқори чўққида эканлигидан далолат беради.

Ўрта Осиё шаҳарлари орасида эрамиздан аввалги III асрдан эрамизнинг V асригача ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий марказ сифагида танилган шаҳарлардан бири **Косондир**. Қадимги Фарғонанинг пойтахтларидан бўлган Косон Кушон империяси даврида анча юксалган. Академик В.В.Бартольднинг ёзишича, V асрларда ҳам “Фарғонанинг асосий шаҳри бўлган Косоннинг айланаси бор-йўғи 4 ли (4 ли 1,5 км.га teng – М.М.) эди”. Профессор А.Н.Бернштам томонидан текширилган қадимги Косон шаҳри ҳақиқатдан ҳам Кушон династиясининг (мил. аввалги I асрда) Шимолий Фарғонадаги пойтахти бўлган. Хитой манбаларида Кэсай деб аталган Косон Турк хоқонлиги даврида турк амалдорларининг қароргоҳи бўлган. Турк хоқонлиги ҳалокатга учраганда ҳам у бутун водийнинг маркази бўлиб қолган<sup>28</sup>.

Бобур Косон ҳақида фикр юритар экан, фавқулодда маҳоратини намоён этади. Ҳар бир сатрда муаллифнинг юрга меҳри, унинг хуш ҳавоси, мувофиқ жуғрофий ўрнидан фахрланиш, ҳузурланиш кайфиятини кузатамиз. Ҳар бир иборада, жумладан, шаҳарчанинг гўзаллиги аниқ-тиниқ очилиб, ўқувчини ўзига ром этиб, Бобур суйган бу юртни ўз кўзи билан кўришга ошиқади. Косон тасвири ниҳоясида ўқувчини Бобурнинг навбатдаги жумласи (“*Сафо ва ҳавода Ўш билан Косон элининг таассуби бор*”) ҳайратга солади. Бобур Фарғона водийсида Косон сингари жойлар кўплиги, эли эса ўз юрти табиати, Ватани билан фахрланиши, унинг гўзаллигини оламга кўз-кўз қилишга қодирлиги, ҳатто бу қасабаларнинг қайси бири чиройлилиги борасида ўзига хос баҳслар бўлганини мамнуният билан кайд этади: “*Яна бир Косондур, Ахсининг шимолида тушибтур. Кичикроқ қасабадур. Нечукким, Андижон сўйи Ўшдин келур, Ахси сўйи Косондин келур. Яхши ҳаволиқ ердур. Сафолиқ боғчалари бор. Вале сафолиқ боғчалари тамом сой ёқасида воқъи бўлгени учун, “пўстини пеш берра” дебтурлар. Сафо ва ҳавода Ўш била Косон элининг таассуби бор*”.

Бобурнинг Косонга бўлган муҳаббати балки унинг пири Махдуми Аъзам Косоний туфайли ҳам бўлиши ҳам мумкин. Шу

<sup>28</sup> Қаранг: Юсупов И. Наманган шаҳри тарихидан лавхалар. Наманган, 2010. Б.8.

боис Захириддин Бобурнинг устозига бир умр қалбан миннатдор бўлибгина қолмай, кейинчалик ҳам Ҳиндистондан туриб устозига ҳадялар жўнатиб турган.

Фарғона водийсининг қайси шаҳар, қасаба ёки қишлоғини таърифламасин, Бобур бу элнинг сахийлиги, меҳмондўстлиги, гўзал табиати ҳақида гапиради. Айни пайтда, имкон қадар шаҳарларнинг бир-биридан фарқланиб турадиган жиҳатларига эътибор каратади. Масалан, у **Марғилон** ҳақида сўзлар экан, унинг пурнеъматлиги, айникса, анор ва ўриги “асру кўп”лигини таъкидлайди. Марғилон ўрикларининг олий сифатлилигини айтибгина қолмай, марғилонликларга хос ўрик қуритиш усули ҳақида завқ билан маълумот беради: “*Яна бир жинс ўрук бўлурким, донасини олиб, ичига мазз солиб қурутурлар, “субҳоний” дерлар, бисёр лазиздур*” (Б.35). Қолаверса, подшоҳ Бобур диққатидан Марғилон элининг жасурлиги – ботир аскарга хос хусусияти ҳам четда қолмаган: “*Жангара-лиқ расми Мовароуннаҳрда шойиъдур, Самарқанд ва Бухорода номдор жангаралар аксар Марғинонийдур*”.

Захириддин Бобурнинг табиат ва борликни тасвирлашида кишига завқ берувчи манзаралар талайгина. “Бобурнома”ни мутолаа қилган бугунги ўкувчи ҳам уларнинг жозибасига, ҳакконийлигига тан бермасдан иложи йўқ. “Бобурнома”даги лолалар ва уларнинг хиллари ҳақидаги маълумотлар фикримизга далилдир. Ўкувчи беихтиёр Даشت Шайх Парвонинг “*бир парча еридагина*” ўсадиган “*садбарг лола*”ни ўз кўзи билан кўриш иштиёқи туғилади. Лола адабнинг асосий тасвир мавзуи бўлиб, унда Бобурнинг ҳаётга меҳри, табиат мўъжизасидан лаззатланиши ва илмий хулосалари муҷассам. Айни шу каби мушоҳадалар “Бобурнома” шуҳратини оширган, муаллиф услубининг ўзига хослигини таъминлаган. Муаллиф дастлаб “*ранго-ранг*”, “*ҳар навъ*” лола ҳақида гапиради. Бир қараганда, бу икки ибора синонимга ўхшайди, аслида эса – бошқача. Биринчи ибора лоланинг турли рангларини, иккинчиси – унинг навини англатмоқда. Бобур эринмай лола навларини санаб чиқади ва улар “*ўттиз икки – ўттиз уч навъ*”, деган хулосага келади. Бу хулосадан ўкувчи бир хил нав, аммо турли рангдаги лолалар сони кўпайтириб кўрсатилган, деган фикрга бормаслиги учун: “*гайримукаррар лола*” иборасини илова қиласди. Демак, лолалар нав жиҳатидан айнан бир хил эмас, балки бетакрордир. Санал-

ган ўттиз уч навга кирмайдиган яна бир нав бор – “*лолаи гулбўй*”. Бобурнинг бу навни ажратиб таъкидлаганининг боиси шундаки, хар қандай лола хушбўй ҳидга эга эмас. “*Лолаи гулбўй*” эса ўзгача гул каби хушбўй. Бобур ва унинг ҳамроҳлари бу навни шундай аташган. Садбарг лола ҳамма жойда ўсавермайди, Дашиби Шайхдаги мўъжазгина ерда унади<sup>29</sup>. Хуллас, бу парчада Бобурнинг табиатни теран идрок этиши яна бир карра ҳамоён бўлган: “*Бу домана (Дашиби Шайх)да ранго-ранга ҳар анвоъ лолалар бўлур. Бир қатла санаттим, ўттуз икки – ўттуз уч навъ гайри мукаррап лола чиқти. Бир навъ лола бўлурким, андин андак қизил гул иди келур, лолайи гулбўй дер эдук. Дашиби Шайхта бир парча ерда бўлур, ўзга ерда бўлмас. Яна ушбу доманада Паравондин қўйироқ садбарг лола бўлур, ул ҳам бир парча ерда Фурбанд тангисининг чиқишида бўлур*”(Б.112).

Худди шундай ҳолатларда, шубҳа йўқки, шоир табиатдаги борлиқка севиниб, ҳаёт нашидасини суриб, ўткинчи умрни имкон қадар хуш ўтказиш лозим деган кайфиятда ғазаллар битган:

*Ёз бўлдию бўлди яна жсаннат каби ёзи,  
Хуш ул кишиким айш ила ўтгай қишу ёзи.*

*Дутора уни айшу фарогатни берур ёд,  
Мутрибга қулоқ тутки, не дер нағмада сози.*

*Чун қиблам эрур ёр, қилаи қошида сажда;  
Носиҳ сўзин найтай, эмас сўзи намози...*

## 2.2. Шифобахш ўтлар таърифи

Захириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида доривор ўсимликларга бамисоли фармацент мутахассис сифатида фикр юритади, ҳар бир ўсимлик кўриниши, ранги, дориворлигини кенг ва тушунарли қилиб таърифлайди.

Адаб учун юртнинг ҳар бир гиёхи қадрлидир. Айниқса, Фарғона водийси ҳақида сўз юритар экан, Бобур унинг тоғларидағи яйлокларидан ҳам ўлқанинг афзаллигини, ўзига хослигини билдирувчи аломатларни кўради. Ҳар бир ўт-ўланларни алоҳида таъриф-

<sup>29</sup> Кудратуллаев Ҳ. Бобур армони. Тошкент: Шарқ, 2005. Б.130.

лаб, уларга имкон қадар илмий шарҳ беради. Маълумки, Мовароуннахр, алхусус, Ўзбекистон тоғлари азалдан шифобахш гиёхларга бой. Бугунги кунда ҳам халқ табиблари бу гиёхлардан унумли фойдаланиб, bemорларни даволамоқдалар. Қадимда олим ва табибларни, ҳаттоқи Заҳириддин Бобур дикқатини ҳам шифобахш ўсимликларнинг хосияти қизиқтирган. Улар орасида меҳригиё деб атaluвчи алоҳида мўъжизакор гиёҳ борасида кўп ривоятлар бор. Таъкидлашларича, ҳар ким меҳригиёни топиб истеъмол қилса, қаримас, ёшлиқдаги куввати сакланар ва узок-умр кўрар экан. Бугуни кунда ҳам бу сирли ўсимликни кўрган, истеъмол қилган кишилар ҳакида бот-бот эшишиб қоламиз. Бироқ масаланинг мураккаб томони шундаки, меҳригиёх тоғ чўққиларига яқин жойларда ўсар, жуда камёб, уни кўлга киритиш мушкил эмиш. “Бобурнома”да муаллиф меҳригиёхнинг арабча номини ябруҳ ус-санамни келтириб, уни ўзи кўрмаганини, китобларда ўқиганини ёзади. У ўкувчинини ноумид қилмаслик учун Еттикент тоғларида ўсадиган “айик ўти” меҳригиёх эканини айтади ва бу фикрда холис қолиш учун “эл бу от била айтурлар”, дейди: “Баъзи китобларда битибтурларким, ябруҳ ус-санам (меҳригиёҳ) бу тоғлардадур, vale бу муддатта ҳеч эшишилмади. Бир гиёҳ эшишилдиким, Еттикентнинг тоғларида бўлур, ул эл “айик ўти” дерлар, меҳригиёҳ хосиятиқ, голибо меҳригиёҳдур, ул эл бу от била айтурлар” (Б.36).

Нуриддин Муҳаммад Шерозий ўзининг “Алфози адвия” китобида меҳригиёҳни “инсондаги барча касалликларга даво бўлган ўт” деб билиб, уни номини ўз асарида “мандрагора” деб атайди<sup>30</sup>.

“Бобурнома”ни немис тилига ўғирган Клапрот “меҳригиёх”га “қуёш ўти” деб изоҳ берган. Клапрот “айик ўти”ни ҳам қуидагича талқин қиласди: бу “айик – ҳайвон номи эмас, балки айқ – хушёр, бардам дегани”, – деб изоҳлайди. М.Салье “ябруҳу-с-санам”ни “мандрагора, южное ядовитое травянистое растение из семейства паслёновых с широкими листьями и толстым длинным корнем” (мандрагара, жанубда ўсадиган заҳарли ўтсимон ўсимлик; паслён оиласига мансуб бўлиб, барглари кенг, йўғон узун илдизли бўлади) деб таъриф беради. Д.Хербелот “айик ўти”ни бошқача таърифлаб, қуидагича изоҳлайди: “айқ ўти” бу “узоқ умр кўриш” ўтидир,

<sup>30</sup> Отажанов Н. Из истории перевода узбекской классической литературы на иностранные языки. Ташкент, 1985. С.74-75.

дейди. Бундан ташқари, бу ўт “ит ўти” ҳамdir, бу сўзнинг лексик маъносидан келиб чиқади, – дейди у давом этиб. Айтишларича, “агарда бирор кимса бу ўтга тегса, ўша заҳоти ўлади, шунинг учун унинг илдизларини жуда эҳтиёткорлик билан ковлаб олинади”.

“Ябруху-с-санам” икки йўл билан олинган. Биринчиси, илдиз атрофини эҳтиёткорлик билан дастаси узун кетмонда ковлаб олгач, арконнинг бир учини илдизга боғлаб, иккинчи учи итнинг бўйнига боғланади. Ит илдизни тортиш жараёнида анча ҳаракатланади ва тортгандан сўнг ўлади. Иккинчи йўл, паррак қилиб кесилган лаҳм гўштни меҳригиёҳни шоҳларига ташланади. Уч кун овқат берилмаган итни гўшт олдига қўйиб юборилади. Ит гўштни шоҳдан ажратиш учун қаттиқ ҳаракат қиласи ва гўшт билан шоҳни тортганда илдизи билан тортиб олади. Кўп ўтмай ит ўлади. Илдиз танадан ажратиб олинади ва шифо сифатида ишлатилади. Манбаларда, кўпинча, меҳригиёҳни тортган итнинг юраги ёрилиб ўлади, деб ёзилади. Ҳар қалай, бу шифобахш ўт меҳригиёҳ ябруху-с-санам, айиқ ўти, айқ ўти, мандрагора, муҳаббат ўти, ит ўти, қуёш ўти, заҳарли ўт, жисикин тола ўти номлари билан адабиётларда келтирилади, таърифу тавсифланади.

### 2.3. Бобур дардига шифо – унинг эътиқоди

Захириддин Муҳаммад Бобур Ҳожа Ахрор Валий шахсияти ёрдамида ўз ички дунёси, эътиқоду қарашларини бир мезонга солибгина қолмай, балки ижодида ҳам унинг руҳидан мадад олиб, марҳаматидан баҳраманд бўлган. Бобур “Қасидаи Бурда”нинг муаллифи ўз асарини яратганидан сўнг фалаж касаллигидан қутилганини ёзади. Шу боис, bemорликка учраган Бобур ҳам Ҳожа Ахрорнинг “Волидийя” рисоласини туркий тилга таржима қиласи ва таржима тугаши билан касалликдан фориғ бўлганлигини ёзади. Таржима жараёнида фақат Ҳожа Ахрорга эмас, Абдураҳмон Жомийга ҳам ихлос билдиради, зимдан у зотдан ҳам шифо тилайди. Шу боис, Жомийнинг “Субҳ” қасидаси таржимаси учун “баҳри рамали мусаддаси маҳбун, арзуз ва зарбгоҳи маҳбуни маҳфуз” вазнини танлайди. Бобур: “Тенгри инояти била, ҳазратнинг ҳимматидин, панжшанба куни, ойнинг йигирма тўққузида андаке афсурда бўлди, ўзга бу оrizадин ҳалос бўлдум” (Б.242), дейди. У тез тузалганини аввало Аллоҳ, сўнгра пири Ҳожа Ахрор шарофатидан

деб билади, пирининг мўъжизакор хислатга эгалигига ўқувчини ҳам ишонтиришга ҳаракат қилади ва: “Ўтган йил ва балки ҳар маҳал мундоқ оризаким бўлди, ақали бир ой-қириқ кунга тортди” деб, ўтган йилги касаллигининг чўзилганини кейинги сафар тез соғайгани билан қиёслайди. Ёки: “Фатҳномада тугронинг остида бу рубоийни битидим:

*Ислом учун овораи ёзи бўлдум,  
Куффору ҳунуд ҳарбсози бўлдум,  
Жазм айлаб эрдим ўзни шаҳид ўлмоққа,  
Ал-миннату лилаҳки, гозий бўлдум*” (Б.229).

Шоир қалбига мусулмонларнинг худога шукроналар айтишдек одатлари сингиб кетган. У мағлубиятта учраган пайтларда ҳам, зафар қозонганида ҳам, иссиқликка ҳам, совуқликка ҳам шукур қилади:

*Юз шукур де, Бобурки, карими гаффор,  
Берди санга Синду Ҳиндु мулки бисёр.*

*Иссиқлигига гар санга йўқтур тоқат,  
Совуқ юзини кўрай десанг Газни бор<sup>31</sup>.*

Шуни таъкидлаш жоизки, Бобурнинг динга бўлган эътиқоди кучли эди. Халқ орасида “Эътиқоди борнинг иймони бор, иймони борнинг эътиқоди бор” деган ҳикмат бор. Бу жиҳатдан қарагандা, Бобур ҳам эътиқодли, ҳам иймонли шахс эди. У ғайридиндагиларни исломий эътиқодга киришига сабаб бўлгани учун *гозий* унвони соҳиби бўлган.

Маълумки, XV асрдан бошлиб нақшбандийлик нафақат Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳалқлари, балки Ҳиндистон ва араб давлатлари ўртасида ҳам кенг тарқалган руҳий-маънавий тариқатга айланган. Ҳожагон тариқати пири сифатида машхур бўлган Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий (1404-1490) нақшбандийлик тариқатининг етук намояндадаридан Мир Сайид Косим Анвар, Шайх Зайниддин Ҳавофий, Мавлоно Саъдиддин Кешгарий, Ҳожа

<sup>31</sup> Бобур шериятидан. Тошкент, 1982. Б.111.

Муҳаммад Порсо, Яъқуб Чархий, Баҳоуддин Нақшбанд хизмати ва сұхбатида бўлган. Отасининг исми Хожа Маҳмуд, она томонидан Шайх Умар Богистоний авлодидан бўлиб, Тошкент вилоятининг Богистон қишлоғида таваллуд топган. Дастлаб Тошкентда, жумладан, Шайх Зайниддин Хавофий сұхбатида бўлган.

Султон Абу Сайид Мирзо ва Султон Аҳмад Мирзо ҳукмронлиги даврида Хожа Аҳрор ҳалқ манфаатлари ҳимоячиси сифатида донги таралиб, ҳалқ орасида катта мартабага эга бўлган. Бунинг асосий сабаби – ўша даврда ўзини мана шу тариқат аъзоси деб ҳисоблаган ҳар бир шахсга ижтимоий жиҳатдан фойдали бўлмоғи ва мусулмонларинг манфаатларини ҳимоя қилишда, подшоҳлар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг ишончларини қозонишдек муҳим вазифа турган. Бунинг тасдиғи эса “Рашаҳот”даги Хожа Аҳрор (Эшон) сўзларида яққол кўзга ташланиб туради: “Агар биз шу вақт шайхлик қилганимизда ҳеч бир шайх ўзига мурид топа олмас эди, лекин бизга бошқа иш буюрилганки, мусулмонларни золимлар зулмидан саклаймиз. Бу восита билан биз подшоҳлар билан мулоқот қилиш, уларнинг қалбини забт этиш ва бу ишнинг ўртасида туриб мусулмонларни мақсадларига етказмоғимиз керак”.

Захириддин Муҳаммад Бобур ҳам Хожа Аҳрор ҳақида сўз юритар экан, хожагон тариқатининг асосий мақсади – факир ва мискинларни ҳимоя қилиш, уларнинг манфаатлари йўлида хизмат қилишдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлайди. Дарҳақиқат, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор деҳқон, ҳунарманд ва умуман, фуқаролар муаммоларини тинчлик йўли билан ҳал қилиб берарди. Шу боис Самарқанд ҳалқи Султон Аҳмад Мирзо даврида фаровон, маъмурлик ва осойишталиқда ҳаёт кечиргани ҳақида Бобур шундай дейди: “Самарқанд аҳликим, йигирма-йигирма беш йил Султон Аҳмад миранинг замонида рафоҳият ва фарогат била ўткариб эдилар, аксар муомала ҳазрати Хожа жиҳатидин адл ва шаръ тариқи била эди” (Б.47). Яна бир ўринда эса Бобур шундай деб ёзади: “Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳнинг мутааллиқларигаким, бурун ҳарж ва таҳмилларда кўп факир ва мискин аларнинг ҳимояти била зулм ва тааддидин ҳалос бўлурлар эди” (Б.46).

Бобур замонасидаги бирор кишига баҳо берар экан, аксарият ҳолларда унинг Хожа Аҳрорга бўлган муносабати ёки Хожа Аҳрорнинг шу шахсга бўлган муносабатини асосий мезон қилиб олади.

Жумладан, падари бузруквори Умаршайх Мирзонинг феъл-атвотини таърифлаб келиб: “Ҳазрати Ҳожса Убайдуллоҳга иродати бор эди, сұхбатларига бисёр мушарраф бўлуб эди, Ҳазрат Ҳожса ҳам фарзанд деб эдилар” (Б.37-бет) дейди.

Табиийки, Бобур ёшлигиданоқ нақшбандийлик тариқатининг йўл-йўрикларини, айниқса, Ҳожа Ахрор сулуки асосларига амал қилишга катта ижтиҳот боғлаган ва Ҳожа Убайдуллоҳ Ахрор шахсияти Бобур ҳаёти ва ижодида маънавий пир сифатида катта из колдирган. Шу боис “Бобурнома”да Ҳожа Убайдуллоҳ Ахрор шахсияти ва унинг насл-насаби ҳамда ижтимоий-сиёсий фаолияти, унинг маънавий ҳаётидаги бекиёс ижобий жиҳатлари ҳакида тўлқинланиб гапиради<sup>32</sup>.

“Бобурнома”дан бизга маълумки, Бобурнинг пири ва устози Ҳожа Убайдуллоҳ Ахрорнинг муриди, Ҳожа Мавлоно Қози бўлган. Унинг устозлигига Бобур нақшбандийлик таълимоти асосларини мукаммал эгаллаган. Бобур Ҳожа Мавлоно Қозининг вафотидан кейин тариқат пешвоси Маҳдуми Аъзам Косонийни хожагон тариқати намояндадаридан бири сифатида қаттиқ ҳурмат қилган ва ўзининг руҳий пири деб билган, ва ўз навбатида, Ҳожа Ахрорнинг “Рисолайи Волидийя” асарини туркий тилга назмда таржима қилиб, Ҳиндистонда ёзилган рубоийларини “Девони Бобур”га кўшиб, Маҳдуми Аъзамга тақдим этган. Шундан сўнг Маҳдуми Аъзам ҳам ўзининг “Рисолайи Бобурия” рисоласини Бобурга атаб ёзган. Бу асар буюк саркарда, тарихчи, олим ва мутафаккир шоир сифатида тан олинган шавкатли Бобур Мирзо учун кўнгил шикастликларидан қутилиш малҳами ҳам бўлган, десак адашмаймиз. “Рисолайи Бобурия”да Маҳдуми Аъзам Бобур Мирзога, у орқали барчага адолатга, ҳалолликка, сабру қаноатга, қўл, кўнгил ва нафс тозалигига, бироннинг хаққини емасликка, ҳалқ манфаати йўлида фидоийликка чакиради<sup>33</sup>. Жумладан, рисоланинг муқаддимасида шундай дейилади: “Ушибу нусхаи шариф ёзилишига сабаб шу эдики, Ҳақ йўлида бўлган дарвешларга нисбатан ихлос ва ақида кўргазиб, улар тамонидан чин кўнгилдан севилган подшоҳ ҳазратлариким, жон ичидан ўрин тутгани учун унинг номини тилга олиш адабдан эмас, иирик дин арбоби ва илмнинг яқин йўлчиси, факир эркинлигига тушунган

<sup>32</sup> Хайдариддин Султон. Бобурийнома. Тошкент: Шарқ, 1997. Б.131.

<sup>33</sup> Ҳасанов С. Захириддин Муҳаммад Бобур. Тошкент: Ўзбекистон, 2011. Б.74

*Хојса Убайдуллоҳ Аҳрор Ҳудо нури орқали назар қилган экан, шунинг натижаси сифатида у кишида талаб дарди топтилиб, оромсизлик ва қарорсизликка сабаб бўлган экан. Мазкур дардни бартараф этиши ушбу тоифадан бошқаларга мусассар эмас. Шунинг учун ҳазратнинг “Рисолайи волидийя” рисоласини назмда таржима қилиб, ўз рубоийлари билан бирга бизга юборган эканлар. Шунга биноан камина бир нусха ёзишга уриндим. Ҳудо хоҳласа, умид борки, муборак хотираларига таскин берив, ушбу соадат сармояси бўлган талаб дардининг кўпайишига сабаб бўлгай...”*

Бобур даврига келиб туш ва унинг таъбири ҳақида жуда кўп маълумотлар бор эди. Унинг ота—боболари ҳам тушга жуда қаттиқ ишонган ва албатта, унинг таъбирини ўрганишган. Чингизхоннинг аждодларидан бири Тумана ҳақида айтилишича, унинг эгизак ўғиллари бўлиб, уларнинг исмлари Қобул ва Кажули эди. Катта ўғли тушида ер билан осмон ўртасида катта ёрқин юлдузни кўради, унинг ёрқинлигидан бошқа юлдузларга соя тушарди. Кичик укаси ҳам шунга ўхшаш туш кўрганлигини айтади, лекин унинг тушидаги юлдуз акасиникидек порлоқ эмасди. Иккала ака-уканинг тушларини мунахжимлар башорат қилишди. Таъбирга кўра, катта ўғлиниг насли хон ва подшоҳлар бўлиб, уларнинг ҳаммаси таҳт бошқарувчилари, кичик ўғлининг авлодлари фақатгина вазир бўлишларини айтишади. Қобулнинг наслидан ҳокими мутлак, яъни подшоҳлар чиқди, уларнинг бири Чингизхондир. Кажулининг авлодларидан эса фидокор ҳокимият хизматкорлари етишиб чиқди.

Бобур Мирзо ҳам “Бобурнома” асарида Аҳсидан чиқиб Карононга етганда, ганимлар куршовида қолди ва ҳоли қуриб, чарчаб, икки ракат намоз ўқигандан сўнг ухлаб қолганида кўрган ажойиб тушни таъбири билан келтиради: “Ўзумни ўлумга қарор бердим. Ўшал богда бир сув оқиб келадур эди, вузу қилдим, икки ракъат намоз ўқудум, бошимни муножжотқа қўюб, тилак тилайдур эдимким, кўзум уйқуга борибтур. Кўрадурменким, Хојса Яъқуб, Хојса Яҳёнинг ўғли, ҳазрати Хојса Убайдуллоҳнинг набиралари рўбарўйимга аблак от миниб кўп жамоати аблаксувор билан келдилар. Дедиларким, гам емангиз. Хојса Аҳрор мени сизга йибордилар. Биз аларга истионат тегуруб, подшоҳлик маснадига ўлтургузуббиз. Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назарига келтурууб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз. Ҳоло, ушбу соат фатҳ ва нусрат сизнинг соридур. Бош кўтаринг, уйгонинг” (Б.99).

Бобур уйғониб кетиши билан отлиқлар овозини эшитиб, душман бостириб келаяпти, деб хавотир бўлиб турган бир пайтда, ўзининг навкари Кутлуқ Муҳаммад барлос ва Бобойи Парғарий ўн беш, йигирмага яқин навкарлари билан шоҳ ҳузурига келишади. Бобур уларга: “Мен дедимким, сизлар қайдин келасиз, нечук хабар топдингиз. Кутлуқ Муҳаммад барлос дедиким, Ахсидин қочиб чиқганда сиздин айрила тушганда Андижон келдимким, хонлар ҳам Андижон келибтурлар. Мен туш кўрдумким, Ҳожа Убайдуллоҳ дедиларким, Бобур подшоҳ Каронон деган кенттадур, боруб ани олиб келингким, подшоҳлиқ маснади анга таалук бўлубтур. Мен бу тушни кўруб, хушҳол бўлуб, улуғ хон, кичик хонга арз қилдим, хонларга дедимким, менинг беш-олти ини, ўзлум бор, яна бир неча йигит қўшунгиз, Каронон тарафидин бориб хабар олайн.

Хонлар дедиларким, бизнинг хотиримизга ҳам етадурким, ўшал ўйлга борган бўлгай. Ўн киши таъйин қилдилар... Ўшул сўзда эдукким Бобойи Парғарий дедиким, мен ҳам бориб истармен...” (Б.100).

Кўриб турганимиздек, Яратганни ўзи Бобур ихлос қилган Ҳожа убайдуллоҳ орқали тушга аён бўлиб, уни ҳалокатдан қутқариб қоюди. Аслида самовий кучларга ишонч туйғуси Бобурда ёшлигидан тақлланган бўлиб, бу унинг ислом ақидаларига ҳамиша содик қолғани билан боғлиқ. Ислом дини билан боғлиқ қадриятларни, воқеа-жисаларни умр бўйи мулоҳаза қилиб, идрок этиб, ҳаётий тажрихларига таяниб, теран эътиқод билан турли мўъжизалар ҳақида бўйян хulosалар чикарган. У Ғазна шаҳридаги бир чашма билан мозиқади ва бу ҳақда тугал фикр айтишдан олдин у ерии айланиб қўққач: “бу чашмадин ҳеч ким нишон бермади” дейди. Чашманинг ғъжизакорлигига ишонмаган Бобур у ҳақдаги баёнини шундай мўжбошлайди: “Китобларда битибтурларким, Ғазнида бир чашма де дурким, агар најсосат ва қозуротни бу чашмага солсалар, ўшул боғон тўлгоқ ва тўфон ва ёғин ва чопғун бўлур. Яна бир тарихда залдубтурким, раайи ҳинд Сабуктигинни Ғазнида муҳосара қилкура Сабуктигин буюурким, бу чашмага најсосат била қозурот ганнлар. Тўлгоқ ва тўфон ва ёғин ва чопғун бўлур. Бу ҳийла била ул солини дафъ қилур. Мен Ғазнида ҳар неча тажсассус қилдим, бу ганинадин ҳеч ким нишон бермади” (Б.114). Хондамир ҳам чашмабу-с-сияр”да Ғазнадаги бу чашма тарихи ҳақида Бобур “Ҳаммотини келтиради ва у ҳам бу чашмадан дарак топмаганини маъл ёзади

Маълумки, фол экстрасенслик хусусиятларидан бири бўлиб, кишининг руҳияти, борлиқни қай даражада идрок этиш, қабул қилиши, шонениш ёки ишонмаслиги билан боғлик. Эҳтимол, ромчи унинг кўнглидаги башорат этгани туфайли Бобурда шундай ишонч хосил бўлгандир. Ҳар ҳолда, у фолчининг холосасига эътиroz билхосил дирмайди, аксинча, ром очиш жараёнини қизиқиш билан кузатиб, завқ билан баён этади. Бундан ташқари, парчада халқ урф-одати, ишим сағъати ҳам ўз аксини топган: “Голибо зурафо орасида фоле расмдорлик, ўгул бўлурму, ё қиз бўлурму экин, деб икки когазда бирида Али ё Ҳасан битиб, яна бирида Фотима битиб, икки кулула балчиқ ишда қўюб, ул балчиқларни бир аёг сув ичига қўярлар. Ҳар қайси бурина очилса андин истидлол қилурлар: эр келса, эр бўлур, қиз келса қиз бўлур дерлар, фол қилдилар, эр келди. Ҷун музда бўлди, анинг юзи андин-ўқ ҳат битиб йибордук” (Б.163).

“Бобурнома”даги турли ақида ва мўъжизаларнинг жонли тасвири дикқатни тортади. Айрим мозорот ва зиёратгоҳларнинг сохталигини исботлаш орқали одамларни диний жаҳолатдан асраршга интилган Бобур дунёвий ёки илохий воқеа-ходисаларга, ақидаларга, аввало, ҳакқонийлик назари билан қараган. Газна қишлоқларидан бирида ҳарикатга келувчи “қабр” сирини очган Бобур уни шунчаки ишботини келтириб, сохтакорликка қарши ҳатто жоҳиллар онгидаги шундай маънавий жасоратга кўл уради: Мухими, у шоҳ сифатида шундай маънавий жасоратга кўл уради: “Дедиларки”, Газнининг кентларида бир мазор бордурким, салавот айтгоч, қабр мутаҳаррик бўлур. Бориб мулоҳаза қилилди, қабрнинг табрангани маҳсус бўлди. Сўнгра маълум бўлдуким, мужсовирлар-тебрангани экандур. Қабрнинг устига бир жулья ясабтурлар, ҳар замон жульяга тегадурлар, жулья тебрангач, қабр тебрангандек маҳсус бўлалир. Нечукким, кемага кирмаган эл кемага кирган соҳил маҳсус бўлалир. Буюрдумким, мужсовирлар жульядин мутаҳаррик маҳсус бўлур. Буюрдумким, мужсовирлар жульядин турдилир, бир неча салавот айттилар, қабрда ҳаракате йироқ турдилир. Буюрдумким, жульяни бузуб, қабрнинг устида маҳсус бўлмади. Мужсовирларни бу ҳаракаттин таҳдид била маън гунбаз қилиди. Мужсовирларни бу ҳаракаттин таҳдид била маън қилилди” (Б.113).

Кўриниб турибдики, Бобур халқ орасида тарқалган турли-турман афсонага йўғрилган сирли ҳодисаларга ақл мезони билан

ёндашиб, уларни обдон текширган ва шундан кейингина хулоса чиқарган. Бу билан у инсон, аввало, Аллоҳга эътиқод қилишни, пирлар мададкор бўлишини сўрашга чақиради. Ҳар хил чашмаларга, қабрларга сигиниш, дараҳтларга латта боғлаш, парихонларга мурожаат қилишни қоралайди ва буларнинг ҳаммаси ислом таълимотига мос эмаслигини таъкидлайди.

## 2.4. Дардга даво “Хатти Бобурий”

Бобур Мирзонинг илоҳиятга сидқу садоқати тасодифий эмас. Ҳаёт ва тақдир чорраҳаларида танг ахволда колган, руҳий ёхуд жисмоний жиҳатдан ичкор ҳолатта тушган саркарда юзни самога буради, муножат ила ғойибий кудратдан мадад ва ривож тилайди. Муҳаммад (с.а.в.) қибласини топади, сидқий саждага эгилади, пешонасини раббиу-л-заминга теккизиб, жаноби Расули акрамнинг марҳаматига ўзини боғлади.

Хожа Ахрор Валийнинг нуроний сиймосини кўз олдига келтиаркан, ҳазрат бащоратларининг кўмагига муштоқлигини маълум қиласи. Ҳазратнинг Хожа Убайдуллоҳ қаламига мансуб “Рисолайи Волидийя” рисоласини Бобур форсийдан туркийга таржима килган. Буни Бобур рисола назмининг сабабидан ҳам “*отаси қилгон учун таклифе, қилди онинг отига таклифе*” деб таъкидлаб ўтган. Бобурнинг Хожа Ахрор шахсиятига ва унинг тариқатига бўлган эътиқоди жуда кучли бўлган. Шу йўсинда у рисолани кўчириб бўлгач, каромат содир бўлиб, касалликдан фориғ бўлдим, деб шукр қиласи.

Давлатни одил сиёsat ва сахий қалам билан бошқарган “тож кийган дарвеш” ҳақида жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида юзлаб тадқиқотлар юзага келган. Ўз даврида ёқ Европани ларзага солган Усмонли давлати, Испания ва Франция қиролликларининг расмий муносабатларига дохил бўлган бобурийлар салтанати ҳақида оламнинг олимларию сиёsatдонлари ҳам, адиларию диншунослари ҳам ҳавас билан ушбу мавзуга қўл урганликлари улар яратган асарларнинг мундарижаси ва географиясидан ҳам маълум. Биргина Буюк Британияда Бобуршоҳ фаолияти, унинг сулоласи ва асарларига оид тадқиқотлар XVI асрдан кейин фаол бир жараёнга айлангани сир эмас. Шубҳасиз, бундай таржима ва тадқиқотларнинг бошланишида олим ва таржимон, давлат ва жамоат арбоби Уилям Эрскин ил-

мий-адабий фаолиятининг алоҳида ўрни бор. У дастлаб хизматчилик юзасидан маълумотлар тўплаб, сўнгра ўз жамғармасидаги маълумотларни дунёга етказиши билан хорижий бобуршуносликда алоҳида саҳифа очди. Тадқиқотчи ёзади: “1528 йилнинг 2 декабрида Бобуршоҳнинг саломатлиги бир оз ёмонлаша бошлади. Касални даволаш давомида мусулмон Пайғамбари (Муҳаммад с.а.в.) шаънига ғазал битишни ҳам машқ қилиб турарди”. Бундай қайдни биз маҳаллий олимларимизнинг ишларида кузатмаганмиз. Улуғ шоир нафакат соғлиги ёмонлашганда, балки доимо сарвари олам Пайғамбаримизни ёдда тутгани, унинг шафоатидан марҳамат тилаганини “Бобурнома” саҳифаларидан биламиз.

Америкалик олим С.М.Беркнинг “Акбар бобкрайларнинг энг буюги” асарида ҳам бобуршуносликни бойитадиган талайгина тафсил ва талқинлар мавжуд. Олим ёзади: “...бир сафар у ўзи ихтиро килган алифбо (“Хатти Бобурий” назарда тутиляпти)да Хумоюнга ғазаллар битиб ҳадя этган эди” деган эътирофни келтиради. Лекин олим хато қилиб, дунё бобуршуносларининг қўлида “Хатти Бобурий”да кўчирилган ғазаллар ҳақида малумотлар бўлса-да, ҳозиргacha бироргаси топилмаган, деган гояни олдинга сурган.

Бобур – янги ёзув кашфиётчиси. Маънавий меросни, маданият ва санъатни кейинги авлодларга етказадиган муҳим восита – ёзув (хат)дир. Туркийлар ўз узоқ тарихларида кўплаб ёзувлардан, чунончи, турк-руний ёзувидан, араб ёзувидан, уйғур ёзувидан фойдаланганлар. Бобур араб ёзувида савод чиқарган ва умр бўйи шу ёзувда икки-уч тилда матн битган, бу ёзувнинг ифода имкониятлари, ўзлаштириш усулларини яхши билган. Шунинг учун бу ёзувни яна-да мукаммаллаштириш, осонлаштириш, сўзни ҳар хил ўқиш нуқсонларини бартараф этиш мақсадида янги ёзув – “Хатти Бобурий”ни кашф этди. Унинг бу жасорати, биринчидан, маънавият ва саводхонликка куюнчаклигидан бўлса, иккинчидан, ўқиш ва ёзишни осонлаштириш, кулайлаштиришга интилиши туфайли эди.

Бобурий хати ҳақидаги маълумотларга Бобурнинг девонида бир марта ва “Бобурнома”да кўплаб дуч келамиз. Шоир бир ғазалида ёзади:

*Турклар хатти насибинг бўлмаса Бобур, не тонг,  
Бобурий хатти эмасдур, хатти сигноқийдур.*

Мутахассисларнинг фикрларига қараганда, “Бобурий хати”-нинг амалдаги араб ёзувидан фарқи (гарчи шу ёзув асосида яратилган бўлса-да) ва афзалликлари имлода сўз аниқлиги (хар хил ўқил-маслиги), ёзиш ва ўқишининг қулайлиги билан изоҳланади. Буни “Бобурнома”да келтирилган қуйидаги парча мазмунидан ҳам билиб олиш мумкинки, Бобурий хати алифбоси билан илк бор танишган киши шу ўрганиш жараёнидаёқ бир мунча сўзларни ёза олган (матн табдили): *“Мургобта мирзолар била мулоқот қилганда, Қози Ихтиёр ва Мұхаммад Мир Юсуф била келиб мени кўрдилар, Бобурий хаттидин сўз чиқти, муфрадотни (ҳарфларини) тилади, битидим. Ўшал маҗслисда муфрадотни ўқуб қавоидини битиб, нималар битиди”* (Б.138).

Матндан икки нарсани, аввало, Қози Ихтиёрнинг ўта зийраклигини, сўнгра Бобурий хатини ўқиш ва ёзишга қулайлигини билиб оламиз. Таасуфки, биз билмаган сабабларга кўра, бу ёзув ҳаётта жорий этилмасдан қолиб кетган.

Бобур жамоат фондининг Яқин Шарқ ва Арабистон ярим ороли мамлакатларида бўлиб ўтган навбатдаги экспедицияси давомида Машҳаддаги Имом Ризо мажмуаси худудида жойлашган Куръон музейида сақланаётган хатти Бобурийда битилган Куръони карим нусхаси ўз ватанимизга олиб келинди. Бобур араб алифбосини ислоҳ килиб, ёзувни соддалаштириш ва осонлаштириш мақсадида уни туркий тил ва талаффуз мезонларига мослаштирган. Бобур ўзининг бир неча ғазаллари ва Куръони каримни шу алифбода битиб, Мовароуннаҳр ва Афғонистонга, ўғиллари Ҳумоюн ва Ҳиндол Мирзога, шунингдек, Ҳожа Калон ва бошқаларга юборган. Айни пайтда, Куръони каримни шу алифбода кўчириб катта ҳадялар билан Бобур Мирзо Маккаю мукаррамага жўнатади. Бобур замонида ёзувни янгилаш ёки янги хатни жорий этишга уриниш осон эмасди. Чунки араб ёзуви – Куръони карим ёзуви эди. Шунинг учун Бобурий хатини амалиётта жорий қилиш ниятида Бобур бу хатда, аввало, Куръони каримдан икки нусха тайёрлаб, бирини Маккага, иккинчисини Техронга жўнатган эди.

Покистонлик адаби Муҳиббул Ҳасан ўзининг “Бобур” (“Babur” Mohibbul Hasan, Matjhār, 1985) номли рисоласида Бобур ижоди ва ҳаётига, саркардани Ахсикентдан бошлиб, Ҳиндистон давлатларида кечган қийин кунларини тилга олади. Айниқса, Бобур Мирзонинг

Ҳиндистонда кечган беш йиллик ҳаётига жиддий эътибор қаратади. У бобурийларга нисбатан “Мўғиллар” атамасини ҳиндистонликлар истилоҳида бобурийларгагина эмас, балки барча туркларга муносабатда ишлатилган атама эканини, бобурийларни “Буюк мўғиллар” деб аталиши нотўғри эканлигини изтироб билан қаламга олган. Рисола муаллифи Бобурни яхши хаттот бўлганлигини эътироф этиб: “Бобур Мирзони Куръони каримни Ҳиндистонда соғлиги ёмонлашган бир пайтда устозининг тавсияси билан “Хатти Бобурий”да кўчириб чоп қилганини ва шифо топганини ёзади: “Babur was a good calligraphist, and invented a style known as “Khatti Baburi” in which he edited the Quran and after that he became well, and whose artistic rules were fixed by Qazi Iktiyarud-Din when he visited Murghab in 1506. He also excelled in Music and other arts”<sup>34</sup>.

Захириддин Муҳаммад Бобур Куръони каримни хаста тани билан бор ирода ва иймонини мужассамлаштириб, ўз алифбосида кўчирар экан, энг яхши қофоз ва сиёҳлардан фойдаланган ҳолда ҳар бир оятни ёзганида Тангридан куч-кувват сўраган, тугатгандан сўнг хатми қилиб, ўтган аждоди авлодларига, пиру устозларига, жамики беморлар қатори ўзига ҳам шифо тилаганлиги шубҳасиз-дир.

Бобур фондининг экспедиция аъзолари Бобурнинг севимли ўғли Комрон Мирзони ҳаж сафарига боргани, ҳаж амалларини ўтаб бўлгандан бир неча қун ўтиб Маккаи мукаррама шаҳрида вафот этганини, вафот этган инсон Ҳиндистон подшоҳи Бобур Мирзонинг ўғли эканидан хабар топган ҳарам имомининг жанозани ўзи ўқиб, жасадни. Жаннату-л-маъва қабристонида Пайғамбаримиз (с.а.в.)-нинг аҳли аёли Хадича онамизларнинг оёқ томонларига дағн этишини буюргани ҳакида ёзишган. Комрон Мирзо, аввало, улуғ Бобурнинг зурриёти эди. У ўзини ҳақ деб билган гоя ва тушунчалар учун қурашган, гоҳ енгиб, гоҳ енгилиб, ҳаёти шу тариқа хотима топган. Уларнинг қилмишлари, қилган амаллари учун баҳо бергувчи – ёлғиз Аллоҳдир<sup>35</sup>. Албатта, Комрон Мирзонинг ҳаётининг охири, улуғлар ётган қабристонда, табаррук инсоннинг оёқ томонидан жой топиши, илоҳий баҳт бўлса керак.

<sup>34</sup> Babur, by Mohibbul Hasan, Manohar, 1985. P.192.

<sup>35</sup> Хайриддин Султон. Бобурийнома. Тошкент: Шарқ, 1997. Б.88.



### “Хатти Бобурий” да битилган Куръони каримдан айрим намуналар

#### 2.5. Бобур даврида табобат ва шифохона

1506 йили Бобур Мирзо 20 кун давомида Ҳиротда бўлганида “Сафоия” ва “Шифоия” касалхоналарини, “Халосия” ва “Ихлосия” номли мадрасалар ва шаҳар ҳаммомларини айланиб чиқади. Ўша давр шифохоналарида аёллар ва эркаклар учун алоҳида ётоклар ташкил қилинган. Бемор аёллар учун қаровчи ва табиб учун ёрдам берувчи ҳамширалар бўлган. Шифохонанинг бош табиби барча касалликларни назорат қилган ва тегишли муолажаларни белгилаган.

Табиблар касалларни сиҳатгоҳларда даволаш лозимлигини, юкумли касалларга алоҳида шифохона ва руҳий касалларни ташки мухит билан алоқа қилмаслигини таъминловчи bemorxonalardan тутилган, аниқроғи, бугунги тил билан айтганда юкумли ва руҳий касалликлар шифохоналарини ташкил қилишган ва у ердаги bemor-

ларнинг ҳолати, дори-дармонларнинг таъсири, асоратларини олдини олиш усуллари билан шуғулланганлар.

Бундан ташқари, Абу Бакр Ар-Розий, шайху-р-раис Абу Али ибн Сино ва Зайниддин Абул Фазойил Журжоний Хоразмий шогирдлари ҳам ўз даврларида катта муваффақиятларга эришганлар. Уларнинг давомчиларидан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг хос табиби, Юсуфий ибн Муҳаммад ибн Юсуфдир. У XVI асрнинг ўнинчи йилларидаёқ машҳур табиб сифатида ном қозонган. Жуда кўп касалликларга тўғри ташхис кўя билган ва даволашда юксак илмий ютуқларга эришган. Шу аср бошида Европадан Ҳиротга заҳм қасаллиги тарқалади. Бедаво бўлиб кўринган ушбу касалликдан кўплар оламдан ўтиб кетадилар. Бу касалликни тадкиқ этиб, унга қарши дори-дармонлар ишлаб чиққанлардан биринчиси Юсуфий эди. Унинг даво дорисини кейинчалик Европага олиб кетиб, у ердаги заҳм билан оғриган bemорларни муваффақият билан даволаганлар<sup>36</sup>.

Ўша даврларда жарроҳлик амалиёти ҳам бир мунча йўлга кўйилган эди. Фикримиз исботи учун Восифийнинг “Бадоеъу-л-вакоэъ” асаридан қуйидаги парчани келтирамиз. Бунда мумтоз табобатимиздаги мўъжиза ўз аксини топган. Жарроҳликдаги бу амалиётни, эҳтимол, жаҳон табобати ютути, дейиш мумкин. Ҳусайн Бойқаро хукмронлиги даврида Муфрид паҳлавонни Мирхалил исмли ғаними атроғидагилари билан бир боғда тутиб роса калтаклашади, бу ҳам етмаганидек, баданининг 18 жойига пичоқ ва хањтар уриб, ўлар ҳолатда ташлаб кетишади. Бу аҳволдан хабар топган давр сultonи Ҳусайн Бойқаро энг машҳур жарроҳ билан жабрланган Муфридни ўз хузурига олиб келишини ва қандай бўлмасин паҳлавонни соғайтириш йўлини топишни буоради. Восифий ёзади: “Устод Шайх (яъни табиб) Муфриднинг ҳолатини кўриб, бир неча катта извош чумоли (чумолининг бир тури) топиб келишларини буорадики, тезда етказадилар. Устод Муфриднинг эзилган ичакларини кесиб, икки томонидан яқинлаштиради ва извош чумолининг оғзини ичакнинг уланган жойига тутди. Чумоли нишли лаблари билан иккала ичакнинг чокидан тишлади. Устод шу заҳоти чумолининг бўйинини кесиб, танасини ташқарига ташлади. Шундай

<sup>36</sup> Ҳасаний М. Бобурнинг хос табиби Юсуфий табобати. – Тошкент: Фан, 1992. Б.5.

килиб, у барча узилган ичакларни тикиб чиқди. Муфрид қирқ кун деганда соғайиб оёққа турди”<sup>37</sup>.

Содик Сайхуннинг “Наманган афросиёби” бу қадимий пойтахт Ахсикентдир” асарида шундай парча бор: “...Баҳор бошланиб қолган, аммо ҳаво совуқ эди, – дея хотирлайди Араббой ака Иброҳимов.

Бир куни Яҳё Ғуломов (академик, Ахсикент қазилмалар экспедицияси раҳбари) шогирдлари билан келиб қолди. “Юринг, Ахсикентни яна бир кўрайлик”, деди. Нима бўлдики, тупрок орасида бир нарса ялтираб кетди. Эгилиб олдим. Бош суюги экан, ҳалиги бошнинг устки қопқоғидаги айлана чоклар бир неча еридан чегаланганд. Худди синган чинни идишни қадоқчи қандай бутласа, шундай бириктирилган. Материал олтиндан, ялтираб турибди.

- Нима топдингиз? – деди Яҳё Ғуломов.
- Ҳеч нарса, ёлғондакам яширган бўлдим.
- Кўрай-чи, қизиқди академик.

Яҳё акани ялинтирган бўлдим-да, охири ҳалиги каллани қўлига бердим. У киши айлантириб кўргач, ёш боладай кувониб кетди, назаримда кўзлари ёнар эди.

– Ахир, бу жудаям ноёб топилма, бебаҳо далил, шошиб қолди у, – Ўзбекистон тарихи, Ахсикент ва тиббиёт тарихи, фан тарихи учун, ўзбекнинг қадимий илми учун бундан ортиқроқ ҳужжат бўлиши мумкинми? Бу каллани операция қилиб, инсоннинг бош миасидаги дардини олиб ташлай олган жарроҳ, қопқоқни қайта чегалаш учун олтиннинг энг тозасидан зангламас тўғнағич ясай олган. Бу заргар ва табиб қачон яшаган?...

– Беихтиёр фикрни биз ҳам давом эттиргимиз, ўзимизга ўзимиз савол бергимиз келади: Қаерда яшаган? Жавоб ҳам ўзимиздан: Ахсикентда! Далил эса етарли”<sup>38</sup>.

Қадимда табиблар беморларни нафакат даволаш билан шуғулланганлар, балки касал бўлмасликни олдини олиш ва касал бўлганларнинг касалини шиддатланиб кетишдан муҳофаза қилиш ҳам уларнинг вазифасига кирган. Инсон, шахсий гигиенасига риоя қилиш ҳам, кўплаб касалликларни олдини олувчи профилактикадир. Бундай профилактика қилиш жойи ўз вақтида ҳаммомлар бўлган.

<sup>37</sup> Кудратуллаев Ҳ. Бобур армони. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2005. – Б.108.

<sup>38</sup> “Тиббиёт ва замон” газетаси. Наманган, 2012. № 12. Б.6.

Академик Яхё Гуломовнинг Ахсикентдаги археологик қазилмаларидан топилган ҳаммомларнинг тарихини Содик Сайхун ўз асарида кенг ёритади.

Беихтиёр ҳаммом ҳақида маълумотлар билан қизиқанимизда, унинг биринчи пайдо бўлган ватани қаерлиги ҳалигача аниқланмаган экан, лекин уларнинг бу ватани Шарқ деган асосли фикрлар устуворлигини билдиқ. Бунинг икки сабаби бор. Аввало, Шарқнинг иссиқ иклимидаги одамлар тезроқ терлайди, чанг ҳам тезроқ кўтарилади, салга бадан кирланади. Ниҳоят, ювениш эҳтиёжи кучаяди. Ибн Сино бобомиз ҳам бежиз ҳаммом ва саломатлик тўғрисида тиббий маслаҳатлар бермаган. Бу ҳаётий зарурат эканлигидан келиб чиқиб, алоҳида илмий тавсиялар яратган-да. Ахсикент эса ўз даврида нисбатан тиббий маданият ривожланган шаҳарлар сира-сига кирган.

Қадимда ҳаммом фақат ювениш жойигина эмасди. Жумладан, Римдаги ҳаммомда спектакллар намойиш қилинган, бадиий кўргазмалар уюштирилган, нотиклар нутқ сўзлаган, савдогарлар савдо-лашган. Ахсикент ҳаммомлари ҳам шундан кеча-ю кундуз покизава иссиқ турган, у ерлардан ҳамшаҳарларнинг, меҳмонларнинг қадамлари узилмагани, саломатликни сақлаш масканига айлангани шубҳасиз. Ҳам эркакларники, ҳам аёлларники мавжудлиги эса икки тоифанинг теппа-тенг қадрланганини яққол кўрсатади.

Агар биз Абу Али Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”да: “Мисли, темирли ва шўр сувлар бўғин оғриқларига, бўшашишга, нафас қишишга ва буйрак касалликларига фойда қиласди, синган жойларининг битишини тезлаштиради ва турли яраларга фойда қиласди” деган тавсиялар ёзганини назарда тутсак, Ахсикентдаги ҳаммомлар фақат тозалик масканигина эмас, айни маҳалда мўъжаз шифохона вазифасини ҳам ўтаган, деган фикрга келамиз. Худди ҳозирги санаторийлардаги ванналар каби кўхна кент ҳаммомлари ванналари ҳам шифобахш гиёҳлар солинган сувларга тўлдирилган<sup>39</sup>.

“Бобурнома”да “...Улугбек Мирзо қурган мадраса ёнида “яхши ҳаммом солибтур”, деб маълумот қолдириган. Мазкур ҳаммом курилиши Бобурга ўзгача шавқ-завқ бағишилаган чоғи, ҳаммом ҳақида у икки рубойй ҳам биттан:

<sup>39</sup> Кўрсатилган асар.

*Ҳаммомки қилдим кўрунгузким, айём  
Ўҳшатти аниң бори иши манга тамом.  
Кўз ёшию кўнгул ўти бирла мендин,  
Гулчехралар истабон юрийдур ҳаммом.*

Булардан ташкари, Бобур Ҳиндистонда жуда кўп хаммоллар ва доимиј ювиниш ҳолатида бўлиш учун оқар сувли жойлардан тошлиарни териб чиқиб ғусл қилиш учун шароит яратган, маҳаллий ахоли учун покизаликни Мовароуннардан Ҳиндистонда расмий, цивилизация ривожини кўзлаб олиб борган. Демак, аждодларимиз нафақат касалликларни даволаш билан машғул бўлганлар, балки касалликларни олдини олиш ва профилактикаси билан ҳам шугулланганлар.

## **2.6. Бобурнинг зарарли одатдан воз кечиши**

“Бобурнома”даги айрим сахифалар Бобурнинг “чогир мажлислари”дан гувоҳлик беради. Шундай мажлислардан бири тасвирида унинг оддий инсонга хос руҳий ҳолати акс этган. Бобур кемада “намоз хуфтонгача” май ичиб, қаттиқ маст бўлади. Албатта, шароб ичган ҳар қандай одам ақлий фаолиятини муайян даражада ирова қилолмай қолиши турган ҳол. Шундай ҳолат “Бобурнома”да жонли ва ҳакқоний тасвиirlанган. Муаллиф ўзи ҳақида ҳеч нарсани яшир масдан – воқеа қандай рўй берган бўлса, шу ҳолида тасвиirlаган. Бобур “гариб маст экандурмен” дейди ва мастилик аломатлари – отга миниб, бир қўлда машъалани, иккинчи қўлида жиловни тутиб (якжилов) от сурганини ёзади. Унинг ўша пайтдаги руҳий ҳолатини кўрганлар эрталаб ҳикоя қилганда, эсида қолмаганини айтади: “Намози пешин сайдга отланиб, кемага кириб, арақ ичилди, аҳли мажлис... намози хуфтангача кемада ичиб, намози хуфтан кемадин маст тоғиҳ чиқиб отланиб, машъалани илгимга олиб, дарё ёқасидин ўрдугача отнинг бу юзига эгилиб, гоҳ ул юзига эгилиб, якжилов чотиб келибтурмен, гариб маст экандурмен. Тонгласига мундоқ машъал олиб, ўрдугача якжилов келганимни шарҳ қилдилар. Асло хотиримга келмади. Уйга келганимда хейли истигфор қилибтурмен” (Б.169).

Кейинроқ Бобур май ичишни ман этувчи фармон эълон қиласди. Албатта, бирор-бир шахс ёки салтанат аҳлини бир фармон билан

май ичишдан тўхтатиши амримаҳол. Аммо бу фармон Бобурнинг жамият ахлоқига ҳушёр муносабатидан, унинг майхўрлик иллатига қарши чиққанидан далолат беради. Мазкур фармонгача унинг май ичишга рағбати борлиги, бу иллатнинг унда пайдо бўлиши сабаби оддий инсон ҳаёти, онгода юзага келувчи руҳий кечинма билан боғлиқ. Бобур ижодида унинг шаробдан бир йўла озод бўлиш, ичмасликка интилиш нақадар мушкул кечганини тасвирловчи ажойиб лавҳалар бор. Ичмасликка қанчалик аҳд этмасин, барибир, ҳаётнинг мураккаб дақиқалари, турмуш ташвишлари уни май ичишга мойил этгани, мушкулликлардан бирқадар фориғ қилувчи восита фақат май экани қуйидаги сатрларда аён кўринади:

*Май таркини қилгали паришондурмен,  
Билмон қилур ишимнию ҳайрондурмен,  
Эл борча пушаймон бўлуру, тавба қилур,  
Мен тавба қилибмену, пушаймондурмен (Б.250).*

Шоҳнинг иродасизлиги юртнинг бузилишига олиб келишини, ваъдага вафосизлик эса киши табиатини тубанлаштиришини билган Бобур ўзини енгади, чидайди, кўникади. Қуйидаги парча унинг ички дунёси мустаҳкам ирова, руҳий тетикликка вобаста эканини яққол акс эттирган. Оддий инсон бошидан кечадиган бундай ҳолат Бобур тасвирида енгил, табиий, жонли ифодасини топган: “...Филвоқъ, бу ўтган икки йилда чогир мајслисининг орзу ва иштиёқи беҳад ва гоят эди, андоқким, чогир иштиёқидин борлар йигламоқ сарҳадига етар эдим. Бу йил, алҳамдулилоҳ, ул дагдага тамом хотирдин рафъ бўлди” (Б.250). Бу сатрлар Бобурнинг ҷоғирдан тамомила фориғ бўлгани, айни пайтда, унинг май ичишни тарқ этиш жараёни ғоят мураккаб кечганининг жонли тасвирини беради. Қанчалик оғир бўлмасин, Бобур ўзини енгган. Маънавий юксалиш жараёнига у тезда мушарраф бўлмаган, албатта. “Бобурнома”да ўспиринлик давридаги руҳий тутёни замирида бу жиҳат ўзининг ҳаётий, бадиий инъикосини топган.

Бобур Музаффар Мирзо уйида меҳмон бўлганини тасвирлайди. Бу пайтда у ўспирин, ҷоғир базмларига кўп қўшилган бўлса-да, шароб истеъмол қилмаган эди. Аммо руҳиятида аҳли базмга қўшилиш, ундан баҳраманд ҳаваси кучли, у эса ичиш керакми, йўқми

деган иккиланишни енгишга уринар эди<sup>40</sup>. “...*Нашъа бўлгунча чогир иртиқоб қилмайдур эдим, мастиқ ва сархушилук кайфияти ва ҳолатини камоҳаққуҳу билмайдур эдим...*” Аммо давра аҳлининг сархушилиги, майнинг ақлга шиддатли таъсири, хуш кайфият (“мураввақ чогирларни мажслис аҳли ҳам ҳайвон суйидек юта кириши билар, мажслис қизиқти, чогирлар бошқа чиқти, бу хаёлда эдиларким, манга ичиргайлар” (Б.144)) ёш Бобурда ҳам ичишга иштиёқни кўзғайди (“ичмоқقا майлим бор эди ва бу водийни тай қилмоққа кўнглум тортар эди”).

Эътибор берсак, “Бобурнома”даги бу парчада базм муҳити, даврадошлиарнинг ҳамсухбатга кучли таъсир ўтказишининг ёркин манзараси акс эттирилган. Киши руҳиятида содир бўлувчи ҳар бир ўзгариш, уни камолотга ёки забунликка олиб бормасин, ҳам объектив, ҳам субъектив жиҳатдан етилгандан сўнгтина амалга оширишни кўрамиз. Бу базм саҳнаси Бобурнинг йигитлик палласига кирганидан далолат беради. Биринчидан, базм ўтаётган кошона муҳташам, тарабхона Султон Абусаид мирзо буюртмасига кўра, наққошлар томонидан унинг жанглари манзаралари тасвири билан безатилган. Ёш Бобур темурий шаҳзодалар томонидан хурмат-эҳтиромда, унга энг азиз меҳмон сифатида ҳатто Музaffer Мирзодан ҳам юқоридан жой берганлар: “...*шимолий сарига шаҳнишинда икки тўшак солдилар, бир-бирига рўбарў, тўшакларнинг ёnlари шимол сари эди, бир тўшакда Музaffer мирзо ва мен ўлтурдук, яна бир тўшакда Султон Маъсуд мирзо ва Жаҳонгир мирзо ўлтурдилар. Музaffer мирзонинг уйида чун меҳмон эдук, мени Музaffer мирзо ўзидин юқори олди*” (Б.144).

Иккинчидан, Бобур шаробга майл бугун пайдо бўлмагани, ҳатто отаси Умаршайх ҳаётлик пайтида ҳам чогир ичишни таклиф қилишгани, аммо ичмагани, айниқса, “Хожса Қозининг юмни қадамидин зоҳид ва муттақий” бўлганини ёзар экан, ўзининг сабр-бардоши, атрофидагиларнинг эҳтиромини тўла инобатга олганини баён этади. Учинчидан, Бобур у пайтда ёш йигит эса-да, уруш майдонларида тажриба орттирган, Шайбонийхондек кудратли ғанимни Самарқанддан чиқариб, шаҳарга эгалик қилган ва шаҳар берган султон эди. Ана шу руҳий кўтаринкилик, ўзига ишонч уни чоғир базмига киришга тайёрлигини билдирган.

---

<sup>40</sup> Кудратуллаев Ҳ. Бобурнинг давлатчилик сиёсати ва дипломатияси. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2011. Б. 302.

Захириддин Бобур бу нодир руҳий ҳолат тасвирини давом этти-раркан, яна иккиланиб қолганини – ички руҳий ҳолатини жозибали тасвирлайди. Юқорида таъкидланган сабабларга кўра, Бобур кўнглида “чогирга майл пайдо” бўлганини ўзи ҳам сезган. Шундай бўлса-да, муаллиф яна бир неча инкор этиб бўлмас сабаблар, объектив далилларни келтириб, майхўрлар даврасига қўшилиш учун руҳан тайёrlигини зикр этади. Бироқ айни дамда яна бир монелик сезади: Бобурни билган кишилар ичмаслигидан ҳабардорликлари туфайли уни кистамайдилар. Унинг ўзи эса журъат этиб, ичиш истагида эканни очиқ билдира олмаслигини жуда аниқ, ҳаётий тасвирлаганки, эҳтимол, бу ҳолатни шарҳу изоҳларсиз мазмунлироқ ёритиб бўлмас. Шу боис парчани айнан келтирдик: “...сўнгралар йигитлик ҳавасидин ва нафс тақозосидинким чогирга майл пайдо бўлди, таклиф қилур киши йўқ эди, балки чогирга майлимни билур киши йўқ эди. Кўнглум агарчи мойил эди, мундоқ қилмаган амрни ўзлук била қилмоқ мушкил эди” (Б.144).

Мумтоз адабиётимиз намуналари воситасида юксак маънавий фазилатларни бутунги ёш авлодга етказиш борасида кўп гапирамиз. Бобурнинг юқорида келтирган парчадаги андишаси темурийзодалар ахлоқи, инсоний қадр-қимматга эҳтиром, атрофдагилар фикр-мулоҳазаси билан ҳисоблашишлар, жамият қонун-қоидалари барча учун, жумладан, подшоҳ Бобур учун ҳам бирдек амал қилишининг ёрқин далили эмасми?! Бобур майга қанчалик майл сезмасин, ёши катталар ва даврадошларнинг хоҳиши-истаги бўлмагани боис ўзини тияди, иродасини ишга солади, ичмайди. Айни хислат бугунги ёшлар учун, уларнинг май ва бошқа сархуш этувчи моддаларни истеъмол қилишдан тийилишларида бир ибрат, маънавий сабоқ вазифасини ўташи мумкин.

Чоғир базми тасвири давомида Бобур барибир май ичишга жазм этганини, бунга руҳан ҳозирлиги, базм муҳити, давр ахли кайфияти ҳам шунга мувофиқлигини ёзади: “Хотирга кечтиким, чун мунча тақлиф қиладурлар, яна Ҳирийдек ораста шаҳрига келиб туррибизким, жамиъ айш-ишрат асбоб ва олоти мукаммал ва муҳайё ва бори тақаллуф ва танаъум ашё ва адавоти омода ва пайдо, ҳоло ичмасам қачон ичармен деб ичмакка азм қилдим ва бу водийни тайқилмоқни жазм қилдим”(Б.144).

Бобур майхўрлик жараёнидаги руҳий ҳолатини дастлабки бос-кичдан охиригача усталик билан тасвирлайди, воқеа ривожига аҳ-

мият беради – бошланиши, ривожи, ечими ва ниҳоясини аниқ кузатади. Бу мураккаб руҳий ҳолат натижасида, таъкидлаганимиздек, шарқона тарбия, тавозе устун келади ва Бобур бу мажлисда ҳам чоғир ичмасликка аҳд қиласида. Бунга оддий инсоний эҳтиром туйғуси сабаб бўлади. Ҳусайн Бойқаронинг катта ўғли Бадиуззамон Мирзо уйида бу ўтиришдан олдин меҳмон бўлган Бобур мезбон қўлидан шароб ичмаган (эҳтимол, унда Музаффар Мирзо мажлисида гидек катта кўтаринкилик, ичишга интиқлик бўлмагандир). Шу боис, кўп ўтмай унинг укаси Музаффар Мирзо уйида биринчи марта шароб ичиш, Бобур назарида, катта шаҳзодага нисбатан ҳурматсизлик билан тенг. Бу нозик психологик жараён тасвирида Бобурнинг ўта сезгирилиги, ўз истак-ҳоҳиши, нафсини қурбон қилиб бўлса-да, темурийлар хонадони назокатига, аниқроғи, инсоний ахлоқига зиён етказмасликка интилганини кўрамиз. Ниҳоят, “Бобурнома” муаллифининг ҳикоя санъати, воқеа хулосасини тасвир сўнгидага бериб, ўқувчини ҳаяжонга солиши ва мантикий якунлаш маҳоратини ҳам кузатиш мумкин: “*Вале хотирга кечтиким, Бадиъуззамон мирзо оғадур, анинг илигидин ва анинг уйида ичмай, инисининг илигидин ва инисининг уйида ичсан, хотирига нима келгай деб, бу тараддудимни айттим. Бу узрумни маъқул деб, бу суҳбатта чогир тақлифи қилмадилар...*” (Б.144).

Бобурнинг Ҳумоюнга ёзган мактубида Ҳиндистондан борган аскару беклар учун жой тайёрлашни, бу масала давлат сиёсати эканини (“Ҳиндистондин борган черик тор ерда танқислик ҳам тортарлар, вилоят ҳам ҳароб бўлур”) уқтириб, ўзи шароб ичишдан тавба қилганини, Хожа Убайдуллоҳ Ахрорнинг “Волидийя” асарини туркий тилга таржима қилгандан сўнг бу тавбага астойдил амал қилганини билдиради. Бу сатрларда шоҳ Бобур умрининг анча вақтини чоғир базмларига беҳуда сарф этгани, май давлат бошқариш ишида катта тўсиқ эканини Ҳумоюнга насиҳат тариқасида етказмоқда.

“Бобурнома”даги маълумотларга диккат билан назар солсак, адибнинг охирги икки йиллик ҳаёти ўтган дамларининг сарҳисоби сифатида бошқа йиллар воқеалари баёнида аниқ фарқланиб туради. Унда ёшлиқда ўtkазилган беҳуда дамлардан ачиниш, ҳаёт тажрибалирини фарзандлар шуурига етказиш, ўзи қилган хатоликлари, инобатга олмаган муҳим юмушларидан ўғиллари хулоса чиқаришига

даъват бор. Бобур бундай кайфиятини биз ғазал ва назм дафтари-даги сатрларида ҳам кўрамиз:

*Масту бехудлук била умрунгни ўткардинг, дариг,  
Эй кўнгул, мундин бери бўл бир нима ҳушёрроқ.*

*Ғафлат уйқусидин уйгон, гар тилар бўлсанг мурод,  
Ким етар мақсадга ҳар ким бўлса ул бедорроқ...*

*Келмас ўхшар заҳматинг ислоҳга, Бобур, магар  
Ҳар давоким қилдилар, бўлдунг даги bemorроқ.*

Мактубнинг кейинги сатрларида Бобурнинг яна бир буюк фазилати – моҳир мураббийлиги кўзга ташланади. У ўғли Ҳумоюнга май истеъмол қилишни буткул тарк этишни уқтирумайди. Бунга аста-секинлик билан етишиш ҳам мумкинлигини билдиради. Эҳтиимол, бунда Бобур ўзининг қанчалик руҳий олишувлар, бир неча тавбалардан сўнг шароб истеъмол қилишдан тийилганини эслаган бўлса ажаб эмас. Бу Бобурнинг ота сифатидаги юксак руҳшунослиги, фарзанд тарбиясида ҳар бир нозик жиҳатни инобатга олгани, ўта мулоҳазакорлигидан дарак беради.

Вақти-соати келиб Бобур ичкиликни тарк этаркан, “Душанба куни, жумодиул аввал ойининг йигирма учида сайр қила отландим. Сайр асносида хотиримга еттиким, ҳамиша тавба дагдагаси хотиримда бор эди, бу номамашруъ амр иртикоидин алладавом кўнглимда губор эди, дедимким эй нафс:

*Чанд боши зи маёсӣ мазакаӣ,  
Тавба ҳам бемаза нест бичаӣ” (Б.221).*

Мазмуни: Қачонгacha гуноҳ ишлардан завқ оласан,  
Тавба ҳам бемаза эмас, ундан ҳам тотиб кўр.

Аллоҳнинг инояти билан Бобур май ичишни ташлайди. Ўша куни беклар, хос амалдорлардан, аскар ва аскар бўлмаганлардан уч юзга яқин киши май ичишни ташлаб қасам ичдилар. Улуғ подшоҳ бир заарли одатдан фориғ бўлди.

### III боб. ДАРД, ТАБОБАТ ВА ЎЛИМ

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаётга бўлган юксак муҳаббати билан одаму оламдан яхшилик ва гўзалликни кўзлаб яшаган. У қисқа умр кўрган бўлса-да, ҳаёт завқи билан яшаш, унинг гўзалигидан баҳраманд бўлиш, табиатнинг сўлим гўшаларида сайр этиб кўнгил ёзиш дамларини бошидан кечирганлигини ҳам кўрамиз. Она юртидан узоқдаги дамларда бошидан ўтказган касалликларга мардонавор чидаб, касалликка берилиб қолмай, Яратганга ихлос билан табобат давосига бўйсуниб яшайди. Аммо ҳар хил касалликларга бир неча табибларнинг даволарини мунтазам бажаришига қарамай, касалликлар асоратлари, Ҳиндистон иқлимининг оғирлиги, атрофдагиларнинг хоинлиги, заҳарланиши, ўз юртига бўлган соғинчи Бобур Мирзо умрининг қисқаришига сабаб бўлади. Шунинг учунми вужуди дардга тўлган бир пайтда:

*Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму,  
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму, –*

деган бўлса ажаб эмас.

Дунёда Бобурдек подшоҳ йўқки, ўлимни тан олиб, аввалдан ўз ўрнига тахт ворисини сайлаган. У душманларини, қариндош-уруғларини, оила-аъзолари ва фарзандларини йиғиб, айтадиган васиятларини айтига олган, рози-ризолик қила олган олампаноҳдир.

Бобур Мирзонинг бошидан ўтказган касалликлари ўша давр табобатининг ташхиси, давоси ҳамда ҳозирги замон ташхиси, давоси ўзига хос тарихга эга. Ҳар бир касалликларга хulosалар, асосий касаллиги, ҳамроҳ касалликлари ва уларнинг асоратлари унинг соғлигига доимий суратда зарар келтирган. Заҳарлангандаги заҳар номини аниқлаш, Ҳумоюннинг оғир бетоб бўлиб қолганида уч бора боши атрофида айланиб бехуш бўлган ҳолати ҳам тиббий хulosага муҳтож. Албатта, 47 ёшида касалликдан вафот этиш жараёнини ёрқинлаштиришига ҳаракат қилмоқ лозим.

### 3.1.“Бу навбат ёмон беҳузур бўлдум”

Азалдан тарихда давлат бошлигининг саломатлиги нафақат шу давлат фуқаролари, балки хорижий давлатлар дипломатик доиралари, жаҳон оммасининг дикқат марказида турган масалалардан бири бўлиб келган. Ана шу мавзу атрофида қанчадан-қанча фитна, иғво ва хиёнатлар ҳам уюштирилганки, уларнинг ҳар бири ҳукмдорнинг ҳокимият давридаги тарихи деб ҳисоблаш ҳам мумкин. Лекин буюк салоҳият ва зakovat соҳиби бўлган давлат раҳбарининг саломатлиги қай даражада бўлмасин, у ҳақда қандай уйдирмалар тўқилмасин, барибир у ўз вазифасини қатъият билан адо этаверган, ҳар қандай миш-миш ва уйдирмаларга ўзининг амалий ишлари билан жавоб берган. Бунинг ёрқин тасдиғини Амир Темур, Александр Македонский, Бонапарт Наполеон, Уинстон Черчилл, Франклін Рузвельт каби дунёга машҳур давлат арбоблари мисолида кўриш мумкин. Бундай қисматдан, ҳамиша бўлмаса-да, Бобур подшоҳ ҳам четда қолмаган.

Ёш шахзодада биринчи хасталик аломатлари 14-15 ёшлик даврида содир бўлган. Бу пайтда Бобур Самарқандга келиб, дастлабки зафарни кучади ва юз кун давомида бу шаҳарга ҳукмронлик қиласди. Бироқ унинг ўша даврдаги пойтахти Андижондан ғанимлари бирин-кетин ҳокимиятни эгаллашга уринаётганлиги, шаҳар қамалда қолганлиги ҳақида ташвишли хабарлар келади: “*Мұҳосара муддатида менинг волидаларимдин ва Хоҗа Қозидин муттасил бу мазмун била хатлар келур эрдиким, бизларни мундоқ мұҳосара қилибтурлар. Агар келиб фарёдимизга етмасангиз иши вубол бўлгусидур*” (Б.63).

Бобур икки ўт орасида қолади. Биринчидан, не машаққатлар билан азалий орзуи бўлмиш Самарқандни эгаллади. Энди мақсадга Эришдим деганда яна шаҳарни ташлаб, Андижон ҳимоясига кетиши керак. У ҳали ёш, Андижондан катта ёшлик яқинлари ва устозлари (“...*Онамнинг онаси Эсан Давлатбеким бўлгай, яна устод ва пиримдинким Хоҷа Мавлонойи Қози бўлгай, бу навъ хатлар келиб, мундоқ эҳтимом била тилагайлар, не кўнгул била киши тургай*” (Б.63)) маслаҳатига кўра, Андижонга отланиши лозим эди. Шу фурсатда Бобурни қақшатқич касаллик ўз домига олади. Мана шу тасвир: ”*Ул фурсатта бир мартаба беҳузур бўлуб, яхши бўлуб эрдим*

(демак, бу қаттиқ касалликдан олдин ҳам Бобур енгилроқ иситмага учраган). *Нақоҳат айёмини* (парҳез муддатини, демокчи) ўбдан *риоят қила олмадим, узулдум. Бу навбат ёмон беҳузур бўлдум.* *Андоқким, тўрт кунгача тилим тутулди, оғзимга пахта била сув томизурлар эди. Менинг била қолгон бек ва бекот ва йигит-яланг менинг тирилмагимдин маъюс бўлуб, ҳар ким ўз фикрида бўлдилар.* Ушмундоқ маҳалда Узун Ҳасаннинг навкариниким, элчиликка келиб, паришон сўзлар келтуруб эди, беклар раъйда ғалат қилиб мени кўрсатиб рухсат бердилар. *Тўрт-беш кундин сўнг ул ҳолдин бир нима яхшироқ бўлдум. Вале тилимда қалолат қолди. Неча кундин сўнг ўз ҳолимга келди*” (Б.63).

Бобурнинг юқорида келтирилган сўзларида давлат аҳамиятига молик катта масалалар ўз аксини топган. Матнда Бобурнинг отаси Умар Шайх даврида нуфузли беклар қаторига кирган Узун Ҳасан номи келтирилган. Андижондан Самарқандга Бобур хузурига юборилган элчи шу Узун Ҳасаннинг навкари бўлган. Матндан маълум бўлишича, у жосус сифатида келган бўлиб, Бобурнинг хасталиги хабарини Андижонга жуда бўрттириб етказган. Узун Ҳасан гарчи Бобурнинг беки бўлса ҳам, доимо уни таҳтдан ағдариш, Андижонни Аҳмад Танбалга топшириш, шу тариқа каттароқ мансабга эга бўлишга интилган шахс”. “Бобурнома”да муаллифнинг бу кимса ҳақидаги жуда танқидий баҳоларини кўрамиз: “*Бу фитналарни ангиз қилгучи, мундин қочиб борганиларни ёмонлиқقا тез қилгучи худ Узун Ҳасан ҳаромнамак экандур*” (Б.62).

Бобур ҳеч нарсадан бехабар Самарқанддан Андижонга етиб борар экан, катта хиёнат устидан чиқади. Узун Ҳасанга кўшилиб ўзининг тоғаси Али Дўст Бобурнинг душманлари қаторига ўтади. Бобур ёш бўлса-да, атрофидагиларнинг хатолиги боис бу фитналар вужудга келганлигини қайд этади, яъни соқчилар Бобурнинг хушдан кетиши билан овора бўлиб, унинг хузурига Узун Ҳасаннинг элчиси кирганлигини назардан қочирадилар. Элчи Бобурнинг касаллигини кўриб, “шоҳ ўлаётган эди“ деган маъно билан етказиб, шундай фитна-фасод қўзғалишига сабаб бўлади: “*Ўшул куни Андижондин бир киши бу хабарни келтурдиким, етти кун мундин бурун, ўшул шанбаким, биз Самарқандтин чиқибтурбиз, ўшул шанба Али Дўст тагойи Андижон қальясини мухолифларга берибтур. Тафсили будурким, Узун Ҳасаннинг навкариниким, менинг беҳузурлуғумда ман-*

га кўрсатиб ижозат бердилар, мухолифлар Андижон қўргонини қабагонда бориб дебтурким, подшоҳнинг тили тутулуб эди, оғизга пахта била сув томизадурлар деди. Ушбу таъриф қилғон йўсуналук бориб, Али Дўстнинг қошида онт ичиб айтибдур. Жакан дарвазасида Али Дўст эди. Бу сўздин бепой бўлуб, мухолифларни илгаб, аҳд шарт қилиб, қалъани берди. Захирадин ва урушур кишидин қўргонда ҳеч камлик йўқ эди. Гояташ ул мунофиқи намакҳаром мардакнинг номардлиги эди” (Б.63).

Ушбу матндан маълум бўлишича, Андижон қўргонининг ғанимларга топширилишига фақат унинг қасаллиги хақида тарқатилган уйдирма сабаб бўлганлигини таъкидламоқда. Аслида “захирадин ва урушур кишидин қўргонда ҳеч камлик” бўлмаганлигини таъкидлаган Бобур Андижонга келиб, ўзининг содик тарафдорлари билан қалъани эгаллайди, “намакҳаром” бек ва қариндошларининг юзини шувут қиласди.

1498 йилнинг охирларида Бобурни яна иситма қасаллиги қийнайди. Лекин Бобур ҳар галгидек мухорабалар билан банд, беморлигига зътибор бермай, йўлини давом эттиради: “Зоминга етган фурсатта иситтим. Бовужуди иситма Зоминдин отланиб илгор қилиб, тоз йўли била ўтуб, Работи Хожсанинг устига келдимким, гофиллиқта шоту қўюб чиқиб, Работи Хожса қўргониниким, Шовдор туманининг доруганишини улдур, олилгай” (Б.66).

Кўриб турганимиздек, қаттиқ қасал эканида ҳам мақсад сари интилиши, салтанат ва мулкгирликка қарамасдан, Бобурнинг мустаҳкам иродаси, ҳар қандай ҳолатда ҳам иштиёқи уни доимо ҳаракатга бошлайди, қийинчиликларни матонат билан енгиб ўтишга даъват этади. Бизнинг фикримизни “Бобурнома”даги бу парча яна да кувватлайди: “Бовужуди иситма ўн уч – ўн тўрт йигоч йўлни суубат ва машаққат била қатъ қилдим”.

Бобур шахсиятини бугунги ўқувчи шоҳ, саркарда, шоир, носир сифатида юксак тасаввур этади. Аммо “Бобурнома” сахифаларида биз бу шахснинг оддий инсонлиги, дўстлар даврасида хазил-мутойибага мойил, табиат гўзаллигидан завқланган, унинг бетакрорлигига мафтун бўлган шахс сифатида ҳам кўрамиз. Кунлардан бирида У ҳарбий юришлардан отда қайтаётиб беклари Қанбар Али ва Қосимбек билан ўзаро пойга баҳси ўтказади. Шубҳасиз, бунда ракибнинг орқадан от чоптириб келишидан огоҳ бўлиш, нима бўлса

ҳам ғолиб чиқиши кайфияти кишида хукмронлик қиласи. Шунда от устида ўтирган Бобур йиқилиб тўсатдан шикастланади. Бунда мия чайқалиши бўлиб ўтади. Бу масалага яна қайтишимизни инобатга олиб, матн мазмунига мурожаат этамиз: “*Йўлда борурда Қанбар Али ва Қосимбек била от тортиштук. Менинг отим ўтти. Анинг отининг қолганини боқар хаёл қилиб қайрилдим. Танг бўшаб экандур, эгар эврулди. Бошим била ерга йиқилдим, агарчи ўшул замон қўпуб отландим, vale ақлим охиомгача қарорига келмади. Бу оламда ўтган вақоийи туш ва хаёлдек кўзумга ва кўнглумга кўрунур ва кечар эди*” (Б.86).

Шу бетобликдан кейин биз 1505-1506 йиллар воқеалари тасвиригача Бобурни касаллик ҳолатида кўрамиз. Назаримизда, ўша даврда безгак касаллиги ва унинг оқибатида содир бўлган қаттиқ иситма кўпчиликнинг ёстиғини қуригандага ўхшайди. Оддий ҳалқ у ёқда турсин, ҳатто темурийзодаларнинг кўпчилиги шу касаллик билан оғриб, вафот этганлигини ҳам биз “Бобурнома”дан билиб оламиз. Айни касалликка Бобур бу дафъа Афғонистонда, Кобул шаҳрида қаттиқ чалиниб қолади. Бу Кобулда содир бўлган даҳшатли зилзила арафасида юз беради. Ҳатто бутунги кунда ҳам Афғонистонда безгак касаллиги энг хавфли хасталик бўлиб, кўплаб Кишilarнинг умрига зомин бўлганлигини биламиз: “...мен иситтим, ажаб тавр беҳузурлук эди. Мени ҳар неча саъй қилиб уйғотсалар, яна ўшал замон кўзум уйқуга борур эди. Тўрт-беш кундин сўнг филжумла яхшироқ бўлдум”.

Ана шу хасталикдан сўнг Бобур яна бир азиятга дучор бўлади. Бу сафар унга биқин санчиғи ташвиш келтиради. Бу касаллик кишининг асаб толалари ва мушакларининг шамоллаши боис юзага келиб, маълум муддатда тузалса ҳам, бу сафар унинг қирқ кунга чўзилиши Бобурни анча азият чекишига сабаб бўлган: “*Ҳазора юришидин ёниб, Нижеровдин мол олур маслаҳатига Бороннинг оёғи Ойтугди навохисига келдук. Жаҳонгир мирзо Газнидин Ойтугди навохисида эканда мулозаматқа келди, бу аснода рамазон ойининг ўн учидага манга саъб қуёнг ташвиши бўлди, андоқким қирқ кунгача мени бу ёндинул ёнга киши эвуурур эди*” (Б.127).

Бобурни жуда қийнаган бу касаллик қирқ кун давом этса ҳам, яна анчагина унга ором бермаган, бошқа алломатларни қўзғаб, кўп ташвиш орттирган. Ҳатто подшоҳнинг ҳолати шу даражагача бориб

етганки, мулозимлари уни маҳсус бир мосламага солиб, бир манзилдан иккинчисига етказганлар. Бобурнинг бу касалликдан азиятлари тугамасдан юзига чипқон чиқадики, ундан сиҳат топиши учун жарроҳлик амалиёти ҳам ўтказилган: “*Қуёңг ташвиши жиҳатидин миҳафадек нима ясаб, Борон ёқасидан шаҳргача мени кўтариб, Бўстонсарога келтурдиларким, ўшул қиши-ўқ бир неча кун Бўстонсарода ўлтурдум, бу беҳузурлиқ ҳануз яхши бўлмайдур эдиким, ўнг юзумга добгули чиқти, ништтар солдилар, бу мараз учун мусҳил ҳам ичтим. Сиҳат топиб, Чорбоқга чиқтим*” (Б.127).

Бобур 1510 йили навбатдаги касалликка чалинди ва бу хасталик сурункали тус олади. Ҳар ҳолда, бу галги хасталиги давлатчилик ишларидаги анча мураккаб ва серташвиш даврга тўғри келган. Бу сафар табибларнинг тинимсиз ҳаракати, берган дори-дармони ҳам кор қилмайди. У ўзининг ҳолатини англар экан, имкон қадар касалликка тан бермасликка, иродасини ишга солиб дардан фориғ бўлишга интилади. Шоҳона маросимлар, шароб базмларига кўниккан Бобур май ичишдан воз кечишга, табиблар маслаҳатига қулоқ солиб розилик билдиран экан, ҳатто сұхбатдошларига “*Келинг, менинг қошимда ичинглар, мен замоне тафарруж қиласай, ҳушёрлар била мастрарнинг ихтилот ва омизиии нечук бўлурин билай*”, деб мутойибанамо тарзда мурожаат этади.

“Бобурнома”да муаллифнинг бу ҳолати куйидагича тасвирланган: “*Одина куни, ойнинг йигирма тўққузида баданимда иситма ҳарорати зоҳир бўлди. Фасд қилдим. Кун олуш, гоҳи икки кун оша, гоҳи уч кун оша иситур эдим. Ҳар иситқонда гарқи арақ бўлмагунча иситма қўймас эди. Ўн-ўн икки кундин кейин Мулло Ҳожаги мамзуж чоғирни наргис била берди, бир-икки қатла ичдим. Фойда ҳам қилмади*” (Б.173).

Бу борада Бобур кундалик ишлар билан машғул бўлар, салтанига келган-кетганларни қабул қиласади. Аммо касалликнинг асорати унга қаттиқ азоб берарди, шу боис ҳар куни дори ичар, соглигини тиклашга ҳаракат қиласади: “*Чаҳоршанба куни ойнинг учиди жуллоб ичтим. Яна икки кун жуллоб ичтим. Шанба куни, ойнинг олтисида доруий кор ичтим*” (Б.173).

“Бобурнома”нинг бир неча йиллик воқеалари узилганлиги боис бу даврда Бобурнинг саломатлигига оид маълумотларга эга эмасмиз. 1525 йил воқеалари тасвири бошланар экан, дастлабки саҳи-

фаларидаёқ Бобурнинг яна безгак касали ташвиші солганини кўрамиз. Шубҳа йўқки, бу касаллик 1510-1524 йиллар давомида ҳам Бобурга “ҳамроҳлик” қилган. Дастреб безгак унчалик қаттиқ хуруж қилмаган (“*Одина куни ойнинг секкизида Гандамакка тушганда манга тунд резандалиқ бўлди. Биҳамдиллоҳ осонлиқ била ўтти*”).

Бироқ Бобурнинг хурсандчилиги узоққа чўзилмайди. Бир неча кун ўтгандан кейин у яна қаттиқ ўпка шамоллашига дучор бўлади. Энди бу дард аввалгиларидан қаттикроқ, хавфлироқ, қон тупуриш билан давом этар эди: “*Бир-икки кундин сўнг Бигромда тушганда резандалиқ бўлуб иситтим. Бу резандалиқ сурфага мунжар бўлди. Ҳар йўталганда қон тупурур эдим, аксар иситма бўлди, билдим-ким, бу иситма қондиндур ва бу ташвиши қилгандин*” (Б.185).

Шундан сўнг Бобур Куръони каримдан бир парчани зикр этади. Лекин ўзининг ички оламини назмда тўлиқ баён эта олмаганилиги боис насрга мурожаат этади. Агарчи бу мисралар Бобурнинг энди ҳазил-мутойиба йўсинида шеър айтмайман деб, яна шу мавзуга оид сатрлар битганлигига ишора бўлса-да, унинг касалликдан чеккан азоби, юрак-бағри қонга тўлгани шоир Бобурнинг бу аҳди унчалик муҳимлик касб этмаганилигини ҳам билдиради:

*Не қилайн сенинг била, эй тил,  
Жиҳатингдин менинг ичим қондур,*

*Неча яхши десанг бу ҳазл ила шеър  
Бириси фаҳшу бири ёлғондур,*

*Гар десанг куймайин бу журм била,  
Жилавингни бу арасадин ёндор.*

Ана шу бетобликдан кейин Бобурнинг хасталиги яна қўзғайди, бу сафар унинг ҳар йўталганида қон тупуриши касаллигининг жиддийлигидан гувоҳлик беради: “*Оқшоми резандалиқ бўлуб, иситтим, бу резандалиқ йўталга торти, ҳар йўталганда қон тупурур эдим, хейли таваҳҳум бўлди, алҳамдуиллоҳ, икки-уч кундин сўнг бартараф бўлди*” (Б.185-186).

1528 йил. Бобурнинг вафотидан икки йил олдин яна ўша мудҳиши безгак касали хуруж этади. Эндиги касалликлар Бобурни анча-

гина толиқтирган, унинг устига давлат бошқарувидаги ҳисобсиз ташвишлари, она юрти Мовароуннахр соғинчи, молу дунёга, бойлика ўч фарзандларини инсофга чақириш учун нома, васиятлар ёзаётган пайтга тўғри келади. Шунинг учун бу касаллик тасвирларида аввалгиларидан фарқли ўлароқ саломатликдан нолиш, дард қистовидан руҳият азоби, истеъмол қилинган дориларнинг кор қилаётганлиги, хуллас, маълум маънодаги руҳий тушкинлик кайфияти унинг фикри ва вужудини қамраб олади. Бу кайфият шоирнинг бир неча рубоийларида ҳам ўз аксини топган: “*Якшанба куни, муҳаррам ойининг ўн олтисида иситтим, титрадим, навбат-навбат бўлди. Йигирма беш-йигирма олти кунга тортти. Доруи кор ичтим. Охир басит ярашти, уйқусизлиг ва ташналигдин бисёр ташвиши торттим*”.

Ана шу касалликдан кейин Бобурнинг хасталиги кучая боради. Лекин шунга қарамасдан, Бобур салтанат ишларини давом эттирас эди. Куйидаги мисолда биз унинг давлатчилик ишларига нақадар шўнғиб кетганлигини, ўзини аямай ишлаганини кўрамиз. Бу сафар Бобурга қулоқ оғриғи анча азият беради ва бу хасталикдан халос бўлиш учун зарур чораларни қиласди, аммо даволаниши учун берилган тарёқнинг кайфи, хумори уни багтар ташвишга солади. Шунга қарамасдан, у ҳинд рожалари иморатларини “*тамом юруб, сайр қилдим*” дейдик, унинг дардга чидамлилиги, азми қатъийлиги, подшоҳлик вазифасини нечоғли масъулият билан адо этганлигидан далолат беради: “*Ушбу кеча қулогимнинг ташвиши жиҳатидин ва моҳтоб ҳам боис эди, афюн ихтиёр қилдим. Тонглasi афюн хумори бисёр ташвиши берди. Хейли қай қилдим. Бовужуди хумор Ман Сингнинг ва Бикрамажитнинг иморатларини тамом юруб, сайр қилдим*” (Б.238).

1528 йилда Бобур яна бетоб бўлади. Бунинг ўзига хос тарихи бор. Бобур ёзади: “*Одина куни, ойнинг йигирма учидага ҳарорате баданимда зоҳир бўлди. Андоқким, жумъа намозини масжидта ташвиши била ўтадим, намози пешин эҳтиётини қилиб, китобхонада бир замондин сўнг машаққат била ўтадим. Индими, якшанба куни иситиб, озроқ титрадим*” (Б.241-242).

Бобурнинг мазкур касаллиги ҳақида тарихчи ва адабиётшунос олимлар анчагина фикр билдиришган. Масала шундаки, Бобурнинг ўз даврининг етук файласуфи, нақшбандийлик тариқатининг пеш-

воси, нафақат ўзининг, балки отаси Умар Шайхнинг ҳам пири комили бўлган Хожа Убайдуллоҳ Ахрорга юксак эътиқод ва эҳтироми бор эди. Хожа Ахрор Валийнинг буюклиги, каромат соҳиби сифатида замондош алломаларгина эмас, давлат арбоблари орасида ҳам юксак мартабага эга эканлигини яхши билар эди. Бу мўътабар зотга астойдил ихлос қилган киши касалликдан албатта фориғ бўлиши ҳақида кўп-кўп ривоятлар эшитган эди. Шу боис дардан азият чекиб келаётган Бобур “..Хожа Убайдуллоҳнинг “Волидийа” рисоласини назм қилмоқ хотиримга кечти”, – дейди ва ушбу рисолани туркий тилга таржима қилишга киришади. Мазкур рисоланинг адабий-бадиий жиҳати бизнинг таҳлилиминиз мавзуи эмаслигини инобатга олиб, таржима жараёнида бу асарнинг Бобурнинг соғлиғига қандай таъсир этгани ҳақида фикр юритайлик. Энг аввало, бунда Бобурда аниқ руҳий-психологик даволаниш жараёни вужудга келади. Хожа Ахрор ҳазратларининг пок руҳларига ихлос билан эътимод қилган Бобур, аввало, Аллоҳдан, кейин пири комилликдан дардига шифо тилайди. Бунга асосий сабаб унингча “...кўнглумга кечурдумким, агар бу манзум ул ҳазратнинг мақбули бўлур, худ нечукким, соҳиби “Қасидаи Бурда”нинг қасидаси мақбул тушуб, ўзи афлаҷ маразидин ҳалос бўлди, мен доги бу оrizадин қутулуб, назмимнинг қабулига далиле бўлгусидур” (Б.242).

Дарҳақиқат, Бобур бир кунда “Волидийа” қасидасидан 52 байт таржима қиласди. Ушбу мўъжазгина рисоланинг таржимаси тугабтуганмай, узок муддат давом этган юқоридаги касалликдан бутунлай фориғ бўлиб, ўрнидан туриб кетади.

Бобур ўзини турли миллат ва элат вакиллари бўлган табибларига даволатар экан, оддий бемор сифатида улар билан муомалада бўлади, уларнинг даволаш усусларидан баҳраманд бўлибгина қолмай, табобат бобида кўрган ҳар бир янгиликни китобида зикр этишга, унга илмий баҳо беришга интилади. Шунинг ўзи ҳам уни барча илмларни ўрганишга юксак ҳаваси борлигидан яна бир карра далолат беради. Биргина мисол келтирамиз. Муҳораба давомида Бобур Чунар кўргонининг атрофида баданига яра тошади (яъни, чечак касаллигига чалинади). Шунда бир маҳаллий табибининг даволаш усули Бобурнинг эътиборини тортади. Чиндан ҳам бу табибининг чаққон ҳаракати, кишини ҳайратга соладиган усул билан Бобурнинг ярасини қисқа муддатда даволаб, оёққа турғизгани подшоҳ

Бобурни лол қолдиради. “Бобурнома”да келтирилган бу мисол эса тарихимиздаги табобат тажрибасининг юксаклигидан ҳам далолат беради: “*Бу юртта бир румий Румда эмди пайдо бўлғон муолажсани қилди. Мурчни сафол қазонда қайнатти, жароҳатни анинг иссиқ бухорига туттум. Бухори камроқ бўла иссиқ суви била юдум, икки соати нужумийгача даранг бўлди*” (Б.252).

Маълумки, Бобурнинг соғлигига жиддий путур етказган воқеалардан бири Ҳиндистонни зabit этганидан сўнг юз беради. Бобур билан бўлган жангда мағлубиятга учраган, кейин муҳораба майдонида вафот этган Ҳинд подшоҳи Иброҳим Лўдийнинг онаси малика Байда Бобурга заҳар беришга эришади. Бу воқеа жуда кўп марта тарихчилар томонидан тилга олингандиги, бадиий адабиётда, видеофильмларда кўрсатилганлиги боис унинг тафсилотидан ўзимизни тиямиз. Хуллас, Иброҳим Лўдийнинг вафотидан сўнг Бобур олийжаноблик кўрсатиб, малика Байдага ўзининг саройидан ҳашаматли жой ажратиб, унинг муносиб шароитда яшашига имкон беради. Байда фарзанди додгини унугулмайди ва ошпазлар орқали Бобурнинг таомига узоқ вақт давомида таъсир этадиган заҳар қўшиб, унинг тановул қилишига эришади. Ушбу ходисани батафсил тасвирлаб, унинг барча деталларини асарида келтирас экан, Бобур бу ҳодиса унга нақадар таъсир этгани, Аллоҳ уни ногаҳоний ўлимдан асрарани, зийракликни бой берган хизматчилари боис шу аҳволга тушганлигини маломат билан баён этади: “*Ош тортарда бизнинг бедавлат бакавуллар гоғил бўлурлар. Чини устига юпқа нонни солур ва нон устига ул когаздаги заҳрнинг озроқ ярмини сепар, заҳрнинг устига ёғлиқ қалияни солур. Агар қалия устига сенса эди, ё қазонга солса эди, ёмон эди. Даст-поча бўлуб, заҳрнинг улуғ ярмини ўчоққа ташлар*” (Б.217).

Ушбу таомдан тановул қилган Бобур ёмон аҳволга тушади. Унинг “Бобурнома”да келтирган сатрларидан қандай кучли азоб чекканлиги, руҳиятида хасталик из колдирганлигини сезиш қийин эмас: “*Дастурхон устида икки-уч марта кўнглум барҳам уруб, қусаёздим. Охир кўрдумким, бўлмас, қўптум. Обхонага боргунча йўлда яна бир навбат қусаёздим. Обхонага бориб, қалин қустим. Ҳаргиз ошдин сўнг қусмас эдим, балки ичганда ҳам қусмас эдим*” (Б.217).

Бобур шундан сўнг жуда қаттиқ азобда қолади, атрофдагилар уни даволашга киришади. Хуллас, бир оз ўзига келиб дейди:

“Тенгри манга бошдин жон берди. Ул дунёдин келадурмен, онадин эмди туғдум. Мен хаста ўлуб эрдим, тирилдим. Жон қадрини, биллоҳ, эмди билдим” (Б.217).

Шундан сўнг Бобур бу мудҳиш ҳодиса сабабчиларининг барчаларига тегишли жазо беради, аммо бу заҳар терлама, безгак, ва сурункали шамоллашлар каби касалликлардан кўпдан буён азоб тортиб келаётган Бобурниң тинка-мадорини қурита бошлайди ва секинлик билан унинг бошини ёстиққа етказади.

Бобурниң вафотидан сал олдинроқ тўнғич ўғли Ҳумоюн Мирзо қаттиқ бетоб бўлади. Уни Ҳиндистоннинг Санбал деган жойидан кемада ва куруклик йўллари билан отасининг олдига – Аграга олиб келадилар. Бобур бу ўғлини ҳамма фарзандларидан кўра яхши кўрар, уни асраб-авайлаб, меҳрибонлик кўрсатиб, укалари билан ахил яшашни, уларга бош бўлишни доимо уқтиради. Ҳумоюннинг тўсатдан оғир касал бўлиши Бобурни эсанкиратиб кўяди. “Бобурнома”да унинг руҳий ҳолати, bemor фарзандининг атрофида гирдикапалак бўлиши, унинг сиҳат топиши учун нархи бутун дунёning уч кунлик хирожига тенг бўлган Кўхинурдек олмос ҳам камлик қилишини билдириб, ўғлиниң соғлиги йўлида ўз ҳаётини садақа қиласанлиги ҳақида батафсил зикр этилган. Бу ҳолатни Гулбаданбегим “Ҳумоюннома” асарида қуйидагида ихчам ва аниқ баён этган: “У кипи касал ётган вақтда подшоҳ ҳазратлари ҳазрат Муртоз Али мозорига борувчи кишини кўришни истадилар. У борувчини чоршанба кундан бери сақлар эди. Ўзлари изтироб ва бетокатлик билан сешанба куни кузатдилар. Ҳаво нихоятда иссик эди. Дил-жигарлар куяр эди. Ўша борувчидан, Худоё, агар жон ўрнига жон бериш мумкин бўлса, менки Бобурман, умри жонимни Ҳумоюнга бағищлайман, деб дуо қилишини сўрадилар. Шу куннинг ўзидаёқ жаннатмакон Ҳазратнинг (яъни Бобурниң) тоблари қочиб қолди. Ҳумоюн подшоҳ эса ўз бошларидан сув қуийб, ташқарига чиқдилар ва кўргани келганларни қабул қилдилар. Подшоҳ бобомни касалликлари туфайли ичкарига олиб кирдилар. Яқин икки-уч ой касал бўлиб, ётиб қолдилар”.

Шундан кейин, Бобур ўзини ўнглаб ололмайди. Кунлар ўтган сари унинг соғлиги ёмонлашар, фарзандларидан, набираларидан ризолик тилаш билан бирга, уларни турмушга бериш, уйлантириш масалаларини ҳам васият қилади. Гулбаданбегимнинг юқоридаги

китобида Бобурнинг сўнгти дамлари жуда дардли баёнини топган. Бунда Гулбаданбегим Бобурнинг умр карвони поёнига етгани ҳакида сўз юритиб, буни Иброҳим Лўдийнинг онаси берган заҳар натижаси деб билади. Бобур жисмонан жуда бақувват шахс бўлган. Ёшлигида Ахси қалъаси деворида икки кишини қўлтиқлаб юргурагани ҳакида тарихда баён этилган. Ўзининг ёзишича, у бир неча марта турли дарёларни, ҳатто Ганг дарёсини кўндалангига сузуб ўтган, қаҳратон қишида муз сувда чўмилган, мардона қилич чопган, ўта моҳир чавандоз бўлган.

Бизнингча, Бобурнинг жуда кам, атиги 47 йил умр кўришига факатгина юқоридаги берилган заҳар сабаб бўлмасдан, биз келтирган bemорлик тарихидаги бошқа ҳолатлар ҳам сабаб бўлган. Заҳарнинг жигар ва буйрак орқали ўтишини инобатга олсак, безгак касаллигини асорати бўлмиш жигар касаллиги заҳар таъсирида янада заифлашган. Бобурнинг жума намозини не машаққат билан адо этиши, кунлаб ётиши, бир неча ўн кунлаб иситма ва бошқа касалликлардан бош кўтармай титраб ётиши заҳарланишидан олдин содир бўлганлигини инобатга олсак, бу тахминларни тўғри дейишга асос беради”<sup>41</sup>.

Гулбаданбегимнинг бу борадаги хотираси куйидагича: “Аммо касалликнинг асли, яъни подшохнинг кундан-кунга заифлашиб озиб кетаёттганларининг сабаби ўша заҳар таъсиридан эди. Касал ҳар куни оғирлашиб, муборак чеҳралари ўзгариб борар эди. Эртаси куни ҳамма амирларни чақириб айтдиларки, кўп йиллардан бери Ҳумоюн Мирзога подшоҳлигимни топшириб, ўзим Зарафшон богининг бир бурчагида турсам, деган фикрим бор эди. Худонинг карами билан ҳамма нарса мұяссар бўлди. Лекин мана шу мақсадимни сог пайтишида қиласам, деган эдим, бўлмади. Касал мени эзib қўйди...”

Шундай қилиб, Бобур, инглиз тарихчиси В.А.Смитнинг таъбири билан айтганда, “ўша даврдаги осиёлик шаҳзодаларнинг энг зўри бўлиб, унинг тарихдаги ўрни ўтмишдаги шаҳзодалар орасида улкан таҳсинга сазовордир”. Бу улут инсон нисбатан қисқа, 47 йил умр кўрган, қанчалик хасталикларни бошидан кечирган бўлса ҳам ўзидан кейин авлодларга буюк маънавий мерос, арзигулик адабий, тарихий, илмий хазиналар қолдирди. Бобур Шарқда ўз сал-

<sup>41</sup> Қурдатуллаев Ҳ. Бобурнинг давлатчилик сиёсати ва дипломатияси. Тошкент: Шарқ НМАК, 2011. Б.194.

танатини тириклиги пайтида валиаҳди – тўнгич ўғли Ҳумоюнга топширган ягона подшоҳ эканлиги билан ҳам тарихда қолди. Унинг шон-шавкатли умрининг ўзи бир ибратли тарихдир.

### **3.2. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг касаллик тарихи баёни (“Амбулатор картаси”си)**

Захириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома”нинг 22 жойида ўзини бетоб бўлганлигини баён қилади. Ҳар бир бетобликни ўзига хос баён этилиши, касалликнинг кечиши, қилинган муолажаларнинг таъсири ҳакида ўзи батафсил ёзади. Умри давомида бошидан ўтказган касалликларни даволаш жараёни, табиблар иштироки асарда кенг ва ёрқин ёритиб борилади. Ўша давр табиблари мӯғул жарроҳи Атика, Сайид табиб, Мулло Хожаго, Румлик табиб ва Юсуфий ибн Муҳаммад Юсуф томонларидан қилинган табобатлар, муолажалар Бобур Мирзонинг сиҳатини яхшилаш учун қилинган саъий харакатлар эди.

Бобурнинг 47 йиллик умри тинимсиз жанглар, қариндош-уруглар, темурий шахзодалар ва бекларнинг бирин-кетин килган хиёнатлари, фарзандларининг бевақт вафоти ғуссаларида ўтди. Устига-устак умр поёнида турли касалликлар бу иродаси мустаҳкам кишининг ҳам руҳиятига таъсир этган. “Бобурнома”да биз муаллифнинг бундай машаққатларга нақадар бардош бергани, айрим ҳолатларда дарднинг зўрайиши кўзларига аччиқ ёш оқизганини кўрамиз. Муаллиф шу ҳолатнинг тасвирини берар экан:

*Жисмимда иситма кунда маҳкам бўладур,  
Кўздин ўчадур уйқу чу охшам бўладур.  
Ҳар иккаласи ғамим била сабримдек,  
Боргон сайи бу ортадур, ул кам бўладур (Б.233).*

Бу мавзуда Бобур яратган рубоийларда яна нималар назарда тутилган, унинг касалликдан ранж тортган вужудида нималар содир бўлган? Бобурни безовталаган, азоб тортишига сабаб бўлган бу даврда яратилган рубоийларнинг барчасида юқорида келтирилган парчанинг деталлари – иситма, уйқусизлик, ғамнинг моҳиятини янада очишга, муаллиф ҳолатини батафсилроқ етказишга хизмат қилган. Масалан, мана бу рубоийда Бобур вужудини иситма ту-

тиши – тана ҳарорати ўта юқорилиги таъкидланган. Бунда муаллиф даррдан фориғ бўлиш йўлини унинг ахволидан хабар олган – ҳабиб-дўстининг сўроғидан сўнг кўнглига енгиллик шабадаси кириб келганлигини билдирадики, бу “Бобурнома” матнида мавжуд эмас:

*Жисмимда иситма тобидин оташдур,  
Жонимга балоу гусса бе баркашдур.  
Кўп дард ила ғамдин манга нохушилуг эди,  
Сен сўргали, эй ҳабиб, кўнглум хушдур.*

Ёки мана бу рубоий ҳам ўша пайтда – Бобур жисмини дард исканжага олган пайтида ёзган бўлиши мумкин. Зеро, бунда ҳам юқоридаги ҳолатлар чукурлаштирилган, муаллифнинг тушкун кайфиятини аввалги рубоийларда кўзга ташланмаган “бетоблиғ”, “бесблиғ”, “бехоблиғ” каби сўзлар очиб берган. Бу ҳам Бобурнинг бадиий маҳоратидан ва танасида ўтказаётган дардни акс эттира билишидан дарак беради:

*Ўт солди кўнгулга ранжу бетоблигим,  
Сув қилиб бу хаста жонни беоблигим.  
Бу иккаласи агарчи бор мухлику съб,  
Лек ўлтирадур тонггача бехоблигим.*

Бобур “Бобурнома”да бир неча ўринда уни касаллик ташвишига солаёттанини ёзади. Иродаси мустаҳкам, ҳар қандай қийинчиликларга бардошли Бобурдек шахс ҳам бебаҳо умрнинг бу имтиҳони пайтида анчагина уқубат кўрган, гоҳида тушкунликка тушганга ўхшайди. “Кўнглимда ўту икки кўзимда сувдир” деб дил дардини баён этган шоир қуйидаги рубоийсида яна юқоридаги сабаблар: уйқусизлик, фироқ, бекарорлик, беором оқшомлар таъсирида “Бобурнома”даги мавзууни янада ёрқинроқ ифода этади, бойитади. Ўқувчи унинг хаста ҳолатига даво топишни, кўзларига уйқу бахш этишни ўйлаб қолади:

*Кўнглимда ўту икки кўзимда сувдур,  
Мен хастага раҳм қилки, ҳолим будур.*

*Ғам кундузию фироқ шоми янглиғ,  
Туну кун менга не қарору не уйқудир.*

Биз юқорида Бобур умрининг охирида тез-тез касалликка чалингани, азоб-уқубатлар кўргани ҳақида фикр юритдик. У бу дардларга Кобулда чалиниб, Ҳиндистон сафари туфайли мубтало бўлди.

Фикрни Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг касалликлари ва уни ўтказган йили, ёши, қаерда бетоб бўлгани ёки қаерда қайта хуруж бўлганига қаратайлик. Аввал “Бобурнома”дан касалликка Бобурнинг ўзи таърифини бериб, сўнг касалликнинг кечиши ҳақида мулоҳаза юритилади. Буюк аллома Абу Али ибн Сино ва Юсуфий ибн Муҳаммад Юсуфнинг ўша даврдаги ушбу касалликларга қўйган ташхислари, касалликнинг кечиши ҳақидаги фикрларини баён қилишга ҳаракат қиласиз. Ташхисни қўйиб, касалликка таъриф берибгина қолмай, алломалар давридаги даво муолажалари китобхонларни қизиқтиши табиий.

Бобур Мирзо давридаги ташхис қўйиш, касалликнинг кечиши, бериладиган дори-дармонларни бериш тартибларини кўриб чиққандан сўнг ҳозирги табобатимизга қайтиб, бу улуг инсоннинг хасталикларига замонавий ташхис қўйиб, касалликларни кечишини баён қилган ҳолда даволаш жараёнини кўриб чиқиш мумкин. Ҳозиргача кўп дунё олимлари ва адиллари ўртасида мухокама бўлиб келаётган Бобур Мирзонинг касалликлари, заҳарланиши, Ҳумоюннинг касал бўлиб қолганида атрофида уч бор айланиб бехуш бўлгандаги ҳолатига холисона илмий асосларга таяниб, олим ва мутахассислар билан маслаҳатлашган ҳолда хulosalar қилишга ҳаракат қиласиз.

Заҳириддин Бобурнинг ҳаёт давомида азиз бошидан ўтказган касалликларини жамлаб, якуний ташхис қўйиш ва ўлим сабабини аниқлашга ҳаракат қилиш лозим. Зоро, айрим ёзувчилар Заҳириддин Муҳаммад Бобурни оғир ўпка касаллигидан ёки сил касаллигидан, ҳатто жигар циррозидан ва бошқа бир ёмон хасталиклардан вафот этган деган тахминларни беришган. Албатта, ёзувчиларнинг бундай хато хulosalararga келишларининг асосий сабаби касалликларни чукур ўрганмаганликлари, уларни тиббиёт ходими (шифокор) бўлмаганилигидан, деб биламиз.

**КАСАЛЛИК ТАРИХИНИ БАЁН ЭТИШ  
ДАФТАРИ (АМБУЛАТОР КАРТА)**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР**

**Туғилган йили:** 1483.

**Вафот этган йили:** 1530.

**Миллати:** туркий – ўзбек.

**Туғилган жойи:** Фарғона вилояти, Андижон.

**Вафот этган жойи:** Ҳиндистон, Агра.

**Бўйи:** 1 м 75 см.

**Вазни:** 80 кг.

**Мижози:** ҳўл ва совук.

**Отасининг исми:** Умаршайх Мирзо ибн Султон Абусайд Мирзо.

**Онасининг исми:** Кўтлут Нигор хоним Юнусхон қизи.

**Касб ва ҳунари:** Подшоҳ, буюк саркарда, шоир.

**Оиласий ҳолати:** уйланган, турли никоҳлардан 19 нафар фарзанди бўлган.

**Даволовчи хос табиби:** Юсуфий ибн Муҳаммад ибн Юсуф.

**Асосий касаллиги:** Уч кунлик безгак, сурункали кечувчи.  
Касаллик (паразит) ташувчи.

**Асосий касаллик:** Кўпомилли иккиламчи камқонлик асорати:  
оғир даражаси. Жигар ва талокнинг катталашиши.

**Кардош касаллик:** Ўпкани сурункали обструктив касаллиги, бронхитик шакли III босқичи, римиссияси

**Рақобатдош касаллик:** Рухий тушкинлик, оғир даражаси.

### Касаллик мундарижаси

**1) 1497 йил. 14 ёш. Самарқанд.**

ХҮНОҚ. Полирадикулоневрит.....115

**2) 1498 йил. 15 ёш. Зомин.**

ҲУММА БАЛҒАМИЙ. Ўткир респиратор касаллик.....118

**3) 1501 йил. 18 ёш. Самарқанд.**

Бош мия чайқалиши.....120

**4) 1502 йил. 19 ёш. Андижон, Робити Рўзак қишилоги.**

Ўнг сон мускулини камон ўқидан яраланиши.

Чакка соҳасини ўткир предметдан сидирилган жароҳати.

Бош мия чайқалиши.....121

**5) 1505 йил. 22 ёш. Кобул.**

ҲУММА БАЛҒАМИЙ. Ўткир респиратор касаллик.....124

**6) 1506 йил. 23 ёш. Ғазни – Ойтугди.**

САЪБ ҚУЁНГ. Қовурғалараро нервлар невропатияси.....127

**7) ЧИПҚОН. Фурункул.....129**

**8) 1506 йил. 23 ёш. Ҳиндикӯш тоги, Зарин довони туби-Ҳаволи Куттий гори.**

ВАЖАЬ ал –узн. Ўнг қулоқнинг ўткир яллиғланиши.....130

**9) 1510 йил. 27 ёш. Кобул.**

ҲУММА САВДОВИЙ. Тропик безгак (МАЛЯРИЯ).....132

**10) 1510 йил. 27 ёш. Кобул.**

Тўртингчи бармоқ ўнг кўл кафт суюгининг синиши.....138

**11) 1525 йил. 42 ёш. Гўндамак.**

ЗУКОМ. Ўткир инфекцион ренит.....141

**12) 1525 йил. 42 ёш. Бигром.**

НАФС ас-ДАММ. Крупоз пневмония (ЗОТИЛЖАМ).....144

**13) 1526 йил. 43 ёш. Агра.**

Заҳарланиш.....146

**14) 1526 йил. 43 ёш.**

Зараарли одатдан кечиш.....150

|   |     |
|---|-----|
| <b>15) 1527 йил. 44 ёш. Агра.</b>                                     |     |
| ХУНОҚ. Ўткир фаринготонзелит.....                                     | 151 |
| <b>16) 1527 йил. 44 ёш. Агра.</b>                                     |     |
| ХУММА САВДОВИЙ. Тропик безгак, сурункали кечуви, қўзғалган даври..... | 153 |
| <b>17) 1527 йил. 44 ёш. Бангармавуд ёнидаги кўл.</b>                  |     |
| ДУХУЛ ал-МОЬ ФИ-Л-УЗН. Кулоқ чирки.....                               | 155 |
| <b>18) 1528 йил. 45 ёш. Агра, Гомбайир дарёси ёқаси.</b>              |     |
| ВАЖАЛЬ ал-УЗН. Ўнг ўрта кулоқнинг ўткир яллиғланиши.....              | 156 |
| <b>19) 1528 йил. 45 ёш. Агра, Гомбайир дарёси ёқаси</b>               |     |
| Астеник депрессия.....  | 158 |
| <b>20) 1529 йил. 46 ёш. Агра.</b>                                     |     |
| ХУММА САВДОВИЙ. Тропик безгак, сурункали кечуви, қўзғалган даври..... | 159 |
| <b>21) 1529 йил. 46 ёш. Агра.</b>                                     |     |
| ХУММА САВДОВИЙ. Тропик безгак, сурункали кечуви, қўзғалган даври..... | 160 |
| <b>22) 1529 йил. 46 ёш. Паяга.</b>                                    |     |
| ЖУДАРИЙ. Чечак.....   | 161 |
| <b>23) 1529 йил. 46 ёш. Дехли.</b>                                    |     |
| ҒАШИ. Астеник депрессия, синкопал ҳолат.....                          | 162 |
| <b>24) 1530 йил. 47 ёш, Агра.</b>                                     |     |
| Бобур Мирзо ўлимининг сабаблари.....                                  | 164 |

**1) 1497 йил. 14 ёш. Самарқанд.**

Ушбу давр ёш Захириддин Бобур Самарқанд учун ҳаракат бошлиганда унинг ғанимлари томонидан Андижон тахти эгалланган. Самарқанддаги муҳосараада Бобур икки ўт орасида қолади ва ёзади: “Муҳосара муддатида менинг волидаларимдин ва Ҳожса Қозидин муттасил бу мазмун била хатлар келур эрдиким, бизларни мундоқ муҳосара қилибтурлар. Агар келиб фарёдимизга етмасангиз иш вубол бўлгусидур. Самарқанд Андижон кучи била олилиб эди. Агар Андижон иликта бўлса, яна Тенгри рост келтурса, Самарқандни иликласа бўлур. Мутаоқиб бу мазмун била хатлар келди” (Б.63).

Кўринганидек, Бобур Самарқанд ва Андижон орасида саргардонлик билан ташвиш тортиб, уйкусиз тунлар, дамларни бедор, дам олишсиз ўтказар экан, тўсатдан қаттиқ бетоб бўлиб қолади. “Ул

фурсатта бир мартаба беҳузур бўлуб, яхши бўлуб эрдим. Накоҳат айёмини ўбдан риоят қила олмадим, узулдум. Бу навбат ёмон беҳузур бўлдум. Андоқким, тўрт кунгача тилим тутулди, оғзимга пахта била сув томизурлар эди. Менинг била қолгон бек ва бекот ва йигит-яланг менинг тирилмагимдин маъюс бўлуб, ҳар ким ўз фикрида бўлдилар. Ушмундоқ маҳалда Узун Ҳасаннинг навкарини-ким, элчиликка келиб, паришин сўзлар келтуруб эди, беклар раъйда ғалат қилиб мени кўрсатиб рухсат бердилар. Тўрт-беш кундин сўнг ул ҳолдин бир нима яхширилқ бўлдум. Вале тилимда калолат қолди. Неча кундин сўнг ўз ҳолимга келди” (Б.63).

Касалликнинг кечиши. Биринчи бор беҳузур бўлганда томоғ оғриғи бўлиб ўтади. Парҳез бузиш, яъни қаттиқ овқат, совуқ сув ва совуқ ичимликлардан тийилиб туриш зарур бўлади. Давлатчилик ишлари кўпайгани бож совуқ ичимликларни ичиш билан касаллик авж олади ва шиддатланиб ҳолатни оғирлаштиради. Шикояти ҳолсизликка, оёқ ва қўлларни бўшашишига, ютинишининг қийинлашишига, гапира олмасликка олиб келган. Ҳолсизлик бир неча кун давом этган. Тўрт кун давомида тил тутилган (бу ерда томоқ безларининг йиринглаб катталаниб кетиши натижасида ютинишни қийинлашиб, гапира олмасликка олиб келади), оёқ қўллар бўшашиши кузатилган. Ҳатто Бобурнинг ҳолати шу даражага етганки, ютиниш қийинлигидан атрофдагилар унинг оғзига пахтадан сув томизиб туришган. Қилинган муолажалардан сўнг беш кунда ҳолат яхшиланади бошлаган. Тил тутилиши 15-20 кунлар чамаси ўтгандан сўнг ўтиб кетган, яъни томоқдаги шишларни қайтишига қараб ютиниш ва гапириш яхшиланган (тил тутилиши бу ерда, томоқ оғриб гапириш қийин бўлгани сабабидан).

**Ташихис. ҲЎНОҚ<sup>42</sup>,** яъни томоқ оғриги. Бобур Мирзо аввал томоги оғриб тўла даволанмаганидан сўнг касаллик шиддатланиб кетади. Томоқдаги яллиганиши кучайиши натижасида томоқнинг йирингли яллиганишига олиб келади.

**Юсуфий табобати** – билмоқ зарурки, ҳўноқ вақтида даволанмаса заифлик ошади ва оёқ-қўлларнинг ҳаракати кескин сусайди. Тана ҳарорати ошган сайин қувватлизланади. Ютиниши қийинлашгани сабаб оғизга сувни томизиб ёки шимдириб ичирлади. Йирингни ёрилиши ёки сўрилиб тузалиб кетишига қараб ҳолат секин аста яхшиланниб боради.

---

<sup>42</sup> Ҳасаний М. Бобурнинг хос табиби Юсуфий табобати. -- Тошкент: Фан, 1992. – Б.66.

*Аввало, тезлик билан қон олиши зарур. Қон олинадиган томир эса тил остида жойлашган. Қон олдиришдан аввал гаргара қилмаслик керак. Чунки гаргара оғритувчи булиб, у оғриқ берувчи моддани күпайтиради. Қон олдиргандан кейин тотим суви ва шунга ўхшаш зирк, шотур, гүр узум суви, сирка, аччиқ анор суви ва бошқаларда ярим қайнок қилиб гаргара қилинади.*

*Пўсти туширилган мош, уғра, ҳўл кашнич, тамарҳиндий суви, олхўри суви ёки норанж сувидан ичилади ва ейилади. Ич эса хўқна қилинади.*

**Ҳозирги тиббиёт ташхиси – йирингли тонзелит оғир даражаси, интаксикацион синдром – полирадикулоневрит<sup>43</sup>.**

Полиневропатиялар деганда, кўпроқ перефериқ нервларнинг заарланиши ва уларнинг қон билан таъминланиши бузилиши тушинилади. Полиневритларни келтириб чиқарадиган сабаблар ҳам хилма-хилдир. Инфекцион касалликлар ҳисобланмиш ўткир респиратор инфекция, йирингли тонзелит, корамут, сувчечак ва бошқа инфекцион хасталиклардан кейин ҳам полиневрит ривожланиши мумкин.

**Бемор аломатлари:** қўл-оёқ панжаларининг оғриши, ивишиб қолиши, ҳаракатни қийинлашиши, овоз йўқолиши, ютинишнинг мушкуллашпуви.

**Касаллик ҳолати.** Кўпгина ҳолларда истима ( $37,5\text{--}38^{\circ}\text{C}$ ) кузатиласди. Асаб тизими соҳасида – қўл, оёқ панжаларнинг дистал (пастги) қисмида бўшашиш, мушаклар оғриши, тонус пасайиши қайд қилинади. Рефлексларда ҳам ўзгаришлар кузатиласди, оёқ ости, тери, қўлларда суюк усти рефлекслари кескин пасаяди.

Вегитатив нерв системасида ҳам талайгина ўзгаришлар содир бўлади: қўллар, оёқ панжаларининг ивишиши, совқотиши, терлани кузатиласди.

Юқорида айтиб ўтилган неврологик белгилар ҳамма полиневритларда учраши мумкин. Ўткир полирадикуло-невропатияда чаноқ аъзолари функцияси сақланиб қолади, бузилмайди<sup>44</sup>.

**Хулоса:** Бобур Мирзо аввал томоқ оғриғи билан оғрийди, тўла даволанмагани, парҳезни ушламагани, яъни совук ичимликлардан

<sup>43</sup> Бадалян Л.О. Детская неврология. – Москва, 2000. Б. 258.

<sup>44</sup> Шомансуров Ш.Ш. Диагностика острых вялых параличей у детей. Методическое пособие. – Ташкент, 1998. С.5.

тийиниш, иссиқроқ кийиниш, шу ва бошқа тавсияларга амал қилмаган. Давлат ишлари билан машғул бўлгани, вактида муолажаларни олмагани сабаб касаллик шиддатланиб кетади ва томоқ оғриғи йирингли асорат беради. Организимни умумий интоксикациясиға (полирадикулоневрит) олиб келади. Албатта касаллик оғир ҳолатга олиб келгандан сўнг Бобур ётиб қолади ва табиблар томонидан дори-дармонлар бошланади. Иситмага, ҳолсизликка, томоқ оғриғига қарши даво муолажаларидан сўнг ҳолат аста секин яхшиланиб боради. Гарчанд ўрнидан туриб, ўз уддасидан ўзи чиқа бошлаган бўлишига қарамай томоқдаги шиш аста-секин қайта бошлайди ва гапириш ҳам яхшиланади.

## 2) 1498 йил. 15 ёш. Зомин.

Ушбу касаллик ҳам олдинги сингари Захириддин Бобур учун “Йўл азоби, гўр азоби” деганларидек вужудга келган. Самарқандни эгаллаш мақсади ва Андижонни бой бермаслик сиёсати ўртасидаги курашларда Бобур 1498-1499 йилларда Хўжанд, Пишовар, Работи Хожа, Шавдор тумани ва Зоминда сарсон-саргардон юриб, иситма касаллигига дучор бўлади. Маълумки иситма касаллиги оромни ва ётиб даволанишни тақозо этади. Бобурда эса бундай ҳолат жуда кам бўлган. Бу сафар ҳам у касалликни оёғда, от устида ўтказади. Касаллик эса бунда ҳам ўз ишини қиласи: *Хўжанддин отланиб Пашоварга мутаважжих бўлдум. Зоминга етган фурсатта отланиб илгор қилиб, тоз йўли била ўтуб, Работи Хожсанинг устига келдимким, гоғилликта шоту қўюб чиқиб, Работи Хожса қўргониниким, Шовдор туманининг доруганишини улдур, олилгай. ...Бовужуди иситма ўн уч-ўн тўрт йигоч йўлни суубат ва машакқат била қатъ қилдим*”(Б.67).

**Юсуфий табобати** – балгамдан бўладиган иситма. Хоҳ лозима ва лиска, яъни доимий бўлсин, хоҳ ноиба ва мувозиба, яъни бир кунлик бўлсин, белгиси: томирнинг мулойим уриши, сийдикнинг рангсизлиги, аъзоларнинг оғирлиги, чанқашнинг камлиги ва уйқунинг қўплиги.

**Ташхис: ҲУММА БАЛГАМИЙ<sup>45</sup>.**

**Тўртлик:**

*Гам тортган жонингга бу гам яқинлашган бўлса,  
Эй балгамили иситмадан дили замгин бўлган (киши),  
Агар эрмон шарбати билан –  
Сиканжубиндан кўп ичсанг фойда қиласди.*

Бобурнинг даволанишга имконияти ҳам, вақти ҳам бўлмади.

**Хозирги тиббиёт ташхиси:** ўткир респиратор касаллик (ЎРК). Одамда учрайдиган инфекцион касалликлар жумласига кирари ва улар орасида етакчи ўринни эгаллайди. ЎРКларнинг учдан бир қисмини грипп ташкил этади. Катта ёшдаги одамлар орасида учрайдиган ЎРК чақиравчилар таркибида – респиратор вируслар 20-25 фоиз аҳолини касалликка дучор этади.

Ҳар қандай респиратор вирусли инфекция одамга ҳаво – томчи йўли билан белор кишидан юқади. Вирус нафас йўлларининг шиллик пардасига тушиб, ўзига хос бўлган тропизм асосида респиратор йўлларнинг эпителиал ҳужайраларига ўтиб тез кўпаяди ва улар тез емирилади, некрозга учратади, сўнг конга кўчиб (вирусемия), юрак – томирлар, асад ва бошқа тизимларга токсик таъсир кўрсатади.

**Касаллик манзааси:** икки синдромдан иборат – инфекцион интоксикация ва катарал ҳолат белгиларидан иборат бўлади.

**Интоксикация** – турли даражадаги эт увишиш, оёқ-кўлларнинг симиллаб оғриши, бошнинг пешона тепа соҳасида, кўз соққалари ва гавданинг ҳар хил гурух мушакларидағи қаттиқ оғриқнинг пайдо бўлишидир. Эт увишишидан сўнг тана ҳарорати кўтарилади ва икки уч кун давом этади.

**Катарал** – юқори нафас йўлларидан трахеяга ўтадиган ҳавонинг “чўғдек бўлиб” сезилиши билан намоён бўлиши, қурук йўтал, бурун ҳалкумнинг куриб туриши, ачишиши, бурунни битиб қолиши билан бирга кечади. Айтиб ўтилган ўзгаришлар навқирон ёшдаги кўпчилик белорларда касаллик 7-10 кунида барҳам топади.<sup>1</sup>

**Хулоса:** саргардонликда юрган вактларда тунги ётиш жойларни иссиқ бўлмагани, қайнатилмаган совук сувларни истеъмол қилиш билан, ён атрофдаги аскарларда ҳам шамоллаш бўлишдан

<sup>45</sup> Убайдулласев А.М. Нафас органлари касалликлари. – Тошкент: Шарқ, 2004. Б. 44-47.

эҳтимолдан ҳоли бўлмаган вақтда шамоллаш касалига дучор бўлади. Бу ўткир респиратор инфекция бўлиб, даволанмагани сабаб касаллик бир неча кунга чўзилади. Бобурнинг ўткир респиратор касалликка чалиниши билан бирга даволанишга вакти ва чоралар қўришга имкони бўлмаган, касалликни оёқда ўтказишга мажбур бўлган.

### 3) 1501 йил. 18 ёш. Самарқанд.

Ушбу даврда 18 ёнда бўлишига қарамасдан, Заҳириддин Бобур бошидан қанча машаққатларни ўтказган, шаҳар олиб шаҳар берган, муҳорабаларда кўзи пишган йигит эди. Замона зайли билан Самарқандни эгаллаган Бобур душмани Шайбонийхон билан сулҳ тузишга мажбур бўлган эди. Бу сулҳ ҳакида “Бобурнома”да муаллиф жуда кўп афсусланиб гапиради. Чунки у Самарқанд қамалидан чиқар экан, бу азим шаҳарни ҳамда эгачисини Шайбонийхонга қолдиради. Шунда Бобурда қандайдир бир руҳий азоб мавжуд бўлсада, ёшлик шатрамилиги устун келиб, от чоптириш курашига киришиб кетади. Бу ўйиннинг охири Бобурнинг шикаст топишигача боради: “*Йўлда борурда Қанбар Али ва Қосимбек била от тортиштук. Менинг отим ўтти. Анинг отининг қолгонини боқар хаёл қилиб қайрилдим. Танг бўшаб экандур, эгар эврулди. Бошим била ерга ийқилдим, агарчи ўшул замон қўтуб отландим, vale aқлим оҳшомгача қарорига келмади. Бу оламда ўтган вақойти туш ва хаёлдек кўзумга ва кўнглумга кўрунур ва кечар эди*” (86).

**Кечиши:** бош оғриши, бош айланishi, кўнгил беҳузур бўлиши, эс оғии кузатилди.

**Ташхис:** енгил бош чайқалиши, эс оғиши.

**Даволаши:** бир кун бош айланди, кейин ўтиб кетди. Даволаниш бўлмаган.

**Хозирги тиббиёт ташхиси:** Бош мия чайқалиши.

**Касаллик манзараси.** Бош мия чайқалиши, бош мия шикастлари ичida 70-80% ташкил этади. Сабаблари: йикилиш, бошга зарба тегиши, майший шикастлар. Бош мия чайқалиши кузатилган беъморларнинг шикояти: бош оғриши, бош айланishi, ҳушни йўқотиш ёки қисқа муддатли ҳуш оғиши, кўнгил айниши, умумий қувватсизлик ва ҳолсизлик.

**Асаб тизимида:** ҳуш йўқотиш – ретроград амнезия (беъмор шикастланишигача бўлган воқеаларни эслай олмаслиги), антログрад

амнезия (беъмор шкастлангандан кейинги воқеаларни эслай олмаслиги) кўринишларида кузатилади. Пай рефлексларида енгил асимметрия белгилари пайдо бўлади. Координацион синамалар Ромберг ҳолатида нотурғунлик кузатилади. Менингиал ва патологик белгилар кузатилмайди<sup>46</sup>.

**Давоси:** 1. Ётиб даволаниш.

2. Оғриқ колдирувчи даво.
3. Кўнгил айнишига қарши даво.
4. Мия шишишига қарши даво.

**Хулоса:** Бобурнинг яна бир хусусиятларидан бири, унинг дардга чидамлилигидир. Отдан йиқилиб ҳам бироз бехузур бўлгач, яна ўз иши билан бўлиб кетаверади. Йиқилишидан олдинги ҳолатига баҳо бера олмайди. Бобур Мирзони отдан йиқилишида бош мия чайкалишининг асорати бўлмиш ретроград амнезия ҳолати кузатилган.

#### **4) 1502 йил. 19 ёш. Андижон, Робити Рўзак қишлоғи.**

Бобурнинг бу касаллигининг тарихи унинг тақдирида бир марта жуда кескин тарзда рақиби Султон Аҳмад Танбал билан юзма-юз содир бўлиб яраланганинг тасвири оркали юзага келган. Бунда Бобурнинг шиҷоати, душманига тикка бориши, қиличда билагининг кучлилиги қатори жанг майдонида ўзини тута олиши каби жиҳатлари яққол акс эттирилган. Бобурнинг яраланишидан олдинги ҳолатини кўздан кечиралил: “...Танбалнинг дувулғасига ўқ оттим, яна сөздоққа илик элиттим, хон додам бир сарсабз гўшагир бериб эди, ул чиқди, тошлиғали ҳайфим келди, яна сөздоққа солгуча икки ўқ отқунча фурсат бўлди экин. Яна бир ўқни ҳавлилаб илгаррак юрудум”. Эътибор берайлик: Бундай динамизм кучли бўлган муҳорабада ҳатто ёши анчага етган, жангларда кўзи пишган киши ҳам ўзини йўқотиб қўяди. Бобур эса тасвирни давом этиб, дейди: “Бу уч киши ҳам кейинрак қолди. Ўтрумдаги икки кишидин бириким Танбал экандур, ул ҳам илгаррак юруди, орада бир шоҳроҳ эди мен бу саридин, ул ул саридин йўлга кириб, йўлда рўбарў бўлдук, андоқким, менинг ўнг қўлум ёсий сари, Танбалнинг ўнг қўли бизнинг сари бўлди. Танбалнинг бир кечимдин ўзга борча яроги бор эди. Менинг сөздоқ қиличдин ўзга ҳеч ярогим йўқ эди. Илигимдаги ўқ била қолқонини гарбичисига кўклай оттим.

<sup>46</sup> Коновалов А.Н. Клиническая руководства по черепно-мозговой травме. - Москва, 1998. С.103-105.

Ушбу ҳолатта ўнг бутумга шеба ўқи била ўткара оттилар. Бошимда дувулга бўрки эди, Танбал бошимга чопти, бошим қилич зарбидин карахт бўлди. Бовужудким, дувулга бўркининг бир тори кесилмади, бошимга хейли яра бўлди. Қиличини болдоғламайдур эрдим, қинида эди, қилич сугургунча фурсат бўлмади. Қалин душман ичидаги якка ва ёлгуз қолдим” (Б.93).

...Кичик хоннинг қошидин қўпуб, ўзумнинг ўрдумга келдим. Ярамни боққали Атика баҳши отлиқ мўгул жарроҳини йиборибтурлар. Мўгул эли жарроҳни ҳам “баҳши” дер. Жарроҳликда бисёр ҳозиқ эди. Кишининг маззи чиқса, дору берур эди. Илдиздин ҳар турлук яра бўлса эди, осон муолажса қилур эди. Баъзи жарроҳатқа марҳамдек дору қўяр эди, баъзига егали дору берур эди. Менинг бутумнинг ярасига бучқоқ ёқмоқни буюрди, фатила қўймади. Илдиздек нимани ҳам бир қатла едурди. Ўзи дер эдиким, бирорнинг инчка пойчаси синиб, бир тутамча ери реза-реза бўлуб эди, этини ёриб, сўнгакларини тамом олиб, сўнгак ўрнига доруни ун қилиб солдим. Ул дору сўнгак ўрнига сўнгакдек-ўқ бутти. Мундоқ ажиси ва гариб нима хейли дедиким, вилоят жарроҳлари андоқ мудоводин ожиздурлар” (Б.94).

Бобур Мирзонинг бу жароҳати ва касаллиги тарихига ўтишдан олдин шуни таъкидлаш керакки, “Бобурнома”даги муаллифнинг бу маълумоти бугунги кунда жуда мўъжиза ҳисобланган, қадрияти-мизда мавжуд тиббиёт фани, айниқса жарроҳлик маҳорати ҳақида қимматли ва киши аклидан узоқ табобат натижаси келтирилган. Тасавур қилинг, кишининг оёғидаги сўнгак резаланиб кетиб, табиб бу суяқ майдаларини териб ташлаб, ўрнига ўзига хос дорини куйиб бир неча кундин кейин бемор ҳеч нарсани кўрмагандек юриб кетса, мўъжиза эмасми! Бу табобат Бобурни ҳам койил қолдирганки, жуда қизик.

**Манзара:** жанг вақтида Бобурнинг ўнг сонига камон ўқи теккан. Ўқ суяқга тегмаган. Бундан ташқари, Танбал тезда яна дубулга билан зарба берган ва боз устига қилич билан урганда бош яраланган, қилич зарби билан бош чеккаси бироз сидириб кетган.

**Кечиши:** бош огиши, бош айланиси, тил қотиши, сўлак озайши, ўнг сонда шиддатли оғриқ, карахт бўлиши.

**Ташхис:** ўнг сон мускулини камондан яраланиши. Ўнг чаккани қиличдан сидирилган жарроҳати. Миянинг енгил огиши.

**Даволаш:** Атика бахши исмли мўғул жаррохи мия зарбига илдиздан тайёрланган малҳам берди, сондаги ярага жун куйдириб босди. Илдиздек нарсани бир марта едириди. Яра тез кунларда битди.

**Ҳозирги тиббиёт ташихиси:** ўнг сон мускулининг камон ўқидан яраланиши. Бош чакка соҳасини ўткир предметдан сидирилган жароҳати. Бош мия чайқалиши.

**Касаллик манзараси:** Камон теккан ўнг сон мускули 2-3 см йиртилган жароҳатга бирламчи жарроҳлик ишлови берилгач жароҳатни асептик ва антисептик суюқликлар билан ювилади (перикис водород, фурациллин) ва 3 ип тикиб, асептик боғлам қўйилади.

Ўнг чакка соҳасини ўткир предметдан сидирилган жойидаги ярага бирламчи жарроҳлик ишлари ўтказилади: жароҳат атрофи соч ва ифлос унсурлардан тозаланади. Жароҳат асептик ва антисептик суюқликлар билан ювилади. Асептик боғлам қўйилади.

Бош мия чайқалиши, бош мия шикастлари ҳақида юқорида батафсил тўхталиб ўтган эдик.

**Асаб тизимида:** бемор ҳушида, ҳуши йўқотиш – ретроград амнезия ёки антродград амнезия қўринишлари кузатилади. Пай рефлексларида енгил асимметрия белгилари пайдо бўлади. Координацион синамалар Ромберг ҳолатида нотурғунлик кузатилади. Менингиал ва патологик белгилар кузатилмайди<sup>47</sup>.

**Давоси:** 1. Ётоқ тартиби.

2. Оғрик қолдирувчи даво.
3. Кўнгил айнишига қарши даво.
4. Мия шишишига қарши даво.

**Хулоса:** қадимда яраларни куйдириб даволаш, жароҳатларни иирингламай битиши учун қўлланиладиган жарроҳлик услубларидан бири бўлган. Атика бахшининг Бобур ярасига жунни куйдириб босиши, шу услублардан бири. Ҳатто қадимда оёқ ёки қўлларни кесиб ташлагандан сўнг шу аснода тўмтогини куйдиришган. Бобур Мирзонинг Аҳмад Таңбал билан олишувларида олган жароҳатлари, ўнг сонига камон ўқининг санчилишидир. Чап чаккалари қиличдан сидирилган, жароҳатланган ва қиличнинг қаттиқ зарбидан бош мия чайқалган.

<sup>47</sup> Худайбердисев Ҳ.Ҳ. Асаб жарроҳлигидан амалий қўлланма. – Тошкент, 1998. Б. 60.

### 5) 1505 йил. 22 ёш. Кобул.

Бу касалликдан олдин Заҳириддин Бобур катта мусибатни бошдан кечиради. У ёзади: “*Мұхаррам ойида менинг онам Құтлуқ Нигорхонимга ҳасба марази орız бўлди, фасод қилдилар, ноқис воқиъ бўлди. Бир хурросонлиқ табиб бор эди, Сайид табиб дерлар эди. Хурросон дастури била ҳиндувона берди, чун ажсал етиб экандур, олти кундин сўнг шанба куни Тенгри раҳматига борди*”(Б.124).

Бобур онаси вафотини жуда қаттиқ руҳий азобда ўтказди. Кейинроқ, ўзи таъкидлашича, беги Боқи Чагониёнийнинг хоҳиши билан Қандаҳор устига юриш килди. Бу юриш, энг аввало, Бобурга она фироқидан узокроқ бўлиш бўлса, иккинчидан, сафар чоғида яна иситма касалига дучор бўлади: “*Сафар қилиб келиб, Күш Нодир ўлангига тушиб эрдимким, мен иситтим, ажаб тавр беҳузурлук эди. Мени ҳар неча саъй қилиб уйготсалар, яна ўшал замон кўзум уйқуга борур эди. Тўрт-беш кундин сўнг филжумла яхшироқ бўлдум*” (Б.124).

### Юсуфий табобати.

**Кечиши:** балгамдан бўладиган иситма. Хоҳ лозима ва лисқа, яъни доимий бўлсин, хоҳ ноиба ва мувозиба, яъни бир кунлик бўлсин, белгиси: томирнинг мулоийм уриши, сийдикнинг рангсизлиги, аъзолрнинг оғирлиги, чанқашнинг камлиги ва уйқунинг кўплиги.

### Ташхис: ҲУММА БАЛҒАМИЙ<sup>48</sup>.

#### Тўртлик:

Эй балгамили иситмадан дили замгин бўлган (киши),  
Ғам тортган жонинга бу гам яқинлашган бўлса,  
Агар эрмон шарбати билан –  
Сиканжубиндан кўп ичсанг фойда қиласди.

**Муолажса.** Эрон шарбатини тайёрлаш усули: эрмон – тўрт дирам, петрушка уруғи-уч дирам, чала туйилган Цейлон долчини – икки дирам, (буларнинг) ҳаммасини бир пиёла сувда (сувнинг) ярми қолгунча қайнатилади ва тозаланади. Сўнг етмиш мисқол тозаланган оқ қанд қўшилади ва киём бўлгунча қайнатилади. Бу шарбатдан ҳар куни эрталаб беш мисқолини сканжубининг беш мисқоли билан бирга етти қошиқ сувга аралаштириб, ичилади. Пўсти туширилган мош, ярим туйилган нўхот, занжабил, мурч ва исма-

<sup>48</sup> Ҳасаний М. Бобурнинг ҳос табиби Юсуфий табобати. – Тошкент: Фан, 1992. Б.129.

локдан овқат қилиб ейилади. Агар заифлашиб қолиш хавфи бўлса, жўжа товуқ гўштидан ҳам кўшилади.

Балғамдан бўлган иситмага наф қиласиган сургини тайёрлаш усули: тоза санои маккий - беш мисқол, чала туйилган чилпоя, чала туйилган сачратки, сунбулсоч, арпабодиён, петрушка уруғининг ҳар биридан икки мисқол, зирк уч мисқол, сапистон (олхуриси)дан ўттиз дона (олиб), ҳаммасини бир пиёла сувда (сув) яримдан оз колгунча қайнатилади ва тозаланади. Сўнг янтоқ шакар қизил шакар ва фулус мағзининг ҳар биридан ўн мисқолдан олиб, ўша сувда эритилади ва тозаланиб бир мисқол дараҳт пукагини қил элакдан ўтказиб, бодом ёғидан бир мисқол қўшиб, ярим қайноқ ҳолда ичилади.

**Ҳозирги тиббиёт ташхиси:** ўткир респиратор касаллик. Вируслар таъсирида бошланадиган ва умумий заҳарланиш белгилари ҳамда юкори нафас йўлларининг заарланиши билан ўтадиган респиратор касаллик.

**Касаллик манзараси.** Ўткир респиратор касалликнинг клиник симптоматикаси икки синдромдан: инфекцион интоксикация ва катарал ҳолат белгиларидан иборат бўлади. Интоксикация – турли даражадаги эт увишиш, оёқ-қўлларнинг симиллаб оғриши, бошнинг пешона тепа соҳасида, кўз соққалари ва гавданинг ҳар хил гурух мушакларидаги қаттиқ оғриқнинг пайдо бўлишидир. Эт увишишидан сўнг тана ҳарорати кўтарилади ва икки-уч кун давом этади. Катарал – юкори нафас йўлларидан трахеяга ўтадиган ҳавонинг “чўғдек бўлиб” сезилиши билан намоён бўлиши, бурун, халқумнинг куриб туриши, ачиши, бурунни битиб қолиши билан бирга кечади. Бемор ҳоли куриши, тана оғирлиги, истима кўтарилиши, кўп ухлаш, томок куриши, қуруқ йўталдан шикоят қиласи. Айтиб ўтилган ўзгаришлар навқирон ёшдаги кўпчилик bemorларда касалликнинг 7-10 кунига барҳам топади<sup>49</sup>.

**Хуносаси:** маълумки, ҳар бир жойнинг иклимига мослашган бактерия ва вируслар бўлади. Бобурнинг Самарқандаги шамоллашидан Кобулдаги шамоллаши бир бўлса-да, бу сафар ҳар қанча уйғотсалар ҳам яна ухлаб қолаверади. Бобур Мирзо ўткир респиратор касаллиги билан хасталанганди. Қилинган муолажалардан сўнг тузалган.

<sup>49</sup> Убайдулласв А.М. Нафас органлари касалликлари. Тошкент: Шарқ, 2004. Б. 44-47.

**6) 1506 йил. 23 ёш. Газна – Ойтугеди.**

Афғонистоннинг ҳазора қабиласига мансуб ерларни ўз тасаруфига киритиш, уларнинг чорва молларини лашкарга тарқатиб бериш, айrim саркашларини қилич дамидан ўтказиш билан овora бўлган пайти жуда қалин қорли қишига тўғри келади. Бобур учун бу юришлар дастлабки марта бўлмаса-да, унинг тасвирича “бу қиши қор хейли улуғ тушуб эди. Ушибу ерда йўлдин ташқари қор рост отнинг қоптолида эди” дер экан, бу мураккаб табиий қийинчиликда, совук ва изғиринда шусиз ҳам олдинги иситмалар асоратидан ҳали буткул қутилмаган Бобур организмида янги касалликнинг пайдо бўлиши табиий ҳол эди. Шундай ҳам бўлган: “Ҳазора юришидин ёниб, Нижровердин мол олур маслаҳатига Бороннинг оёги Ойтугеди навоҳисига келдук. Жаҳонгир мирзо Газнидин Ойтугеди навоҳисида эканда мулозаматқа келди, бу аснода рамазон ойининг ўн учидаги манга саъб қуёнг ташвиши бўлди, андоқум қирқ кунгача мени бу ёндин-ул ёнга киши эвурур эди... Қуёнг ташвиши жиҳатидин миҳафадек нима ясаб, Борон ёқасидан шаҳрғача мени кўтариб, Бўстонсарога келтирдуларким, ўшул қиши-ўқ бир неча кун Бўстонсарода ўлтурдум, бу беҳузурлиқ ҳануз яхши бўлмайдур эдиким, ўнг юзумга добгули чиқти, ништар солдилар, бу мараз учун мусҳил ҳам ичтим. Сиҳмат топиб, Чорбоқга чиқтим”(Б.127).

**Ташхис: САЪБ ҚҮЁНГ.**

**Кечиши:** Чуқур нафас олганда, йўталганда, аганагандаги қаттиқ оғриқ берши, кўкрак қафасини толиши, уйқусизлик, ҳолсизлик. Касаллик сурункали давом этиб, сабаби қовурғалараро асаб толалари ва қовурга мускулларини шамоллашидан келиб чиқкан.

**Муолажса.** Оғриқ жойларга оғриқни қолдирадиган малҳамлар қўйилган, ҳар ҳил доривор ўтларни ичиришган. Махсус мослама тайёрлатилиб, бир манзилдан иккинчи манзилга олиб юришган.

**Ҳозирги тиббиёт ташхиси:** қовурғалараро нервлар невропатияси.

**Касаллик манзараси.** Касалликнинг сабаби ташқи ва ички қовурғалараро мушаклар орасида параневрал липомалар пайдо бўлиши натижасида нервларнинг сиқилиб қолишидир. Шунга кўра қовурғалар орасини пайпаслаб кўрилганда оғриқли шишлар борлиги билинади. Шишлар пайпаслаганда қайси нерв тегарасида бўлса, ўша томонга оғриқ тарқалади (иррадиация беради).

Қовурғаларни кўп ҳаракат қиласиган қисми VIII, IX, X қовурғалардир. Уларнинг уч қисми асаб оғриқларида ҳам учрайди, буларни “ковурға учи синдроми” деб ҳам аталади. Бунда ҳатто куйлакни танага тегиши ҳам оғриқка сабаб бўлади. Қовурғалараро асабнинг шамоллашида бирданига тез ҳаракат қилганда, йўталганда, аксирганда ёки чуқур нафас олганда қовурғалар бўйлаб кучли оғриқ сезилади.

Шамоллаган нерв янада пастроқда VII-XII қовурғалар оралиғида бўлса, корин тўғри фациялари оралиғида сиқилиб қолади натижада bemor ўнг ва чапга ағанашда қийналади, кучли оғриқ сезади. Айрим ҳолларда умуртқа остеохондрозларида, кўкрак қафасида, бел соҳаларида ҳам оғриқлар бўлади, аммо қовурғалараро асаблар невропатиясичалик шиддатли оғриқ бўлмайди<sup>50</sup>.

**Хулоса:** Бобурнинг бу сафардаги бетоблиги киш вақтига тўғри келади. Юпин кийинишими, ётот жойлари совукроқ бўлган-ми, ғусулдан кегин-ми, хуллас қовурғалараро нерв толалари шамоллайди. Шамоллашга табиблар томонидан қилинган муолажалар етарли бўлмагани, юқоридаги ҳолатлар давом этгани сабаб, касаллик чўзилиб кетади. Юрданда, ағанагандан, йўталганда қаттиқ оғриқ бўлгани сабаб, тахтиравонда кўтариб юришади.

## 7) Ташхис: ЧИПҚОН.

### *Абу Али Ибн Сино табобати:*

Чипқонлар ҳам чиқиқлар жиснисидандир. Булар кўпинча ҳазм ёмонлигидан, (бадан) тўлиқлиги устига қилинган ҳаракатлардан ва шуларга ўхшашилардан пайдо бўлади. Чипқонларнинг ёмони – энг чуқуридир.

*Чипқон тагли бўлиб луққиласа ва уни пишириш зарур бўлса, етилтирувчи дорилар ишлатилади.*

**Кечиши:** ўнг юзларини шишиши, оғриши, бош ва ўнг қулоқни зирқираб оғриши, кўнгил беҳуд бўлиши<sup>51</sup>.

**Муолажа:** чипқонга наштар солинган, сурги дори берилган.

**Ҳозирги тиббиёт ташхиси:** фурункул.

Фурункул – соч фолликуласи ва уни атрофидаги тўқимани ўткир йирингли яллиғланиши. Кейинчалик яллиғланиш ёғ безла-

<sup>50</sup> Яхно Н.Н. Болезни нервной системы. 1-том. – Москва: Медицина, 2003. С.554.

<sup>51</sup> Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. З-жилд. Тошкент, 1993. Б.108.

рига ва уни ўраб турувчи тўқималарга ўтади. Келтириб чикарувчи сабаб – стафилоккок инфекцияси. Фурункулларни келиб чиқишида асосий сабаб, организмни касалликка қарши курашувчи қучнинг камайиши. Тери ифлосланиши ва кичкина шикастлар касаллик ривожланишини келтириб чиқаради<sup>52</sup>.

**Касаллик манзараси.** Соч ёки соқол толаси атрофида кичкина пуфакча ва тутинсимон инфильтрат пайдо бўлади. Бу даврда енгил қишиш ва озгина оғриқ сезилади. Икки кундан сўнг конуссимон инфильтрат пайдо бўлади. Инфильтрат устки териси қизаради, текканда оғрийди. Инфильтрат ўргасида қора нуқтасимон йиринг тўпланади. 3-7 кунга бориб инфильтрат йиринглайди ва некротик тўқима йиринг бўлиб ажралиб чиқади.

Кўпинча юз чипқонида беморни ҳолати оғир кечади. Юздаги веноз ва лимфа тугуллари яхши ривожланганлиги сабабли инфекция тез тарқалади. Вена томирлар тромбофлебити, юз чипқонида, мия каттиқ пардаси синусларига ўтиши, оғир асоратларидан бўлиб, йирингли минингит касаллигини келтириб чиқаради.

**Даволаш:** юз чипқонларида боғлам қўйилмайди. Эзиш, сикиш, қатъий тақиқланади. Тана ҳарорати кўтарилса, қатъий ётиш тартиби буюрилади. Беморни юз мушакларини кўп харакатлантирмаслик тавсия этилади, суюқ овқат тановул қилиш маслаҳат берилади. Даволашда халқ табобати ва тиббий усуллардан қўлланилади. Бунда эрта кунданоқ антибиотиклар буюрилади, ҳолат яхшиланмаса жарроҳлик амалиёти амалга оширилади.

**Хулоса:** Бобур Мирзо қовурғалараро нервлар невропатияси касаллиги билан оғригани, яхши даво бўлмагани боис, касаллик чўзилиб кетгандан сўнг иммунитетнинг пасайиши юз фрункулини авж олишига сабаб бўлган.

### **8) 1506 йил. 23 ёни. Ҳиндикӯши тоги, Зарин довони туби - Ҳаволи Қуттий гори.**

Бобурнинг бу касаллиги 1506 йили Кобулдан Ҳиротга Султон Ҳусайн Бойқаро вафотидан кейин темурий шаҳзодалар умумий душмани – Шайбонийхоннинг устидан қандай қилиб ғалаба қозониш мумкинлигининг маслаҳати учун Бобурни Ҳиротга чакиргандарида ва қайтишда Бобур серманшаққат ва ўта хавфли йўл –

<sup>52</sup> Стручков В.И. Умумий хирургия. Москва, 2002. Б.258 -362.

Хиндикуш довонини ошиб ўтишни танлайди. Йўлнинг узоқлиги, машаққатли қор шиббалаш ва йўл очиш, шиддатли совуқ ҳар қандай кишининг соғлиғига таъсир қиласидиган, аммо табиатан бақувват, ўз билганидан қолмайдиган Бобур кўп хасталикларга дучор бўлиши мумкин эди, бу шароитда, аммо барибир уни қуидаги касаллик четлаб ўтолмаган: “*Ўшуул кеча қулогимга совуқ таъсир қилди. Намози хуфтанд қорни яхши мулоҳаза қилгонлар қичқиришиларким, ҳавол асру кенг ҳаволдор, бу элга тамом ер бор, муники эшииттим, устумдаги қор-морни силкиб ҳаволга келдим, ҳавол навоҳийсидаги йигитларни ҳам тиладим, қирқ-эллик кишига фарогат била ер пайдо бўлди, озук ва яхни ва қовурдоқ ва ҳар нимаким ҳозир эди, ҳар кимнингким бор эди, келтурдилар. Мундоқ совуқ ва қор ва чопқунда ажаб иссиқ ва амин ва фарогатлиқ ерга келдук*”(Б.147).

### **Юсуфий табобати.**

*Кечиши: қулоқнинг туби билан огриши, бош огриши, юз саргайши.*

*Ташхис: ВАЖАҶ ал-УЗН<sup>53</sup>.*

*Тўртлик:*

*Қулоқ огриги агар сафродан бўлса,  
Юз ва кўзингда сариқлик пайдо бўлади.  
Мунзиждан сўнг гунафша ҳаббидан есанг,  
Даво учун муносиб ва соз бўлади.*

*Даволаши:* матони 4-6 буклаб, олов иссиғида қизитиб, қулоқлар устидан боғланади. Сафро мунзижинни еб, сўнг гунафша ҳабби ейилади. Огриқлар гиёҳлар таъсири ва иссиқ қилингани боис тезда ўтиб кетади.

**Ҳозирги тиббиёт ташхиси:** ўнг ўрта қулоқнинг ўткир яллиғланиши (ОТИТ).

Отит – эшитиш найи дисфункцияси натижасида ўрта қулоқ шиллиқ пардасининг катарал яллиғланиши. Ўткир отитнинг келиб чиқишига эшитиш найи функциясининг бузилиши натижасида ногара бўшлиғидаги шамоллашнинг ўзгариши сабаб бўлади. Юқори нафас йўллари яллиғланганда инфекциянинг эшитиш найига кўтарилиши натижасида найнинг ҳалқум тешиги торайиб қолади. Эши-

<sup>53</sup> Ҳасаний М. Бобурнинг ҳос табиби Юсуфий табобати. – Тошкент: Фан, 1992. Б.49.

тиш найининг яллиғланишига сабаб ўткир респиратор касалликлар ҳам сабаб бўлади<sup>54</sup>.

**Касаллик манзараси.** Отитдаги асосий шикоятлар: қулоқ битиши, эшитишнинг пасайиши, қулоқ ичидаги оғриқка. Умумий холатда сезиларли ўзгариш кузатилмайди.

**Хулоса:** Бобур ер сатҳидан анча баландликда, тоғ устида қор кураб терлайди ва ўзи ёзганидек ўтиради. Ёғаётган қор елка ва бошцига анча тўпланади. Ман шу терлаб, дам олган вақтида қулоғи шамоллайди. Фор ичига киргач, оғриқ кучаяди ва ўзи билан бирга юрган табиблардан бири килган даволардан сўнг оғриқ пасаяди.

### 9) 1510 ил. 27 ёш. Кобул.

Бобурнинг ушбу касаллик даври унинг тақдиридаги анча мураккаб дамларга тўғри келган. Бир томондан ўғли Ҳиндубекнинг ҳали суяти қотмаган бўлса ҳам маълум саркашликлар пайдо бўлаётгани, Хуросон ва Мовароуннахрдан турли султон ва бекларнинг Бобур салтанатида қулукқа келгани, кимнингдир тўйи шарофати билан сочиқлар келтиргани, кимгадир эгар-жабдуқли от тухфа қилингандиги..., хуллас Бобурнинг кундалик, ранг-баранг ҳаётининг лаҳзаларидан бой даврига тўғри келган. Аввалги касалликлардан бу дафъадаги bemorlikka Бобур бир таъриф бериб тугатмайди, балки бир неча кун ўтиб яна шу мавзуга қайтади, бир неча кунлик воқеалар ичida дардини баён этади. Бу услуб фақат “Бобурнома”га хослигини таъкидлаш жойиз: “Одина куни ойнинг йигирма тўққузида баданимда иситма ҳарорати зоҳир бўлди. Фасд қилдим. Кун олуш, гоҳи икки кун оша, гоҳи уч кун оша иситур эдим. Ҳар иситқонда ҳарқи арақ бўлмагунча иситма қўймас эди. Ўн-ўн икки кундин кейин, Мулло Ҳожаго мамзуж чогирни наргис била берди, бир-икки қатла ичтим. Фойда ҳам қилмади...

Чаҳоршанба куни, ойнинг учида жуллоб ичтим. Яна икки кун жуллоб ичтим.

*Шанба куни, ойнинг олтисида доруий кор ичтим*” (Б.173).

### Юсуфий табобати.

**Кечиши:** Гоҳида ҳар куни, гоҳида кун оралаб иситма чиқиб турған. Ҳар иситма тутгандан қаро терга ботиб кетган. Бобурнинг ҳоли қуриб кўп чанқаган, боши оғриб, уйқусизлик беъзовта қилган, сийдиги саргайган.

<sup>54</sup> Пальчук В.Т. Оторинолорингология. – Москва: Медицина, 2002. С.307-308.

**Ташҳис: ҲУММА САВДОИЙ<sup>55</sup> – безгак.**

Савдодан бўладиган иситма. У хоҳ рубъи лозим, яъни доимий, хоҳ доир, яъни икки кун туттмай, учинчи кун тутадиган, хоҳ бошқа (масалан), таъби ҳимс, уч кун туттмай, туртинчи куни тутадиган, туби судс, турт кун туттмай, бешинчи кун тутадиган, таби сабъ, беш кун туттмай, олтинчи кун тутадиган ва ҳоказо шунга ўхшаб кетаверадиган иситма бўлсин, белгиси: томирнинг қаттиқ уриши, сийдикни қоралиги, аъзоларнинг оғирлиги бўлади.

**Тўртлик:**

*Агар иситма савдодан бўлса, говзабон,  
Қанд ва гунафша гулидан шарбат тайёрла.  
Ҳар куни бир қошиқдан сувга аралашибириб,  
Райҳон уруғи билан бирга ич.*

Мазкур шарбатни тайёрлаш усули: тоғ ғовзабони ва кўк гунафшанинг ҳар биридан беш мисқолдан (олиб), бир ярим пиёла сувда (сувнинг) ярми қолгунча қайнатилади ва тозаланади. Сўнг олтмиш мисқол тозаланган окқанд солиб, қуюлгунча қайнатилади. Ҳар куни эрталаб бир қошигини сувга аралашибириб, икки мисқолрайхон уруғи ва бир оз гулоб қўшиб ичилади.

Маълум бўлсинки, савдовий иситманинг моддаси савдо ва қон аралашмасидан бўлса, қон олдириш керак. Сафро ёки бошқа моддадан бўлса, шунга муносиб сургидан бериш лозим. Чала туйилган нўхат суви, жўжа товуқ гўшти, пўсти туширилган мош, долчин ва исмалоқдан овқат қилинади.

**Даволаи:** Мулло Ҳожагон шаробини нарғис билан аралашибириб берилди, бир-икки марта ичдилар, фойдаси бўлмади. Томирларидан қон олинди. Қилинган муолажалар етарли енгиллик бермади. Жумод ус-соний ойининг учинчисида чоршанба куни жуллоб (гулоб, шакар ва дорилардан тайёрланган шарбат) берилди. Уч кун ичганидан сўнг сурги дори берилди.

Аралашибирилган шароб (“Юсуфий шарбати”) берилгандан сўнг ҳолат бир оз яхшиланди. Чала туйилган нўхат, пўсти туширилган мош, ҳўл качнишдан овқат қилиб, қатиқсиз ичирилди. Шундан сўнг ҳолат бирмунча яхшиланди. Бетоблиги учун таҳтиравонда кўтариб юришини тавсия этилди.

<sup>55</sup> Ҳасаний М. Бобурнинг ҳос табиби Юсуфий табобати. – Тошкент: Фан, 1992. Б.4-9.

### **Хозирги тиббиёт ташхиси: уч кунлик безгак (малярия).**

Безгак – ўткир протозой касаллик бўлиб, иссиқ ва илиқ иқлимли шароитда учрайди. Ўқтин-ўқтин иситма хуружи, жигар ва талоқнинг катталашуви, камқонлик билан кечадиган, қайталаниш мумкин бўлган касаллик.

**Тарихи:** безгак касаллиги қадимдан маълум бўлиб, ёзма манбалардаги маълумотга кўра, Перу (Жанубий Америка) ҳиндулари безгак билан оғриган беъморларни хина дарахти пустлоғи қайнатмаси билан даволаганлар. Европага келтирилган хина дарахти пустлоғидан рус врачи Ф.М.Риза 1616 йили хинин моддасини ажратиб олади. 1699 йили Мортон безгакни мустакил касаллик эканини эътироф этган бўлса, 1717 йилда италиялик Ланцизи безгак билан ботқоқликлар ўртасида боғланиш бор деган фикрни айтади. 1896-1899 йилларда Патрик Мэнсон безгак қўзғатувчиси анофелос авлодига мансуб чивинлар организимида кўпайиши ва бу чивинлар одамни чаққанда унга безгак юқтиришини аниклаган бўлса, инглиз ҳарбий врачи Рональд Росс Ҳиндистонда тажриба ўтказиб, безгак чивин орқали тарқалишини бира тўла исботлаб берди<sup>56</sup>.

**Этимологияси.** Безгак қўзғатадиган бир хужайрали паразит – плазмодиумнинг 4 хили мавжуд:

1. *Plasmodium vivax* – З кунлик безгак қўзғатувчиси.
2. *Plasmodium malariae* – 4 кунли безгак қўзғатувчиси.
3. *Plasmodium ovale* – овал безгак, З кунлик безгакка ўхшаш тури.
4. *Plasmodium falciparum* – тропик безгак қўзғатувчиси.

**5. Юқиши йўли: Трансмессив.** Безгак қўзғатувчи чивин танасида жинсий (спорогени) усулида кўпаяди, беморнинг эритроцитларида эса жинссиз (шизогения) усулида кўпаяди<sup>57</sup>

Анофелис авлодига мансуб чивин урғочиси безгак билан оғриган одам қонини сўрганда қон билан безгак қўзғатувчиси чивин қорнига тушади, жинссиз паразитлар емирилиб ўлади, жинсий паразитлар эса чивин қорнига одам эритроцитларидан ажралиб чиқиб етилади ва гаметаларга айланади. Гаметаларнинг эркак ва урғочи-

<sup>56</sup> Юсубжанов М.М. Ўта хавфли юқумли касалликлар, ўрта тиббиёт ҳодимлари учун қўлланма. – Наманган, 2006. Б.44-46.

<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикасида безгак касаллиги устидан эпидемиологик назоратни такомиллаштириш тўғрисида Миллий буйруқ. Тошкекн, 14.04.2005. Б.5–9.

лари урчиб оокинетага айланади. Оокинета чивинининг меъда ҳужайралари орасига кириб парда билан ўралиб олади. Буни ооциста дейилади. Ооциста бўлиниш йўли билан кўпайиб 10000 тагача етади, ёрилади ва чивин танаси бўйлаб тарқалади. Тарқалган ооцистанинг бир қисми чивин сўлаги бўлиб, чивин чақиш жараёнида унинг сўлаги орқали одамга ўтиб қолади. Юкоридаги жараён *спорогония* деб аталади. Спорогония жараёни иссиқ жойларда тез, совук жойларда эса секинлик билан кечади.

**Патогенези:** Безгак кўзғатувчиси одам организимида жигарда ва эритроцитларда кўпаяди. Бу жараён *шизогония* дейилади. Одам организмига кирган плазмодий эритроцитларда бир соатгина бўлади. Кейин эритроцитлардан плазмодияларни жигар ҳужайралари тортиб олади. Жигар ҳужайраларида паразит кўпайиб, ундан чиқади ва эритроцитларга ўтиб, энди эритроцитларда ҳам кўпая бошлиди. Жигар ҳужайраларида кўпайиши жигар *шизогонияси* дейилса, эритроцитларда кўпайиши эритроцитлар *шизогонияси* дейилади. Эритроцитлар шизогония *Plasmodium vivax*, *Plasmodium falciparum*, *Plasmodium ovale*ларда 48 соат, яъни 2 кун давом этса, *Plasmodium malariae*да 72 соат ёки 3 кун давом этади. Жигар шизогонияси симптомларсиз кечиб, **яширин даврга** мос келади. Эритроцитлар шизогонияси эса **безгакка** мос белгилар билан намоён бўлади.

**Касаллик манзааси.** Касалликни қисқа яширин даври 10-21 кун, узоқ яширин даври 8-14 ой, баъзи вақтда 3 йил ва ундан узокроққа чўзилиши мумкин. Касаллик одатда қалтирашдан бошланади. Лоҳаслик, дармонсизлик, жунжикиш, бош ва бел оғрифи, кўнгил айниш, иштаҳа ёмонлаши ҳоллари қайд қилинади. Биринчи хуруж килиш тана ҳароратининг 38-39°C ва ундан ҳам ошиши билан бошланади. Ноўрин иситмалаш бир неча кун давом этиши мумкин. Биринчи ҳафтанинг охирига келиб кўп ҳолларда безгак хурож килишида қалтираш ва терлаш билан кўринадиган тўғри такрорланиши кузатилади. Хурож килиш одатда кундуз кунлари, ҳар сафар бир вақтда бошланади, бу дифференциал ташхис белгиларининг биридир. Безгакни кечиши уч даврга бўлинади:

**I. Безгак тутиш (қалтираш, титраш) даври.** Беморнинг эти увишиб қаттиқ қалтирайди, оёқ-кўллари музлайди, боши оғрийди, кўнгли айнийди. 2-3 соатдан сўнг иситма 39-40°C гача кўтарилади.

**II. Иситманинг кўтарилиш даври.** Иситмалаш бир неча соатдан бир кеча-кунгача давом этади, ҳарорат  $40\text{-}41^{\circ}\text{C}$  га етиб бемор оғирлашади, алаҳсирайди.

**III. Терлаш даври.** Бемор ҳарорати пасайиб мўл-кўл терлайди, енгиллашиб хотиржам уйкуга кетади.

Типик безгак хуружи қаттиқ қалтироқ тутиши билан бошланади, қайсиким 15 дақиқадан 2-3 соатгача давом этади. Бу вақтда қасаллар ўзида совқотиш ва қалтираш ҳолларни сезади. Улар исимайди ва кўрпа ичидаги ҳам қалтирайди. Тери ва кўринадиган шиллиқ пардалар оқаради. Тана ҳарорати тез кўтарилиб,  $40^{\circ}\text{C}$  га ва ундан ҳам ошади. Нафас олиш тезлашади, кўнгил айниши ва қусиши ҳоллари бўлиши мумкин.

Қалтироқ иссиқлик билан алмашинади, қасалларни чанқоқ қийнайди, улар тинчлигини йуқотади, кўрпани устидан олиб ташлайди. Тана териси ушлаб кўрилганда, курук ва иссиқ. Бош оғриғидан арз қиласи, юрганда кўз косалари оғрийди, юрак уриши тезлашади. Артериал қон босими пасаяди. Иссиқлик даври 2-6 соат давом этади ва терлаш даври билан алмашинади. Тер жуда кўп чиқади ва беморни бир неча марта ички кийимларини алмаштиришга тўғри келади. Тана ҳарорати меъёrlашади ёки ундан ҳам пастга тушади. Бемор дармонсиз бўлса-да, енгиллик сезади. Хуруж қилиш давомийлиги 6-10 соат. Кейинги кун bemор умумий дармонсизликдан бошқа ҳеч нарсадан арз қилмайди.

Агар bemор маҳсус даволаниш чораларини қабул килмаса, хуруж қилиш 3-6 ҳафтагача давом этиши мумкин. 2-3 ҳафтадан кейин камқонлик ривожланади. Эритроцитлар миқдори  $3\text{-}10^{12}/\text{l}$  дан пастга тушмайди. Талоқ одатда биринчи хуруж қилишдан кейин каталашади ва биринчи ҳафтанинг охирида ушлаб кўриб аниқланади. Жигар ҳам маълум даражада катталашади. Беморлар жигар ва талоқ соҳасида оғриқ пайдо бўлганлигидан арз қиласидар. Кўпинча, лабда, юзда ва бурун деворларида учуксимон тошмалар пайдо бўлади. Қайталаниш даволанмаган ёки нотўғри даволангандар кишиларда содир бўлади. У одамда тўғри такрорланган хуруж билан бирдан бошланади.

Даволанмаган ёки тўлалигича даволанмаган қасалларнинг бир қисмида бирламчи хуруж тўхтаганидан кейин 7-14 кундан 2-3 ой давомида иситма қайталанади. Бундан яқин қайгаланиш эритро-

цитар кўринишили паразит ривожланишининг кўпайишига боғлик. Яқин қайталаниш безгакнинг ҳамма кўринишларида кузатилади. Уч кунлик ва овале-безгак бир ёки бир неча марта қайталангандан кейин қонда плазмодийнинг йўқолиши ва клиник соғайиш билан касаллик турли хил муддатларга яширин ҳолатта ўтади. Иситманинг 6-11 ойдан кейин (баъзида бундан ҳам кўпроқ) қайта хуружи бўлиши мумкин, яъни паразитнинг “уйқудаги” тўқима кўринишининг фаоллашиши натижасида узок қайталаниш содир бўлади.

Инфекциянинг ривожланиш жараёнида, қисман иммунитет ҳосил бўлиши сабабли, касаллик шундай даврга ўтадики, бунда, эритроцитларда паразитнинг ривожланишига қарамасдан иситмали калтироқ тутиши содир бўлмайди, буни – **паразит ташувчилик** дейилади. Паразит ташувчилик муҳим эпидемиологик аҳамиятга молик, у безгак инфекциясининг яширин манбаи бўлиб ҳисобланади.

**Эслатма:** Тропик безгакнинг кечиш давомийлиги 1 йил, уч кунликда 1,5-2 йил, овале безгакда 2-3 йил, тўрт кунлик безгакда 4-5 йил. Охирги маълумотларга кўра паразит ташувчанлиги **10-52** йил мобайнида давом этиш мумкинлиги аниқланган<sup>58</sup>.

**Хулоса:** Захириддин Бобур уч кунлик безгак касаллигини 27 ёшида, Кобулда юқтириб, бутун умри давомида шу касалликни енгил ва оғир ҳолатларини бошидан ўтказган, организмда паразит ташувчанлик бўлиб, юрган. Ора-ора безгак хуружи қўзғаганда иситма кўтарилиб турган, ҳолсизлик авж олган. Бу касаллик иммун ҳолатларни пасайтириб, камқонликка, сўнгра жигар-талоқни катталашишига, ундан кейин эса ҳолсизликка олиб келган. Руҳиятни пасайиши, тушкинликка тушиш умумий ҳолатни янада ёмонлаштириб, хуружни кучайтирган.

“Бобурнома” асарини ўқиб чикқан собиқ шўро ҳукумати бош паразитологи, Е.И.Марценовский номидаги тиббий паразитология ва тропик касалликлар илмий текшириш институти директори, профессор Лисенко Андрей Яковлевич Москва шаҳрида ўтказилган конференциялардан бирида (собиқ шўро вақтида) минбардан туриб, сўзи ўртасида: “Захириддин Муҳаммад Бобур ҳам безгак касаллиги билан оғриган”, деб айтиб ўтади (бу менинг ташхисимни тасдиқлаши мумкин).

<sup>58</sup> Лисенко А.Я., Кондратен А.В. Маляриялопгия. Ўкув методик кўлланма. Бутун дунё соғликни саклаш ташкилоти. Женева, 1999. Б.39-56.

### 10) 1510 йил. 27 ёш. Кобул.

Бобурнинг бу навбатдаги касаллиги аввалги сурункали безгак, ёки муҳорабаларида орттирган шикастларидан фарқ қилиб, кундалик ҳаётда содир бўладиган шикаст билан боғлик. “Бобурнома”даги воқеаларнинг бориши ҳам бу тасодифий қўл бармоғининг шикаст топишига мутлақо боғлик жойи йўқ. Бобур ҳар галгидек саройдаги расмий ишлари билан банд бўлган, кишиларни қабул қилган, одамларга инъомлар берган ва қабул қилган ва ҳоказо. Масалан, у ёзади: “Одина куни ойнинг йигирма тўққузида Мир Хурднинг Ҳиндолнинг аткалигига юкундурулди...

*Шанба оқшоми, ойнинг секкизида Қосимбекнинг уйига бориб, оғиз очдук. Бир эгарлик от тортти...*

Чаҳоршанба куни, ойнинг ўн иккисида Комроннинг тагойиси Султон Али мирзоким келди” ва бошқалар. Ана шу воқеалар орасида Бобур ёзади: “Отланур ҷоқ Бобохон ахтачи ярамасроқ от тортти, аччиғимдин бир мушт юзига урдум. Бинсир бармоғим туридин синди. Ул фурсатта хейли оғримади. Келиб, юртқа тушганда хейли ташвииш берди. Бир неча маҳал хейли риёзат торттим. Хат битий олмас эдим, охир чур бутти” (Б.177).

**Кечиши:** дастлаб ўнг қўлдаги толиқишига эътибор бермаган Бобур, эртасидан қўлдаги қаттиқ зирқираб оғриши, шишиши, ўнг билак ва елка толишидан шикоят қиласди.

### *Абу Али Ибн Сино табобати.*

Синиш суюкка хос узлуксизликнинг бузилиши бўлиб, шу сабабли гоҳо суюкда ажралиши воқеъ бўлади. Майда бўлакларга айланаб кетган синишни мажсақланши деб аталади. Баъзан ажралиши воқе бўлмайди ва бундай синиш гоҳо теккис ва гоҳо тармоқли бўлади. Текис баъзан суюкнинг энига, баъзан узунасига воқе бўлади. Энига воқе бўлгани гоҳо аниқ билиниб туради ва баъзан аниқ билинмайди. Узунасига воқе бўлгани, яъни ёрлиши ва дарз кетиши аниқ билинмайди.

Бир гуруҳ табиблар суюк синиш турларини бир қанча исмлар билан атаб, суюк энига ва чуқурлигига қараб каттароқ синса, “туртупсимон синиш”, “таррақсимон синиш” ва “новдасимон синиш”, синган суюк бўлаклари майдаланиб кетса, “толқонсимон”, “ёрма-донсимон” ва “ёнгоқсимон” дейдилар. Синиш узунасига кетса, “тарам-тарам синиш”, узунасига синиш билан бирга энига очилса, “янги ойсимон” ва “новдасинишисимон” деб атайдилар<sup>59</sup>.

<sup>59</sup> Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. З-жилд. Тошкент, 1993. Б.108.

**Кечиши:** Бобур биринчи кун ортиқча оғриқни сезмаган. Эртаси кундан бошлаб оғриқ зўрая борган. Ўнг қўли елкалари билан зирқираб оғриган, оғриқ бошига ҳам берган.

**Ташхис:** ўнг қўлнинг тўртинчи бармогининг тубидан синиши.

**Даволаши:** Бармоқни тўғрилаб тахтакач қилинган ва ўнг қўлини бўйнига осиб юриши тавсия этилган.

Анчагача ёзув-чизув ишларини бажариш имкони бўлмаган. Асал билан мўмиё бериб туриши тавсия этилган. Бир ойдан сўнг, якшанба куни, ойнинг ўн тўртидан бошлаб ижод ишлари давом этирилган.

**Ҳозирги тиббий ташхис:** тўртинчи бармоқ, ўнг қўл кафт суюгининг синиши.

Қўл кафт суюкларининг синиши, асосан, шикастланиш даражасига киради. Масалан, болға билан қўл кафтини ички юзасига урилганда кафт суюклари кўндаланг синиб силжийди. Болға билан кафт суюкларининг бош қисмига урилганда майдаланиб, синиш кузатилади.

Баъзан қўл кафт суюкларини синишлари тиббий травмалар хилига тааллуқли бўлади. Масалан, қўл кафти мушт ҳолатида бўлганда нотўғри зарба ҳисобига кафт суюкларини бошчаси остидан синиши кузатилади (Боксёрский перелом). Бунда синик чизиги қийшиқ, баъзан винтсимон бўлади. Винтсимон синишлар бармоқларни қайирганда ҳам кузатилади<sup>60</sup>.

Қўл кафт суюкларининг синиши суюкларнинг асоси, танаси ва бошчаси соҳасида бўлади. Синиклар силжиган ва силжимаган ҳолатда бўлади. Улар асосан бурчак остида силжийди ва бунда кафт суюкларини бошчаси ичкари томонга силжийди. Бунга сабаб кафтараро мускуллар ва букувчи пайлар тортиши ҳисобидан пайдо бўлади. Кафт суюкларини ён томонга силжиганида синиклар орасига юмшоқ тўқималарнинг интерпозицияси кузатилиши мумкин.

**Касаллик манзараси.** Кафт суюклари пальпацияда кўлга яхши урилади. Шунинг учун синикларнинг силжиганлигини аниқлаш имконини беради. Терининг ранги кўкаради, шиши пайдо бўлади. Пальпация ва бармоқлар тортилганда оғриқ кескин кучаяди. Баъзан суюк синиклари крепитацияси аниқланади. Кафт суюкларини икки йўналишда рентген қилинганда синик ҳолати тасдикланади.

<sup>60</sup> Краснов А.Ф., Аршин В.М. Справочник по травматологии. Москва: Медицина, 1984. Б.257.

**Даволаш:** Кафт сүякларини силжимаган ёки бироз силжиган синиклари консерватив даволанади. Бунда бармоқларнинг учидан билак ўрта-юқори қисмигача гипсли лонгета бойлами қўйилади. Кафт сүякларини бошчаси ичкарига силжиб сингани (Боксёрский перелом)да, синик соҳаси маҳаллий оғриқсизлантирилади (Ново-каин 0,5-1%) ва жарроҳ синик соҳасининг устидан эзид бармоқни орқага қайиради. Шу ҳолатда гипсли лонгета қўйилади. Қадимда тахтакач қилиб боғлаб қўйишган.

**Хулоса:** Бобур моҳир чавандоз, полвон ва сузиш устаси бўлган, лекин муштлаш жанги билан кўп ҳам шуғулланмаган бўлса керак. Бобохон Ахтанини урганда қўли нотўғри кетиб панжа тубидан синади. Бу ҳолат боксёрларда мушт нотўғри кетганда содир бўлади. Албатта, табиблар кўриб сүякни жойига солиб, тахтакач қилишган.

### **11) 1525 йил. 42 ёш. Гўндамак.**

Бир қараганда енгил бўли кўринган шамоллаш асорати Бобурни чулғаб олар экан, бу энг аввало, касалликдан олдин Бобур шериклари билан каркидон овлашга боришади. Бобур атрофидаги кишилигарнинг Хиндистонда дастлабки марта бўлиши, каркидон (карк)ни биринчи марта кўришлари, шўру ғавғо кўтариб бу азим жуссали ҳайвонни жангалдан чиқаришга интилиш заминида иммунитети паст, тезда шамоллашга мойил бўлиб қолган Бобур қайта шамоллаш касалига чалинади. Бобур ёзади: “*Бигромнинг ёвугида – ўқ озроқча жсангалга карк кирди, теграсини олиб турубтурлар, ўшандин жилаврез тебраб еттук. Жангалга чарга солиб, гавго қилғон била карк чиқиб, тузга қоча берди. Ҳумоюн ва ул юздин келгандар ҳеч ким каркни кўрган эмас эди, бори хотирхоҳ тафарруж қилдилар*”(Б.185). Ана шунинг оқибатида Бобур бемор бўлиб, бу ҳолатини қуйидагича тасвирлайди: “*Оқшоми резандалиқ бўлуб, иситтим, бу резандалиқ йўталга тортти, хейли таваҳұм бўлди, алҳамдулиллоҳ, икки-уч кундин сўнг бартараф бўлди*”(Б.185, 186).

**Кечиши:** бурун битиб, “думоглар толади, бурунлардан суюқлик оқиб, бош оғрийди, ора-орада акса уриб туриласди, юз қизаради.

**Ташхис:** ЗУКОМ (тумов). Сувнинг миядан томоқ ёки бурун томонга оқиши. Баъзилар томоқ томонга оққанини “назла” дейишади. Агар иссиқдан бўлса, белгиси: миядан тушаётган нарсанинг иссиқлиги, томоқ ва буруннинг ачишиши.

**Тўртлик:**

*Кишидан иссиқ тумов пайдо бўлса,  
Нилуфар шарбатини ичib фойда кўргач, демак  
Бу шарбатдан сўнг,  
Мош ва пусти туширилган арпадан овқат  
қилиб еса фойда бўлади.*

**Нилуфар шарбатини тайёрлаш усули:** дарё нилуфарининг гулидан тўрт мисқол олиб, бир пиёла сувда қайнатилади. Ярми қолгач, тозаланади ва қирқ мисқол оқ қандни тозалаб, унга қўшилади ва қиём бўлгунча қайнатилади<sup>61</sup>.

**Даволаи:** Нилуфар шарбатидан ичдилар. Шарбатдан сўнг мош ва пусти туширилган арпадан овқат қилиб едирилди. Ҳолатим яхши деб бошқа дори ичмаган. Бобур Мирзо Боги Вафода бир неча кун туриб, ҳаво алмаштириди.

**Ҳозирги тиббиёт ташхиси: ўткир инфекцион ренит.**

Ўткир инфекцион ренит – бурун бўшлиғидаги ўткир инфекцион ўчок бўлиб, бурун шиллик пардаси яллиғланишининг энг кўп учрайдиган ва унинг функциясини бузадиган туридир. У алоҳида касаллик сифатида носпецефик яллиғланишларда ва спецефик ренит сифатида турли инфекцион ҳасталикларда ҳамроҳ касаллик турида намоён бўлади.

Ўткир ренитнинг келиб чиқишида организмнинг маҳаллий ва умумий иммун ҳимоясининг пасайиши ва бунинг натижасида бурун бўшлиғи ва бурун халқумидаги сапрофит микрофлоранинг активлашиши катта аҳамият касб этади. Одатда бу тананинг умумий ва маҳаллий совқотишида бўлади, турли сурункали касалликларни авж олишига сабаб бўлади<sup>62</sup>.

**Касаллик манзараси.** Бу касаллик бирдан бошланиб, одам жунжикиб турганидан кейин ланж бўлади, бошда оғриқ, баданда “симиллаган” оғриқлар сезади. Суст кўринишдаги бу интоксикация белгилари bemорда ҳарорат нормал ёки субфебрил бўлиб турганда рўй беради. Баъзан bemор ҳарорати 38С гача кўтарилиши мумкин.

Ўткир инфекцион ренитда барвакт бошланадиган ва унга хос бўлган аксириш, томоқнинг ачишиб, тирналгандек бўлиб сезилиш-

<sup>61</sup> Ҳасаний М. Бобурнинг ҳос табиби Юсуфий табобати. – Тошкент: Фан, 1992. Б. 53.

<sup>62</sup> Пальчук В.Т. Оторинолорингология. Москва: Медицина, 2002. Б.88-90.

лари авж олиб боради. Тез орада бурун битиб, бурундан нафас олиш қийинлашади, бир неча соатдан кейин эса бурунда сувсимон, серроз суюклик келавериб, bemorни бурун орқали нафас олишидан маҳрум қиласди.

Интоксикация белгилар кўпи билан икки кун давом этади-ю бурун суюлиши 3-4 кун давом этади.

**Хулоса:** Бобур Мирзо шамоллаган ва тумов авж олган. Овга бўлган қизикиш, эътиборсизликка олиб келади. Табиблар томонидан қилинган муолажалардан сўнг, ҳолат яхшиланади.

### **12) 1525 йил. 42 ёш. Бигром.**

Ушбу матн “Бобурнома”нинг 1519-1520 йиллар воқеаларидан кейин узилиб, 1525-1526 йил воқеалари тасвирида келган. Бобур билан бу беш йил орасида қандай ҳолатлар бўлган, бу буюк адаб қандай касалликларга дучор бўлган аниқ айтиш мушкил. Лекин бир нарса аёнки, унинг куйидаги иқорида касаллик зўрайиб, энди кон тупуришгача шоҳ Бобурни мажбур этган, иситма, йўтал зўрайган. “Одина куни, ойнинг секкизида Гандамакка тушганда, манга тунд резандалиқ бўлди. Биҳамдиллоҳ осонлиқ била ўтти... Бир-икки кундин сўнг Бигромда тушганда резандалиқ бўлуб иситтим. Бу резандалиқ сурфага мунжар бўлди. Ҳар йўталганда қон тукуур эдим, аксар иситма бўлди, билдимким, бу иситма қондиндур ва бу ташвишини қилгандин: “Фа ман накаса фа иннамо янкусу ало нафсиҳ ва ман авфо бимо оҳада алайҳиллоҳа фасаюътиҳи ажран азийман” (Б.184, 185).

### **Юсуфий табобати.**

**Кечиши:** Ҳавонинг намлиги, ёмғир ёғавергани сабаб Бобурда тумов шамоллашга айланиб, ҳар йўталганда қон тупура бошлиган. Бу иситма қондан бўлган.

### **Ташхис: НАФС ас-ДАММ.**

#### **Тўртлик:**

Қонли йўталда ишинг оғир бўлганда,  
Арпа суви ва ясмиғдан овқат қил.  
Туйилган елим, қаҳрабо ва анор гулини,  
Анжабор шарбати билан ич!

**Даволаши:** туйилган елим, қаҳрабо ва анор гулини Анжабор шарбати билан ичирилган. Арпа суви ва ясмиғдан овқат қилиб

берилган. Анжабор шарбатининг таркиби: чала туйилган анжабордан олти мисқол (олиб), бир ниёла сувда ярим қолгунча қайнатилади ва тозаланади. Сўнг ўттиз мисқол оқ қандни тозалаб, (ўша сувга) қўшилади ва қўйилгунча қайнатилади<sup>63</sup>.

*Бобур Мирзо Аллоҳдан магфират, раҳм ва шифо тилаб шу кун рўза тутди. Муолажалардан сўнг ҳолат яхшиланди.*

### **Ҳозирги тиббиёт ташхиси: крупоз пневмония (зотилжам).**

Н.С.Молчанов классификацияга кўра авваллари пневмониялар ўчоқли ва крупоз пневмонияларга ажратилади. Крупоз пневмония халқ орасида қадимдан зотилжам деб аталиб келган. Пневмококлар келтириб чиқарадиган пневмониянинг фақат бир, ўзига хос тури эканлиги ва табиатан бошқа кўзғатувчиларга алоқадор пневмониялар орасида учрамаслиги аниқланган. Пневмонияни келиб чиқиш сабабларидан бири ўтқир респиратор инфекция касалликларини вактида малакали даволамастликдан иборатдир.

**Касаллик манзараси.** Касалликни клиник белгиси турлича. Улар орасида “олтин стандарт” деб аталган симптомлар гуруҳига алоҳида аҳамият берилади. Иситма, эт жунжикишининг такрорланиши, йўтал, балғамнинг табиати ва кўкрак қафасида пайдо бўладиган оғриқлар шулар жумласига киради. Пневмония билан оғригани bemor аҳволини таҳлил этиш, нафақат нафас аъзоларини, балки бошқа ички аъзо ва тизимлар (жигар, буйраклар, юрак-томир, марказий асаб тизими) ҳолатига ҳам баҳо бериб чиқиши талаб қиласи.

Пневмонияда алвеолалар аста-секин некробиозга учраган ҳужайра қолдиклари ва экссудат билан тўлиб боради. Бунда нафас сусайиб тургани ҳолда пуфакли хириллашлар эшитилиши мумкин. Ўпкада жигарланиш авж олиб борган сайин, перкутор товуш пасайиб, агар нафас йўллари етарли равон бўлса, нафас табиатан бронхиал тус олади. Яллиғланиш камайиб борган сайин бронхиал нафас йўқолиб боради, пневмония ўчоғи устида яна пуфакчали хириллашлар пайдо бўлади, шунингдек сикрет етарлича гидратацияга учраб, bemor йўталиб, балғам ажратиб турадиган бўлса, бир талай йирик пуфакли нам ва қуруқ хириллашлар эшитилади.

Крупоз пневмония кузатилган bemorларда касалликни охирги босқичида етарли даво муолажаларини олмасалар касаллик ўзидан асорат беради, яъни ўпка тўқимасининг деструкцияси пайдо бўлган

<sup>63</sup> Ҳасаний М. Бобурнинг ҳос табиби Юсуфий табобати. – Тошкент: Фан, 1992. Б.71.

кучли йўталда ўпка тўқимасидаги майда қон томирчалар бутунлиги бузилиб, балғам билан қон ташқарига чиқади<sup>64</sup>.

**Хулоса:** Бобур Мирзо аввал ўткир респиратор инфекция билан оғриган. Яхши даволанмаганлиги туфайли касаллик крупоз пневмония (зотилжам)га айланиб кетган. Касалликдан бир оз чалғигани сабаб (қасамни буздим деб) даволаниш охирига етмаган. Ўпка тўқимаси деструксияси туфайли майда қон томирчалар бутунлиги бузилиб, балғам билан қон чиқкан. Асосий касаллик ва асоратларни даволангандан сўнг ҳолат яхшиланган.

### 13) 1526 йил. 43 ёш. Агра.

*“Одина куни, кеч намози дигар ош торттилар. Товушқон ошидин хейли едим. Қалия зардак ҳам майл қилдим. Бу ҳиндустоний заҳрлиқ ошининг устидин бир-икки тикка майл қилдим, қалия олиб едим, ҳеч нохуш маза маълум бўлмади. Қоқ гўшттин бир-икки тикка олдим. Кўнглум барҳам урди, ўтган кун қоқ гўштни еганимда бир нохуш маза анда бор эди, кўнглумнинг барҳам ургонин андин хаёл қилдим. Яна бир кўнглум қўзғолиб келди. Дастурхон устида икки-уч марта кўнглум барҳам уруб, қусаёздим. Охир кўрдумким, бўлмас, қўптум. Обхонага боргунча йўлда яна бир навбат қусаёздим. Обхонага бориб, қалин қустим. Ҳаргиз ошдин сўнг қусмас эдим, балки ичганда ҳам қусмас эдим. Кўнглумга шубҳа кечти. Бовурчини сахлатиб буюрдимким, ул қайни итга бериб, итни сахлагайлар. Тонгласига бир паҳарга ёвук ит беҳолроқ бўлуб, қорни дам қилғондек бўлди. Ҳар неча тош била урдилар, эврушилар, қўпмади. Кун тушгача бу ҳоли бор эди, андин сўнгра қўпти, ўлмади. Бир-икки чуҳра ҳам бу ошдин егандур. Тонгласига алар ҳам қалин қустилар, бирисининг худ ҳоли ҳароб эди, охир бори халос бўлдилар. Мисраъ: Расида буд балое, валие баҳайр гузашт.*

*(Мазмуни: Бир бало етишган эди, бироқ яхшилиқ била кечди)*

*Шанба куни бир аёқ сут ичдим. Якшанба куни ҳам бир аёқ сут ичтим, “гили маҳтум”ни ҳам аракқа ҳал қилиб ичтим. Душанба куни сутга “гили маҳтум”ни ва “тарёқи форуқ”ни эзиз ичтим, сут ичимни хейли сурди. Сешанба куни аввалги куни сафроий сўхтадек қора-қора нималар дафъ бўлди. Шукр, ҳоло ҳеч қисса йўқтур. Жон мундоқ азиз нима эмиш, мунча билмас эдим, ул мисраъ борким:*

<sup>64</sup> Убайдуллаев А.М. Нафас органлари касалликлари. Тошкент: Шарқ, 2004. Б. 63-72.

*Ким ўлар ҳолатқа етса, ул билур жон қадрини (Б.217-218).*

**Кечими:** Бобур Мирзо таомни еганидан сўнг икки-уч кўнгли айниб, сўнг роса қайт қилди. Қорин ва кўкраклари қизиган, кўнгли беҳузур бўлаверган, бетоқатликдан жой топа олмаган.

**Ташхис:** заҳарланиш.

**Даволаи:** қайт қилиб заҳар аралаш овқатни чиқиб кетгани яхши бўлди. Шу куни сурги дори берилди. Кейин ҳар куни сут берилган. “Гили маҳтум”ни ароққа аралашиб берилди. Душанба куни “гили маҳтум”ни сутга аралашиб берилди, “тарёқи форуқ”ни эзив ичирилди. Сут ичларини анча сурди. Ойнинг бошида, сешанба куни куйган сафродек қора-қора нарсалар йўқ бўлди. Кундан кунга ҳолатлари яхшиланиб борди.

**Ҳозирги тиббиёт ташхиси:** маргумушдан заҳарланишнинг енгил кўриниши.

Оғир металлар бирикмалари ва маргумуш билан заҳарланиш ҳолатлари қадим замонлардан бери маълум.

“Тирик кумуш” (сулема) билан заҳарланиш IV асрда қайд қилинган. Ўрта асрларда сулема ва маргумуш энг кўп тарқалган ноорганик заҳарлар бўлиб, сиёсий ўйинлар ва майший ҳаётда криминал максадларда ишлатилган. Италия уйғониш даврида Папа Александр VI ва унинг ўғли Цезар Борджаиа буйруғига асосан қилинган кўплаб буюртма қотилликлар маргумуш ёрдамида қилинган (бир вақтлар маргумуш “Борджаиа заҳари” деб ҳам аталган).

Баъзи бир тарихчилар маргумуш билан заҳарланганлар қаторида Наполеон, француз математиги Кондерс, инглиз шоири Честертон ва бошқаларни киритадилар.

**Умумий токсикологик маълумот:** Оғир металлар групласига юқори атом оғирлик ва солиштирма оғирлиги 6,0 дан юқори бўлган 40 дан ортиқ элемент киради (симоб, мис, кадмий, олтин, темир, калай, маргумуш ва ҳ.к.).

Оғир металларнинг органик ва ноорганик бирикмалари, шу жумладан маргимуш бирикмалари кўплаб саноат ва қишлоқ хўжалигига жабҳаларида хом ашё, қолдик маҳсулотлар, гирбицид ва инсектицидлар сифатида ишлатилади. Маргимуш ва баъзи оғир металлар (мисс, симоб, висмут) кўплаб дорилар таркибига киради. Сулема эритмалари, симобнинг оксицианийлиги ва диоцид анти-

септиклар сифатида ишлатилади. Оғир металлар бирикмалари ва маргимуш организмга, оғиз, нафас, тери, шиллик пардалар ва пәрентерал орқали кириши мумкин.

**Касаллик манзараси.** Оғир металлар бирикмалари ва маргимуш куйдирувчи сифатга эга бўлгани, уларнинг оғиз шиллик қавати ва йўғон ичак шиллик пардалари орқали чиққани учун ошқозон ичак йўллари заарланиши 97,3 % учрайди. Ошқозон – ичак йўллари заарланиши субъектив кўнгил айниши, оғизда метал таъми сезилиши, ютинишида оғриқ бўлиши, қизилўнгачдан овқат ўтиши қийинлиги, қорин эпигастрал соҳасида оғриқ пайдо бўлиши ёки бутун қорин соҳасида оғриқ пайдо бўлиши билан характерланади.

Объектив кузатилганда қайт қилиш, томок ва ҳалқумнинг юқори қисмида қизариш, пайпаслаб кўрганда қорин бўйлаб оғриқ сезилиши кузатилади. Оғир ҳолларда ич кетиши, 22 % беморларда биринчи соатдаёқ қизилўнгач, ошқозон ва ичаклардан қон кетиши белгилари кузатилади<sup>65</sup>.

**Заҳарланиш турлари.** Оғир металлар бирикмалари ва маргимуш билан заҳарланиш уч хилга бўлинади: енгил, ўрта оғирлик ва оғир.

1. *Енгил заҳарланишлар* клиникаси диспептик бузилишлар сифатида, оғиз ва ҳалқумнинг шиллик пардалари енгил куйиши, ўртacha суюқлик ажратувчи стоматит сифатида кўриниш беради ва тез ўтиб кетади.

2. *Ўрта оғир* ҳолатлар ошқозон – ичак бузилишлари кўпроқ юзага чиқади, қизилўнгач, ошқозон йўлларидан қон кетиши бир кеча-кундузгача давом этиши мумкин. Доимий ажралиб чиқарувчи стоматит кузатилади. Жигарнинг токсик дистрофияси ва ўрта дараҷадаги нефропатияга учрайди. Беморларни даволаш 10-18 кеча-кундузгача бўлади.

3. Заҳарланишнинг **оғир даражасида** ошқозон-ичак бузилишлари бир неча суткагача давом этиб, bemорлар қон кетишдан вафот этиши мумкин. Кучли стоматит ва колит кузатилади. Экзотоксик шок декомпенсацияси белгилари билан бўлиб, bemор 1-2 суткадаёқ ўлиши мумкин. Гемоглабин пасайиб, қон гемолизга учрайди. Жигар, буйрак етишмовчилиги кучаяди<sup>66</sup>.

---

<sup>65</sup> Лужников Е.А. Клиническая токсикология. Москва: Медицина, 1999. С.350-361.

<sup>66</sup> Голиков С.Н. Неотложная помощь при острых отравлениях. Москва: Медицина, 1977. С.271.

**Хулоса:** Бобур маргумушдан енгил заҳарланган. Заҳар миқдорининг озлиги, ўзи олдиндан овқатда заҳар борлигини сезиб қолгани, тановул қилган таомини тезда қайт қилиб ташлаши, сурги билан ични суреб ташлаш ва сут ичирилиши билан заҳарни танага таркалишининг олди олинган.

#### **14) 1526 йил. (Б-232). 43 ёш. Дехли.**

“Душанба куни Жумод ул-аввал ойининг йигирма учи сайр қила отландим. Сайр асносида хотиримга еттиким, ҳамиша тавба дагдагаси хотиримда бор эди, бу номашруъ амр иртикоидин алладавом кўнглимда губор эди, дедимки эй нафс:

*Чанд боши зи маосий мазакаи,  
Тавба ҳам бемаза нест бичаи.*

**Мазмуни:** *Қачонгача гуноҳ ишлардан завқ оласан,  
Тавба ҳам бемаза эмас, ундан ҳам тотиб кўр”.*

Улуғ шоҳ Аллоҳнинг инояти ила май ичишни ташлади. Ўша куни беклар, хос амалдорлардан, аскар ва аскар бўлмаганлардан уч юзга яқин киши май ичишни ташлаб қасам ичдилар. Бир заарали одатдан (организм учун хавф омили бўлган) форуғ бўлдилар.

**Хулоса:** Бобур Мирзонинг кўп шамоллаш касалликларига чалинишларини асосий сабабларидан бири организмнинг иммунитетининг пастлиги эди. Спиртли ичимликларни кўп истеъмол қилиш касалликни хуруж олишига ва иммунитетни пасайишига, жигарни ва юракни ишлаш фаолиятини сусайтирас эди. Ичкиликни ташлаши, албатта, соғлиғи учун бир мунча фойда бўлган (ушбу ҳолатни аввалги бобларда мукаммал ёритилгани сабаб, кўп тўхталмадик).

#### **15) 1527 йил. 44 ёш. Агра.**

Ушбу касалликдан олдин Захириддин Бобур Хиндистонда аллақачон бошланган ва давом этаётган бунёдкорлик ишларини давом эттирас экан, Секрийда солган богини зиёрат қилиб, ёзади: “Секрийда солгон “Боги фатҳ”нинг шимолий гарб тарафидаги тош суфа тайёр бўлуб эди. Ул суфа устида оқ уй тикиб, анда ийд қилилди”... “Одина, мазкур ойининг йигирма тўртида Дўлтур сай-

рига борилди". Бироқ бир-икки кун ўтгандан кейин Бобурнинг баданини яна касаллик қамраб олади. Аввалги сайр ва бунёдкорлик ишлари ўрнини касалликни даволаш олади: "Одина куни, зулҳизжаса ойининг иккисида қирқ бир қатла ўқур вирдни бунёд қилдим. Уибу айёмда бу байтимни:

*Кўзу қошу сўзу тилинуму дей,  
Қаду хаду сочу белинуму дей, –*

*беш юз тўрт вазнда тақтиъ қилдим. Бу жиҳатдин рисола тартиб берилди. Бу кун яна соҳиб узр бўлдум, тўққуз кунга тортти"* (Б.232).

**Кечиши:** Бобурнинг ютиниши қийин бўлган. Бош, томоқ оғриги безовта қилган, кўзлари қизарган. Оғриқдан овқат ейши мушкуллашган.

**Юсуфий табобати.**

**Ташхис:** **ХЎНОҚ.** Томоқ оғриги. Агар қондан бўлса, белгиси: кўзнинг қизиллиги ва томирларнинг тўлалиги.

**Тўртлик:**

*Томоқ оғригида қон олдирғандан кейин,  
Олхўри сувини нилуфар шарбати билан ич.  
Тотим суви ва шунга ўхшаш нарсалар гаргараси,  
Қанча кўп бўлса шунча яхши бўлади.*

**Даволаши:** томоқни тотим суви билан гаргара қилиб турилган. Олхўри суви нилуфар шарбати билан ичирилган. Ҳолат яхшиланавермагач, тил остидан бўлиб-бўлиб қон олинган. Кейин, гўра узум суви ва сирка, аччиқ анор суви билан гаргара қилинган. Даволаши охирига яқинлашганда ўн мисқол фулус магзини бир сир сигир сутида буғдой кепагининг ширасида ивитиб бодом ёғидан ўн мисқол қўшиб ярим қайноқ ҳолда гаргара қилинди. Қилинган муолажалар ёрдамида ўн етти кунда тузалдилар<sup>67</sup>.

**Ҳозирги тиббиёт ташхиси:** ўткир фаринготонзелит.

**Ўткир фаренгит** – халқум шиллик пардасининг ўткир яллиғланishi. Алоҳида касаллик сифатида инфекция қўзғатувчилар, турли

---

<sup>67</sup> Ҳасаний М. Бобурнинг ҳос табиби Юсуфий табобати. – Тошкент: Фан, 1992. Б. 66.

таъсирлар (узоқ вақт оғиздан нафас олиш, совуқда кўп ва қаттиқ гаплашиш) натижасида келиб чиқади.

Ўткир фаренгитнинг вирусли келиб чиқиши 70% ва бактериялар келиб чиқиши 30%ни ташкил қилади. Спиртли ичимликларни кўп истеъмол қилиш ҳам, касалликни сурункали ҳолда тез-тез қўзғалиб туришига сабаб бўлади.

**Касаллик манзараси.** Томоқ оғриши, ютиниш қийинлиги, қуруклаши, тана ҳароратининг кўтарилиши (субфебрил), бўғиндаги оғриқлар, лоҳас бўлиш. Объектив кўрилганда, бўғиз қизарган, танглай муртаклари шишган, ҳалқумнинг орқа девори ҳам қизарган бўлади. Танглай муртаклари юзаси баъзан йиринг билан қопланган бўлса, касаллик узоқ ва оғирроқ кечади. Касалликни чақирувчи микробга қарши етарли даво чораси қўлланилмаса, касаллик узок давом этиши мумкин<sup>68</sup>.

**Хулоса:** касалликни аввал 17 кун, сўнг яна 9 кун чўзилганинг сабаби яхши даволанмаганлиги, иммунитетнинг пастлиги. Танглай муртаклари юзаси йиринг билан қопланиши касалликнинг чўзилиши ва шиддатланишига ҳам олиб келган.

### **16) 152 8 йил. 44 ёш. Агра.**

Касалликдан олдин “Бобурнома” сатрларига эътибор берсак унинг муаллифининг китобни батафсил маълумотлар билан битишига ҳафсаласи унчалик қолмаганлиги, иситма ва бошқа касалликларни сурункали ўтиши ва ўқтин-ўқтин қўзғалиши бунга имкон бермаганга ўхшайди: “Чаҳоршанба Ганг дарёсидин ўтуб, Санбал кентларида қўнулди. Панжшанба куни Санбалга туштук. Икки кун Санбални сайд қилиб, шанба саҳари Санбалдин мурожсаат қилилди” ва бошқалар. Эҳтимол, касаллик боис Бобур бу жой тасвирининг тафсилотига ўрин беришга ҳоли бўлмаган. “Якшанба куни, муҳаррам ойининг ўн олтисида иситтим, титрадим, навбат-навбат бўлди. Йигирма беш-йигирма олти кунга тортти. Доруий коричтим. Охир басит ярашти, уйқусизлиг ва ташналигдин бисёр ташвиш торттим (Б.233).

**Кечиши:** Беҳаловатлик, безовталик ва иштаҳасизлик, уйқусизлик ва ташналик қийнаган. Берилган ўт гиёҳлардан ташқари, сурги дори ҳам берилди. Иситма хуружи қайта-қайта бўлиб, йигирма беш-йигирма олти кун давом этган.

<sup>68</sup> Пальчук В.Т. Оторинолорингология. Москва: Медицина, 2002. С.159-160.

### **Юсуфий табобати.**

**Кечиши:** Гоҳида ҳар куни, гоҳида кун оралаб иситма чиқиб турган. Ҳар иситма тутгандан қаро терга ботиб кетган. Бобурнинг ҳоли қуриб кўп чанқаган, боши оғриб, уйқусизлик беъзовта қилган, сийдиги саргайган.

### **Ташхис: ҲУММА САВДОИЙ.**

Савдодан бўладиган иситма. У хоҳ рубъи лозим, яъни доимий, хоҳ доир, яъни икки кун туттмай, учинчи кун тутадиган, хоҳ бошқа, (масалан), таъби ҳимс, уч кун туттмай, тўртинчи кун тутадиган, туби судс, тўрт кун туттмай, бешинчи кун тутадиган, таби сабъ, беш кун туттмай, олтинчи кун тутадиган ва ҳоказо шунга ўхшаб кетаверадиган иситма бўлсин, белгиси: томирнинг қаттиқ уриши, сийдикни қоралиги, аъзоларнинг оғирлиги бўлади.

### **Тўртлик:**

*Агар иситма савдодан бўлса, говзабон,  
Қанд ва гунафша гулидан шарбат тайёрла.  
Ҳар куни бир қошиқдан сувга аралаштириб,  
Райҳон уруғи билан бирга ич.*

Мазкур шарбатни тайёрлаш усули: тоғ ғовзабони ва кўк гунафшанинг ҳар биридан беш мисқолдан (олиб), бир ярим пиёла сувда (сувнинг) ярми қолгунча қайнатилади ва тозаланади. Сўнг олтмиш мисқол тозаланган оқ қанддан солиб, қуюлгунча қайнатилади. Ҳар куни эрталаб бир қошигини сувга аралаштириб, икки мисқолрайхон уруғи ва бироз гулоб қўшиб ичилади.

Маълум бўлсинки, савдовий иситманинг моддаси савдо ва қон аралашмасидан бўлса, қон олдириш керак. Сафро ёки бошқа моддадан бўлса, шунга муносиб сургидан бериш лозим.

Чала туйилган нўхат суви, жўжа товуқ гўшти, пўсти туширилган мош, долчин ва исмалоқдан овқат қилинади.

**Даволаи:** Мулло Ҳожагон шаробини нарғис билан аралаштириб берилди, бир-икки марта ичдилар, фойдаси бўлмади. Томирларидан қон олинди. Қилинган муолажсалар етарли енгиллик бермади. Жумод ус-соний ойининг учинчисида чоршанба куни жуллоб (гулоб, шакар ва дорилардан тайёрланган шарбат) берилди. Уч кун ичгандаридан сўнг сурги дори берилди. Аралаштирилган шароб (“Юсуфий шарбати”) берилгандан сўнг ҳолат бир оз яхшиланди. Чала туйил-

ган нўхат, пўсти туширилган мош, ҳўл качнишдан овқат қилиб, қатиқсиз ичирилди. Шундан сўнг ҳолат бирмунча яхшиланди. Бетоблиги учун тахтиравонда кўтариб юришини тавсия этилди.

**Хозирги тиббиёт ташхиси:** уч кунлик безгак, сурункали кечуви, қўзғалган даври.

**Касаллик манзараси.** Сурункали безгакнинг қўзғалишига сабаб томок, бурун ва қулоқ касалликлари инфекцияси таъсирида тез-тез шамоллаш, иммунитетнинг пасайиши, камқонлик белгилари пайдо бўлишидир. Захарланишдан кейинги ҳолат ҳам руҳиятни анча пасайтирган, бу эса организмни ташки муҳитдан келадиган инфекцияларга қарши курашини сусайтирган.

### 17) 1527 йил. 44 ёши. Бангармавуд ёнидаги кўл.

Захириддин Бобурнинг табиатида ҳар бир янгиликни албатта ўрганиш, ундан ҳаётий хулосалар чиқаришга интилиш жуда кучли бўлган. “Бобурнома”да бундай мисоллар жуда кўп. Айниқса, у Ҳиндистон мамлакатида бўлар экан, унинг қайси бир дарёсига йўли тушмасин, албатта, унда чўмилар, эни, узунлигини неча қулоч эканлигини ўлчаб кўрган. Адибнинг иқрорича, у Ганг дарёсининг у қирғогидан бу қирғогича сузиб ўтиб, 38 қулоч эканлигини асарида алоҳида қайд қилган. Бунда ҳам Бобур агарчи жангу жадаллар, муҳорабалар билан банд бўлган пайти бўлса ҳам вакт топди дегунча “Гўйи суви”да ғусл қиласи ва шамоллаб қолади: “Шанба куни, жумодиул охир ойининг йигирма тўққузида Лакнавни саир қилиб келиб, Гўйи суйидин ўтуб тушулди. Ушбу кун Гўйи суйида гусл қилдим. Билмон, қулогимга сув кирдиму, ё ҳаво таъсиридин бўлдиму, ўнг қулогим тутти, vale бир неча кун хейли оғриги йўқ эди”(Б.237).

**Кечиши:** қаттиқ оғрик бўлмасада, қулоқлари битган.

**Юсуфий табобати.**

**Ташхис:** ДУХУЛ ал-МОЪФИ-Л-УЗН.

**Қулоққа сув кириши.**

**Белгиси:** гусл пайтида қулоққа сув кириши ва оғриқ пайдо бўлиши.

**Тўртлик:**

Тангри амри билан қулогинг ичига,  
Сув кирса, эй дили саховат сарчаимаси.  
Кулэгингга арпабодиён чўпидан сукиб,  
Сўнг сўрилса, тез чиқиб кетади.

**Даволаши:** Арпабадиён чўтидан олиб қулоқ ичига суқиб, қулоқдаги сув сўриб ташланади. Оғриқлар тезда ўтиб кетади<sup>69</sup>.

**Хозирги тиббиёт ташхиси:** қулоқ чирки (серная пропка).

**Қулоқ чирки** – эшитиш йўлининг юпқа парда-тоғай қисми ва эпидермис соҳасида жойлашган безлар ишлаб чиқарган чиркнинг йиғилиб қолишидан келиб чиқади. Аслида бу безларниң ажратмалари овқат чайнаганда ва гапирганда жағ бўғинлари ва эшитиш йўли деворларининг харакати ҳисобига қуриган ҳолда чиқиб кетади. Тиқилмаларни пайдо бўлишига яллиғланиш жараёnlари, гутурт доналари ёки бошқа нарсалар билан қулоқ ичини тозалаш мақсадида ковлаб, қулоқ тиқимларини ичкарига суреб юборишилар сабаб бўлади.

**Касаллик манзараси.** Ўз вақтида чирк тиқилмалари ҳеч қандай белги бермайди. Аста-секин қулоқ битиши, шовқин бўлиши, аутофония (ўз овозини битган қулоқ томонида эшитиш), баъзан рефлектор йўтал пайдо бўлади. Кўпроқ қулоқка сув кирганда чирк тиқилмаси шишиб қолади ва эшитиш пасаяди ёки тўла эшитilmайди. Маълум вақт ўтгандан кейин нам кетиб, чирк тиқилмаси кичрайиб эшитиш яна тикланади<sup>70</sup>.

**Хулоса:** Бобур Мирзо чўмилганидан кейин, ўнг қулоғига сув киради ва чирк тиқилмаси катталашиб, эшитишни пасайтиради. Бир неча кундан сўнг чириқдаги нам кетиб, эшитиш яна яхшиланган.

### 18) 1528 йил. 45 ёш. Агра, Гомбайр дарёси ёқаси.

Бобурнинг Ҳиндистондаги салтанат юритиш даври юксак бунёдкорлик ишлари билан бирга олиб борилган. Айниқса, унинг учун мутлақо янгилик бўлган Ҳиндистон меъморчилигининг ўзига хос хусусиятларини тамоша қилиш, ўрганиш катта завқ берган. “Бобурнома”да ҳинд султонларининг машҳури бўлган Бикрамажит ва унинг ўғилларининг иморатлари, архитектура ёдгорликларини кўп ўрганган Бобур бу сафар ҳам қаттиқ қулоқ оғриғи бўлишига қарамасдан бу иморатларни сайр қилишга киришади: “Ушбу кеча қулогимнинг ташвиши жиҳатидин ва моҳтоб ҳам боис эди, афюн

<sup>69</sup> Ҳасаний М. Бобурнинг хос табиби Юсуфий табобати. – Тошкент: Фан, 1992. Б.50.

<sup>70</sup> Пальчук В.Т. Оторинолорингология. Москва: Медицина, 2002. С.302-303.

иҳтиёр қилдим. Тонгласи афюн ҳумори бисёр ташвиш берди. Ҳейли қай қилдим. Бовужуди ҳумор Ман Сингнинг ва Бикрамажитнинг иморатларини тамом юруб, сайд қилдим, гарид иморатлардур” (Б.238).

### *Юсуфий табобати.*

*Ташхис: ВАЖАЪ ал-УЗН (қулоқ оғриги).*

#### *Тўртлик:*

*Кулоқ оғриги агар сафродан бўлса,  
Юз ва кўзингда сариқлик пайдо бўлади.  
Мунзиждан сўнг гунафша ҳаббидан есанг,  
Даво учун муносиб ва соз бўлади.*

**Кечиши:** муолажадан бош тортуб қора дори (афюн) едилар. Эртаси куни қора дорини ҳумори кўп азоб берди. Бир неча бор қайт қилди. Шунга қарамай сайд қилишини ҳуши кўрди ва бир оз енгилаб, кўнгли очилди.

**Ҳозирги тиббиёт ташхиси:** ўнг ўрта қулоқнинг ўткир яллиғланиши (Отит).

**Отит** – эшитиш найи дисфункцияси натижасида ўрта қулоқ шиллиқ пардасининг катарал яллиғланиши. Ўткир отитнинг келиб чиқишига эшитиш найи функциясининг бузилиши натижасида ногара бўшлиғидаги вентиляциянинг ўзгариши сабаб бўлади. Юқори нафас йўллари яллиғланганда инфекциянинг эшитиш найига кўтарилиши натижасида найининг ҳалқум тешиги торайиб қолади. Эшитиш найининг яллиғланишига сабаб ўткир респиратор касалликлар ва грипп ҳисобланади.

**Касаллик манзараси.** Отитдаги асосий шикоятлар: қулоқ битиши, эшитишнинг пасайиши, қулоқ ичидаги оғриқдан шикоят. Умумий ҳолатда сезиларли ўзгариш кузатилмайди.

**Хулоса:** азалдан қулоқ оғриғи безовта қилиб юрган. Вакти-вақти билан бир сабаб билан оғрийдиган қулоқ, бу сафар тепаликда, шамолда сайд қилиб юрганда қўзғайди. Кимнингдир “афюн оғриқларга даво”, деган гапига асосан афюн истеъмол қиласи ва аксинча безовта бўлади.

**19) 1528 йил. 45 ёш. Агра, Гомбайр дарёси ёқаси**

Бобурнинг Ҳиндистондаги салтанат юритиш даври юксак бунёдкорлик ишлари билан бирга олиб борилган. Айниқса, унинг учун мутлақо янгилик бўлган Ҳиндистон меъморчилигининг ўзига хос хусусиятларини томоша қилиш, ўрганиш катта завқ берган. “Бобурнома”да Ҳинд сultonларининг машҳури бўлган Бикрамажит ва унинг ўғилларининг иморатлари, архитектурик ёдгорликларини кўп ўрганган Бобур бу сафар ҳам қаттиқ қулоқ оғриғи бўлишига қарамасдан бу иморатларни сайр килишга киришади: “*Ушбу кеча қулогимнинг ташвиши жиҳатидин ва моҳтоб ҳам боис эди, афюн ихтиёр қилдим. Тонгласи афюн хумори бисёр ташвиш берди. Хейли ҳай қилдим. Бовужуди хумор Ман Сингнинг ва Бикрамажитнинг иморатларини тамом юруб, сайр қилдим, гарib иморатлардур*” (Б.238).

**Хозирги тиббиёт ташхиси:** астеник депрессия (кучдан қолиш депрессияси ёки неврастеник меланхолия).

**Касаллик манзараси.** Ҳар нарсага раҳимдиллик юзасидан ёндашиш, қалб юмшоқлиги, ҳодисаларга руҳият тушган ҳолларда қараш, тез йиглаб юбориш, ҳаракатда тез чарчаб қолиш, ҳолсизлик. Ҳар бир қилинган иш охирига етмаёпгандай, муваффакиятлардан қувонмаслик кузатилади. Келажакка ишончсизлик, қилинган ишдан қониқмаслик ҳам шу касалликни белгиси ҳисобланади. Бемор доимий қувватсизликни, ҳолсизликни сезиб юради. Эрталаблари толиб уйгонади. Бу касаллик кўпинча оғир хасталикни бошидан ўтказиб келаётган кишиларда кўп учрайди.

**20) 1528 йил. 45 ёш. Агра атрофидаги музофот.**

Захириддин Бобурнинг охирги пайтда сурункали безгак касаллиги асоратлари қўзғаб турар, бу даврда у тез-тез Агра атрофидаги музофотларни назардан ўтказар, давлатчилик ишларида режаларини амалга оширилгани, кейинги режаларни бажариш иштиёқида юрган даври бўлган. Бироқ энди асорати қолган bemорликлари кўп азият берар, аввалтидек шиддат билан ишлашига айнан касаллик сабаб бўлиб келарди: “*Ойнинг ўнинчисида, шанба кунидан симоб ейишни бошладим. Одина куни ойнинг йигирма учида ҳарорате баданимда зоҳир бўлди. Андоқким, жумъа намозини масжидта ташвиш била ўтадим, намози пешин эҳтиётини қилиб, китобхонада*

бир замондин сўнг машаққат била ўтадим. Индини, якшанба куни иситиб, озроқ титрадим”(Б.241).

### **Юсуфий табобати.**

**Кечиши:** гоҳида ҳар куни, гоҳида кун оралаб иситма чиқиб турган. Ҳар иситма тутғандан қаро терга ботиб кетган. Бобурнинг ҳоли қуриб кўп чанқаган, боши оғриб, уйқусизлик беъзовта қилган, сийдиги саргайган.

### **Ташхис: ҲУММА САВДОИЙ.**

Касаллик ҳаққида аввал батафсил тўхталган эдик.

**Симоб – қустриши ва шунга ўхшаш тадбирларни қўллагандан кейин, масалан, муррдан уч дирҳам олиб шароб билан ичириши ёки асал сувини дам-бадам ичириб туриши яхши даволарданdir. Шунга ўхшаш асал сувини бурак билан қўшиб хуқна ҳам қилинсин. Ундан кейин ичак шилинишининг дорилари ва унда қўлланадиган хуқналар ишлатиладиган ҳамда умумий дорилар ёрдамида кишининг юраги кучайтирилади. Алқисса, ушбу муолажа юрак қувватини кучайтиши, ошқозон-ичак хасталикларини даволашда ишлатилади<sup>71</sup>.**

**Ҳозирги тиббиёт ташхиси. Уч кунлик безгак, сурункали кечуви, қўзгалган даври.**

**Хулоса:** Сурункали безгакнинг қўзғалиши, яхши муолажа бўлмагани сабаб касаллик қайта-қайта қўзғалаверади. Камқонлик, рухиятнинг сустлиги, ҳолсизликнинг кучайиб бориши, иммунитетнинг пасайиши, қасалликни тез-тез шиддатланишига олиб келади. Табиблар тавсиясига кўра, симоб буюрилган бўлса керак. Юқорида айтиб ўтилганидек, Бобурнинг иммунитети паст бўлгани сабаб, симоб юрак қувватини кучайтириш, ошқозон-ичак хасталикларини даволаш, умумий қувватни ошириш, иммунитетни кўтариш мақсадида авваллари тавсия этилган.

### **21) 1528 йил. 45 ёш. Ҳиндистон, Агра шаҳри.**

Заҳириддин Бобур умрининг охирида тез-тез касалликларга ҷалиниши боис бу бетобликдан халос бўлиш йўлларини қидиради ва ўзидан олдин ўттан қадриятлардаги сеҳрли ҳолатлардан нажот излаб, пири Ҳожа Аҳрор валининг “Римсолайи Волидийя”сини форсчадан туркий тилга таржима қилишни мақсад этади ва тар-

<sup>71</sup> Абу Али Ибн Сино. Тиб конунлари. 1-жилд. Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1992. Б.171.

жимани бошлайди. Бобур асарни ўзбекчага ўгирад экан, сехрли руҳий ҳолатни бошидан кечиради. Китобнинг сатрлари борган сари таржима этилиб, туркий оҳангта кирав экан, Бобур ўзини тетиклашиб бораётганини сезади. Ички ихлос, Ҳожа Аҳрорга бўлган юксак эътиқод, илохий назар унга саломатлигини қайтаради. Бобур ёзади: “*Сешанба кечаси, сафар ойининг йигирма еттисида ҳазрат Ҳожа Убайдуллоҳнинг “Волидия” рисоласини назм қилмоқ хотиримга кечти. Ҳазратнинг руҳига илтижо қилиб, кўнглумга кечурдумким, агар бу манзум ул ҳазратнинг мақбули бўлур, худ нечукким, соҳиби “Қасидаи Бурда”нинг қасидаси мақбул тушуб, ўзи афлаж маразидин халос бўлди, мен доги бу оризадин қутулуб, назмимнинг қабулига далиле бўлгусидур. Уибу ният била рамали мусаддаси маҳбун, арзуз ва зарбгоҳи маҳбуни маҳзуф вазнидаким, Мавлоно Абдурраҳмон Жомийнинг “Субҳа”си ҳам бу вазнададур, рисола назмига шурув қилдим, ҳам ўшал кеча ўн уч байт айтildи. Илтизом йўсунлуқ, кунда ўн байттин камрак айтилмас эди, голибо бир кун тарк бўлди. Ўтган йил ва балки ҳар маҳал мундоқ оризаким бўлди, ақали бир ой қирқ кунга торти. Тенгри инояти била, ҳазратнинг ҳимматидин, панжишанба куни, ойининг йигирма тўққузида андаке афсурда бўлди, ўзга бу оризадин халос бўлдум. Шанба куни, рабиул аввал ойининг секкизида рисола сўзларини назм қилмоз ихтитомига етти. Бир кун эллик икки байт айтildи”(Б.242).*

**Кечиши:** безовталик, ора-орада иситма кўтарилиши, ҳолсизлик ва иштаҳасизлик қийнади. Уйқусизликдан қийналдилар. Берилган ўт гиёҳлардан ташқари сурги дори ҳам берилди. Истима қайта-қайта хуруж қилиб йигирма беш-йигирма олти кун давом этди.

### **Ташхис: ҲУММА САВДОИЙ.**

**Ҳозирги тиббиёт ташхиси:** уч кунлик бөзгак, сурункали кечуви, қўзғалган даври (юкорида батафсил тўхталганмиз).

### **22) 1528 йил. 45 ёш. Агра, Гамбийр дарёси ёқаси.**

“Бобурнома”даги муаллифнинг турли даврларда бўлган беморлигининг тарихига назар солсак, у дарров ўша давр ҳалқ табобатига мурожаат этган. Бироқ ҳамма вақт ҳам табиблар ва унинг атрофдаги кишиларнинг берган дори ва воситалари ижобий таъсир кўрсатмаган. Буни Бобурнинг ўзи ҳам сезган, аммо истеъмол қилмасликка иложи бўлмаган. Касалликнинг тез-тез хуружлари, она юрт

соғинчи ва атрофдаги ғанимларнинг номардликлари Бобурнинг руҳиятини тушириб юборади. Унинг руҳиятини кўтариш ва асабини яхшилаш учун табиблар тавсиясига кўра дорилар буюрилади. “Гамбийир суйининг ёқасида тушланиб, намози пешин андин отланниб, йўлда Мулло Рафиъ ясагон сафуфни *кайфият* учун толқон била чолиб ичтук. Бисёр бадхўр ва бемаза келди”.

**Ҳозирги гиббиёт ташхиси:** астеник депрессия (кучдан қолиш депрессияси ёки неврастеник меланхолия).

**Касаллик манзараси.** Ҳар нарсага раҳимдиллик юзасидан ёндашиш, қалб юмшоқлиги, ҳодисаларга руҳият тушган ҳолларда қараш, тез йиғлаб юбориш, ҳаракатда тез чарчаб қолиш, ҳолсизлик. Ҳар бир қилинган иш охирига етмагандай, муваффақиятлардан қувонмаслик кузатилади. Қилинган ишдан қониқмаслик ҳам шу касалликни белгиси ҳиссобланади. Бемор доимий қувватсизликни, ҳолсизликни сезиб юради. Эрталаблари толиб уйғонади. Бу касаллик кўпинча оғир хасталикни бошидан ўтказиб келаётган кишиларда кўп учрайди<sup>72</sup>.

### 23) 1529 йил. 46 ёши. Паяга.

“Бобурнома”да зикри келган юқоридаги касалликларини муолажа қилиш жараёнида муаллиф ўша даврдаги ҳалқ табобати намуналарига бот-бот мурожаат этганки, бугунги ўкувчи, тиббиёт ходимлари учун ҳам ўта қизиқарлидир. Бобур ёзади: “Пайагдин кўчган айёмда вужудумда обила жароҳати пайдо бўлуб эди. Бу юртта бир румий Румда эмди пайдо бўлгон муолажани қилди. Мурчни сафол қазонда қайнатти, жароҳатни анинг иссиқ бухорига туттум. Бухори камроқ бўла иссиқ суви била юдум, икки соати нуқсумийгача даранг бўлди” (Б.252).

*Кечиши: иситма, бел оғриги ва уйқусида чўчиши кузатилди.*

*Юсуфий табобати.*

*Ташхис: ЖУДАРИЙ<sup>73</sup>.*

*Тўртлик:*

Эй, чечакдан жони қийналган киши,  
Мош ва ясмиғдан (овқат) есанг яхшидур.  
Жилон жийда шарбатини сув ва гулоб билан  
Исанг соглигинг тикланади.

<sup>72</sup> Яхно Н.Н. Болезни нервной системы. 1-том. Москва: Медицина, 2003. С.212.

<sup>73</sup> Ҳасаний М. Бобурнинг ҳос табиби Юсуфий табобати. – Тошкент: Фан, 1992. Б. 151.

**Даволаш:** Румда энди пайдо бўлган муолажса қўлланди. Мурчни сопол қозонда қайнатди, ярани унинг бугига туттилди. Буги камайгач, иссиқ сув билан ярани ювилди. Бу муолажса учун икки нужсумий (астрономик) вақт кетди. Ўн биринчи кун ярани буглаётгандада сув иссиқлик қилдими тана қавариб чиқди. Бир оз азоб чекдилар. Бир неча бор ушибу муолажсани қилингандан сўнг яра битиб кетди. Мош ва ясмиғдан овқат қилиб бериб турилди. Жилон жийда шарбатини суви ва гулоб билан ичиб турдилар.

**Хозирги тиббиёт ташхиси:** чин чечак.

Чин чечак – фақат одамда учрайдиган, вирус қўзғатадиган, ҳаво – томчи ва мулокот йўллари билан юқадиган, организмнинг оғир заҳарланиши, иситмалаш тери ва шиллик қаватларида ўзига хос визикула – пустулали тошмалар тошиши билан кечадиган ҳавфли юқумли касаллик.

Тарихий маълумотларга кўра, чин чечак эрамиздан аввалги 3000 – йиллардан буён маълум. IV асрга оид Хитой манбаларида қайд этилган ва инсоният бошига кулфат келтирган. XVIII асрда Германияда 80000 одамнинг ўлимига сабаб бўлган бўлса, рус подшоси Пётр II, Австрия императори Иосиф, Франция кироли Людовик XIV, Англия кироличаси Анна чин чечак қурбони бўлишганди. 1980 йили чин чечакни дунё бўйича тугатилгани эълон қилинганди.

**Касаллик манзараси.** Юқиши йўли: 1. Ҳаво – томчи;  
2. Ҳаво – чанг.

Чин чечак касалигини кечишига қараб қуйидаги шакллари фарқланади:

1. Оғир геморагик чечак.
2. Ўртacha оғирликда кечадиган чечак – ёйилган чечак.
3. Енгил чечак<sup>74</sup>.

Ўртacha оғирликда кечадиган чечакда инкубацион давр 17 кундан 22 кунгача, ўртacha 14 кун давом этади. Касаллик тўсатдан совқотиш, қалтираш билан бошланади. Тана ҳарорати  $39,5 - 40,5^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилади. Беморнинг бели, думғазаси оғрийди. Продром вақти 3-4 кун бўлади. Даастлабки икки кун давомида бош оғриши, айланиши, кусиш, иштаҳанинг йўқолиши кузатилилади. Касалликни

<sup>74</sup> Сапаров Х.Б. Ўта ҳавфли юқимли касалликлар. Ўкув қўлланма. Тошкент, 2010. Б.108-123.

2-3 кунларида тахминан 40% беморларда продромал тошмалар тошади. Тошмалар юзда, қўл-оёкларда, танада тошади ва улар ёйилган бўлади. Касаллик асоратсиз кечса 5-6 хафта давом этади.

#### **24) 1529 йил. 46 ёш. Дехли.**

Муҳаммад Ҳумоюннинг бу касаллиги Бобурнинг вафотидан сал олдин бўлиб ўтган. Бу матнда Ҳумоюн касаллигидан кўра, Бобурнинг Шарқ подшоҳлари орасида юксак ҳиммати, ота Бобурнинг фарзандига бўлган чексиз фидойилиги, меҳри ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, Бобур Шарқда ягона подшоҳки, вафот этмасдан туриб, салтанатини ўғли Ҳумоюнга топширган: “*Ва Мұхаммад Ҳумоюн Санбалгаким, анинг жойигири эди рухсат берилди. Олти ойгача анда эди: зоҳиран ани ер ва суйи хуши ёқмади. Исимма тутар экандур, бора-бора узоққа тортар. То онки биз эшиштук, фармон берилдиким, Дехлига келтурууб, Дехлидин кемага солиб келтурсунларким, ҳакими ҳозиқлар кўруб, дардига даво қилсунлар. Бир неча кунда дарё йўли билан келтурдилар ва табиблар ҳар неча дору дармон бердилар, яхши бўлмади. Мир Абдулқосимким, улуг киши эди, арзга еткурдиким, ушмундоқ дардларга дармон будурким, яхши нимарсалардин тасаддуқ қилмоқ керак. То инки Тенгри таоло сиҳнат бергай. Менинг кўнглумга келдиким, Мұхаммад Ҳумоюн мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Мен ўзум тасаддуқ бўлайин, Худой қабул қилсан. Ҳожса Ҳалифа, ўзга муқарраблардин арзга тегурдиларким, Мұхаммад Ҳумоюн сиҳнат топар, сиз бу сўзни нечун тилингиз келтурасиз. Гараз будурким, дунё молидин яхшисини тасаддуқ қилмоқ керак. Бас, ўшал олмоским, Иброҳимни урушида тушуб эди, Мұхаммад Ҳумоюнга иноят қилиб эдингиз, тасаддуқ қилмоқ керак. Тилга келдиким, дунё моли анинг ивазига нечук бўлгай, мен анинг фидоси қилурменким, ҳол анга мушкил бўлубтур. Ва андин ўтубтурким, мен анинг бетоқатлигини тоқат келтургаймен. Ўшал ҳолатга кириб, уч қатла бошидин ўргулуб, дедимким, мен кўтардим ҳарне дардинг бор. Ўшал замон мен оғир бўлдум, ул енгил бўлди. Ул сиҳнат бўлуб қўпти. Мен ноҳуш бўлуб йиқилдим” (Б.266, 267).*

Бобурнинг фарзанди Ҳумоюн Мирзонинг тўсатдан қаттиқ касал бўлгани, Бобурнинг унинг атрофида парвона бўлиб, дардини ўзига олишни Аллоҳдан истагани ҳақида олимларимиз томонидан кўплаб фикрлар билдирилган.

Бобур бу вактда тушкунликда эди, чунки у Анвар Мирзо исмли ёш ўғлини йўқотади ва Ҳумоюннинг ташрифига мухтоҷ бўлади. Ҳумоюн Дехлидан унча узок бўлмаган Самбалга келади ва кўп ўтмай бетоб бўлиб қолади ва уни даволаш имкони бўлмайди. Уни Дехлига олиб келиш тўгрисида Бобур фармон беради ва олиб келиб даволаш чораларини табиблар бошлиб юборишади. Барча фойдали дорилар ва даволаш усуллари ёрдам бермайди. Бобур ўғлининг ҳаётидан жуда ташвишланади. Унда факат битта имконият қолганди, яъни ўғлининг ҳаёти учун ўз ҳаётини алмаштириш. Бобур ўғлининг умидсиз ҳолатидан хавотирланади ва албатта, дардини олишга, унинг ҳаёти Ҳумоюнга қанчалар қимматли бўлса, Ҳумоюнники ҳам унга шунчалик эканлигини хитоб килади. У ўзининг ҳаётини хушчакъақлик билан ўғли учун жонини фидо килгани каби бағишлайди ва Яратгандан буни қабул қилишини сўраб илтижо қилади. Кўнгина маслаҳатчилар бу вазиятда ҳаётни эмас, балки бирорта қимматбаҳо нодир нарсани таклиф қилишни маслаҳат берадилар. Улар Кўхинур олмосини жуда қимматбаҳо эканлигини ва унинг қиммати яхши ишлар учун сарфланишини маслаҳат берадилар. Бобур бу таклифга рози бўлмайди. Бирор бир нарса ўғлининг ҳаётидай қимматли бўлмаслигини айтади. Сўнг хонага кириб ибодат қила бошлиди. У Аллоҳдан ўғлини дардига шифо сўраган ҳолда жон ўрнига жон зарур бўлса ўз жонини Ҳумоюннинг хаста жонини ўрнига алмасиши сўраб илтижо қилади. Гулбаданбегим шундай ёзади: "...У ташвишланар ва умидсизликда эди. Ҳаво жуда иссиқ эди ва унинг юраги ва жигари ёнарди (қизирди). Айлананаётуб у (Бобур) илтижо қиларди: “Аллоҳим агар ҳаётни ҳаётга алмаштириб бўлса, мен ким Бобур ўз ҳаётимни ва борлигимни Ҳумоюнга бераман”. Ўша куни у касал бўлиб қолади ва Ҳумоюн соғайиб унинг тепасига келади ва отаси бетоблигини кўриб унга ёрдам бермоқчи бўлади, лекин қувватсизлиги туфайли отасига ёрдам бера олмай, унинг мулизимларига буюради ва улар Бобурни хонасига олиб боришади”.

Биз ота, шоҳ, юксак инсон Бобур томонидан кўрсатилган бу чексиз меҳрни унинг набираси, Ҳумоюннинг қизи Гулбаданбегимнинг “Ҳумоюннома” асаридан яна бир парча келтирмоқчимиз. Ана шу матн замирида Бобур гарчи давр ҳукмдори, подшоҳ бўлса ҳам, хотинларининг ўзаро низолари, оиласвий муаммолари замирида қолганлигини ҳам кўрамиз. У ҳатто ана шу масалада ҳам тўғри йўл

топа олган, ўзининг тўнғич ўғли Ҳумоюнга тириклигигида ёқ салтанатни топшириб, Шарқ давлатчилигигида мисли кўрилмаган, ўзига хос ибраг дарсини берган. Бобур барча фарзандлари орасида Ҳумоюнга кўпроқ эътибор қаратган, уни беҳисоб бойликлар билан сийлаган. Шунга қарамасдан Ҳумоюннинг онаси ўз шаҳаншоҳига ўринсиз танbih берган. Бобур эса жуда усталик билан аниқ жавоб бериб, барчага маъқул ҳукм чиқарган: “Ҳазрат келиб касални кўришлари биланоқ нуроний чехралари кулфат ва хафаликка кўмилди ва борган сари қаттиқ хафаланаар эдилар. Шу вақтда онам ҳазратлари сиз менинг фарзандимдан бепарвосиз, чунки подшоҳсиз, нима ғамингиз бор, сизнинг бошқа фарзандингиз ҳам бор, мен ғамдаманки, битта, якка-ю ягона фарзандим бор дедилар. Подшоҳ жавобан гарчи менинг бошқа фарзандларим бор бўлса-да, лекин уларнинг ҳеч бирини сенинг Ҳумоюнингдек яхши кўрмайман, шунинг учун ҳам бутун бор давлатимни, салтанатимни жаҳонда ягона, нодири замон севимли, баҳтли ўғлим – Ҳумоюнга бағишламоқчиман, бошқаларга эмас”, – дедилар.

### **Юсуфий табобати.**

#### **Ташхис: ГАШИ.**

*Гаши, яъни у “гаш” номи билан машҳур (гаш-ҳушдан кетиши).*

#### **Тўртлик:**

*Гаш иллатида билим кўзини оч,*

*Қара, сабаби нима, имиллаб ўтирма!*

*Агар қон сабаб бўлса, шунингдек сафро (сабаб бўлса)*

*Ёки бошқа модда (сабаб) бўлса, уни дафъ этишига кириш.*

#### **Яна гашни давоси ҳақида тўртлик:**

*Гаш (иллатида) кимнинг юраги сустлай бошласа,*

*Ҳаёти сари хатар эшиги очилган бўлса,*

*Совуқ гулобдан юзига уриш керак,*

*Шунда тезроқ ўзига келиши мумкин<sup>75</sup>.*

**Ҳозирги тиббиёт ташхиси.** Астеник депрессия, синкопал ҳолат. Безгак касаллиги сурункали кечиб турган ва унинг асоратлари безовта килиб турган бир пайтда Ҳумоюннинг оғирлашиб

<sup>75</sup> Ҳасаний М. Бобурнинг хос табиби Юсуфий табобати. – Тошкент: Фан, 1992. Б.79.

қолиши Бобур Мирзонинг кучли депрессив ҳолатга тушиб қолишига олиб келади. Бутун вужудидаги кучни тўплаб Ҳумоюн атрофида айланиб бўлгач, **синкопал ҳолатга (обморок)**,<sup>76</sup> яъни вактинча хушсизланиш ҳолатига тушади. Фарзандининг оғирлашиб колганини кўрган ота Ҳумоюн атрофида уч марта айланиб “дардингни олдим” деб, вактинча ҳушдан кетади. Табибларни муолажаларидан сўнг ҳушига келади, фарзандини соғайган ҳолатда кўриб шодланади. Тахт ворислигини ўз кўли билан топширгач бир неча ой яшайди.

Кўпгина тарихчиларнинг таъкидлашларича, тўнгич ўғли бўлмиш Ҳумоюннинг соғайиб кетишига кўзи етмагач, Бобуршоҳ ўз жонини эвазига ўғлининг ҳаётини қайтариб беришини сўраб, худога илтижо қилган. Шундан кейин Ҳумоюн соғайиб, ўрнига Бобур касалланган ва ҳаётдан кўз юмган, деб янгиш хulosалар беришган. Доктор С.Р.Шарма ва доктор Р.П.Трипатий бу фикрга шубҳа билан қарайдилар. Уларнинг фикрича, Ҳумоюннинг соғайиши билан ундан олти ой ўтгач, касалланган Бобурнинг бетоблиги орасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ (бизнинг фикримиз ҳам шундай).

Гулбаданбегим “Ҳумоюннома” асарида шундай ёзди: “Шу куннинг ўзидаёқ жаннатмакон ҳазрат подшоҳнинг тоблари қочиб қолди. Шахзода Ҳумоюн эса ўз бошларидан сув қуйиб, ташкарига чиқди, ва соғайиб кетди”. Бобурнинг иситмаси тобора кўтариilar эди. Икки ёки уч ой мобайнида у дард билан олишиб ётди, аммо Оллоҳ олдида берган онтига амал қилиб, соғайиш чорасини қидирмади. Унинг атрофидаги аёнлар, мулозимлар бунга ишонмас эдилар. Чунки улар ўз сардорини илгари ҳам бир неча бор ярадор, bemor, заҳарланган ҳолда кўрган эдилар. Ҳар сафар ҳам бардош билан бирга дардан ҳайратомуз тарзда тез форуғ бўлур эди. Бу сафар эса соғайишдан бош тортиб, юзини девор томонга ўтирганича сукут сақлаб ётарди. Подшоҳ кундан кунга заифлашиб борар экан, соғлиги яхши бўлиб Дехлига жўнаб кетган Ҳумоюнга мактуб жўнатадилар.

**Хулоса:** англашиладики, Бобур уч ой даволанмаганидан сўнг ҳолат анчагина ёмонлашган, ён атрофдагилар ва табибларни қўлидан ҳам ҳеч иш келмаган. Оллоҳ олдида берган ваъдага вафо қилиш, тушкунликка тушиш ҳам, руҳиятни пастлиги иммун ҳолатни

---

<sup>76</sup> Яхно Н.Н. Болезни нервной системы. 1-том. Москва: Медицина, 2003. С.254.

янада пасайтиради, касалликни шиддатланишига олиб келган. Да-воланишдан бош тортиш билан ҳолат янада ёмонлашади. Асосий касаллик ва ҳамроҳ касалликларнинг хуружи ва асорати натижасида ҳолат жуда оғирлашади. Натижада ўлимни яқинлашишига сабаб бўлган.

### 3.3. Бобурнинг махфий васияти

Бобур Мирзонинг Ҳўмоюнга ёзган махфий васияти Ҳиндистондан олиб келинган бўлиб, биринчи бор аслият холида чоп этиляпти.

*Подиоҳ Баходир Гозий Заҳириддин Муҳаммад Бобур  
935 ҳизжрий*

*Алҳамдулиллоҳ*

*Мамлакат (салтанат)нинг пойдеворига ёзилган.*

*Эй, фарзанд! Ҳиндистон мамлакати турли мазҳаблардан иборат. Субҳоноллоҳ таоло ҳаққи сенга буюрилдики, ҳар бир мазҳабга пок қалб билан қарагин, ҳар бир мазҳаб ва тариқотга адолатли бўл. Хусусан, сигирни қурбон қилишдан саклангинки, бу Ҳиндистон халқининг қалб ардоги ва бу вилоят аҳли подиоҳга яхши назар билан бөгланади. Подиоҳ фармонига бўйсунган халқни хароб қўлмагин. Адолатни ихтиёр қилгин. Шунда шоҳ риятдан, раият шоҳдан хотиржам бўлади. Исломнинг тараққиёти эҳсон тиги билан яхшироқдир, зулм тиги билан эмас. Аҳли суннат ва шиаларнинг икир-чикирларидан кўзингни юм. Чунки исломга қаршилар бор. Турли эътиқоддаги халқларни тенг тутгинки, шунда салтанат турли ташвишлардан холи бўлади.*

*Ҳазрат соҳибқирон Амир Темурнинг иш юритишлари доимо ёдингда бўлсин. Шунда давлатинг матъмур ва пухта бўлади.*

*Биз етказиб қўямиз холос.*

*Жумод ул-аввал ойининг  
биринчиси, 935 ҳизжрий сана.*

Бобуринг маҳфий васияти



الحمد لله

وصیت نامه مخفی ناصر الدین محمد بابر بادشاہ غازی  
بشاہزاده ناصر الدین محمد جمایل طول عمره

بر استحکام سلطنت نوشته شد. ای فرزند مملکت هندوستان از من این  
مختلف ساموراست حق بمحاذ تعالی آن تبرکات فرمود باید که تعصیات مذهبی را  
از لوحِ دل پاک نموده موافق طریق ہندویب معدلت کن خصوصاً از قربانی گاؤ  
پر ہیز کے تسبیح قلوب ہندوستان است و رعیت ایں ولایت باحسانات بادشاہی  
وابسته شود. و منادر و معبدگاه ہر قوئے کے زیر فرمان بادشاہی است خراب مکن  
چنان عدل گستری اختیار کن کہ شاہ از رعیت و رعیت از شاہ آسودہ شود. تبرکات اسلام  
از تسبیح احسان بہتر است نه از تسبیح ظالم و از مناقشات ایں سنت و شیوه پشم پوشی کن  
و لا ضعف اسلام موجود است. و رعیت مختلف القلوب را بحکم اربع عناصر قائم  
کن کہ جسم سلطنت از امراض مختلف ایکن باشد. کارنامه حضرت اسیر تیمور  
صاحب قرآن پیش نظر باید داشت که بامور شہر یاری پخته شود  
وَمَا أَعْلَمُنَا إِلَّا إِلَّا سَلَاغٌ - یکم جمادی الاول ۹۵۵ھ

### 3.4. Ўлим олди саройдаги фитналар

Хумоюн соғайиб кетган бўлса-да, унинг отаси ўрнига меросхўр бўлиши хавф-хатардан холи эмас эди. Вазир ва Хожа Халифа но маълум сабабларга кўра, Хумоюнни ёқтирилас эдилар ва тахтга ворис сифатида Бобуршоҳнинг ўғилларидан ҳеч қайсисини яқинлаштирмасдан, унинг куёви ва қариндоши бўлмисп Махдихўжани тахтга чиқариш пайида юрар эдилар. Махдихўжа жасур, баланд рухли ва кўнгли очиқ йигит эди, лекин дағаллиги ва исрофгарличикка моинлик каби салбий хислатлари ҳам йўқ эмасди. Унинг тарафкапи Халифа туркий амирлар, беклар ва сарой аъёнлари орасида анча юкори мартабага эга бўлиб, у ўз ғояси амалга ошиб қолишига ишонарди. Табиатан бесабр бу йигит ўзини олий мартабага эришиши мумкин бўлган фитнага бош қўшди. Бобур охирги кунларини яшаётганда Халифа таъсирига учраган баъзи ҳарбийлар ҳам Махдихўжага энди чиқаётган қуёшга сиғинаёттандек ўз шоҳлари сифатида сажда қила бошладилар. Кутимаган бу хушомадлар унинг бошини шу даражада айлантириб қўйдики, у ўзини шоҳлардек тута бошлади ва бу ҳол унинг тарафдорларини ранжитди. Айтишларича, Халифа уларнинг норозиликлари асосида ўз фикрини ўзгартирди ва фитнаси ошкор бўлмай туриб, Хумоюн томонга ўтиб олади. Бунинг оқибатида Махдихўжа ҳибсга олинади<sup>77</sup>.

Тарихчилардан Низомиддин Аҳмад Бахшининг хикояси бу воқеага яна ҳам аниқлик киритиб беради. У Бобур саройидаги девон хизматчиси Муҳаммад Муқим Ҳиравийнинг ўғли эди. “Шундай бўлдики, - деб ҳикоя қиласи тарихчи, – Мир Халифа Махдихўжани кўриш учун унга ажратилган хосхонага келди. Махдихўжа, Халифа ва менинг отам Муҳаммад Муқимдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Халифа энди ўтирган ҳам эдики, ўлим тушагида ётган Бобур мирзо уни чақиритириб қолди. У уйдан чиқаётганида Махдихўжа ҳурмат юзасидан уни эшиккача кузатиб борди. Менинг отам эса, унинг кетидан эргашиб келди ва унинг орқасида турган эди. Шошқалок ва калтафаҳм бу йигит орқасида отам турганини сезмай, Халифа нари кетиши биланок соқолини силаб: “Худо хоҳласа, яқин орада терингни шиламан, оқсақол” – деди-да, ўгирилиб рўпарасида турган отамни кўрибди. У бутунлай ўзини йўқотиб қўйиб, бироқ дарҳол

<sup>77</sup> Рашибрук В. Ўн олтинчи аср буниёткори. Тошкент: Шарқ, 2011. Б.203.

отамнинг қулоғидан тутиб бурабди-да, шошилиб: “Менга қара, эй тожик, тил юурги бошга етади”, – дебди.

Отам бу ердан чиқиб, Халифанинг хузурига борибди. Унга Маҳдихўжанинг қилмиши ҳақида гапирибди, унинг қулоғидан ўзининг норозилигини билдириб ва Халифанинг шохга бўлган садоқатига хоинона тарзда тахтни унинг ўғли Муҳаммад Ҳумоюндан ва унинг укаларидан тортиб олиб, бегона одамнинг боласига ҳадя қилмоқчи бўлиб хато қилаётганини айтибди. Халифа шу ондаёқ Ҳумоюнга одам юборибди. Ясовуллар келганида уйида овқатланиб ўтирган эди. Унинг эътирозига қарамай, ясовуллар уни уйига олиб бориб қўйдилар. Мир Халифа оддий фуқаронинг Маҳдихўжа уйига қатнашини ва у билан алоқа қилишни тақиқловчи фармон чиқарди. Маҳдихўжага эса саройга қадам босмаслик ҳақида буйруқ берилди”.

Агар психологик нуқтаи назардан оладиган бўлсак, Бобурнинг юракни эзадиган ҳёти, чеккан азоб-уқубатларининг меваси эди, чунки у муваффакиятсизлик ва ташвишлар алансасида қовурилар эди. Олдинлари кўп яхшилик қилган ва ундан кўп фойдаланишган қариндошлари эндиликда ўзларини четга олишаётганини сезган Бобур куюниб кечирмаларини баён қилди. Уларнинг кўпчилигини Бобур таъминлаган ва муносиб мартаба берган, афсуски, улар нон-кўрлик қилиб, Бобурнинг оғир кунларида унга ёрдам беришдан бош тортишаётганини сезар эди. Бобур ҳалигача уларнинг кўрнамакликларини унутолмасди. Мана шундай аччиқ хотиралар ва ҳистайғулар уни тарқ эта олмасди.

Модомиики, шундай экан, парвардигор мукаррам айлаган бу зотнинг “толе йўқлиги”дан шиква-шикоятлари, аввало, унинг мутассир шоир дили ва дарвешона юраги билан изоҳланади. Дардманд шоир Бобур шоҳлик шавкатию мислсиз мол-дунё Ватан армони қаршисида ҳеч ва пуч нарса эканини теран англар эди. Ҳазинасини безаган, оламнинг икки ярин кунлик харжига арзийдиган Кўҳинур каби олмос-гавҳарлардан кўра она юртининг бир ҳовуч тупроғини баланд қўяр эди. Оламда ватан соғинчи ва ҳасратини Бобурдек ёниб, қайғу-надоматта тўлиб куйлаган бошқа бирор шоир бормикан! Шунинг учун ҳам назаримизда:

*Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнглимда гам ҳар сўз,  
Оқар сувнинг фироқидин кўзимдин ҳар доим оқар сув, –*

деган маҳзун сатрларни Бобур Мирзо сиёҳ билан эмас, юрагининг қони билан бигилгандек туюлади<sup>78</sup>.

Умрининг охирги кунларида, Бобур ўзининг қариндошларига юрагидаги гапларини баён қиласди. Ўша пайтларда ҳеч кутилмаган, ўзи тушуммаган жуда кўплаб муаммоларга ва фитналарга дуч келарди. Уларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида содир бўларди. Ғам келса ҳам орқама-орқа, шодлик ҳам, деб шунга айтишса керак.

Мана шу фитналардан бёхабар бўлмаса-да, аммо кўнгли сезган Бобур ўз аҳволининг кундан-кун оғирлашиб бораётганини сезиб, барча вазирлар ва дўстларини чақириб, уларга ўлим олдидан ваясиятларини айтишга қарор қиласди. Низомиддин Хожа Али Халифа, Қамбар Алибек, Турдибек, Ҳиндубек каби Бобурнинг ҳаёт йўлидаги сўқмоқларни биргаликда босиб ўтган кишилар ҳозир бўлдилар. У бу ерга келган Ҳумоюннинг қўлини ўз қўлига олиб, қўл остидаги барча юргларда ўзининг валиахди ва вориси эканини эълон киласди, салтанат таҳтини эгаллашни буоради. Шу пайтда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таҳтнинг қўйироғидаги кўшкда ётарди...<sup>79</sup>

Оғир ётган Бобур Аллоҳга илтижо ила пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи вассаламнинг айтганларини қалбига жой этиб ётган бўлса ажаб эмас. Сарвари оламнинг айтганларига қулоқ тутсак, Аллоҳнинг қарами кенглиги ва ўлимнинг ҳақлиги ҳақида кўп нарсаларни билиб оламиз. Улар ҳам ҳамма нарсаларидан ажраладилар ва аччиқ ҳаёт бошларига тушади. Лекин пайғамбаримиз ўзларини йўқотмайдилар ва шундай дейдилар: “Эй Худойим одамлар олдида шарманда бўлишдан ва бойликка интилишдан ўзинг асра, ўзинг меҳрибонларнинг меҳрибонисан. Заифларнинг најоткорисан, менга ишониб топширганларингга, шафқатсиз ғанимларимга, зимдан мендан норози бўлганларга, мени ёнимда елкадош бўлганларга ўзинг инсоф бер, менга юқлатилган ҳамма ишларингга ўзинг најот бер. Сенинг чехрангни кўришни насиб этгин – юзингдан таралган нур жаннатни эслатади ва бу нур ҳар қандай коронғуликни тарқатиб юборади, сен ҳаммасини кўргучи ва билгучидурсан. Сенинг кўрсатган йўлингдан адашмасликка имкон бер, қаҳрингдан ўзинг асра! Сендан бўлак илоҳ йўқ ва сен ягонадирсан”.

<sup>78</sup> Хайриддин Султон. Бобурийнома. Тошкент: Шарқ, 1997. Б.371.

<sup>79</sup> Болтабоев Ҳ., Отажонов Н. Хорижда бобуршуностлик. Тошкент, 2008. Б.49.

### 3.5. Бобур Мирзонинг ўлими

Умрининг охирги палласида Бобур подшоҳлик қилган Ҳиндистон унинг учун иккинчи ватан бўлиб қолди. Бу улкан мамлакат халқларининг бошини қовуштириш, унинг бошқариш, бирлиқ, ҳамдўстлик, камолот ва тараққиётга қойим қилиш бенихоя оғир иш эди. Салтанат соҳиби Бобуршоҳ ҳинд мардумининг эзгу орзу-ниятларига равнақ берди. Бу диёрнинг гуллаб-яшнашига ҳаракат қилди. Бошқа ҳар қандай эл-элат ва миллат кишиларида учрайдиган баъзи бир жирканч ҳамда чирик нарсаларни кўрганида ўз нафратини яшириб ҳам ўтирумади. Бироқ қанча нафратланса, шунча севди. Қанча жирканса, шунча ардоқлади. Чуқур нафрат остида битмас-тутанмас меҳру муҳаббат, миннатдорчилик ҳиссиётлари барқ уриб турарди. Акс ҳолда, Бобур ва бобурийлар муazzзам ҳинд тупроғида мана неча асрлардан буён кўкрак кериб турган улуғвор тарихий иншоотлар, обидалар, мақбаралар, ястаниб ётган майдонлару боғ-роғларни қолдирмас эдилар. Бобуршоҳ Ҳиндни олди. Бобуршоҳ Ҳиндни факат олмади, унга жуда кўп нарсани, балки бисотидаги ҳамма нарсани берди ҳам. У мамлакат халқларининг осойишта, тинч-тотув яшашларини орзу қилди. Онҳазратнинг бутун ҳаёти салтанат бунёд этиш йўлидаги жангу жадалларда кечди. Не ажабким, айнан у ўзининг бундай ишларидан истиғфор айлади. Муҳориблардан безди. Чунонам бездики, умрининг сўнгги фаслларида ҳукумат ишларини Ҳумоюнга топшириб, Тангри берган дардга шифо излаб, ўзи яратган боғларида тинч яшашни орзу қилар эди.

Гулбаданбегимнинг шоҳидлик беришича, ҳазрат Захириддин Бобурнинг вафотидан олдинги оиласи ташвишлар орасида Гулрангбегим билан Эсон Темур Султон ва Гулчеҳрабегим билан Тўхта Буға Султонинг тўйлари масаласи ҳам бор эди. Гулбаданбегим яна Мирзо Ҳиндолни кўриш иштиёқида чопар юборгани, Ҳиндол Мирзо отасининг вафотидан кейин ташриф буюргани ҳақида ёzáди. Ҳеч қандай дори-дармон кор қилмаганидан сўнг, Ҳумоюнни Санбалдан чақиртириб келадилар. Отасининг ўлимидан 4 кун олдин у Аграга етиб келади. Эртаси куни Бобур саройдаги ҳамма амирларни чақиртириб, охирги марта Мирзо Ҳумоюнни ўз меросхўри деб тайинлаб, унга бўйсунишларини, садоқат билан хизмат қилишларини васият қилган. Унинг сўзларини Абдулфазл якунлаб шундай дейди: “Козиу уламолар билан сухбатда бўлинди.

Худога мақбул бўлиш учун Ҳумоюнга сахий ва ҳақиқатгўй бўлиши, мулкни асраб эҳтиёт килиш, хато ўтса узр сўраб, гуноҳкор бандаларнинг гуноҳидан ўтишдек кимматли маслаҳатлар берилди: "Ва бу (Бобур), васиятимнинг мағзи шуки, агарда улар жазога мустаҳик бўлсалар-да, ҳеч қачон уламоларингга қарши чиқма. Дарҳақиқат, Аълоҳазрат жаннатошиён ўз фарзандларидан жабр кўрган бўлса ҳам, бирон марта улардан қасд олмаган". Гулбаданбегим ўзининг "Ҳумоюннома" асарида хазратнинг васиятларини қуидагича таърифлаган: "Эртаси куни ҳамма амирларни чақириб айтдилар-ким, кўп йиллардан бери Ҳумоюн Мирзога подшоҳлигимни топшириб, ўзим Зарафшон боғининг бир бурчагида турсам, деган фикрим бор эди, дедилар. Худонинг карами билан ҳамма нарса мұяссар бўлди. Касал мени эзиз қўйди. Сизларга васиятим шуки, ҳаммангиз Ҳумоюнни менинг ўрнимда деб билинглар ва унинг хукмронлигини камситманглар. У билан мувофиқ ва ҳамжиҳат бўлинглар. Худодан умидим борки, Ҳумоюн ҳам одамларга яхшилик билан маъкул бўлади. Яна: "Ҳумоюн, ака-укаларингни, ҳамма қариндошуруг ва ўз одамларимизни сенга, сени эса худога топшираман", – дедилар.

Тўққиз юз ўттиз еттинчи йил жумод ул-аввал ойининг бешинчи куни рўзи душанба вафот тарихларири. Шундан сўнг Гулбаданбегим фарзандлар, яқин қариндошлар ва бошқа одамларнинг бошлирига кора кун тушганлигини ёзган.

Захириддин Мухаммад Бобур тропик безгак касаллигини 27 ёшида Кобулда юқтириб, умри давомида шу касалликни енгил ва оғир ҳолатларининг сурункали кечувини бошидан ўтказиб, безгакнинг паразит ташувчанлик (безгак касаллигини ташувчи) иллати билан юрган. Бу касаллик иммун ҳолатларни пасайтириб, ўпканинг кичик ўчоқли шикастларга, кейинчалик камқонликка ва ҳолсизликка олиб келади. Руҳиятнинг пасайиши, тушкунликка тушиш ҳолатини янада ёмонлаширади ва хуржни кучайтиради. Бундан ташқари қатор шамоллаш, қулоқ оғриғи, заҳарланиш, мұҳорабалардан олинган шикастлар, қариндош ваbekларнинг хиёнати ва вафосизлиги безгак касаллигининг узок давом этиши ва асоратларини кучайиб боришига асос бўлган. Асосий касалликнинг асоратларидан ҳаракатда ҳансирашнинг сабачилари, жигар этишмовчилиги (жигар катталashiши), юрак этишмовчилиги (юрак кенгайиши),

үпка етишмовчилиги (эмфизема, пневмасклероз), умумий ҳолатни кундан-кунга ёмонлаштириб бораверган. Ана шу касаллик ва ундан келиб чиққан асоратлар Бобур Мирзони 47 ёшда оламдан ўтиб кетишига сабаб бўлган.

Ҳафтанинг душанба куни, 1530 йилнинг 26 декабряда Агра яқинидаги Чорбоғдаги саройда Бобур Мирзо оламдан ўтди. Қирқ етти йиллик умрнинг 36 йилини ҳукмронликда ўтказди, ундан 26 йили Кобулда, 5 йил эса Ҳиндистоннинг катта қисмida ўтди.

Маълум вақтгача унинг вафоти сир сакланади, чунки бу хабар мамлакатда исён кўтарилишига сабаб бўлиши мумкин эди. Ҳинд бекларидан Оройишхон бу борада ўз эътирозини билдириб айтди-ки, агар ҳинд шоҳларидан биронтаси вафот этса, бозорларда талонтарож бошлинар экан. Ана шу анъананинг олдини олиш учун у бирон кишини қизил тўн кийдириб, филга миндириб, шаҳаншоҳ Бобур тождорликдан воз кечиб дарвишлар кийимини кийиб, тожу тахтни ўғли Ҳумоюн Мирзога топширганлигини эълон қилсин, деб таклиф қиласди.

Воқеаларнинг хотимасини номаълум муаллиф томонидан ёзилган ушбу маълумотдан топиш мумкин: “...тўққуз юз ўттуз еттида жумод ул-аввал ойини олтисида Ҷаҳорбогидаким, ўшул подшоҳ ўз қўли билан обод қилиб эрди, ҳоли мутагайир бўлуб, бу олами беваФони падруд қилди... Ва маҳолдурким, ул подшоҳи қобилнинг яхшилигларини айтган билан ва битиган билан тугангай. Лекин музсаммал буким, секкиз сифати асил анинг зотига муттассил эди: бириси буким најҳати баланд эди; иккимчиси, ҳиммати аржуманд эди; учимчиси, вилоят олмоз; тўртумчиси, вилоят сахламоз; бешумчиси, маъмурлуг; олтимчиси, рафоҳият нияти Тенгри таоло бандаларига; еттимчиси, черикни кўнгли қўлга олмоқ; секкизимчиси,adolat қилмоқ”(Б.267).

*Афсус надомат бўлгуси у кунга ким,  
бекарон афлок қилиб, Сиз кетсангиз,  
Юз надомат, афсуслар бўлсинким,  
у куни биз зори ҳайрон, Сиз кетсангиз.*

Хожа Калон дағн маросимида мазкур марсияни ўқиб йиғлади, деб тарихчи Бадоуний юқоридаги сатрларни келтирган.

Захириддин Мухаммад Бобур жасади ҳозирги Тож Маҳал рўп-расидаги Оромбоғга дағн этилган (у вактда Боги Нурафшон дейилган). Хожа Мухаммад Али Асас подшоҳ ҳазратларининг мозорига мутавалли қилиб тайинланган. Бора-бора ҳофизлар ва қарияларнинг беш вақт намозини жамоат билан ўқиб, хатми Қуръон қилиб, ҳазратнинг арвоҳига бағишлиаш одат тусига кирган эди. Сикрини (у ҳозир Фатҳпур шаҳри номи билан машҳур) яна беш лак экин ери ортиги билан онҳазрат мозори учун вақф қилиб берилган. Моҳим Бегим икки ярим йил мобайнида, ҳар қуни икки маҳалдан овқат пишириб, шахсан ўзи мозорга келиб ҳазрат шарафиға тарқатишга бош-кош бўлган<sup>80</sup>.

Шундай қилиб, олийжаноб подшоҳ бу фоний дунёни тарқ этди. Унинг васиятига кўра, кўм-кўк майсазор билан ўралган булоқ жойлашган сўлим ва ўзи севган Кобул тепалигига қайта дағн этишди. У амалга оширган ишлар умрбокий давом этмоқда. Улкан давлатни бошқариш борасида Бобуршоҳ илгари сурган ғоялар бизнинг замонамизгача у ҳукмронлик қилган жойларда ҳануз амалда қўлланиб келмоқда.

### **3.6. Бобур Мирзонинг хос табиби Юсуфий ибн Мухаммад Юсуф ҳақида**

Юсуфий ибн Мухаммад ибн Юсуф ат-табиб ал-Ҳаравий XVI асрнинг кўзга кўринган олими, шоири ва табибларидан бири. У XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросоннинг Ҳоф шаҳрида машҳур олим Мухаммад табиб оиласида таваллуд топди. Ёшлигидан отаси таъсирида бўлиб, табобат сирларини чуқур ўрганди. Кейинчалик улар Ҳиротга кўчиб келишди. Бу ерда ота ва боланинг ижоди гуркираб ўса бошлади.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Юсуфийнинг отаси Мухаммад ўз даврининг етук ва машҳур табиби бўлган. Биз бу ҳақда Хожи Халифанинг “Қомусу-л-аълом” ҳамда Эронда чиқарилган бир қанча фарҳанглар, Европада чоп этилган кўпгина каталоглардан маълумотлар олишимиз мумкин. “Мухаммад ибн Юсуф машҳири уламо (машҳур олимлар)дан бўлиб, – деб ёзади Сомибек “Қомусу-л-аълом”да, “Бахру-л-жавоҳир” унвони (номи)ла бир китоби бор-

<sup>80</sup> Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг ҳалқка қайтиши. – Тошкент, 2001. Б.48-53.

дур». Ҳақиқатан ҳам, унинг “Бахру-л-жавоҳир” (“Гавхарлар денгизи”), “Жавоҳиру-л-луғот” (“Сўз жавоҳирлари”) ва “Айну-л-ҳаёт” (“Оби ҳаёт”) деган асарлари бизгача етиб келган.

Алишер Навоий асос солган Дорушшифо (Даволаш уйи)да Муҳаммад табиб исмли киши ишлаган (Маҳмуд Ҳасаний. Навоий даври табобати, Тошкент: Ибн Сино нашрёти, 1991). Баъзи тахминларга кўра, уни Юсуфийнинг отаси деб таърифлашган. Отаси билан Ҳиротта келган Юсуфий, аввало, Навоий бошлиқ Ҳирот адабий муҳити таъсирида шеърият билан қизиқса, отаси ҳамда Дорушшифодаги табиблар таъсирида тиббиёт билан жиддий шуғулланиб, бу соҳага оид асарлар ёзишга киришган.

XVI асрнинг биринчи ярмида Хурросон ва Мовароуннахрда яшаган табиблар ичida энг ижодий сермаҳсули деб Юсуфийни кўрсатиш мумкин. Ундан ҳаммаси бўлиб табобат, одоб-ахлоқ ва иншо санъатига оид катта ёки кичик ҳажмдаги 21 та асар етиб келган. Асарларининг кўпини назмда ёзган (Табобат дурдоналари. Ҳакимлар хикояти. Т.: Ибн Сино, 1990).

Юсуфий ўз давридаёқ катта шухратга эга эди. Унинг замондоши бўлган тазкиранавис олим ва шоир Сомибек “Түхфаи Сомий” китобида, замондоши Фахрий Ҳиротий “Латойифнома” китобида Юсуфийнинг ғазаллари ва табобатига юкори баҳо берган эдилар. XVI асрда Бухорода ёзилган “Равзат ул-жинон” асарининг муаллифи Юсуфийни етук шоирлар қаторида тилга олиб, унинг бир газалини ўз китобига киритади.

Юсуфий XVI асрнинг ўнинчи йилларидаёқ машҳур табиб сифатида ном қозона бошлаган эди. Бу аср бошида Европадан Ҳиротга тарқалган заҳм касаллигини тадқиқ этиб, унга қарши дори-дармонлар ишлаб чиққанлардан биринчиси Юсуфий эди. Бундан ташқари, у янги дорилар ихтиро қилган ҳамда янги даволаш усулларини топган эди. Томирга қараб касалликни аниқлашда унинг олдига тушадиган табиб йўқ эди. Юсуфийнинг бу шухрати унинг Афғонистонда Заҳириддин Муҳаммад Бобур билан танишишига сабаб бўлади. Бобур Ҳиндистонни эгаллагач, хат йўллаб, Юсуфийни Ҳиндистонга чакириб олади. Бу ҳақда “Бобурнома”да: “*Мавлоно Юсуфий табибким, ани Ҳурросондин тилатиб эдилар, набз (томир) кўрмогдин ва ташихис қилмоғ аниңг иши эди*” (Б.267), дейилади. Бобур 1530 йилда касал бўлиб қолганда Юсуфий унга атаб “Қасида дар ҳифзи сихҳат”

(“Соғлиқни химоялаш ҳақида қасида”) рисоласини ёзди. Бобур ва-фот этаётганда ҳам Юсуфий унинг ёнида турган.

Юсуфий балоғат ва фасоҳат эгаси (сўз устаси) эди. Биз буни айниқса, унинг тасаввуф, одоб-ахлоқ ва турли ҳикматларни ўз ичи-га олган “Анвору-л-ҳикмат” (“Ҳикмат нурлари”) асарида кўрамиз. Шунинг учун у Алишер Навоий тарбиясини олиб, етук тарихчи бўлиб етишган Ғиёсиддин Хондамир ўзининг “Қонуни Ҳумоюний” китобида Юсуфий ҳақида гапиранкан, уни “Фасиҳи лабиб Мавлоно Юсуфий табиб” (доно сўз устаси Мавлоно Юсуфий табиб) деб атаган эди. Юсуфийнинг мана шу сўз амаллиги уни Бобурдан сўнг Ҳумоюннинг муншийлиги даражасига олиб чиқди. Мунший (котиб) сўзга ғоятда уста бўлиши, ҳар хил ҳодиса ва воқеаларга атаб ўзга давлат подшохлари ва ҳокимларига қисқа, мазмундор мактублар бита олиши керак эди. Юсуфий ҳам табиб, ҳам мутний вазифасида ишлар экан, табобатга оид бир қанча асарлар ҳамда иншо санъатига оид “Бадойиъу-л-иншо” деган китоб ёзди. У қачон ва қаерда бўлмасин ижоддан асло тўхтамади. Унинг ўғли Рафиууддин Ҳусайн ҳам шоир бўлгани ҳақида маълумотлар бор.

“Жомиъу-л-фавойид” (“Фойдалар мажмуаси”) ёки бошқача “Тибби Юсуфий” (“Юсуфий табобати”) деб аталувчи китобнинг асосини тиббий рубоийлар ташкил этади. Юсуфий ўзининг табобатга оид биринчи шеърий асари “Рисола дар тадбири маъқул ва машруб” (“Еб-ичиш ҳақида рисола”, 1501)дан сўнг 1507 йилда “Фавойиду-л-аҳёр” (“Хайрли кишиларга фойдалар”) рисоласини ёзиб тугатди. Шундан сўнг бошдан оёқ касалликларни даволашга бағишлиланган рубоий жанри воситасида ёзилган “Иложу-л-амроз” (“Касалликлар давоси”)ни ёза бошлади. Бу китоб фойдаланишга жуда қулай бўлиб, ҳар бир рубоийда касаллик номи, белгилари, унга қарши исплатиладиган дорилар, ейиладиган овқатлар ўз ифодасини топган эди. “Иложу-л-амроз” кўпчиликка ёқади. Бироқ Юсуфийни ёзишича, баъзи номдор фозиллар бу рубоийларга шарҳ ёзиб беришни ундан илтимос қиласилар. Юсуфий бу ишга кўл уриб, уни 1512 йилда ёзиб тугатади ва “Жомиъу-л-фавойид” деб атайди.

“Жомиъу-л-фавойид” тез орада жуда кенг тарқалгани манбалардан маълум. Ҳатто у Юсуфий ҳали тириклик пайтидаёқ Бухоро (1535) ва Самарқандда кенг тарқалган. Ҳиндистон, Эрон ва

Афғонистонда 1870 йилдан кейин ўн беш мартадан ортиқ чоп этилган. Сиёлкут шаҳрида яшовчи Абдул Алім Насруллоҳон унга шарҳ ёзиган, “Шарҳи рубоиёти “Тибби Юсуфий” (“Тибби Юсуфий” рубоийларининг шарҳи”) номи билан чоп эттирган. Муҳаммадшоҳ исмли табиб эса “Мужаррработи “Тибби Юсуфий” (“Тибби Юсуфий”нинг тажрибада синалган дорилари”) номи билан унга катта шарҳ ёзган. Ўтмиш ҳакимлари бу асардан кенг фойдаланганлар. Улар ўз асарларида “Тибби Юсуфий”дан иқтибослар келтирадилар, айримлари алоҳида боблар киритганлар.

Ўзбекистонда Юсуфийнинг бу асари икки марта эски ўзбек тилига таржима қилинган. Биринчи таржима 1881 йилда Хоразмда Муҳаммад Амин Ҳодим томонидан амалга оширилган бўлиб, дастхат нусхаси ЎзРФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сакланмоқда. Иккинчи таржима Тошкентда 1898 йилда Муҳаммадхўжа томонидан амалга оширилган ва “Таржимаи Шоҳий” номи билан чоп этилган. Юсуфийнинг “Тибби Юсуфий” хамда Ҳумоюнга аталган “Риёзу-л-адвия” (“Даволар боғи”) китоблари унинг ижодида катта ўрин тутади, зеро улар ҳажм жиҳатидан катталиги ва улардан Юсуфийнинг баъзи ихтиrolари, янги даволаш усуллари мавжудлиги билан қимматлидир<sup>81</sup>.

Юсуфий 1544 йилда Ҳиндистонда вафот этган.

---

<sup>81</sup> Ҳасаний М. Бобурнинг ҳос табиби Юсуфий табобати. Тошкент: Фан, 1992. Б.3-8.

#### **IV боб. БИЗ БИЛМАГАН МЕРОС**

Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бўлган ҳурматимиз, ихлосимиз, муҳаббатимизни бизга ёшлигимизда отамиз ва волидаи муҳтара-мамиз Хурриятхон ҳожи она уйғотганлар. Онамиз кўп йиллар Наманган шаҳридаги 17-ўрта мактабда тарих, она тили ва адабиёт фанларидан дарс берганлар. Бўш вақтларида “Бобурнома”дан ўқиб берар, Бобурнинг ғайратлилиги, ўз ватанига бўлган муҳаббати, табиятга ошнолиги, мусиқа ва шеъриятни севишини бизларга ўrnак қилиб кўрсатар эдилар.

Тиббиёт соҳасидаги илмий ишларим (докторлик диссертациямни)ни тугатгач, кунларнинг бирида “Бобурнома”ни янги чоп этилган нусхасини ўқиб қолдим. Беихтиёр Бобур бошидан ўтказган қасалликларни қалам билан китоб четига белгилаб бордим. Китобнинг йигирма икки жойида хасталанганигини белгилаб олгач, билдимки, ушбу китобимни пойдевори пайдо бўлди. Китобни ёзиш жараёнида Бобур ҳаёти ва ижодига оид китобларни, ҳар хил тиббиёт соҳасига оид асарларни, Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” ва “Тиббий рисолалар” китобини, улуг олим ва замонасининг энг машҳур табибларидан бири Зайниддин Абул Фазойил И smoил ибн Ҳусайн ал-Журжоний ал-Хоразмийнинг тиббий рисолаларини, Абу Бакр Ар-Розийнинг “Касалликлар тарихи” китобини, профессор Махмуд Ҳасанийнинг “Бобурнинг хос табиби Юсуфий табобати” каби китобларини ўқиб чиқдим. Китобни ёзиш даврида Бобур Мирзонинг қиличини АҚШ давлати Нью-Йорк шаҳридаги “Метрополитан” музейидан, муҳрини Туркия давлати Истанбул университети бобуршуносларидан ва Буюк Британиянинг Лондон шаҳридаги Британия музейида сақланбаётган ўзига қараб чизилган оригинал сурат ва тангани топишга мұяссар бўлибгина қолмай, уларнинг нусхаларини ўзимизнинг усталаримизга тайёрлатдим.

#### **4.1. Бобур қиличи**

Барча асрларда ҳам Шарқ мамлакатларида олиб бориладиган мухорабалар, қақшаткич урушларда жангчи, ҳарбий ишга тааллукли аскару бек, шаҳзода ва султонларнинг энг ишонган куроллари ва ҳамроҳи қилич хисобланган. Бу уруш қуроли ҳақида ёзма ва оғзаки адабиётда жуда кўп ёзилган. Қиличининг фазилатлари, сифати, унинг қилич бўлиб жангчи қўлига етгунга қадар бўлган устанинг машақкатлари, маҳорати ва билимдонлиги борасида достонлар битилган, ҳамду санолар ўқилган. Буларнинг барчаси бежиз эмас, албатта. Чунки қилич жангчининг ҳаёт-мамот масаласи, унинг ҳарбий маҳоратини юзага чиқарадиган, элга кўз-кўз қиласидиган, керак бўлса қилич билан боғлиқ жангчининг ҳаракатидаги ҳар бир жиҳат фазилат сифатида қаралиб, олқишиланган ёки салбий ҳолат сифатида унинг эгасига бадномлик келтирган.

Агар эътибор берсак, шарқлик жуда кўп саркардалар, шоҳ ва султонлар, бек ва оддий аскарларнинг портретлари, мухораба майдонидаги ҳолатлари, кўпинча, қилич детали билан бирга тасвирланган. Бошқача қилиб айтсак, қилич жангчи жасадининг яхлит бирлиги даражасида тасвирланган. Қиличининг ҳолати, унинг каттаю кичиклиги, қилич соҳибининг уни қўлга тутгандаги ҳолати, бақувват гавда, билак, қилични маҳкам тутган қўллари қатори қиличининг зеб-зийнати, филофининг нақпиларига берилган гул ва жилолар, унинг қимматбаҳо тошлар билан безаш борасидаги юксак маҳоратни зохир этганлар. Ҳозиргача на ҳарбий мавзуда ва на тарихий ва адабиётшунослик асарларида жангчи ва қилич мавзуини бирликда ёки қилич таърифи ва унинг мухорабалардаги мавқеи, жангчи ҳаётидаги ўрни ҳақида қарийб фикр билдирилмаган.

XV-XVI асрларда Хуросон, Мовароуннаҳр ва Ҳиндистонда олиб борилган беҳисоб жангу жадаллар тасвири ва ҳатто тасвирий санъат асарлари, кўплаб миниатюраларда қилич асосий тасвир воситаси сифатида келган. Айниқса, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида бу уруш қуроли ўзининг бутун жозибаси, чиройи, аскардан тортиб шаҳаншоҳгача жангларда содик ҳамроҳ бўлиб келганлигига оид ўнлаб мисоллар келтирилган. Бу далиллар ўта завқли. Бобур бу асарида ўзининг қиличи ҳақида кўп ўринда фикр юритганлар. Даставвал, Самарқандни забт этган Бобур аъёну бекларини тақдирлаш, аниқроғи уларни ўзига якинлаштириш

мақсадида кўпларининг рутбаларини кўтаради, инъомлар беради. Шунда Бобурнинг энг ишонган беки, кейинчалик қариб умрининг охиригача садоқат билан хизмат қилган, ҳарбий ишларида етук маслаҳатчи бўлган Қосимбек шу пайтларда Бобур қаламрави ва салтанати ишларига кўз олайтирган Аҳмад Танбални ҳам сийлаш лозимлиги, шу билан уни муросага келишини осонлаштириш учун тухфа бериш зарурлигини ва бу муносиб тухфа фақат Бобурнинг шахсий қиличи бўлиши мумкинлигини айтади. Бобур даставвал Қосимбекнинг бу таклифига рози бўлмайди, аммо у буни қайта-қайта илтимос қилгач, кейин рози бўлиб шахсий қиличини Аҳмад Танбалга беради. Буни қарангки, тақдир тақозоси билан муҳорабалардан бирида Аҳмад томонидан зарб билан Бобурнинг бошига айнан шу қилич тушади. Бу ҳолатни Бобур асарида афсус билан қайд этиб, шахсий қуролни бировга бериш мумкин эмаслиги, хосияти йўқлигини таъкидлаган.

“Бобурнома”нинг бошқа бир ўринда муаллиф ажойиб бир ҳарбий мусобақани келтирадики, ўша даврда қиличдек қурол биринчи даражадаги аслаҳа қаторида бўлганлигини кўрсатган. Бу фақаттина мусобақа эмас, балки қиличдек ҳарбий қуролга меҳр, унинг жангдаги мавқеи ва хизмати, ҳар бир жангчининг шарафи эканлигига ёрқин мисол бўлаолади: “*Ул куни йигитлар шўхлуқ қилиб етган била-ўқ кўргонининг тошида янги том қўпориб, соладургон қўргонни олдилар. Сайиид Қосим эшикоқа бу кун борчадин яхшироқ юруб, ўзуб қилич тегурди. Султон Аҳмад Танбал ҳам қилич тегурди. Муҳаммад Дўст тагойи ҳам қилич тегурди, vale баҳодурлуқ улушини Сайиид Қосим олди. Баҳодирлуқ улуши мўгулда қадими расмдур. Ҳар тўй ва ош бўлганда ҳар кимки элдин ўзуб қилич тегургон бўлса, ул улушни ул олур*” (Б.51). Агар бу матнга эътибор берсак, темурийлар салтанатида қиличининг мавқеи Чингизхон давридан келган, аммо унинг ҳарбий қурол сифатидаги юксак даражаси Амир Темур ва Бобур даврида юксакликка кўтарилиган, эътибор бу аслаҳага баланд бўлган.

“Бобурнома”нинг бошқа бир жойида Бобурнинг муҳорабалардан бирида шахсий иштирок этиши ва унда қилич жанг масаласини ҳал этувчи детал сифатида тасвирланиши дикқатга молик. Бунда келтирилган деталлар ўша даврда аслаҳасоз усталар томонидан нақадар қиличга эътибор бергани, ҳатто бир зарб билан киши боши-

дан “кафтча” (одамнинг бир қўл кафти ҳажмида) жангчи бошидаги фақат тери ва гўшти эмас, бош сўнгтагини кесиб кетганлигининг тасвири бу қиличнинг қанчалик ўткирлиги, қилич соҳибининг мустаҳкам зарби ва ҳарбий маҳорати ёритилган: “*Бизнинг соридин ва Иброҳим сорунинг иншларидин Самад отлиқ алар соридин ҳисорий мўгуллардин Шаҳсувор отлиқ рубарў бўлурлар. Шаҳсувор андоқ чопарким, дубулғадин ўтуб, Самаднинг бошига қилич хейли ўлтурур. Бовужуди бу захм Самад андоқ чопарким, Шаҳсуворнинг бошидин кафи дастча парча сўнгакни қилич олиб кетар*”(Б.70)

“Бобурнома” ва ўша даврдаги тарихий обидаларда қиличнинг каромати, ҳарбий аслаҳа сифатидаги жиҳатлари ҳақида жуда кўп мисоллар келтирилган. Шулар қатори, қилични ишлатишда маҳорат кўрсатган жангчи, шахс ҳамиша ижобий баҳоланган, қадрланган. Масалан, Бобур бир неча бек ва саркардаларнинг кудрати мөҳирона қилич тебратганида, душманни яксон этганликда деб билган. Масалан, у Хуросон султони Ҳусайн Бойқарога баҳо берар экан, дейди: “*Шужъоъ ва мардона киши эди. Борлар ўзи қилич тегурубтур, балки ҳар маъракада борлар қилич тегурубтур. Темурбек наслидин ҳеч ким маълум эмаским, Султон Ҳусайн мирзоча қилич чопмииш бўлгай*”(Б.128).

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Захириддин Бобурнинг барча муҳорабалардаги ютуғи, лашкарларининг қилич чопишдаги маҳорати, энг аввало, аскарнинг бу ҳарбий курол билан муомала қила олиши, маҳорати эвазига кўлга киритилган. Кейинрок тўпотар ҳарбий куроллар қиличбозларни ҳимоя қилган.

Бизнинг давримизгача Бобурнинг бошқа мулки, ундан қолган барча буюмлар, бойликларни топиш, у билан қизиқиши ва дунёнинг қайси бурчагида мавжудлигини аниқлаш бу юксак адаб ихлосмандарини қизиқтириб келмоқда.

Аввалимбор, ўзбек адабиёти ва тарихи билан шуғулланган ҳар бир киши Захириддин Бобур ижоди билан оз бўлса ҳам таниш бўлиши, бу юксак қобилият соҳибининг шахсий ҳаёти ва ижодини имкон қадар оммага етказишга интилиши керак. Кейинги пайтда Президентимиз ташабbusлари билан бу соҳага оид қилинаётган кўргина ишлар кишини қувонтиради. Мен ҳам бу хайрли ишдан четда қолишни истамаган ҳолда узлуксиз Бобур қиличини қаердалиги ва унга оид маълумотта эга бўлишни орзу қилдим. Айрим

мутахассислар билан маслаҳатлашганимда бу қилич Франциянинг Лувр музейида эканлигини айтишди. Бу маълумот тўғри чиқмади. Жуда кўп муддат Интернет орқали мазкур музейнинг фондига киришга, орзиккан қиличга оид маълумотга эга бўлишга интилдим. Начора, мақсад амалга ошмади. Шу тариқа, Туркия, Ҳиндистон, Афғонистон, Санкт-Петербург музейлари материалларини ҳам Интернетда қидирдим, тополмадим. Балки мен яхши мутахассис эмасман, аслида ҳам шундай, тиббиёт соҳаси вакилиман. Аммо “излаган имкон топади” шиори бу сафар ўзини оклади. Мен Нью-Йоркдаги “Метрополитан” музейи фондида Бобур қиличи сақланаётганлиги тўғрисида “Мўгул қиличи” сайтида “Сабля Великого Могола Бабура” маълумотига дуч келдим ва уни тезда Интернет сайтидан кўчириб олдим.

Мазкур сайтда бу қиличдан ташқари яна бир неча қиличлар мавжуд эдики, улар билан шуғулланишга менга вақт имкон бермади. Бобур қиличига оид барча маълумотларни олиб, маҳсус файл папкада уларни тўпладимки, ҳозир бу маълумотлар менинг қўлимда. Бу нодир топилмага бўлган муносабат менга шу билан тугамади. Мен зудлик билан бугунги кунда Фарғона водийсида фаолият олиб бораётган қиличсозлар, пичоқчиларга мурожаат қилиб, мазкур музей маълумотлари асосида худди аслидай “Бобур қиличи”ни ясаб беришни илтимос килдим. Бир-икки ойлик ҳаракатим зоеъ кетмаган бўлса ҳам, аслиятдек қилич ясовчи устани топа олмадим. Охири Намангандик пичоқчилар Андижоннинг Шаҳриён шаҳри пичоқчилари билан бирга ишга киришдилар. Бобур қиличини ясашда Шаҳриёнлик Ашурали Отанинг қимматли маслаҳатлари, уста Дишодбек Норматов ва Намангандик уста Маҳмуджон Нуридинов (бу хонадоннинг уч авлоди пичоқчилик билан шуғуланиб келмоқда, қиличсозлик ҳам шу авлодга хос) ҳеч муҳоботсиз айтишим мумкинки, бу ганжинани аслича тайёрлашда уларга шогирд бўлган қатор усталар кўп заҳмат чекишди. Ишнинг мураккаблиги муносиб метални топиш (Россиядан олиб келинди), пардоз бериш, суфталаш, айнан ўша беш аср олдин яратилган қилич нусхасига имкон қадар яқинлигини асрараш, даста танлаш (қиличнинг дастаси архар кийигининг шохидан тайёрландик, уни топиш жуда мушкил бўлди), нақш ва ёзувларни аслидек тушириш ва бошқа усталардан жуда катта заҳматни талаб қилди.

Мустақиллигимиз шарофати боис юртимиздан турли сабаблар билан олиб кетилган жуда кўп қимматли буюмлар, қўлёзма ва осори атиқалар имкон қадар қайтарилимоқда, халқ мулкига айланмоқда. Мана бугун манзили аниқ бўлган **Бобур қиличи** ҳам тарихнинг яхши ва ёмон кунларининг белгиси сифатида, даҳо адабимиз Бобуршоҳни бир неча ўлимдан олиб қолган қимматли буюм сифатида ватанига қайтажак.

#### **4.2. Ахсикент қиличлари**

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳам қиличининг тайёрланиш тарихи бизга маълум эмас, лекин қадимда Ахсикент қиличсозларининг қилич тайёрлаш маҳоратлари ҳақида “**Мозий сирлари**” номли ҳужжатли телефильмини телевидение орқали кўриб, ушбу қилич ҳам қуйидаги қиличларни тайёрлаган усталар қўлидан ўтган бўлса ажаб эмас, деган фикрга келдим. Хурматли китобхон, озгина вактингизни олсан-да, ушбу тарихий воқеадан Сиз ҳам баҳраманд бўлишингизни хоҳладим.

XI асрнинг охиридан то XIII асрнинг охиригача ғарбий европалик рицарлар Шарқ мамлакатларига 8 марта юриш қилиб бирор марта ҳам ғалаба қозона олмадилар, аммо бу “**Салб юриши**” номи билан тарихда қолди. Кейинчалик Европа халқлари ўртасида салбичилар **Дамашқ қиличининг** сехру жодуси туфайли ҳар сафар мағлубиятга учраган деган афсона тарқалган. Афсонада Дамашқ қиличининг шон-шуҳрати тез орада бутун дунёга тарқалади.

**Абдулҳамид Анорбоев**, Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси археология институти бўлим бошлиғи: Рицарлар яқин Шарқ жангчилари билан жанг қилганда уларнинг қиличлари синиб кетади. Бу текширишлар натижасида қаралса, Шарқда жангчилар шундай қиличга эга эканки, у эгилса ҳам синмайдиган, тошни кесадиган қиличлар, буларни қандай тайёрланганлигига Ғарб технологлари қизиқиб қоладилар. Лекин буни фақат сотиб олиш мумкин бўлган. Дамашқ қиличи бошқа қиличлардан тўлқинсимон гуллари билан ажралиб турган, унинг тўлқинсимон гуллари унга ишлов берилаётган пайтда табиий равишда ҳосил бўлган, иккинчидан қиличини эластик ҳолати сақлаб қолинган, яъни уни эгиб ёй шаклига келтириш осон бўлган. Бир ривоятда айтиладики, шаҳар қамал бўлган пайтида ўзаро элчи алмашилган, шунда бир баҳодир йигитни

элчи қилиб душмани хузурига жўнатилади, албатта, у ерда элчидаги нарса бўлмаслиги керак. Аммо оқсоқолларни маслаҳатига кириб, матога қилични ўраб белига бойлаб олади, кейин ўзаро келишилгандан сўнг душман аскарларининг бошлиғи бу баҳодир йигитни ўлдириш кераклигини айтади, табиийки, шу хонада беш олтита амалдорлар ва шу баҳодир йигит бўлади, шунда баҳодир йигит ичидан қилични чиқариб барчасини ўлдириб қочиб қолишга мувваффақ бўлган.

**Олиб борувчи:** Дамашқ қиличи 900 йилдан бўён дунё олимларини лол қолдириб келмоқда. Олимлар қилич Ҳиндистонда ясалган деб ўйлашади, бошқалар эса қилични ватанини Хитойда дейишса, яна бошқалар қилични номидан келиб чиқиб Дамашқда деб билгандар, рицарлар бу қилични Дамашқда кўрганликлари учун “Дамашқ қиличлари” дейишган ва шу ном билан машҳур бўлган, олимлар қилични таркибида нималар борлигини ва қандай ясалганини тасаввур қила олмаганликлари учун унинг ватани Фарғона эканлигини ҳам тасаввур қила олмаганлар.

**Абдулҳамид Анорбоев.** Бу қиличнинг ватани қаерда? деган савол жумбоқ бўлиб қолган. XX асрнинг ўрталарида бошланган археологик тадқиқотлар натижасида Фарғона водийсида қадимги пойтахт Ахсикент харобаларидан жуда кўп металл қолдиклари ва чиқиндилари топилган, ўз вақтида тадқиқотчилар бу ерда жуда катта металлургия саноати бўлган деган фикрларни айтишган, лекин кейинги 20 йил ичидаги олиб борилган тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлди, дунёга машҳур тошга урса синмайдиган Дамашқ қиличлари ҳақиқий ватани бизнинг Ўрта Осиё, яъни Фарғона водийсининг пойтахти Ахсикентда эканлигига биз гувоҳ бўлиб турибмиз.

**Олиб борувчи.** Сирли қиличнинг асл ватани аниқлангунча VIII аср вақт ўтди, дунё олимларининг тахминлар минг бир кўчасига кириб чиқишиди, ниҳоят XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, текширувлар натижасида қилич Мовароунаҳр тупроғида айнан Фарғона водийсидаги Ахсикент шаҳрида ясалгани маълум бўлди. Кўхна Ахсикентни ўрни ҳозирда Наманган вилоятининг Тўракўрғон туманидаги Шаҳанд қишлоғи худудига тўғри келади.

**Абдулҳамид Анорбоев.** Ахсикентда тайёрланган қиличлар Дамашқда сотилган, Ҳиндистондан олиб келиб сотилган, шунинг

учун ҳинд қиличлари Дамашқ қиличлари деб аталган. Дамашқ қиличларининг асосий қисми Ахсикент усталари томонидан тайёрланган.

**Олиб борувчи.** Археологлар фикрини фақат топилмалар эмас, балки ўрта асрларда айрим илмий адабиётлар ҳам исботлайди.

**Абдулҳамид Анорбоев.** Бу қилични тайёрлаш учун жуда кўп вақт кетган. Буни фақат моҳир усталар тайёрлаган.

**Олиб борувчи.** Шундай қилиб, Ахсикент қиличи афсоналарда Дамашқ қиличи номи билан асрлардан-асрларга ўтаверган. Қилич хақидаги аниқ маълумотларни яхши билган шоҳлар, кўли гул темирчилар ҳамда кимё илмини билимдонлари анна шундай бир сирли қилич ясалға ҳаракат қылғанлар. Бизга маълумки, буюк кашиб-фиётлар Соҳибқирон Амур Темур назаридан четда қолмаган. Баъзи тарихчилар: Соҳибқирон Дамашқни ишғол қылганидан сўнг у ердаги усталарни Самарқандга олиб бориб шундай қиличларни ясад берипларини сўраган дейилади. Аммо ҳақиқат шуки, ўрта асрлардан кейинги ҳеч бир асрда дунёни ҳеч бир худудида афсонавий қилични ясан ҳеч қайси темирчига насиб этмаган.

**Абдулҳамид Анорбоев.** Ҳар бир уста ўзини боласига маълум бир сирни қолдирган, хуллас, ишлаш технологиясини ҳеч ким билмаслиги учун бутун чиқиндиларни ҳам маҳсус жойга кўмилган, яъни қатъий сир сакланган.

**Олиб борувчи.** Уддабурон темирчини қўлида тобланган темир оддий қилич ҳолига келганидан кейин уни шом тушиш арафасида З яшар болани пешоби билан етти кун ювадилар, ювиб бўлгач уни забардаст кўлни баданида худди чархлаган каби ости-усти билан қайрайдилар, усталар бу каби ўнлаб усулларни қўллаб қўришган, табиийки, уларга қилич ясалгандан кейинги удумлар эмас балки қилични ясан жараёни муҳим бўлган. Натижада Дамашқ қиличини 26 хили пайдо бўлади, аммо уларнинг бирортаси сирли қиличга айнан ўхшамаган. Шундан сўнг Дамашқ қиличи деган ном олимлар ўртасида ўз қимматини йўқотган ва улар машхур қилични Дамашқ пўлати деб атай боштаганлар. Унинг яна бир сабаби шундаки, энди улар қилични оддий темирдан эмас, ноёб пўлатдан ясалганлигини аниклаб берадилар. Ажабланарли томони шундаки, қилични ясан мураккаб бўлганидек, унинг хом ашёсини, яъни қимматбаҳо пўлатни эритиш жараёни ҳам мураккаб бўлган.

**Абдулҳамид Анорбоев.** Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, Ахсикент усталари қилични шундай пўлатларни олиш учун биринчи Ғовасойнинг тепа кисмидаги руда конларидан металлурглар рудани ичидан метални ажратиб олишган, кейин Ахсикент усталари бойитилган рудани ўзларида яна тайёрлаб кейин уни маҳсус идишларда эритганлар. У идишлар маҳсус лойдан тайёрланган.

**Фарҳод Максудов,** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти катта илмий ходими. Оддий тупрокни олиб лой қилиб, ундан идиш ясаб, ўша идишни ичига темир солсангиз лой темирдан олдин эриб йўқ бўлиб кетади. Чунки лойни эриш даражаси 950 даражага тенг, темирники эса 1300-1800 га тенг, шунинг учун темирчи усталар ўзлари тоғларга чиқиб идиш учун модда қидиришган ва улар каолин мoddасини топиб олишган.

**Абдулҳамид Анорбоев.** Ҳозирги Ангрен худудларида шундай конлари бор, шу ердан каолин деган лойни олиб бориб ундан цилиндр шаклида идиш ясалган.

**Олиб борувчи.** Кимматбаҳо пўлатни рудадан ажратиб олиш алоҳида технологияни талаб қилгани каби ўша олинган пўлатдан ноёб қилични ясаш ҳам маҳсус технологияни талаб қилган.

**Абдулҳамид Анорбоев.** Биринчи пўлатни тайёрлаш технологияси қийин бўлган, уни қўлга киритса ундан қилични тайёрлаш жараёни ундан осон бўлган. Чунки у ҳам жуда катта жараён, лекин шунга қарамасдан пўлатни тайёрлаш жараёни қийин бўлган.

**Олиб борувчи.** Ўрта аср манбаларида ёзилишича олтиндан қиммат бўлган бу ноёб пўлат ўша пайтларда Фарғона водийсидаги Фориж тоғлари этагидан қазиб олинган. Маълумотларга қараганда, пўлатни бу ноёб тури Ўрта шарқ мамлакатларида учрамаган.

**Юрий Буряков,** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, тарих фанлари доктори, профессор. Араблар айтадиларки, Мовароунаҳр тоғлари Зарафшондан Шарққа Фарғона, Чоч ва Лаг орқали Қирғизгача узайган, бу тоғларни барчаси олтин, кумуш, сурма ва темир конларига бой бўлган.

**Олиб борувчи.** Европалик олимлар энди ўша Ахсикентда ясалган киличларни Дамашқ пўлати деб атай бошладилар. Рус, инглиз ва европалик олимлар ўзбек тилидаги пўлат сўзини булат деб талаффуз қиласдилар. Металлургия соҳасини ҳар кандай бир темирчи, болалигигидаёқ Фарғона пўлатини сирли хусусиятлари хақида

эшитарди. IX асрнинг бошларида европалик машхур олим Майкл Фарат қилични таркибини аниклашга ҳаракат қиласди. 1819 йили қилични таркибида кремний ва алюмин қотишмаси бор деган фикрни илгари сурди, лекин унинг аксарият фикрларини инкор қила-дилар. Нима бўлганда ҳам бу таниқли олимнинг қилич ҳақидаги мақоласи франциялик олим Жон Роберт Брянни ҳаяжонга солади. Брян ҳам шунга астойдил киришиб маълум бир натижага эришади, яъни пўлат углерод билан тўйинганини аниқлайди. Маълумки, қимматбаҳо олмос углеродни маълум бир тури ҳисобланади. Фарғона пўлати етарли микдордаги углерод туфайли мустаҳкамлиги билан бирга эластик даражасини ҳам сақлаб қолган.

Кўриб турганингиздек, Фарғона водийси ўзининг учкур самовий отлари ва қиличлари билан бутун Шарқ оламига машхур бўлган. Хитой манбаларида ёзилишича, Хитой императори бир жуфт Фарғона тулпори ва Ахсикент қиличи учун бутун Цинцзян вилоятини беришга рози бўлган экан.

### 4.3. Бобур муҳри

Қадим замонлардан подшоҳлар муҳр, тамға ва турго номлари билан ўз фармонини тасдиқловчи белги сифатида қўллашган. Бобомиз Амир Темурнинг ҳам ўз муҳрлари бўлган. Олий фармонларга муҳрларини қўйилгандан сўнг фуқароларга ва давлат бошқарувчиларига эълон қилинган.

XV асрларга келиб Туркий давлатларда турго номи билан хархил муҳрлар пайдо бўла бошлаган. **Турго** шахсий муҳр бўлиб, кўпроқ подшоҳларда бўлган ва улар мистик аҳамиятта ҳамда илохий хусусиятга эга деб ҳисоблашган. Туғроларни металдан, каттиқ ёғочлардан, суюклардан ва маҳсус қоришималардан ясашган. Туғролар шундай тузилганки, уларни қалбакилаштириш мумкин бўлмаган. Шу сабабли муҳр ва қўйилган шахсий имзоларни ўкиш қийин бўлган. Улардаги ҳарфлар бир-бирига киришиб, каллиграфик модификация қилинганидан эксперталар ўқий олишган холос. Авваллари туғроларни шахсий имзо эгалари тузишган, кейинчалик бу билан каллиграфлар шуғулланишган. Бунинг натижасида муҳрнинг илохий хусусияти йўқолган. Баъзи туғроларда иккита имзо туради: бирини шахсан подшоҳники ва иккинчиси туғрони тузган каллиграфники. Одатда каллиграфнинг имзоси подшоҳ имзосининг паст, чап

томонида турган. Айрим подшоҳлар ўз имзосига Куръони карим оятларини калиграфик йўл билан қўшиб тайёрлатишган<sup>82</sup>.

Туғролар композицияси қуйидагича бўлган: бош ҳарфлар бўрттириб ёзилган, уларни ўқиш осон бўлиб, улар калиграфик имзанинг асоси ҳисобланган. Ундан кўплаб шохчалар чиқади, ўнг томонидан вертикалига қараб йирик ҳалқалар чиқади. Вертикал ҳалқалар баландроқ бўлгани сари уларни ўқиш шунчалик қийин бўлиб боради.

1993 йили, америкалик шарқшунос, Ҳарвард университети профессори, форс ва араб тиллари билимдони, яқин шарқ тиллари, арабиётлари ва маданиятлари бўйича бир қатор рисола ҳамда мақолалар муаллифи Уиллер Макентош Текстон томонидан чигатой асли, Абдураҳим Хон Ҳононнинг форсча таржимаси ва инглизчаси билан “Бобурнома”нинг учинчи тўлиқ таржимаси университетнинг маданият бўлими томонидан чоп этилади. Мазкур таржиманинг напр этилиши Бобур Мирзо ҳаёти, ижоди ва даври ҳакидаги маълумотларни бойитди. Бобуршуносликни янада юқори даражага кўтарди, ушбу соҳада олиб бориладиган ишларнинг кўламини кенгайтиига янги имкониятлар очиб берди.

Нашрнинг бошида, таржима тарихида биринчи бор, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Баҳодур ибни Султон Умар Шайх Кўрагоний муҳри келтирилган. Мазкур муҳр Акбарнинг “Ҳиндистон тарихи” китобидан Майл Бранд ва Глен Лаурилар томонидан компьютер ёрдамида нусха кўчириш орқали олинган. Муҳрдаги араб ёзувларни реставрация қилишда Намангандар дин уламоларининг маслаҳатларини ҳам олдик. Муҳрни Намангандаридаги Полиграф колсантинг МЧЖ ходими Ахунбаев Тўлқинжон қайта дунёга келтириб ясаган бўлса, тамғанинг ушлагичига Бобур сурати билан жиловдор нақшларни чизган рассом Абдурасул Ибрагимовдир. У Намангандаридан бўлиб, Камоллидин Беҳзод номидаги рассомчилик институтини тамомлаган.

Бобур Мирзо ҳам ўз даврининг етук подшоҳи бўлгани учун унинг ҳам ўз шахсий муҳри бўлган. Ҳозиргача сир бўлиб келган бу муҳрни бизга Туркия давлати Истанбул университети олимлари тарихий ҳужжатлардан бирига кўйилган “Заҳириддин Муҳаммад Бобур Баҳодир ибни Султон Умар Шайх Кўрагон” деб ёзилган

<sup>82</sup> Ўрта Осиё подшоҳларининг туғролари сайти. Интернет маълумоти.

мухр суратини топширишди. Бу муҳр кўринишини бир неча олимлар томонидан қайта реставрация қилинишига қарамай кўриниши тинклиги 60 фоизни ташкил қиласа экан. Мен ушбу муҳрни қайта реставрация қилиб, уни асл кўринишини, араб ёзувларини тўла тиклаб ва тинклигини 100 фоизга етказибгина қолмай, муҳрини нусхасини тайёрлапшига ҳам эришдим.



**Заҳириддин Муҳаммад Бобур Баҳодир ибни Султон Умар Шайх  
Кўрагон (Муҳрнинг реставрациядан кейинги ҳолати)**

#### **4.4. Бобур портрети**

1753 йилда асос солингган Британия музейи Лондонда жойлашган бўлиб, у энг йирик инглиз миллий музейидир. Унда ибтидоий ва қадимий даврлар ҳамда ўрта асрдаги санъат ва этнографияга оид ёдгорликлар, кўпроқ Шарқ санъати ва этнографиясининг ёдгорликлари, жумладан, Миср, Ассирия рельефли расмлари, Парфенон мармарлари сакланади; шунингдек, гравюра, сопол буюм, танга ва медаллар ҳам бор. Британия музейида Ўрта Осиё тарихига оид кўлгина ёдгорликлар, жумладан, ҳар хил расмлар, масалан Бобур портрети, Амир Темур ва унинг авлодлари расмлари ҳамда бошقا қимматбаҳо металлардан ишланган буюмлар, милоддан аввалги 4-2 асрга мансуб Амударё хазинаси, турли мисс асбоблар, сопол, чинни идишлар ва бошқалар жамланган.

Бобур Мирзо портретининг ўзига хослиги шундаки, у ўзига қараб чизилган шоирнинг расмидир. Қаламда чизилган расмда биз меҳр тўла кўзларни, маъюс таббасумни, келажакка қараб турган нигоҳни ва олиму фузало, шоирнинг ва унинг кўлидаги китоб тасвирини кўрамиз.

Музейнинг кутубхонаси ҳам бор. У жаҳондаги энг йирик кутубхоналардан бири ҳисобланади. 1969 йил маълумотига кўра кутубхонада 7 миллионга яқин босма нашр, Европа тилларидағи 200 минг қўлёзма, шарқ ҳалқлари тилларидағи 38 минг қўлёзма ва 250 минг босма китоб, шунингдек, 500 минг географик карта ва 1 миллионга яқин нусхада ноталар ҳамда, Навоий, Бобур, Саккокий, Лутфий, Низомий, Хоразмий, Яқиний, Хўжандий, Юсуф Амирий, Аҳмадий ва бошқа ўзбек, тожик шоирларининг ноёб, безакли қўлёзмалари ҳам шу кутубхонада сакланмоқда. Бундан ташқари, бу музейдан Миср, Греция, Рим папирузлари, 10 мингдан ортиқ инкунабула (дастлабки босма китоблар) ҳам ўрин олган<sup>83</sup>.

Мен Бобур Мирзо портретини чизишни Наманган шаҳридаги таникли рассом Зоҳиджон Ҳусановга буюрдим. У Камоллидин Беҳзод номидаги рассомчилик институтини тамомлаган. Аввалига иккиланган рассом Зоҳиджонга Заҳириддин Бобур хақида гапириб берганларимдан кейин унда расмни чизишга иштиёқ ортди ва бамаслаҳат кўрилган ишдан сўнг ипак матога расмни ўхшаш нусхаси чизди.

Узок юртлардаги музейда мусофиirlардек турган бобомизни, менинг назаримда, Наманганга таклиф қилиб олиб келгандек бўлдим. Бу китобни ўқиган барча юртдошларимиз ҳам ўз уйларига таклиф килсалар, ҳамсухбат бўлсалар, шеърларидан баҳраманд бўлсалар ажаб эрмас.

#### 4.5 Бобур тангаси

Динор атамаси хақида, унинг XV-XVII асрларда Мовороунахр ва Ҳуросондаги тарихий аҳамияти кўп вақтлар ноаниқ бўлиб қолган.

В.В.Бортольдинг айтишича, Туркистанда XVI асрда динор деб мис тангаларга айтилган. У ўзининг “Туман” асарида иккита асосга таянган: Биринчиси, Бобурнинг Ҳисордаги аскарларга сарфини (ой-

<sup>83</sup> Ҳалқ сўзи. Тошкент. 1995. 24 июнь. № 120.

лик маошни ва озик-овқатга бўлган сарфни) ва иккинчиси, Шайбонийхоннинг Самарқанддаги мадрасага XVI асрнинг биринчи ярмидаги “Вакфнома”сида ёзган харажатларига асосланган: “Бу терминни тушуниш ва онгли англашнинг асосий калити – бу тангалар ва улардаги ёзувлардир. Биз “динор” терминини XVI асрда турли йилларида ва турли шаҳарларнинг тангаларида, шунингдек овоза қилинмаган турли топилмаларнинг мис тангаларида учратдик. Баъзи ёзувларда “динор” термини бор, баъзиларида тангадаги ёзувлар йўқ”, деб ёзади В.В.Бортольд.

Ҳозирча “динор” термини билан икки хил тангалар маълум:

Ҳисор 907 (1501 – 1502 й.й.) бир динор;

Ҳисор, Қундуз, Терmez 907 (1501–1502) ва шу уч шаҳарнинг бир хил тангалари чиқарилган йилисиз – икки динор;

Марв 912 (1506 – 1507 й.й.) – бир динор;

Самарқанд 914 (1508 – 1509 й.й.) – бир динор;

Марв ва Самарқанд тангаларида динор термини ёнида фулус термини ҳам бўлган.




Рис. 2. Монеты с термином «динор» в надписях: 1, 2, 3 – Ҳисор 907/1501-02 г.; 4 – Терmez 907/1501-02 г.; 5 – Қундуз 907/1501-02 г.; 6 – Марв 912/1506-07 г.; 7 – Самарқанд 914/1508-09 г.

Интернет орқали топилган, кумушдан ясалган, оғирлиги 4,39 грамм, диаметри 23 миллиметр Бобур тангаси Англияning Британия музейида № 1911,0709.7 рақам остида сақланади. Танганинг бир тамонига “Подшоҳ Захириддин Муҳаммад Бобур”, деб ёзилган. Айланасига “Ас-Султон Ал Аъзамхон ҳалладаллоҳу таъала мулкаҳу” (таржимаси: Подшоҳликларини ва мулкларини Аллоҳ доимий қилсин). Иккинчи томонига, “Ла илаҳа иллалоҳ

**Мухаммалун Расулуллоҳ”, деб ёзилган. Айлана бўйлаб “Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмон, Абу Бакр Сиддиқ ва Ҳазрати Али”ларнинг номлари улуғланиб ёзилган<sup>84</sup>.**



#### 4.6 Бобурийлар кутубхонаси

Бобур Мирзо ва унинг аждодлари даврида Ҳиндистон маданияти тарихнинг барча босқичларидағи каби ривожланган. Ҳинд олими К.М.Юсуф шундай ёзади: “Бобурийлар илм-фанга катта ҳомийлик қилганлар. Уларнинг кулай сиёsat туттганликлари сабабли Ҳиндистонда санъат ва адабиёт гуркираб яшнаб кетган”.

Ўша даврлардаёқ Андижонда сарой кутубхонаси бўлган. Бобур Мирзо Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий ва бошқа адибу олимларнинг асарларини тўплаб юрган. Юртма-юрт сафардалик вақтларида ҳам ўзининг кутубхонасини хуржунларга солдириб, авайлаб олиб юрган ва кўп фойдаланганлиги хақида маълумотлар бор.

Захириддин Бобур ўзининг бўш дамларини, айниқса, умрининг охирги вақтларини ўз кутубхонасида ўтказган. Кўп муроалалар қилиб, шеърлар ёзиб, узокларга термилиб, ватан соғинчи билан яшар экан, уни ора-орада касаллик хуружи қийнаб ҳам турган. Мана шундай хуружлардан бири 1528 йили бўлади. Бобур ёзади: “Одина куни, ойнинг йигирма учидага ҳарорате баданимда зоҳир бўлди. Андоқким, жумъа намозини масжидта ташвиши била ўтадим, намози пешин эҳтиётини қилиб, китобхонада бир замондин сўнг машиқват била ўтадим. Индини, якшанба куни иситиб, озроқ титрадим” (Б.242).

<sup>84</sup> Интернет маълумоти. Британия музейи сайти.

Бобур давлатни бошқариш, сиёсат, адабиёт ва санъат билан бир қаторда китоб ва кутубхонага айрича мұхаббат билан қарagan. Гулбаданбегимнинг ёзишича, Бобур, доимо бўш вактини ўзининг Аградаги кутубхонасида ўтказган. Бобурнинг сарой кутубхонасидан бўлак шахсий кутубхонаси ҳам бўлган. Мазкур кутубхонада унинг она юргидан олиб келган китобларидан ташқари турли жойларга қилган саёҳат ва ҳарбий юришлари пайтида келтирилган китоблар ҳам бўлган.

Бобурийлар сулоласидан чиққан ҳукумдорлар тафаккурни ривожлантириш бобида Қардуб (Кардова) халифаларидан қолишмаганлар ва уларнинг адабиёт соҳасидаги муваффақиятлари салмоқлидир. Бобурийлар саройида йигилган олимлар, шоирлар, рассомлар доимо рағбатлантириб турилган. Покистонлик олим Шайх Муҳаммад: “Ҳиндистонда Бобурийлар давлатининг ташкил топиши билан ислом маданияти тарихида янги давр бошланди”, – дейди.

Бобурнинг ворислари Насриддин Муҳаммад Ҳумоюн ва Комрон Мирзо кутубхона ишига алоҳида аҳамият берганлар. Улар кутубхонани китоблар билан бойитибгина колмай, аждодларига катта бадиий ва илмий мерос қолдирганлар.

Захиридин Муҳаммад Бобурнинг машҳур набираси Акбаршоҳ ўз аждодлари орасида энг бой кутубхонага эга бўлган. Унинг улкан кутубхонаси Агра Фортининг саккиз бурчакли минора томонида жойлашган.

Маълумки, Акбаршоҳ даврида илм-фан ва санъат гуллаб-яшнаган. Абул Фазл, Мавлоно Файзий, Фатхулла Шерозий, Ҳаким Абу Али Гилоний, Ҳаким Абулфат Гилоний, Ҳаким Ҳамам Абдураҳим хони хонон, Мавлоно Абдулқодир Бадоуний, Мулла Муборак ва Низомиддин Бахши сингари истеъоддли кишилар Акбар саройига йигилганлар. Уларнинг ҳар бирининг ўз кутубхонаси бўлган.

Акбаршоҳнинг ўғли “Тузукий Жаҳонгирий” муаллифи Жаҳонгир (Салим) ҳам бу ишга меҳр билан қарагани тўғрисида маълумотлар бор. У саёҳатда юрган пайтларида ҳам шахсий китобларини бирга олиб юрган экан.

Дунё меъморчилик санъатига Тож Маҳал саройини совға қилган Шоҳ Жаҳон кутубхонаси ниҳоятда бой бўлиб, унда маҳсус кутубхоначилар ишлаган. Жумладан, нозим (иш тақсимловчи) лаво-

зимида Сайд Жалол ибн Сайд Мұхаммад Мақбул Аълам ишлаган. У Аҳмадобод шаҳридан бўлиб, лавозимга акаси Сайд Жаъфар бадр Аълам тавсияси билан келган. Ундан аввал бу лавозимда Эътимадхон ва Иноятхон исмли шахслар ишлаган. Кутубхонанинг доруғаси Абдураҳим Хушнавис исмли хаттот бўлган экан. Ундан сўнг шу мансабни Мұхаммад Солих Абдуллоҳ Мушкин Рақам ўғли эгаллаган. Бобур авлодларидан Гулруҳбекимнинг кизи Салима Султона ҳам ўз кутубхонасига эга бўлган. Салима Султонанинг олима ва шоирлик истеъдодини Жаҳонгир юқори баҳолаган. У ўзининг “Тузуки Жаҳонгирий” асарига Салима Султонанинг катта ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлайди. Шунингдек, Жаҳонгиршоҳнинг умр йўлдоши Нуржонбекимнинг ҳам шахсий кутубхонаси бўлган. У кутубхонасини китоб сотиб олиш билан бойитган. Масалан, Комрон Мирзо девонини З мухрга олгани маълум. Мазкур китобнинг биринчи бетида қуйидагиларни ўқиймиз: “*Мазкур ҳазинанинг баҳоси З муҳрdir. Нуринисобегим*”. Бу Нуринисобегим мазкур китобни Нуржон тахаллусини олмасдан аввал сотиб олганидан дарак беради.

Маълумотларга қараганда, бобурий подшоҳларнинг сарой аъёнлари ҳам ўз кутубхонасини ташкил этган экан. Масалан, Жаҳонгир шоҳнинг энг севган сарой ахларидан бири шайх Фарид Бухорий, Лаҳор ва Аҳмадобод ҳокими, шоир ва фозил Абдураҳим хони хонон бой кутубхонага эга бўлган. Унинг кутубхонасида китобларни муқова қилувчи варрак, сахроф, рассомлар хизмат қилган. Мавлоно Наққош ҳам шу кутубхонада ишлаган. У ажойиб хаттот, музахҳиб – тилла ҳал берувчи, муқовачи ва кесувчи вазифаларини бажарган. Ўзининг шоирлик ва мусаввирлик қобиляти билан шуҳрат қозонган.

Таржимоҳлардан Мулла Мұхаммад Али Каширий номини эслаш жоиздир. У араб ва форс тилларида шеър ёзган, Ҳожи Зиёуддиннинг асарини араб тилидан форс тилига таржима қилган.

Мавлоно Сўфи мазкур кутубхонада, асосан, таҳrir ишларини бажарган. Абдураҳим хони хонон кутубхонасида Мулла Мұхаммад Амин, Мұхаммад Ҳусайн Камий, Бакнай ва Ҳамдамий номли жадвалсозлар ишлаган. Шунингдек, кутубхонада нозим вазифаси жорий қилинган. Бу вазифадаги киши кутубхона ходимларига иш тақсимлаб берган. Келиб чиқиши туркистонлик саййидлардан бўлган

Мир Боқий нозимлик вазифасини бажарган. Унинг қўл остида 95 киши ишлаган<sup>85</sup>.

Шундай қилиб, келтирилган маълумотлар Бобурийлар саройи ҳамда уларнинг аъёнлари кутубхоналарида фан ва маданиятнинг турли соҳаларидаги кишилар хизмат қилганини кўрсатади. Улар меҳнати самараси муқовачилик, хаттотлик, рассомлик, музахҳиблик намунаси бўлмиш китоблар буюк аждодларимиз бобурийларнинг инсоният маънавияттараққиётига, хусусан, кутубхоначилик ишига қўшган ҳиссасини баҳолашда, Узоқ ва Яқин Шарқ мамлакатларининг бой тарихини, маданиятини, ўзаро алоқасини ўрганишда катта аҳамият касб этади.

---

<sup>85</sup> Корисева Н. Тошкент. Гулистон 1998. 1-сон. Б.24.

## Х О Т И М А

**Кимматли китобхон!** Сиз билан бирга Шарқ тарихида улкан из қолдирган, касалликлар боис жуда қисқа умр кўрган, аммо ўзидан кейин улкан бадиий, тарихий, илмий мерос қолдирган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг умр дафтарини варакладик. Унинг жуда қизиқ, айни пайтда мураккаб, жуда ранг-баранг, айни пайтда гоҳ-гоҳида бўлса ҳам фароғатли, аммо асосан хиёнат ва зулм, қариндошлар, беку аъёнларнинг ҳисобсиз алдовлари мұхитида орттирган касалликлари, ўз иқорига биноан умри давомида фақат бир марта Наврӯз байрамини бир жойда ўтказиб, қолган умри юртма-юрт саргардонлик билан ўтганини кузатдик.

Аслида, гап кишининг қанчалик умр кўришида эмас, бу умрнинг аввало ўзига, кейин инсониятта нақадар фойдалилиги билан ўлчанади. 47 йилгина умр кўрган Заҳириддин Бобурнинг ҳаёт тарзи 530 йилдан кейин бутунги ёшларни юксак инсонийлик, мардлик, ростгўйлик, аёл зотига таъзим, мұхими умрни бекор ўтказмасдан яшашга унданғанлиги билан ҳам биз учун ибрат ижод нашидасини сурғанлиги билан мұхимки, юксак тарбия намунасиdir. Бобур касалликларига қарамасдан уни енгиш, таъсирига берилмаслик ва нажиб мақсади сари борганлиги ҳам кишини ўз устидан ғолиб келишга ундейди, мардлик хислатлари сари парваришлийди, бу бизлар учун ўта мұхимдир.

Китобни тугатар эканмиз, мукаммал санъатининг хикмат қонуни билан турли хил касалликларни даъф этувчи ва ҳар хил аразларни йўқотувчи Ҳаким, беҳад мактовлар ва умматларининг айбига табиб ва миллат юрагига даво бўлган Расулига Тангрининг лутфи ва осойишталиги насиб этсин – дурудлар ёғилсин, деб қоламан.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

### **I. Манбалар**

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
4. A.Paver de Courteil, Memoirs de Baber (Zahired-din Mohammed), fondateur de la dynastie mongole dans l, Hindoustan. Traduits pour la premiere fois sur le texte djagatai. - Paris, 1871.
5. Захиридин Мухаммад Бобир. Бобирнома / Нашрга тайёрловчилар П.Шамсиев, С.Мирзаев. – Т.: ЎзФан, 1960.
6. Бобур З.М. Бобурнома. – Т.: Шарқ, 2002.
7. Бабур-намэ. Полный текст. Перевод М. Салье, предисловие С. Азимджановой. – Т.: Уздавнашр, 1958.
8. The Baburnama. Memoirs of Babur, Prince and Emperor. Translated, edited and annotated by Wheeler M.Thackaston, Oxford University Press. New York-Oxford, 1996.
9. History of India. By Elliott and Dowson. – London, 1867.
10. History of Baber. By W.Erskine. – London, 1854.
11. Шарма Л.П. Бобурийлар салтанати Инглиз тилидан F.Сотимов таржимаси. – Т.: Маънавият, 1998.
12. Эрскин У. Хиндистанда Бобур давлати Инглиз тилидан F.Сотимов таржимаси. – Т.: 1997.

### **II. Монография, дарслик ва тўпламлар**

1. Азимджанова С. Индийский диван Бабура. – Т.: Фан, 1966.
2. Бабар-наме. Записки Бабура. Перевод М.Салье, ответственный редактор и предисловие С.А.Азимджановой. – Т.: Акаднаук, 1958.
3. Babirname. (Babir's Reminiscence). Reshit Rahmati. Works on a thousand Basic Series, 2000.
4. Бобир лирикаси. А.Қаюмов ва С.Азимжонова томонидан нашрга тайёрланган. – Т.: ЎзФан, 1958.

5. Бобир: Танланган асарлар. Нашрға тайёрловчилар: С.Азимжонова, А.Қаюмов. – Т.: Ўқитувчи, 1958.
6. Бобур. Асарлар Нашрға тайёрловчилар П.Шамсиев, С.Мирзаев. Уч жилдлик. 2-жылд. – Т.: Фан, 1965.
7. Бобир. Шеърлар. Ўзбек классиклари кутубхонаси А.Қаюмов томонидан нашрға тайёрланған. – Т.: Ўззадабийнашр, 1959.
8. Бобир Заҳириддин Муҳаммад. Мухтасар Нашрға тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Фан, 1971.
9. Бабур. Трактат об ағузе. Подг. И.Стеблевой. – Москва: Наука, 1972.
10. Бобур. Девон. Нашрға тайёрловчи А.Абдуғафуров. – Т.: Фан, 1994.
11. Бобур. Мубайин. Нашрға тайёрловчи С.Ҳасанов. – Т.: Халқ мероси, 2000.
12. Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз қадри. – Т.: Адолат, 2004.
13. Зоҳидов В. Бобирниң фаолияти ва илмий-адабий мероси ҳақида // Бобир. Бобирнома. – Т.: 1960.
14. Дмитриева Л.В., Муминов А., Муротов А. Описание тюркских рукописей института народов Азии. – Москва: Наука, 1965.
15. Ёкуб Ҳ. Бобир. – Т.: ЎзФан, 1941.
16. Иброҳимов А. “Бобурнома” – буюк асар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 2002.
17. Иброҳимов А. Бобуръйлар мероси. – Т.: Мехнат, 1993.
18. Иброҳимов А. “Бобурнома”даги ҳиндча сўзлар. – Т.: ТошДУ, 2002.
19. Иномхўжаев Р. Араб-ўзбек ёзуви ўкув дастури. – Т.: Ўзб. Халқ таълими, 1989.
20. Кожабекулы Б. Бабирнама. – Алматы: Наука, 1993.
21. Воҳидов Р. Биз билғаң ва билмаган Бобур. – Т.: Маънавият, 1999.
22. King L., Leyden J. & W.Erskine. Memoirs of Zehir-ed-Din Muhammed Baber, Emperor of Hindustan. London, 1826, Annotated and Revised ed. by L. King. 2 Vols. Milford, 1921.
23. Lane-Poole. Babar. Oxford, 1899.
24. Муниров Қ. Шарқ қўлёзмалари. – Т.: ЎзФанакаднапр, 1962.

25. Отажонов Н. “Бобурнома” жаҳон кезади. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1984.
26. Рейсер С.А. Основы текстологии. Изд. 2-е. Учебное пособие для студентов педагогические институтов. Просвещение. Ленинград, 1978.
27. F.Саломов, Н.Комилов, Н.Отажонов. Таржимон маҳорати. Монография. – Т.: Фан, 1979.
28. Ҳасанов С. Бобурнинг «Рисолайи аруз» асари. – Т.: Ўқитувчи, 1986.
29. Файзиев Т. Захириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари. – Т.: Ёзувчи, 1996.
30. Ҳасанов С. Захириддин Бобир олим ва сайёҳ. – Т.: Ўззадабийнашр, 1960.
31. Шарофиддинов О. Адабиёт дарслиги. IX синф – Т.: Ўқувпеддавнашр, 1939.
32. Шамсиев П. Матншуносликка оид тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1986.
33. Эркинов А.С. Матншуносликка кириш. – Т.: Нашриётсиз, 1997.
34. Каримов Ф. Ўзбек адабиёти тарихи. Ўрта мактабларнинг 8-9-синфлари учун дарслик. таҳрири остида. – Т.: Ўкувпеддавнашр, 1948.
35. Кудратуллаев Ҳ. Бобурнинг адабий-эстетик қарашлари. – Т.: Фан, 1983.
36. Ғайбуллоҳ ас-Салом, Отажонов Н. Жаҳонгашта “Бобурнома”. – Т.: 1996.
37. Хайридин Султон. Бобурийнома. – Т.: Шарқ, 1996.
38. Бабур-намэ. Полный текст в двух томах, перевод и предисловие. Пер. М.Салье. – Т.: Госиздат УзССР, 1948.
39. Захириддин Муҳаммад Бобир. “Бобирнома” (Тарихий кўлёзма). – Т.: Ўздавнашр, 1948.
40. Григорьев В.В. Энциклопедический лексикон. Петербург: издание С.Плюшара, Zahiruddin Muhammed Babur. Vekayi. Babur'un hatirati, jilt I-II -Ankara, 1944-1946.
41. Рию Ч. Британия музейида сақланаётган форсий қўлёзмалар каталоги. – Лондон, 1879, 1881, 1883 (1-, 2-, 3-қисмлар).

42. Стори Ч.А. Персидская литература. Ч.1. – Москва: Наук., - 1972, Ч.2. -1972.
43. Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. 1-жилд. – Т.: Ўздавнашр, 1928.
44. Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси. II том. Тузувчи О.Шарофиддинов. - Т.: Ўздавнашр, 1945.
45. Ўзбек адабиёти. Хрестоматия. III том. – Т.: Ўздавнашр, 1959.
46. Умматов Р. Ахсикент. – Тошкент: МУМТОЗ SO‘Z, 2009.
47. Юсупов И. Наманган шаҳри тарихидан лавҳалар. – Наманган, 2010.

### **III. Диссертация ва авторефератлар**

1. Азимджанова С. Ферганский удел Омара-Шейха и Бабура (в XV и начале XVI вв.): дисс. конд... ист. наук. – Т., 1958.
2. Азимджанова С. Государство Бабура в Кабуле и в Индии. Дисс... к.ф.н. – Т., 1969.
3. Алиев С. Бобир лирикаси. Филол. фанлари номзоди... дисс. – Т., 1948.
4. Атаджанов Н. Художественный перевод и научное комментирование: Автореф. дис... канд. ист. наук. – Т., 1978.
5. Благова Г.Ф. Характеристика грамматического строя (морфология староузбекского литературного языка конца XV века по «Бабур намэ»): Дис... канд. филол. наук. – Москва, 1954.
6. Джамалов С.О. Художественных особенностях “Бабурнаме”. Дисс... канд. филол. наук. – Т., 1971.
7. Кароматов X. Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари: Филол. фанлари д-ри... дис. – Т., 1993.
8. Каримов Р. “Бобурнома”даги шеърлар хорижий таржималарнинг қиёсий таҳлили. Филология фанлари номзоди ... дисс. – Т., 2003.
9. Отажонов Н. “Бобурнома” жаҳон адабий жараёнида. Филол. фанлари доктори ... дис. – Т., 1994.
10. Собиров М. “Бобурнома”нинг инглизча таржималарида муаллиф услуби ва бадииятини қайта тиклаш муаммолари (Лейден-Эрскин, Бевериж ва Текстон таржималарининг қиёсий таҳлили асосида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Т., 2002.

11. Ходжаева Л. Проблемы перевода: характер, стиль и интерпретация текста “Бабурнаме” (Литературоведческий аспект). Дисс... канд. филол. наук. – Т., 1986.
12. Шукруллаева С. Воссоздание художественного своеобразия “Бабурнаме” в его английских переводах (Дж. Лейдена-У.Эрскина и А.Беверидж). Дисс... канд. филол. наук. – Т., 1989.
13. Кудратуллаев Ҳ.С. “Бобурнома”нинг тарихий-адабий ва услубий таҳлили (Навоий, Бобур, Хондамир ва Восифий насрининг қиёсий таҳлили). Филол. фанлари доктори ... дисс. – Т., 1998.

#### **IV. Журнал ва вакъти матбуот мақолалари**

1. Абдуғафуров А., Ўринбоев А. Япон олимининг илмий жасорати // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1996. 15 март.
2. Азимжанова С. Бобур – буюк тарихчи олим // Саодат. 1990.
3. Азимжанова С. Бобурнома қандай ёзилган // Гулистон. 1990.
4. Akhilesh Mithal. Babur: An Emperor and a Gentleman. // The Asian Age. 1996. 14 february.
5. Beveridge A.S. Notes on MSS. Of the Turki text of Babar's Memoirs. Journal of the Royal Asiatic Society, 1900.
6. Beveridge A.S. The Bābar-nāma. The Material Now Available for a Definite Text of Book // JRAS. - 1908.
7. Beveridge A.S. Further Notes on the Babar-nama MSS // The Elphinstone Codex, Journal of the Royal Asiatic Society, 1907.
8. Beveridge A.S. Further Notes on the MSS, Turki Text of Babar's Memoirs // Journal of the Royal Asiatic Society, 1902.
9. Beveridge A.S. The Haydarabad codex of the Babar-nama or Waqi'at-i-babari of Zahiru-d-din Muhammad Babar, Barlas Turk // Journal of the Royal Asiatic Society, 1905.
10. Буюк аждодларимизга эҳтиром // Ўзбекистон овози. – 2004. 3 янв.
11. Ёкуб Ҳ. Захиридин Мухаммад Бобир // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1941. – № 2.
12. Ёқубов Ҳ. Улуғ шоир ва адаб // Кизил Ўзбекистон. – 1940. – 26 дек.
13. Зоҳидов В.Ю. Захиридин Бобур // Материалы первой Всесоюзной научной конференции востовеков в Ташкенте. – Т., 1958.

14. Зоҳидов В.Й. Бобирнинг адабий фаолияти // Ўзбекистон маданияти. – 1958. – 12 апр.
15. Зоҳидов В.Й. Бобирнинг фаолияти ва адабий, илмий мероси ҳакида // Шарқ юлдузи. – 1958. – № 11.
16. Иккинчи умр // XXI аср. – 2005. – 10 февр.
17. Мадраимов А. “Бобурнома”нинг форс тилидаги қўлёзма нусхалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1974. – № 1.
18. Машрабов З. Замонини яхши ўткарди // Ўзбекистон овози. – 2005. – 12 февр.
19. “Халқ сўзи” газетаси. 1995. 24 июнь. № 120.
20. Муродов М. Бобур ҳакида афсоналар // Меҳнат ва турмуш. – 1976. – № 12.
21. Отажонов Н. Муқаммал нашр йўлида // Шарқ юлдузи. – 1990. – № 10.
22. Сатимов У. Немис адабиётида Бобур ва Алишер Навоий ижоди // Адабий мерос. – Т., 1984. – № 2 (30).
23. Сулаймонова Ф. Олам кезган асар // Совет Ўзбекистони. – 1990. – 21 окт.
24. Саламов F., Отажонов Н. Биз билган ва билмаган Бобур // Ўзбекистон овози. – 1997. – 13 февр.
25. The «Bābar-nāma: Dr. Kehr’s Version and a view Letter by Bābar // JRAS, 1908.
26. Ҳасанов С. След в веках. К 460-летию Бабур-наме. // Правда Востока. – 1990. – 19 окт.
27. Ҳасанов С. Бобур кулииётининг Техрон нусхаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2005. – 1 янв.
28. Шайхзода М. Бобир ва Навоий // Қизил Ўзбекистон. – 1940. – 23 дек.
29. Шайхзода М. Заҳириддин Бобир // Гулистон. – 1940. – № 1.
30. Шукруллаева С. “Бобурнома” нинг инглиз тилига таржимаси // Шарқ юлдузи. – 1978. № 11.
31. Шукруллаева С. “Бобурнома”нинг қисқартирилган инглизча нашрлари // Адабий мерос. – 1977. – № 9.
32. Қаюмов А. Бобир лирикасининг ғоявий-бадиий хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – 1958. – № 2.
33. Қаюмов А. Заҳириддин Муҳаммад Бобир // Фан ва турмуш. – 1958. – № 2.

34. Кудратуллаев Ҳ. Бобурнома: янги нашр // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2003. – 17 янв.
35. Қаюмов А. Камронга мактуб // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1990. – 19 окт.
36. Қаюмов А. Ўзбек адабий манбашунослиги // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1987. – № 5.
37. Холбеков М.Н. Парижнинг Миллий кутубхонасида сакланётган Шарқ қўлёзмалари каталоги // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1985. – № 5.
38. Холбеков М.Н. Бобур Фарангистонда // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1990. – 19 окт.
39. Ҳакимов М. Шарқ қўлёзмаларига доир терминларнинг кисқача лугати // Адабий мерос. – 1985. – № 2.

#### V. Илмий тўпламлар ва анжуман материаллари

1. Благова Г.Ф., К вопросу о подлинности текста “Бабур-наме” по Керовскому списку. // Краткое сообщения института народов Азии, – 1961. – XLIV.
2. Благова Г.Ф. К истории изучения “Бабур-наме” в России. // Тюркологический Сборник. К. шестидесятилетию А.Н.Кононова. – Москва, 1966.
3. Жамолов С. Заҳириддин Муҳаммад Бобир ижодини ўрганиш тарихига оид. Наманган. 1964.
4. Назарова Ҳ. “Бобурнома”да кесимнинг ифодаланиши //Тошкент давлат педагогика институти “Илмий асарлар”. – Т., 1963.
5. Захидов В.Ю. Заҳираддин Бабур // Материалы первой Всесоюзной научной конференции востоковедов в Ташкенте. – Т., 1958.
6. Сулаймонова Ф. Бобур қўлёзмалари хорижий фондларда. З.М.Бобур тавалтудининг 520 йиллик юбилейига бағишлиланган илмий анжуман материаллари. – Т., Ёзувчи 1994.
7. The Original Title of the Memoirs of Babur, Proceedings of the 35<sup>th</sup> Meeting of the Permanent International Altaistic Conference (Taipei, 1993).
8. The Weeping-willows Passage in the Babur-nama, Procee-dings of the 27<sup>th</sup> Meeting of the Haneda Memorial Hall: Symposium on Central Asia and Iran, August 30, 1993 (Kyoto, 1994).

## VI. Тиббиёт ва табобат адабиётлари

1. Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. – Тошкент: Абдулла Кодирий нашр., 1993. 3-жилд.
2. Абу Али Ибн Сино. Тиббий рисолалар. Тошкент: Фан, 1987.
3. Абу Бакр Ар-Розий. Касалликлар тарихи. Тошкент: Аблулла Кодирий нашр., 1994 .
4. Асланов А.М. Асаб касалликлари. Тиббиёт институтлари талабалари учун ўқув адабиёти. Тошкент, 1998.
5. Бадалян Л. О. Детская неврология. – Москва, 2000.
6. Голиков С.Н. Неотложная помощь при острых отравлениях. – Москва: Медицина, 1977.
7. Коновалов А.Н., Л.Б.Лихтерман. Клиническая руководства по черепно-мозговой травме. Москва, 1998.
8. Краснов А.Ф., Аршин В.М. Справочник по травматологии. – Москва: Медицина, 1984.
9. Лисенко А.Я., Кондратен А.В. Маляриялология. Ўқув методик қўлланма. Бутун дунё соғлиқни саклаш ташкилоти, Женева, 1999.
10. Лужников Е.А. Клиническая токсикология. – Москва, Медицина, 1999.
11. Маҳмуд Ҳасаний. Бобурнинг хос табиби Юсуфий табобати. – Тошкент: Фан, 1992.
12. Маҳмуд Ҳасаний. Навоий даври табобати. – Тошкент: Ибн Сино, 1991.
13. Маҳмуд Ҳасаний. Табобат хазинаси дурдоналаридан. – Тошкент, 1987.
14. Мамасолиев Н.С. Терапия. – Тошкент: Кураш, 2006.
15. Окороков А.Н. Ички аъзо касалликлари. - 12 том. Москва: Медицина, 2005.
16. Пальчук В.Т. Оториноларингология. - Москва: Медицина, 2002.
17. Сапаров Х.Б. Ўта ҳавфли юқимли касалликлар. – Тошкент, 2010.
18. Стручков В.И. Умумий хирургия. – Москва, 2002.
19. Содик Сайхун. Наманганд афросиёби бу қадимиј пойтахт Ахсиентдир. – Тошкент, 2012.

20. Табобат дурдоналари. Ҳакимлар хикояти. – Тошкент: Ибн Сино, 1990.
21. Убайдуллаев А.М. Нафас органлари касалликлари. – Тошкент: Шарқ, 2004.
22. Юсубжанов М.М. Ўта ҳавфли юқумли касалликлар. Ўрта тиббиёт ҳодимлари учун қўлланма. – Наманган, 2006.
23. Яхно Н.Н. Болезни нервной системы. – Москва: 1-том. Медицина, 2003.
24. Шомансуров Ш.Ш. Методик тавсиялари. Диагностика острых вялых параличей у детей. – Ташкент, 1998.
25. Ўзбекистон Республикасида безгак касаллиги устидан эпидемиологик назоратни такомиллаштириш түғрисида Миллий буйруқ. Тошкент. 14.04.2005.
26. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2-жилд. – Тошкент, 2001.
27. Ҳудайбердиев Ҳ.Ҳ. Асаб жарроҳлигидан амалий қўлланма. Тошкент, 1998.

## **МУНДАРИЖА**

|  |     |
|--|-----|
| Муаллифдан.....  | 3   |
| Сўзбоши ўрнида.....  | 5   |
| <b>I боб. Биз билган Бобур Мирзо</b>   |     |
| 1.1. Бобур таржимаи ҳолига бир назар.....  | 7   |
| 1.2. “Бобурнома” – буюк асар.....  | 13  |
| 1.3. Бобур – тилшунос ва адабиётшунос олим.....  | 18  |
| 1.4. Бобурнинг кўлёзма мероси.....   | 23  |
| 1.5. Бобур – саховатпеша подшох.....   | 26  |
| 1.6. Бобур – фикъшунос олим.....   | 30  |
| 1.7. Бобурнинг икки буюк фармони.....  | 35  |
| <b>II боб. Мен Сиздан шифо топдим</b>  |     |
| 2.1. “Бобурнома” да шаҳарлар ва табиат тавсифи.....                                    | 42  |
| 2.2. Шифобахш ўтлар таърифи.....   | 47  |
| 2.3. Бобурнинг дардига шифо – унинг эътиқоди.....                                      | 49  |
| 2.4. Дардга даво “Хатти Бобурий”.....  | 56  |
| 2.5. Бобур даврида табобат ва шифохона.....  | 60  |
| 2.6. Бобурнинг заарли одатдан воз кечиши.....  | 64  |
| <b>III боб. Дард, табобат ва ўлим</b>  |     |
| 3.1. “Бу навбат ёмон беҳузур бўлдум” <sup>71</sup>                                     |     |
| 3.2. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг касаллик тарихи баёни –<br>“Амбулатор карта”си..... | 82  |
| 3.3. Бобурнинг маҳфий васияти.....   | 133 |
| 3.4. Ўлимолди саройдаги фитналар.....  | 135 |
| 3.5. Бобур Мирзонинг ўлими.....  | 138 |
| 3.6. Бобур Мирзонинг хос табиби<br>Юсуфий ибн Муҳаммад Юсуф ҳақида.....                | 141 |
| <b>IV боб. Биз билмаган мерос</b>  |     |
| 4.1. Бобур қиличи.....   | 146 |
| 4.2. Ахсикент қиличи.....  | 150 |
| 4.3. Бобур муҳри.....  | 154 |
| 4.4. Бобур портрети.....   | 156 |

|                                  |     |
|----------------------------------|-----|
| 4.5. Бобур тангаси.....          | 157 |
| 4.6. Бобурийлар кутубхонаси..... | 159 |
| Хотима.....                      | 163 |
| Фойдаланилган адабиётлар.....    | 164 |

*Адабий-бадиий нашр*

Нашриёт мухаррири: Файзи Шоҳисмоил  
Мусаххиҳа: Камола Болтабоева  
Техник мухаррир: Беҳзод Болтабоев

«MUMTOZ SO‘Z»  
масъулияти чекланган жамияти  
нашриёти

Нашриёт лицензияси AI № 103. 15.07.2008  
Теришга берилди: 01.05.2013  
Босишга рухсат этилди 28.05.2013  
Қоғоз бичими 60x84 1/32. Офсет қоғози  
Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт тобоғи 10,0  
Шартли босма тобоғи 11,0. Адади 300  
Баҳоси келишилган нархда

**«MUMTOZ SO‘Z»**  
масъулияти чекланган жамиятининг  
матбаа бўлимида чоп этилди. Буюртма 07-13  
Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.  
Тел: 241-81-20